

Мавзу-1. Фалсафанинг предмети ва асосий мавзулари. Фалсафий дунёқараш. Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашнинг янги ланиш зарурати.

Режа:

Фалсафа, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мақсади.
Фалсафанинг предмети, илмий муаммолари ва вазифалари.
Дунёқараш тушунчаси. Дунёқарашнинг тарихий типлари.

Адабиётлар:

Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарпорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., “Ўзбекистон”, 1997 й.

Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., “Ўзбекистон”, 1997 й.

Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., “Ўзбекистон”, 1998 й.

Каримов И. “Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман”. “Фидокор” газетаси. 2000 й. 8 июн.

Ўзбекистон ХХI асрга интиломқда. ҒТ., “Ўзбекистон”. 2000 й.

Основы философии. –Т., “Ўзбекистон”, 1998 й.

1.

Ҳар бир фан шу фанга тегишли бўлган биринчи тушунчани, яъни унинг номини ифодаловчи атамани энтимологик маъносини очиб бериш билан бошланади.

“Философия” атамаси в у ифода этадиган билимлар мажмуаси Қадимги Юнонистонда эрамиздан аввалги VII-III асрларда Пифагор ва Платон томонидан биринчи бор эътироф этилган. Қадимги Юнон тилида (“фило” – севаман”, “софия” – донолик, донишмандлик) ни англатади.

Қадимги Юнонистонда барча фанлар философия номи билан аталган. Олимларни философлар деб аташган.

Шарқда философия сўзини “Ҳикматни кадрлаш” деб таалқин этилган. Абу Наср Форобий Юнон философиясини Шарқдаги тарғиботчиси сифатида философия сўзини маъносига олам сирларини билиш, ҳаёт ва инсонни кадрлаш, ҳаётни мазмуни ҳақидаги қараш ва ҳикматларни эъзозлаш маъносида ишлатган.

Фалсаф вужудга келгандан бошлаб то ҳозирги кунгач ҳам ҳаёт

юзага келтирган турли-туман масалалр, инсон ва инсониятни қизиқтириб келган муаммолар билан шуғулланган. Шу боис ҳаёт фалсафа фанини мабан десак хато бўлмайди.

Ҳозирги кунда фалсафий ғояларнинг эскирмаслиги, уларнинг инсон дунёқарашини шакллантириш ва ривожлантиришдаги роли тобора ортиб бориши ҳам бу фаннинг ҳаёт билан узвий боғлиқлигидадир. Фалсафа қадимдан инсон ва инсониятни яшаш мазмуни билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечимини топишга ёрдам берган.

Фалсафа инсониятнинг бир неча минг йиллик тарихий тараққиёти давомида яратилган маданиятнинг жралмас таркибий қисми бўлиб, илмий билимлар орасида муҳим ўрин тутди. У борлиқнинг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганиб, кишиларда олам ҳақида яхлит илмий тасаввур хосил қилади.

Фалсафа дунёқараш характеридаги фан ҳисобланади. Уни бошқа фанлардан фарқи ҳам илмий дунёқараш масалалари билан шуғулланишидадир.

Бу фаннинг олдида қўйилган вазифаларига ва унинг ҳаётидаги ўририга қараб, инсоният тарихини турли даврларида унга бўлган муносабат ҳам ўзгариб борган. Бу муносабатлар дастлабки жамиятни маънавий ҳаётини ўзагини ташкил этувчи сиёсий, диний, ҳуқуқий, мафкуравий, ахлоқий, эстетик, илмий санъат ва унинг турларида ўз ифодасини топган.

Фалсафанинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамияти нимадан иборат, деган масала ҳамма даврлард ҳам долзарб бўлган. Айниқса, тарихий тараққиётнинг туб бурилиш даврида бир қадриятлар тизимини ўрнига бошқаларини келиши бу фанни асл моҳиятини билиш, унинг усул ва ғоялари кучидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фалсафий қадриятлар тизими бошқа фанлардаги ғоялар тизими билан уйғунлашганда ҳамд жамиятни сиёсий в мафкуравий ҳаётдан муҳим ўрин эгаллаганда у буюк дунёни ўзгартирувчи кучга айланади.

Ҳар бир фалсафий ғоя, мафкура, билимлар тизими асосан ўз даври хусусиятларини акс эттиради. Шу маънода жамиятни маънавий эҳтиёжлари талбларига муайян тарихий тараққиёт босқичидн туриб жавоб излаб топишига ҳаракат қилади.

Фалсафани олий мақсади фан сифатида дунёни яхлит бир бутун илмий мафкурасини яратиш. Бу фаннинг илмий хулосаларини

инсоният учун хизмат қилдиришдан иборат.

2.

Ҳар бир фаннинг ўз предмети бўлганидек, фалсафанинг ҳам предмети, унинг баҳс қиладиган мавзуи бордир. Фалсафа фанини предметини чуқур ва батафсил баён этиш учун философия тарихига ва бу фан шуғулланиб келган масалаларига бир оз тўхтаб ўтиш зарур бўлади.

Философия илк даврлардан бошлаб умумий масалалар билан бир қаторда, жузъий масалалар ҳақид ҳам фикр юритиб келди.

Масалан, қадимги натурфилософия (табиат фалсафаси) уддасидан чиқса-чиқмаса брч билимларни ўзида қамраб олиб, фанларнинг фани даъвосини қилган эди. Лекин айрим табиий ва ижтимоий фанларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан философия бирин кетин кўпгин жузъий проблемалардан қутила борди. Ушбу жараён ўз мрҳияти билан прогрессив характерга эга эди. Чунки айрим табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши бир томондан табиат ва жамият ҳодисаларининг муайян ва чуқурроқ ўрганиш имкониятини берган бўлса, иккинчи томондан фалсафа ўз муаммолари билан янада чуқурроқ шуғулланиш имкониятини беради.

Уйғониш (реннесанс) даврида, айниқса, XVII асрдан бошлаб табиий фанларни бирин-кетин фалсафадан ажралиб чиқиши, ишлаб чиқаришни, саноатни янада ривожланишига сабаб бўлиш билан бирга бу фанлар қатори фалсафанинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Чунки айрим фанларни мустақил равишда ривожланиши философияни бошқа фанларнинг “вазифасини” ўташдан ҳам озод қила борди. XIX асрга келиб табиатшуносликдаги буюк инқилобий кашфиётлар, айниқса, уч буюк кашфиёт табиатда бўладиган жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлигини ва турли фанлар ўртасидаги боғлиқликни ҳам анчагина яққол қилиб қўйди.

Табиатшуносликнинг бундай ривожи эски натурфилософияга барҳам берди. Табиатнинг умумий манзарасини ҳаёлий ва етмай қолган фактлар ўрнига уйдирмаларни қўйиб тушунтиришга энди хожат қолмади.

XX асрда фан тараққиёти мисли кўрилмаган илмий кашфиётларга эришди. Асрлар оша давом этиб келгн фанларнинг ажрлиб чиқиш (дифференциация) жараёни янада тезлашиб кетди. Ҳозирги замон фани бир неча мингдан ортиқ илмий тармоқларга бўлинган билимлар системасини қамраб, ҳаракатланувчи

материянинг турли-туман жузъий қонунларини таҳлил этмоқда.

Бу жараёндан фойдаланган баъзи бир ғарб фалсафий таълимотлари “Фалсафа ўз предметидан мҳрум бўлиб, кераксиз фанга айланди” деган хулосаларга кела бошлшди.

Чунончи, XIX аср ўрталаридан бошлаб ғарб философиясида кенг тарқалган оқимлардан бири позитивизм намоёндалари (масалн, немис файласуфи Г.Рейхенбах) фан ҳеч қандай философияга муҳтож эмас, “фан – ўзига ўзи философиядир” деган шиор билан чиқиб, философияни фан сифатида рад этишга ва бошқа фанларни философиядан айириб, уни боши берқ кўчага қамаб қўйишга уринган эди. Инглиз файласуфи Б.Рассел фикрига эса философия теология билан фан ўртасидаги ўта миёна бир нарсадир. Бир томондн, философия теологияга ўхшаб, ҳозирги вақтгача муайян бир билимга эришилмаган масалалр ҳақида фикр юритади, бирор иккинчи томондан, фанг ўхшаб, илдизи анъаналарда ёки кашфиётда бўлган обрўли кучга эмас, балки кўпроқ инсоннинг идрокига мурожаат қилади. Мен аминманки, ҳар қандай аниқ билим фанникидир: “Аниқ билим доирасида чиқадиған нарсалар ҳқидаги догмаларнинг ҳаммаси теологияга қарашлидир. Бирок, теология билан фан ўртасидаги эгасиз ер бор-у, ҳар икки томон ҳам унга кўз олайтиради. Бу эгасиз ер философиядир”. БюРасселнинг бу фикри асоссиз ва хатодир. Чунки, чинакам илмий философия умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг диалектик бирлиги асосида, у аниқ фанларнинг далилларига таянган ҳолд иш кўради. Теологияга дунёқарашни бир шакли сифатида қарайди.

Ҳозирги замонда фанларни жадал суъратларда ривожланиши фалсафани бошқа фанлардан ажралиб қолишига олиб келмайдими? Йўқ албтга. Барча жузъий фанлар билан фалсафа ўртасидаги узвий диалектик алоқа шундаки, табиий ва ижтимоий фанларнинг биронтаси ҳам табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос бўлган энг умумий қонунияларни ўрганмайди, улар ҳақида баҳс юритаолмайди. У фанларнинг ҳар бирининг ўз предмети ва ўз қонуниятлар бор, материя ҳаракат формаларининг айрим жузъий тармоқларини, масалан, механика, механика қонунларини, химия – атомларнинг бирлшуви ва парчаланиш ҳамд бошқа қонунларни, биология тирик маавжудодларнинг яшаш қонуниятларини, ижтимоий фанлар эса жамият тараққиётининг турлича тармоқларини ўрганади, фалсафадан тшқари моддий оламга хос энг умумий қонуниятларни ўрганадиған бирон бошқа фани йўқ.

Шундай экан, фалсафанинг предмети бу бутун оламда амал қиладиган энг умумий қонунлари, шунингдек онгнинг материяга, тафаккурнинг инсон онгидаги инъикосини, оламини билиш қонуниятларини, табиат жамият ва инсон тафаккури ҳаракати ва ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрганишдан иборатдир.

Масалан, табиат, жамият ва инсон тафаккурига хос умумий қонуниятлардан: қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши, миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш, инкор қонунларини, шунингдек, сабаб ва оқибат, зарурият ва тсодиф. Сабаб ва оқибат каби умум методологик категорияларни биронта бир жузъий фан ўрганмайди. Буларнинг барчаси фақат фалсафа предметига тегишлидир.

Фалсафа билан бошқа табиий ва ижтимоий фанлар ҳам ўзро узвий боғлиқдир. Улар бир-бирига мухтож, бирдан иккинчиси озикланиб, бойиб ривожланади. Буларнинг ҳаммаси биргаликда чексиз ва бепоён олам манзарасини мумкин қадар чуқур ва атрофлича акс эттиради.

Фалсафанинг предмети тарихан ўзгарувчан характерга эгадир. Инсонни ўзини-ўзига ва ташқи дунёсига бўлган муносабати фалсафанинг абадий предмети бўлса ҳам, инсон дунёни “соф” объектив илмий манзараси билн қиниқмайди, балки инсон ўзининг ўлчами билан объективликни билишда ва баҳолашда муайян тарихий тараққиёт босқичида ўзгартиришлар киритади. Хуллас, Гегель ибораси билан айтганда, “Ҳар бир философия муайян тарихий тараққиёт босқичини маҳсулидир”.

Фалсафани жамият ҳаётидаги роли юқорида айтганлар билан чекланмайди. Унинг асосий роли фалсафанинг жамиятда илмий билишда бажарадиган асосий функцияларида янада муайянроқ нмоён бўлади. Унинг бундай асосий функциялари қуйидагилардан иборат: 1) дунёқараш функцияси; 2) методологик функцияси; 3) аксиология; 4) гиосеологик; 5) тарбиявий; 6) башорат қилиш; 7) праксеологик функциялар.

Фалсафанинг дунёни бир бутун ҳолда олиб, унда инсоннинг дунёга муносабати ҳақидаги барча билимларни назарий жиҳатдан умумлаштириб, ўзлаштириш асосида бизни бир бутун дунё: борлиқ, материя, табиат, жамият, инсон, инсон онги ва тафаккури, инсоннинг дунёни билиши тўғрисидаги энг умумий қарашлари билан қуроллантиради. Бу фалсафанинг дунёқараш функциясидир. Дунёқараш функцияси фалсафани, фалсафий билимларнинг асосий

хусусиятидир.

Фалсафанинг методологик функцияси. Фалсафа ўз тадқиқот предмети сифатида борлик, материя, табиат, жамият, инсон, инсоннинг дунёни билишдаги энг умумий қонунларини ўрганadi. У бунда инсон тафаккури ва билишига оид энг умумий тушунчалар-категориялар системаси билан иш кўради. Бу категориялар ичида энг муҳим ўринларни борлик, материя, онг, тафаккур, предмет, ҳодиса, жараён, хисса, муносабат, ўзгриш, ривожланиш сабаб ва оқибат, тасодиф ва зарурият кабилар ташкил этади. Фалсафа ўзининг категориялар системасидан ташқари ўзининг универсал принципларини ҳам ишлаб чиқади. Унинг бу категориялари, принциплари ва қонунлари инсоният билимлари системасининг ҳамма соҳаларига, уларнинг бутун мазмунига сингиб кетган бўлади. Борлиқнинг турли муайян томонларини ўрганувчи алоҳида, хусусий аниқ фанлар ўзлари эришган ютуқларни умумлаштиришда, улардан умумий хулосалар чиқаришда фалсафий категориялар ва принциплардан фойдаланишга муҳтож бўладилар. Бундай ҳолларда барча аниқ алоҳида фанлар учун фалсафа методологик роль ўйнайди.

Масалан: сабабаият принципини аниқ фанларда амал қилиши илмий философия томонидан узоқ давом этган изланишлар орқали қўлга киритилган. Дунёда ҳеч бир нарса ёки ҳодиса сабабсиз пайдо бўлмайди ва йўқолиб кетмайди. Бу категория ва принцип фанлар учун ҳам дунёқараш ҳам методологик функцияни бажаради.

Биобарин, фалсафий дунёқарашнинг тарбиявий функцияси юқорида зикр этилган бошқа вазифларининг асоси сифатида тушуниш керак. Бу – кишиларда кенг ва теран фикрлаш қобилиятини вужудга келтириш асосида бағрикенглик, муроса, ҳар қандай низоли вазиятлардан маданий йўл билан ҳал қилиш, келажакка умид ва ишонч руҳини шакллантиришдан иборат. Ижтимоий ва гуманитар фанлар учун назарий ва амалий йўлларни кўрсата бера олишлигидадир.

Аксеологик функцияси – кадриятларни келиб чиқиши ривожланиши қонуниятларини таҳлил қилиш асосида муайян жамият учун кадриятлар тизимини яратишда иштирок этади. Масалан: миллий истиқлол мафкурасини кадриятлар тизими.

Фалсафа инсон ижтимоий-тарихий тажрибасининг ҳамма шакллари: амалий ўзгарувчанлик, билувчанлик ва кадрият фаолиятларини бирлаштирувчилик вазифаларини бажаради. Уларнинг фалсафий жиҳатдан бир бутун ҳолда тушунилиши

ижтимоий ҳаётнинг муҳим шртидир. Масалан, олиб борилаётган сиёсат тўғри бўлиши учун у фан, ахлоқ ва бошқа нормалардан келиб чиқиб, олиб борилиши лозим. Бугунги кунда ҳуқуқий жиҳатдан таъминланмаган, илмий жиҳатдан асосланмаган, гуманистик ахлоқ нормаларидан келиб чиқмайдиган, халқларнинг миллий, диний ва шу каби ўзига хос томонлари билан ҳисоблашмайдиган, соғлом ақлга асосланмаган умуминсоний қадриятларга таянмаган сиёсатни юритишнинг ўзи ўта кетган бемаънилиқдир. Иккинчи савияни тушуниш учун муайян кўргазмани (схемага қаралсин).

Прогрессив, илмий гоя, таомйил, назарияларни химоя қилиш
ва сафарбар этиш

3.

Дунёқараш тушунчасини турлича изоҳлаш, таърифлаш мумкин. Фалсафий плюрализм бунга йўл қўяди.

Дунёқараш, бу аввало, инсоннинг зарурий равишда дунёни англаш, тушуниш, билиши натижасида юзага келадиган қарашлар системасидир. Дунёқараш дунёнинг инсон онгида ўзига хос инъикоси бўлиб, у инсоннинг дунёни ва ўз-ўзини англашнинг алоҳида шаклидир. Дунёқараш инсоннинг уни қуршаб турган дунёга бўлган муносабатларини ифодаладиган муайян кўмақлари, билимларидир. Дунёқараш, шу билан бирга, инсоннинг дунёни

маълум дражада тушуниши, англаши, билиши, баҳолаши ва шулар асосида амалий ўзлаштириши ҳамдир. У инсоннинг дунёни бир бутун ёки турли-туман ҳолда кўриши, идрок этиши тасаввур қилиши, тушуниши, инсоннинг дунёдаги ўз ўрни ва ролини белгилаши ҳамдир.

Дунёқараш ижтимоий-тарихий характерга эга. Бу жиҳатдан ҳар бир даврнинг, ҳар бир авлоднинг, ҳар бир кишининг, ҳар бир миллатнинг ўзига хос дунёқараши бўлади.

Дунёқарашнинг бошқа бир ўзига хос хусусияти шуки, унда фалсафа, ҳуқуқ, фан, сиёсат, санъат, дин, ахлоқ ва шу каби ижтимоий онг сохалари асосида қарор топган маълум муносабатлар акс эттирган ва синтезланган бўлади.

Дунёқарашнинг структурасига биз борлиқнинг оддий онгда инъикоси сифатида ҳосил бўлган тасаввурлар ва тушунчалардан тортиб, тафаккурда мантикий жиҳатдан назарий асосда қайта ишланган фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, ахлоқий, диний ва илмий билимлар, нуқтаи-назарларни, эътиқод ва ишончларни жамини киритамиз.

Дунёқараш бир бутун система бўлиб, унинг таркибий элементлари диалектик алоқадорликни ташкил этади. Шунини таъкидлаш керакки, дунёқарашлар инсонни борлиқни акс этиши ва унга бўлган муносабатдан келиб чиққан ҳолда прогрессив, регрессив, ғайриинсоний бўлиши мумкин.

Энди биз дунёқарашнинг тарихий типлари ва уларга хос хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

Дунёқарашнинг дастлабки тарихий типи мифологик дунёқарашдир. Мифологик (юнонча: митос – нақл, ривоят; логос – фикр, таълимот дегани) дунёқараш инсоният тарихий тараққиётининг илк босқичида шаклланган бўлиб, инсоннинг дунёни тушунишнинг ўзига хос усули сифатида пайдо бўлган. Бу дунёқараш итидоний онгда воқеликнинг хаёлик инъикоси бўлиб, уни тўқма образларда ифодаланиши характерлидир.

Мифологик дунёқараш қадимги давр кишилари томонидан яратилган, тўқилган шаклларда, ривоят ва афсоналарда ўз ифодасини топгандир. Ҳар бир халқда ўзининг узоқ тарихий ўтмишига хос ривоятлар ва афсоналари мавжуд. Уларда бу халқларнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш ва фикр тарзлари, ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатлари хаёлий тарзда худолар, илохий кучлар ва афсонавий қахрамонлар образларида ғайритабиий, ёвуз кучларга қарши кураш

олиб борадилар. Оқибатда, бу курашларда доимо адолат ва ҳақиқат тантана қилишига умидвор бўлганлар. Бундай ривоят ва афсоналар дстлабки пайтлрда халқ оғзаки ижоди намуналарида, кейинчалик ёзув пайдо бўлиши билан тараққий топган халқларда ўзига хос адабий асарларда ўз ифодасини топган.

Бунга мисол сифтида бир қадимги юнон эпослари – “Илиада ва Одиссея” ни, Хинд эпоси “Рамайна”ни, қирғиз халқининг эпоси “Манас” нинг ўзбек халқ эпоси “Алпомиш” ва шу кабиларни келтиришимиз мумкин.

Дунёқарашнинг иккинчи тарихий типи диний дунёқарашдир. Диний дунёқараш бу ғайритабиий кучларга реал мавжудлигига ишонишга асосланган. Воқеликни фантастик образларда акс эттиришнинг ўзига хос дунёқараш шаклидир.

Диний дунёқараш ўзининг атрубутив элементлрига эгадир. Булар Худони мавжудлигига ишониш ва эътиқод қилиш, диний адабиётлар ва кадрийатлар системасини мавжуд бўлиши, диний авторитетларга кўр-кўрон сиғиниш, диний урф-одатлар, анъаналар, расмрусм, байрамлар ва маросимлар, диний ташкилот ва институтларни мавжуд бўлиши билан белгиланади. Диний дунёқарашкучайиши билан у жамиятни ижтимоий онг даражасига кўтарилган. Инсониятни муайян тарихий тараққиёт босқичларида хаттоки идеология даражасига кўтарилган.

Фалсафий дунёқараш. Фалсафий дунёқараш мифологик ва диний дунёқарашлардан фарқли улароқ, дунёни рационал тушуниш ва тушунтиришга қаратилган назаарий қарашлар тизимидир. Фалсафий дунёқараш реал кузатишлар, мантиқий таҳлиллар; умумлаштириш, назарий ҳулосалар чиқариш, исботлаш асосида фикр юритишдир. Қадимда фалсафий дунёқараш асосида дунёвий фалсафанинг келиб чиқиши ва ривожланишига замин тайёрланган. Дунёни рационал тушуниш ва тушунтириш фалсафий дунёқарашнинг энг асосий хусусиятидир. Бундай хусусият кейинчалик дунёвий фанларни мантиқий услуб, шаклларга ва воситаларга эътиборини кучайтирди. Оқибатда табиат тўғрисидаги фанларда буюк инқилобий ўзгаришлар замини бўлиб хизмат қилди.

Албатта фалсафий дунёқараш хилма-хил ва ранг-баранг кўринишларига эга бўлишига қарамасдан, дунёни қандай бўлса шундайлигича тушуниш ва тушунтириш ғояси доминант ғоя сифатида ижобий амлий натижаларга олиб келди.

Тасодиф эмаски, фалсафа ўша даврларда фанлар фани сифатида тан

олиниши. Лекин натурфилософия ўзининг тарихий миссиясини бажариб, кейинчалик дунёвий фанлар ривожига бошчилик қилолмади.

Фалсафий дунёқараш ўзининг хилма-хил турлари ва шаклларига эга бўлиши билан бирга, тарихда уларнинг диапозони кенг бўлиб, прогрессивлик билан регрессивлик, дунёвий ва диний, хаттоки ғайриинсоний ғоялар ва қрашлар билан суғорилган бўлган. Уларнинг ичида илмий фалсафий дунёқараш ҳам шаклланиб борган.

Илмий фалсафий дунёқараш бошқа фалсафий дунёқараш турлари ва шакллари билан фарқ қилган ҳолда ўзининг дунёни инъикос қилиш, тафаккур қилиш шакллари ва услубларига эга бўлган. Илмий фалсафий дунёқараш шаклаан фанлар траққиётининг кейинги тарихий босқичида шаклланган бўлса ҳам, унинг заминини аввал материалистик ва қисман идеалистик фалсафий таълимотлар ташкил этган.

Илмий фалсафий дунёқараш ўзининг юқори даражада бўлган рационаллик принципини сақлаб қолиш асосида, илғор материалистик таълимотларнинг дунёни қандай бўлса шундайлигича тушуниш ва тушунтириш принципига содиқ қолди ва ривожлантирди.

Илмий фалсафий дунёқараш бошқа фалсафий дунёқарашлардан туб сифат жиҳатдан фарқ қилган ҳолда ўзининг мезонларига эгадир. Улар – объективлик, мантиқан изчиллик, тажрибада синалган ва исботланган назариялар, детерминизм, ҳақиқат билимларни объект ва ҳодисаларга мос келиши билан ифодаланиш ва х.лар. Илмий фалсафий дунёқараш ўзининг тарихан шаклланган тамойилларига ҳам эгадир.

Улар – илмийлик; тарихийлик ва мантиқийлик; универсаллик; мақсадлилик; ғоявийлик; назария ва амалиёт бирлиги в шу кабилар.

Илмий фалсафий дунёқараш доимий равишда тбиий ва ижтимоий фанлар ютуқларига таянади ва улардан умумий илмий хулосалар чиқаради.

Маълумки, ҳозирги куннинг талаби фалсафа фанининг назарий асосларини қайта кўриб чиқишга даъват этмоқда. Эскича назарий қолиплар ва стереотиплардан воз кечган ҳолда ҳозирги кунни талабларига жавоб берадиган фалсафани яратишимиз зарурдир.

Янгича фалсафа фани – умуминсоний қадриятлар устуворлиги эътироф этиш билан бир қаторда миллат ва шарқ хлқларининг фалсафий қарашларини чуқур атрофлича объектив очиб

бермоғимиз зарур.

Президентимиз И.А.Каримов қайд қилганидек, давр халқимиз дунёқарашимиз миллий истиқлол рухида ислоҳ қилишни қатъий талаб қилмоқда. Янгича фалсафамизни истиқлол ғоялари билан уйғунлаштириб ривожлантиришимиз даркор. Янги давр фалсафаси – ҳаётдан ажралиб қолган мавқум назарий масалалар билан чегараланиб қолмасдан, балки мустақил давлатимизни мустаҳкамлашга оид бўлган масалалар билан шуғулланиши керак. Ҳар қандай фаннинг асосий вазифаси – жамиятга хизмат қилишдан, унинг олдида турган муаммоларни ечишга кўмак беришдан иборатдир.

Учинчи саволга кўргазмали схема тўлдиради ва аниқлик киритади.

Дунёқараш тушунчасини вариантлари:

Дунёқараш бу инсонни ўзи ва дунё тўғрисидаги муайян билимларга асосланган ҳаётий позистиясидир;

Дунёқараш бу инсон томонидан дунёни хис этиш, тушуниш ва англаб олишнинг ўзига хос шаклидир;

Дунёқараш ва қарашлар, ғоялар, тасаввурлар, назария ва қадриятлар тизимидир;

Дунёқараш бу инсон томонидан дунёни ўзига хос инъикос этиш шаклидир.

2-мавзу. Қадимги Шарқ ва Антик дунё фалсафаси.

Режа:

Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда фалсафий фикрни вужудга келиши ва шаклланиши.

Қадимги Юнон ва Рим фалсафаси.

Антик дунё фалсафасини жаҳон маданияти ва фани учун аҳмияти.

Адабиётлар:

Каримов И. “Маънавий юксалиш йўлида”. Т. “Ўзбекистон”, 1998 й.

Каримов И. “Истиқлол ва маънавият”. Т. “Ўзбекистон”. 1995 й.

Каримов И. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Т. “Мулоқот” журнали, 1998 й. 5 сон.

Основы философии. –Т. «Ўзбекистон», 1999 й.

Христоматия по философии. –М., 1997 й.

Йўлдошев С. “Антик фалсафа”. –Т. 1999 й.

Мўминов И.М. Тўпланган асарлар. Т. 1969 й.

Конфуций. “Уроки мудрости”. М. “Наука”. 1998 й.

1.

Қадимги Ҳиндистонда фалсафий фикрни вужудга келиши эрамиздан аввал 1000 йилларга тўғри келади. Ҳинд фалсафаси ўша даврларда машҳур бўлган диний-мистик ёзма манбаларда ўз ифодасини топган. Бу ёзма манбаларидан бири “Веда” ҳисобланади. “Веда”лар эрамиздан аввал 1500 йил олдин ёзилган бўлиб, ҳиндлар учун муқаддас китоблар ҳисобланган. Ведалар орқали ҳиндистон ёшлари тарбияланар эди. “Веда”лар ҳиндларнинг қадимги тарихи, иқтисодиёти, дини, фалсафаси, ахлоқ ва нафосатига оид фикрлари акс этган. “Веда”лар тўрт тўплам шаклида ифодаланган. Булар – “Ригведё”, “Самоведа”, “Яжурведа”, “Ахтарведа”дир.

Лекин Ҳинд фалсафасининг асосларини биз “Унанишадалар” номи билан машҳур бўлган манбаларда кўпроқ учратамиз. “Унанишадалар” сирли таълимот сифатида “Веда”ларнинг фалсафий қисмини ташкил этган.

“Унанишадалар” даги фалсафий мавзулар асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётидаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳиятини билиш имкониятининг чегаралари, ахлоқ меъёрлари ҳақидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний-мифологик ва бадиий тўқма образларда

баён этилган. Мисол тариқасида катта этик дostonларни – “Рамаяна” ва “Маҳабҳорат” асарларни келтириш мумкин.

Қадимги Ҳинд фалсафий мактаблари асосан икки қисмга бўлинади. “Веда”ларни муқаддаслигини эътироф этувчи ва ҳимоя қилувчи мактаблари. Уларга – Ведант, яанкхья, йога, Вайшешика, Иьяя ва Мимионса мактаблари киритилади. “Веда”ларни инкор этувчи ёки қисман қўллаб қувватловчи мактаблар, уларга – Чорвака-локоята, Буддизм ва жайнизм фалсафий таълимотлари ташкил этади.

Чорвака-локоята тарафдорлари материалистик таълимотни илгари сурганлари учун “Веда”нинг муқаддаслигини тан олишмайди ҳамда олам илоҳий куч томонидан яратилмаган “Веда” ҳақиқий билим бермайди, деб таъкидлашади. Бу мактабнинг асосчиси Брихаспати ва унинг издошлари ердан бошқа тарзда ҳаётнинг бўлиши мумкин эмас, деган фикрни олғқ сурдилар.

Чорвака номи билан аталадиган фалсафий исм тарафдорлари, дунёни, табиат ҳодисларини қандай бўлса ўшандай тушунтирмақ керак, деган талабни илгари сурган эдилар. Уларнинг фикрига, бутун олам олов, сув, ҳаво, тупроқ йиғиндисидан иборат, инсон ана шу тўрт унсур бирикмасидан ташкил топган.

Чорвакалар дунёни ҳеч ким яратган эмас, балки унинг заминида моддий элементлар бирикиши ётади, деб ҳисоблайдилар. Ҳамма нарсаларни келиб чиқиши ва мавжудлигини сабабини моддий дунёни ўзидан излаш кераклигини эътироф этадилар. Бундай қарашлар ўз даври дунёқараши учун илғор ғоялар ҳисобланади.

Буддизм ва Жанизм диний-фалсафий мактаблар бўлишига қарамай, улар ҳам “Веда”нинг муқаддаслиги тан олмаган. Санкхья қадимги Ҳиндистондаги дуалистик фалсафий мактаб бўлиб, олам асосида модда ва руҳ ётади, деб ҳисоблайди. Бу оқим бўйича, асосан, оламдаги барча нарсалар икки унсурнинг турли тенг миқдорда бирикишидан юзага келади, олам сабабият орқали ривожланади, оламда учта сабаб мавжуд, дейдилар. Улар қуйидагилардир: моддий сабаб, яратувчи сабаб, алоқадор бўлмаган сабаб. Бу фалсафий мактаб тўғрисида Абу Райхон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида бтафсил маълумотлар бериб кетган.

Умуман Қадимги Ҳиндистонда фалсафий фикр ривожини икки ҳил дунёқарашни шаклланиши ва улар ўртасида муросасиз курашни келиб чиқишига замин тайёрлади.

Бу дунёқарашлар, яъни диний ва дунёвий билимларга асосланган бўлиб, фалсафада идеализм билан материализмни курашига олиб

келди.

Ҳиндистон каби Хитой ҳам қадимги йирик маданият ўчоқларидан бири ҳисобланади.

Хитойда фан ва маданият ўзига хос ҳолда ривожланган.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда қадимги Хитой мафкурасида икки йўналиш кўзга ташланади. Бу консерватив ва илғор, мистик ва атеистик тенденциялардир. Улар ўртасидаги кураш содда материалистик қарашлар шакллана бошлайди. Ўша даврларда Хитойда кўзга кўринган таълимотлардан бири бу “Даосизм” мактабидир. Бу таълимот бўйича дунё абадий ва у беш унсур - олов, сув, ер, ҳаво, дарахт ёки металлдан ташкил топган, деб таъкидланади. Бу таълимотнинг асосчи Лоа-Цзи (VI-V асрлар) фикрига, олам, жамият ва инсон ҳаёти Дао қонунига бўйсунмоғи лозим. Дао қонуни – табиатнинг яшаш қонунидир, ундаги ҳилма-ҳиллик кураши ва уйғунлиги абадийлигининг эътироф этилишидир. Бу қонунга кўра, оламнинг асосини ташкил этувчи “Ци”, яъни беш унчур – олов, сув, ҳаво, ер ва ёғоч ёки металл оламдаги барча жисмлар асосини ташкил этади ҳамда уларнинг юзага келишини таъминлайди. Лоа-Цзининг таъкидлашича, оламда ҳеч бир нарса доимий ва ўзгармас, ҳаракатсиз ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Даосизмга биноан, дунёдаги ҳамма нарса бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб туради. Қарама-қарши кучлар ўртасидаги кураш, яъни Инь ва Янь орасидаги муносабат – бизни ўраб турган оламни ҳаракатга келтирувчи кучлар манбасидир. Инь ва Янь ўртасидаги кураш даони англатади. Одамзод бу кураш жараёнида доимо яхшилик томонидан туриши, ўзини қурмай турган табиат ва атрофдаги оламга меҳр кўрсатиш лозим. Бўлмаса Дао қонуни бузиладива бундай жойда бахтсизлик, фожиа юз беради.

Даосизм вакиллари билишда хиссий ва мантиқий жихатларнинг мавжудлиги масаласини ўртага қўйиб, билишда хиссиёт ва амалиётнинг ахамиятини камситиб, аҳлий билишни мустаҳкамлаштирган.

Эрамиздан V-III асрларда вужудга келган конфустийчилик қадимги Хитойда тарқалган фалсафий таълимотлардан бўлиб ҳисобланади.

Унинг асосчиси Хитой мутафаккири Конфузий (эр.ол. 551-479) йилларда яшаган. Конфузий таълимотида умуминсоний қадриятларнинг Хитой халқи турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос турмуш тарзида ўзига хос тарзда намоён бўлиши, бу халққа хос маънавий мезонлар акс этган.

Бу таълимот бир неча асрлар давомида ушбу ҳудудда миллий ғоялар мажмуи, миллатнинг мафқураси сифатида одамларнинг маънавий онги ва қиёфаси шаклланишига таъсир кўрсатган. У ҳозирги Хитойда ҳам ўзининг муайян аҳамиятини сақлаб қолган.

Конфуций фикрига, оламни осмон бошқаради. Осмон иродаси – тақдирдир. Биз яшаб турган олам, ундаги тартиб осмон ҳукмдори томонидан юборилган. Жамият ҳаётидаги тартибга қаттиқ амал қилиш талаб этилади. Тартиб, Конфуций нуқтаи назарига кўра, илоҳий мазмунга эга ва унинг моҳиятини “Ли” тушунчаси белгилайди. Бинобарин, жамиятдаги барча ҳаракатлар унга биноан амалга ошиши лозим. Тартиб – инсоният жамоасининг энг олий ҳаётий қадриятларидан биридир. Бу масалада Конфуцийнинг ахлоқий таълимот ижтимоий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўринга эгадир. Жамиятда ахлоқий муносабатлар Конфуций бўйича инсонпарварликни ўсишига, ўзаро ҳамкорликга қаратилгандир. Унинг фикрича, шахс фақат ўзи учун эмас балки жамият учун ҳам яшаши керак. Унинг таълимотида инсоннинг ҳаётидаги ижтимоий ўрин ниҳоятда улуғ, у ўзига раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслиги, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўриши лозим. Конфуций жамиятда табақаланиш ғоясини мулкчилик муносабатларини мавжуд бўлишини қўллаб қувватлаган.

Айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси Бобил, Миср, Ҳиндистон, Хитой ва юошқа шарқ мамлакатларида фалсафий фикрни пайдо бўлиши ривожланишининг умумий қонуниятларини алоҳида таъкидлаш лозимдир. Бу қонуниятлар фалсафий фикрни диний-мистик дунёқарашдан рационалистик тизимига ўтиш билан боғлиқдир. Янгим секин-аста дунёвий билимларни мавқеи кучайиши асосида, диний-мифологик дунёқараш ўзининг позистиясини йўқота бошлаган. Аниқроғи диний-мифологик дунёқараш доирасида рационалистик тушунтириш ўз ўрнига эга бўла бошлаган. Буларга юқорида баён этилган материалистик мактаблар мисол юўла олади.

2.

Қадимги Юнонистон ва Римда фалсафий фикр эр.аввал VI-V асрларда вужудга келган. Бу давр илмий фалсафий адабиётларда Антик давр фалсафаси деб юритилади.

Юнонистонда дастлабки фалсафий таълимотлар эрамиздан аввалги VII-VI асрлар ўртасида Милет шахрида вужудга келган ва ривожланган.

Милет мактаби вакиллари Фалес, Анаксимандр, Анаксимандрлардир. Унинг асосчиси Фалес (624-547). У Юнон фани ва фалсафасининг асосчиси бўлиб, ўз даврининг комусий олими бўлган, Фалес таълимотига кўра, табиатдаги турли-туман жисм ва ҳодисалар дастлабки ибтидо-сувдан пайдо бўлган ва яна айланади ва бу моддий бирлик доимо учрашда бўлади. Фалеснинг шогирди Анаксимандр фикрига дунё-чексиз, газсимон (анейрон номаълум модда) дан иборат. Анейронларнинг турли-хил вариациялари дунёни мавжудлигини ва хилма-хиллигини таъминлайди. Анаксемен фикрига дунё асосини хаво ташкил этади. Унинг хавони зичлашуви ёки сийрақлашиши нарсаларни қаттиқ ёки юмшоқ бўлишини таъминлайди.

Бу фалсафий мактаб Юнонистонда илк бор материалистик дунёқарашнинг заминини яратди.

Яна бир юнон файласуфи Гераклит (э.р.о.л. 520-460 й.) материализмни ривожлантирган ҳолда, дунёни асосига оловни қўяди. Унинг олам газсимон қизиган моддалардан ташкил топган. Оламда доимий ҳаракат ва ўзгаришлар мавжуддир. Ҳаракат ва ўзгаришларни мутлақлигини эътироф этган.

Гераклит билан Юнонистонда илк бор диалектик ғоялар боғлиқдир. Унинг ҳаракат қарама-қаршилик асосида содир бўлади, қарама-қарши томонлар ўртасидаги кураш абадийдир деб, таъкидлайди.

Дунёда ҳамма нарсалар ва ҳодисалар ўткинчи ва нисбийдир, лекин ҳаракат мутлақ ва абадийдир. У “космик гармония” назариясининг асосчиси. Гераклитнинг қарашлари фалсафий тафаккур ривожига катта таъсир кўрсатган.

Қадимги Юнонистонда материалист дунёқарашнинг энг юқори чўққиси Демокрит фалсафий қарашларид ўз ифодасини топди. Унинг фикрига, борлик моддий, абадий ва поёнсиз, чексиз-чегарасиз реалликдир, дунё майда моддий заррачалардан, яъни атамалардан ва бўшлиқлардан иборат дея таълим беради. Атомлар ва бўшлиқ ўзаро яхлит абадий ибтидодир. Атомлар - ўлинмас вв ўзгармас, сифат жиҳатдан бир хил, унинг миқдори ва шакллари бехисобдир. Ҳаракат, деган эди Демокрит, атомлардан иборат модданинг аабдий, табиий ҳолатидир. Демокрит тасодифиятни инкор этган. “У на табиатда на жамиятда ҳеч бир нарса тасодифан пайдо бўлмайди”, деб ёзган. Демокрит қадимги Юнонистонда ўзининг ахлоқий ва эстетик қарашлари билан ҳам машхур бўлган. Яхшилик ва

гўзалликни меъёр категорияси барҳам ифодалашга ва тушунтиришга ҳаракат қилган.

Унингча, ахлоқий қарашларида инсонни ички маънавий дунёсини унинг ҳатти-харакатлари билан мос келиши ғояси ҳозирги замон ахлоқшунослик фанлари учун қадр-қимматга эгадир. Унинг таълимоти бугунги кунда инсонларни ахлоқ-одобга, зиёнатга даъват этади.

Демократик атамалар ҳақидаги таълимотини кейинчалик Юнон файдасуфи Эпикур ва римлик Лукреций Карлар давом эттирганлар ва ривожлантирганлар. Эпикур ички ҳаракат қонуниятини кашф этиб, Демокрит илгари сурган атомлар таълимотига улкан ҳисса қўшган. Эпикурнинг ахлоқий қарашларида эркинлик ғояси мақтовга сазовордир. Унингча, ҳақиқий эркинлик жисмоний ва рухий ташвишлардан холи бўлишдир.

Эпикур ижтимоий келишувчилик ғоясининг асосчиларидандир. Кейинчалик XVIII аср XX аср файласуфлари томонидан давом эттирилган.

Римлик Лукреций Кар таълимотига келганимизда, унинг “Нарсаларнинг табиати тўғрисида”ги номли асарида ахлоқий ва ижтимоий қарашлари ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Масалан, унингча, яшашдан мақсад, бахтли ҳаёт кечиришдан иборатдир. Жамият ҳам қонунларга бўйсунган ҳолда ривожланади ғояси ўз даврига нисбатан илғор ғоялар ғисобланади.

Лукреций Карни атомлар ҳақида таълимотни моҳиятан содда бўлса ҳам, ўша даврни табиатшунослик илмига катта ҳисса қўшган. Масалан, нарсаларни оғирликка эга бўлиши тўғри чизикли ҳаракати, нарсаларни ўзига оғиш ҳаракати, нарсага туртки бўлган асосга қаратилган ҳаракат шунга мисол бўлади.

Шуни айтиш ўтиш керакки, қадимги Юнонистонда идеалистик қарашлар ҳам параллел равишда ривожланиб борди. У ердаги идеалистик фалсафанинг асосчилари Пифагор, Сукрот, Афлотунлар ҳисобланади.

Қадимги Юнонистонда идеалистик дунёқарашни ривожлантириб, уни дастлаб система ҳолига келтирган файласуф Афлотун эди. Афлотун (эр.ол. 377-427) йилларда яшаган. Унинг асосий асарлари “Базм”, “Теэти”, “Федон” номли диалогларида, сиёсий қарашлари эса, “Давлат”, “Сиёсат ва Қонунлар” асарларида ифода этилган.

Афлотун таълимотига, оламда “ғоялар дунёси” бирламчи бўлиб,

нарсалар дунёси эса иккиламчи, “ғоялар дунё” сининг махдли, соясидир. “Ғоялар дунёси” замон ва макон боғлиқ бўлмай, мангу, ҳаракатсиз, ўзгармасдир. У хақиқий дунёдир, нарсалар дунёдаги предмет ва ҳодисалар замон ва маконга боғлиқ бўлиб, ўтқинчи табиатга эга, чунки улар вужудга келади ва йўқолади. Афлотун фикрича, “ғоялар дунёси” да энг олий ғоя - яхшилик, бахт ғояси - худодир. Афлотун турли хил “умумий ғоялар” мавжудлигини айтади (масалан, стол ғояси, дарахт ғояси, хайвон ғояси ва хоказолар).

Ҳақиқатда эса, Афлотун таъкидлаган “умумий ғоялар” моддий дунёдги предметлар тўғрисидаги киши тушунчаларидир.

Афлотуннинг билиши назарияси ҳам “ғоялар дунёси”ни билишга қаратилган. Моддий дунё, предметлар тўғрисидаги уй-тасаввурларимиз эса ҳиссий билим орқали олинади. Ҳиссий билиш эса, унинг фикрича, хақиқий билим эмс. Моддий предметларнинг бошланғич асоси, моҳияти бўлган “ғоялар дунёси” ни фақат соф тафаккуп орқали билиш мумкин.

Афлотуннинг жамият в давлат тўғрисидаги таълимотида жамиятда табақалашини ва хусусий мулкчилик ғоясини қўллаб қувватлаган. Афлотуннинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари негизида адолат ғояси ётади.

Унинг фикрига, давлатнинг тўртта шакли мавжуд: теократия; олигархия; демократия; тирания. Жамият Қонунларига ҳар бир инсонни бўйсунини ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир.

Шундай қилиб, Афлотун қадимги Юнонистон объектив идеализмининг энг йирик намояндаси ҳисобланади.

Афлотуннинг шогирди ва сафдоши Арасту (384-322 йиллар) Қадимги Юнонистоннинг энг буюк Қомусий олими бўлган.

Арастунинг йирик асарлари “Метафизика”, “Физика”, “Шон тўғрисида”, “Аналитика”, “Категориялар”, “Этика”, “Сиёсат”, “Риторика” ва бошқалардир.

Арасту Афлотуннинг “ғоялар” назариясини асоссиз, деб ҳисоблаган. Арасту фалсафасининг асосий хусусияти – материализм билан идеализм ўртасида иккиланишидан иборат. Бу унинг борлиқ хақида таълимотида яққол намоён бўлади. Масалан, дунёнинг мавжудлигини моддий асосга боғлаб кўрсатса ҳам, унинг яратилишини яратувчи сабабга боғлаб, яъни Худони эътироф этади. Унинг мазмун ва шакл масаласидаги қарашлари ҳам ўз ифодасини топган. Унингча шакл мазмунга нисбатан бирламчи. Аристотель фикрича материя бир муайян шаклга эга бўлмагунча маъно ва

мақсадга эга бўлмайди. Унинг фикрига, оламдги нарса ва ҳодисалар тўртта сабабга эга. Булар – моддий сабаб, яъни модда (материя); шаклий сабаб ёки шакл; яратувчи сабаб; мақсад сабабларидир. Дунёни ҳаракатда ва ўзгаришда бўлишини эътироф этган. Маълум маънода Арасту қадимги Юнон диалектикасининг асосчиларидан бири ҳисобланган.

Арастунинг жамиятга ва инсонга бўлган қарашлари асосан идеализм руҳида баён этилган.

Унинг жамиятга бўлган қарашлари табақаланиш ва хусусий мулкчилик ғоялари билан асосланган. Унинг фикрига, давлат бошқаруви жамиятнинг эркин ва фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши лозим. Бахтли ҳаёт мазмуни фақат моддий мўл кўлчилик билан белгиланмайди, балки сероблик маънавий бойлик билан уйғун бўлганлигида, жамият бахт ҳаёт кечиради. Давлат бошлиғи асосан ўрта мулкка эга бўлган, яъни жамиятни кўпчилик қисмини ташкил этувчи фуқароларнинг меҳнати билан таъминланади.

Арастунинг бу фикри бугунги куннинг долзарб масалаларига маънавий озуқа сифатида хизмат қилиши мумкин. Арастунинг этика, эстетика, мантиқ фанларига қўшган хиссаси каттадир. Бу фанларга қўшган хиссаси ҳақида махсус қуроолларда баён этилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қадимги фалсафада материализмнинг биринчи шакли – содда материализм келиб чиқди. Шу билан бирга, стихияли тарзда воқеа ва ҳодисаларга диалектик ёндошиш вужудга келди. У билан бирга идеалистик ва материалистик қарашлар ҳам ривож топди. Қадимги файласуфлар фалсафанинг кўп масалаларини ўртага ташладилар ва уларни ўша вақтдаги фан тараққиёти ждаражасидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга уриндилар.

3.

Антик дунё фалсафасига ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ҳар бир фалсафий оқимининг йўналишини муайян тарихий, синфий ўрганиш лозим, муайян шароитда унинг прогрессив ёки консерватив ва реакцион ролини билиб, аниқлаб олиш керак. Чунки ижтимоий онгнинг бошқа шакллари қаторида фалсафа ҳам тарихий, иқтисодий, социал шароитдан, маданий, илмий воқеликдан келиб чиқиб, унга ёки бу йўсинда таъсир қилади, хусусан сиёсий устқурма билан алоқадор ҳолда тарихда ё ижобий, ё салбий роль ўйнайди. Бу ёки у фалсафий таълимотни кишилар учун хизмат қилиши, қайси социал табақа, ё консерватив, реакцион синф,

табақа манфаатини инъикуия қилишига қараб ва шунга мувофиқ уларнинг роллари ўз асосий йўналиши билан кўрилади.

Фалсафа тарихини баъзи бир манфаатдор шахслар бузиб кўрсатадилар, улар реал ҳаётдан, жамият турмушидан ва тарихий қонуниятлардан ажратган ҳолда қараб, уни ғайри тарихий тасаввурлар қиладилар ҳамда Ғарбий Европа – центризм мослигини сурадилар. Шарқ халқларининг фалсафа тараққиётига қўйган буюк хиссаларини камситган ҳолда рад этадилар. Бу халқларни фалсафий тафаккурга ноқобил дейдилар, ёлғиз диний-мистик ҳаёллар дунёсига ғарқ бўлган халқлар деб уларни камсатадилар, натижада Ғарб Шарқда ҳокимлик қилиши керак, деган мисл чиққан уйдирмани оқлаб, абадийлаштириб кўрсатишга интиладилар.

Ҳозирги замон толерентлик сиёсати аввалги ва ҳозирги замон реакцион идеологларнинг ушбу сохта ғоялари, уйдирмаларини фош қилиб ташлайди. Шарқ халқларининг тарихдаги улкан актив ижоди ва ижобий ролини фактик, реал негизда асослаб беради ҳамда ер юзидаги барча халқларнинг инсоният тарихидаги, жумладан, жаҳон маданиятини, тафаккурини яратиб, ривожлантиришдаги хизмати ва ролларини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

Худди шунингдек, Осиё центризм ғоясини ҳам толерентлик сиёсати кескин рад қилади. Айрим халқлар эмас, бир халқни бошқа халқлардан имтиёзий устунлиги, истиснолиги эмас, балки барча халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, баробарлиги, тарихий шарт-шароити кзда тутилиши лозим. Ғарб ва Шарқ халқларининг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ўзаро таъсири алоҳида кўрсатилиб, уларни бир-бирларига қарама-қарши қўяётганлар қораланишига умидворлик билдирамиз. Ҳар бир халқнинг жаҳон маданияти ва фалсафасини яратишдаги ўзига хос-хизматини тақдирлаш, ҳар бир халқ бошқа халқлар билан ҳамжиҳат, ҳамкор, ҳамтаъсир, ҳамнафасликдагина ўз миллий маданияти, фалсафий нуқтаи назарини вужудга келтириши ва тараққий эттиришга муяссар бўлиши алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Антик дунё фалсафасига худди ана шундай позистиядан туриб ёндашиши ҳозирги замон фанини, сиёсатини, мафкурасини талабларидан ҳисобланади.

Қадимги Юнон ва Рим фалсафаси жаҳон маданияти ва фанини келиб чиқиши ва ривожини учун улкан хиссасини қўшган. Масалан, ҳозирги Ғарбий Европа цивилизацияси ўзининг келиб чиқиши бўйича ва қадриятлар тизимини ифодаланиши бўйича қадим юнон ва

рим маданиятининг ижодий ўзлаштирилган кўришдир. Қисқача, ҳозирги Европа цивилизациясининг бешиги бу қадимги юнон ва рим маданиятининг қадриятлар тизими, ҳаёт тарзи, тафаккур шакллари, эркинликка бўлган муносабатдир.

Қадимги Юноно ва Рим файласуфлари томонидан яратилган материалистик дунёқараш ғоялари дунёвий фанларни ривож учун замин бўлиб хизмат қилган. Айниқса, Демократ, Лавким, Эпикур, Лукреций Карларни атомлар ҳақидаги таълимот XX асрнинг бошларигача физика фани учун фундаментал тушунча сифатида хизмат қилган. Гераклит, Плотон, Аристотельнинг диалектика тўғрисидаги ғоялари дунёвий фанлар учун борлиқни ҳаракатда, ўзгаришда ва ривожланишида эканини, яъни ҳаракатдаги материяни билишга йўналтирди. Антик давр файласуфлари томонидан яратилган ахлоқ ва эстетикавий ғоя ҳозирги замонда ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ва бошқаришда ва санъат турларини ривож учун кадр-қимматини йўқотмаган.

Аристотельни мантиқ тўғрисидаги фани дунёни кўзга кўринган Университетларида ҳозиргача ҳам ўрганилмоқда. Умуман хулоса қилиб айтганда, антик давр файласуфлари жаҳон маданияти ва фани ривож учун улкан ҳисса қўшганлар.

3-мавзу. Фарб Ўрта асрлар ва Уйғониш даври. Янги давр фалсафаси.

Режа:

Ўрта асрлар Европа фалсафасининг характерли томонлари. Реализм ва номинализм.

Янги давр Европа фалсафаси. Эмпиризм ва рационализм.

Немис классик фалсафаси. И.Кант, Гегель, Л.Фейербах фалсафалари.

Адабиётлар:

Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И. Истиқлол ва маънавият. –Т., “Ўзбекистон”, 1994.

Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Антология мировой философии. В 4-х томах, Том 3., М., 1974.

Мир философий в 2-х томах. Т. 2. М., 1990.

Основы философии. Т., «Ўзбекистон», 1998.

1.

Европада ўрта асрлар фалсафаси эрамиздан аввал 1 асрдан то 14 асргача давом этган, деярли 1500 йиллик тарихга эгадир. Бу даврларда Христиан динини расмий динга айланиши ва уни афкуравий кучга эга бўлиши билан характерланади. Христианлик якка ҳоким сифатида жамият ва давлатнинг ҳамма ишларига аралаша бошлаган. Христиан догматикасини Ҳимоя қилиш мақсадида инквизиция устувор йўналишга эга бўлган.

Ўша даврларда фалсафий фикрни ривожланиш тенденцияси дунёвий дунёқараш ва унинг қадриятлар тизими орқали белгиланиб келган. Дин дунёвий органларни ривожига тўсқинлик қилган. Шунга қарамасдан дунёвий фанлар ўзининг мустақил ривожланиш йўлларини қидириб топишга уринган. Ўрта асрлар философияси асосан Платон ва Аристотель фалсафий таълимотларини вориси сифатида расмий йўналишдаги ворисликни вужудга келтирди. Унга қарама-қарши дунёвий фанлар дунёқарашини ҳимоячиси сифатида номинализм оқими вужудга келди. Ўша давр фалсафасининг қиёфасини гностуизм, анологетика, патристика, реализм, номинализм оқимлари белгилаб келган.

Фарбий Европа ўрта асрлар фалсафаси схоластик характерда эди. Схоластлар ўз назариясининг асосий мақсадини христиан динини ҳимоя қилишдан иборат деб ҳисобладилар. Ўз ғоявий таркиби

жиҳатдан схоластлар турлича бўлса-да, лекин объектив идеализм унда хукмронлик қилган эди.

Фалсафа соҳасида эса X-XIV асрлар давомида икки асосий оқим-номинализм ва реализм ўртасида кескин кураш давом этди. Уларнинг Социал базасига келганимизда, реализм - черков ва феодаллар манфаатини ифода этувчи оқим бўлса, номинализм- шаҳар савдогарлари ва хунармандлари манфаатини, уларнинг черков ҳокимиятига қарши курашни ифода этувчи, ўз даврини прогрессив фалсафий оқимидир. Бу икки оқим ўртасидаги курашнинг асосий масаласи – умумий тушунчалар - универсалийлар муаммоси эди. Реализмнинг дастлабки асосчиси Платон ва унинг объектив идеализми ўрта аср реализмининг фалсафий асоси эди. Реализмнинг асосий вакиллари Иоан Эруган Скот, Фома Аквинский ҳисобланадилар. Реалистлар фикрича умумий тушунчалар реал мавжуд бўлиб, улар мустақил ғоявий моҳият сифатида предметларга, кишиларга нисбатан бирламчидир. Моддий оламнинг предметлари эса иккиламчи, умумий тушунчаларнинг шахсий ифодасидир. Умумий тушунчалар мангу бўлиб, табиатдаги предмет ва ҳодисалар вақтинча ўтқинчидир.

Ўрта аср реализмининг ёрқин ифодаси XIII асрдаги кўринишларидан бири томизмдир. Бу оқимнинг асосчиси италиялик йирик схематик файласуф Фома Аквинский эди. Фома Аквинский Арасту фалсафаси орқали христиан догматик системасини назарий асослади.

Фома Аквинский умумий тушунча масаласида ақлни иккига бўлади: 1. Табиатдан ташқари ақл ёки «худо ақли». 2. Табий ақл ёки киши ақли. Номиналистларга қарши курашиб, у «худо ақли»даги умумий тушунчани бирламчи, табиатдаги предметларни дея иккиламчи, умумий тушунчанинг махсули деб таъкидлайди.

Фома Аквинский Ўрта аср схематик фалсафаси ва геологиясини мустаҳкамлашга уринди. XIX асрнинг 70 йилларида унинг фалсафий назарияси католик черковининг расмий назарияси деб эълон қилинди, уни билиш ҳар бир диндор – католик учун мажбурий бўлиб қолди.

Номинализм (асосий вакиллари Беренгарий ва бошқалар) таълимотига, табиатдаги якка-якка предмет, ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари реал ва объектив равишда мавжуддир, умумий тушунчалар эса иккиламчи, бир гуруҳ предметларнинг номи, табиатдаги предметлар бўлмаганда эди, уларнинг умумий, муҳум томонларининг инъикоси бўлган тушунчалар ҳам бўлмаган бўлур

эди. Номинализм Ўрта аср схематик фалсафасидаги материаллари куртақларининг ўзига хос ифодаси эди. Номинализм ва реализм фалсафанинг икки оқимгаматериалистик ва идеалистик оқим бўлиниш аломати эди.

Уйғониш даври фалсафаси. Бу даврда фалсафанинг абадий муоммоларига бўлган муносабат тубдан ўзгарди ва уларни қайта кўриб чиқиш тенденцияси кучайди.

Объектив ва субъектив сабабларга кўра фалсафанинг марказий муоммоси сифатида Инсон ва унинг шахс эркинлиги масалалари эгаллади. Дуний дунёқараш яқка ҳоким идеология сифатида аста секин чекина бошлади. Бу даврнинг фалсафаси асосан понтеистик характерга эга бўлган.

Уйғониш даврида Европа фалсафасининг ривожланига катта хисса қўшганлардан бири немис Николай Кучёнскийдир (1401-1461). Унинг фикрича, худо ҳамма нарсаларда мавжуд. Энг олий ҳақиқатларни билиш, схематик фикрлаш билан эмас, балки тажриба асосида амалга ошади.

Философия ва фан ривожланишига катта хисса қўшган уйғониш даврларининг мутафаккири Николай Коперникдир (1473-1543). Унинг бизга маълум бўлган гелиоцентристик назарияси инсон ва инсониятининг дунёқарашини тубдан ўзгартириб юборди. Бу кашфиёт билан диний дунёқарашга зарба берди, унинг назарий ва ғоявий илдизларини асоссиз эканлигини исботлади.

Коперник ўз гелиоцентристик назариясида оламнинг моддий бирлигини таъкидлаган бўлса, Бруно ҳар бир дунё чекли, лекин саноксиз дунёлардан иборат олам эса бепаёндир, деган хулосаларга келди. Жардино Бруно (1548-1600) яшаб ижод қилган италиялик намтеист файласуф. Ж.Бруно материализми диалектик мулоҳазаларга ҳам эга бўлган. У Н. Кучёнскийни қарама-қаршиликлар ҳақидаги диалектик фикрларини ривожлантирди.

Ж.Брунонинг табиий-илмий, фалсафий ва атеистик қарашлари материалистик фалсафа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўрта асрларда дунёвий органларнинг ривожига катта хисса қўшган олим Галелео Галелей (1564-1642) ҳам муҳим рол ўйнади. У феодал реакцияга, унинг мафкураси – схематик фалсафа ва динга қарши курашда қамоқ, қувғин ва ўлимдан кўрқмай, мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди.

Қисқача хулоса қиладиган бўлсак, уйғониш даври намаён бўлган туб ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар Европа мамлакатларида алоҳида

миллатнинг шаклланиши билан ва алоҳида миллий давлатлар пайдо бўлди. Бу эса монархизм ғоясидан воз кечиш ва инсонни олиб келди. Табiiй ҳуқуқларнинг тан олиш тенденцияси вужудга келди. Ижтимоий тартиблар инсон табиатига мос келиш ғояси устивор ижтимоий қарашлар системасига айлана бошлади. Инсон ҳуқуқларнинг худо номидан бўлса ҳам ҳиомя қилина бошлади. Ушбу давр фалсафаси ҳам олдингига нисбатан янгича босқич даражасига кўтарилди. Европа фани ҳам инсоният тарихида энг буюк кўтарилиш давларидан бири бўлиб қолди.

2.

Янги давр Европа фалсафаси 16 асрнинг охири 17 асрнинг бошларида дунёвий фанлардаги туб сифат ўзгаришлари асосида шакллана бошлаган. Асосан табиатшунослик фанларидаги инқилобий ўзгаришлар фалсафа фанида ҳам ўз аксини топди. Фалсафа фани ўзининг абадий муоммоларига бўлган муносабатини қайтатдан кўриб чиқишга ва фан тадбирларига мувофиқ равишда дунёни илмий манзарасини яратишга ҳаракат қилди. Дунёвий фанлар ҳам фалсафага муҳтожликни хис эта бошладилар.

Европа мамлакатларида ўша даврда капиталистик муносабатлар тез суръатларда ривожлана бошлаган. Бу жараён капиталистик ишлаб чиқариш устулини янги ишлаб чиқарувчи кучлар эҳтиёжига мувофиқ табиатни илмий билиш жараёнини тезлаштирди. Бу даврда фанлар ўзининг системали назарий ифодасига эга бўлиш, улар учун назарий-услубий муоммоларни вужудга келтирди ва ўзини ечимини топишга ундади. Шу маънода янги давр фанини ва фалсафасининг асосий муоммолари қаторига билиш, илмий билиш, билимнинг услуб ва воситалари биринчи ўринга чиқди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, янги даврда табиатни билишга интилишнинг кучайиши натижасида фалсафада эмпиризм ва рационализм оқимлари вужудга келди. Эмпиризм оқимини асосчиси Ф.Бэкон ҳисобланади. Унингча табиатни билиш манбаи – тажрибадир. Чунки, сезги орқали табиат тўғрисида йиғилган далилларни тажриба орқали текшириш, аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш зарур. Табиат тўғрисидаги билимларимиз сезгиларга қараганда тажрибада тўлароқдир. Фалсафа ва фан тарихида Бэконнинг энг катта хизмати - индуктив билиш методини ишлаб чиқишдир. Бэконнинг индуктив методи табиатни тажриба асосида билиши қаратилган асосий илғор метод эди.

Илмий билишда рационалистик оқимнинг асосчиси француз мутафаккири Рене Декарт эди (1596-1650). Декарт таълимотига, табиатнинг билишнинг бирдан – бир илмий методи - рационализмга асосланган индуктив методдир. Декарт билишининг бирдан бир манбаи тафаккур деб таъкидлади. Билишда сезгиларга шубҳа билан қаради. Декартнинг «мен фикрлайман демак, мавжудман», деган фикри, ўша давр илмий билимининг вакилларига машҳур ибора сифатида маълум даражада дастурамалга айланди.

Ҳар иккала билим методини бир-биридан устун қўйиш албатта нотўғри эди. Эмпиризм билан рационализм чекланганлиги ана шундадир.

Янги давр фалсафасида масаласи асосий масалалардан бирига айланди.

Декарт фалсафаси дуалектик табиатга эга бўлганлиги учун унинг фалсафасида оламнинг аслида икки, бир-биридан мустақил субстанциялар ётади. Биринчиси, «фикрловчи субстанция» бўлиб, иккинчиси моддий субстанциядир. Бунга қарама-қарши Нидерландиялик файласуф Бенидикт Спиноза (1632-1677) ёлғиз моддий субстанциянинг мавжудлигини эътироф этади. Унингча моддий субстанция ҳеч нарсага боғлиқ эмас, уни ҳеч ким, ҳеч нарса яратмаган. У мангу ва бепоён дир. Моддий субстанция оламда мавжуд бўлган ҳамма буюм ҳодисаларнинг сабабидир.

Субстанциянинг моҳияти чексиз атрибутларда ифода этилади. Спиноза таълимотича, субстанция атрибут билан биргаликда яратувчи табиат дир, турли -туман предмет ва ҳодисалар дунёсининг ҳаммаси табиат ёки модуслардан иборат дир. Ҳамма конкрет предметлар, шу жумладан, инсон ҳам модусдан иборат. Шундай қилиб, модуслар доимий эмас, балки ўзгарувчан табиатга эга.

Спинозанинг субстанция ҳақидаги бу материалистик таълимотга қарши Т.Лейбнист (1676-1716) предметлари таълимотини илгари суради. Унинг фикрича субстанция турли-туман дир. Лейбнист уларни монадалар деб атади. Монадалар бир бутун бўлиб, улар қисмларга бўлинмайди. Улар моддий нарсаларга ҳам хусусиятларга эга эмас, чунки улар руҳий нарсалар дир. Фаолият ҳар бир монаданинг моҳиятини ташкил этади.

Бундан ташқари, янги давр файласуфлари томонидан билиш масалалари ҳам кенг ишлаб чиқишни бошлади. Уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларида инсон ва жамият масаласи катта ўрин тутади.

Француз файласуфлари Ламетри ва Гельвезий, Дидро ва Толбах ўз

даврида француз ҳаётида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган миллий давлатчилик, инсон эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари муоммоларига алаҳида эътибор қилганлар.

Француз материалистлари феодал мутлоқ ҳокимиятга қарши ўзларининг «ижтимоий шартнома» назариясини олға сурдилар. Ўша даврда давлатни илоҳийлаштирувчи геология ва дин таълимотига қарши «ижтимоий шартнома» назарияси илғор эди. Бу назария давлат ва жамиятнинг келиб чиқиш сабабини худодан эмас, балки ердан, табиатдан қидиради. Аммо ўз даври учун илғор бўлишига қарамай, «ижтимоий шартнома» назарияси идеалистик ва метафизик характерга эга эди. Бу назария давлат ижтимоий тузимни тенглаштиради. Бироқ давлатни вужудга келтирган иқтисодий сабабни, давлатни синфий характерини ва тарихиймоҳиятини очиб бермайди. Шунга қарамай, уларнинг ижтимоий сиёсий қарашлари фалсафий фикр тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Янги давр фалсафасини характерли белгиларига келганимизда, унда материализм билан идеализм ўртасидаги кураш янада кескин тус олди. Материализм метафизик шаклига эга бўлди. Чунки бу давр тарихий шароити ва табиий фанлар тараққиёти даражаси билан боғлиқ бўлганлиги учун янги давр фалсафаси хусусан материалистик таълимотлар метафизик ва механистик характерга эга эди. Баъзи бир табиатшунослик фанларини бошқалардан илгарилаб ривожланиб кетиши натижасида, жумладан физика ва механика фанлари дунёни илмий манзарасини бир томонлама туширишга ва дунёвий фанларни дунёқараш масаласини ечимини нотўғри бир ёқламаликка олиб келди. Ўша даврда дунёни илмий манзарасини механика қонунлари орқали тушунтириш ва тушуниш тенденцияси кучли бўлган ва бу ўз навбатида дунёвий органларга таъсир этмасдан қолмайди. Дунёвий фанлар вакиллари бутун бормоқни механика қонунларига бўйсунди деб таъкидлаб бошлашди.

И.Ньютоннинг физик тадқиқотдги механик сабабият математика томонидан асослангандан кейин механистизм яна мустахкамланди. Мехнистизм таълимотига, оламда ҳар бир жисмнинг ҳолати бошқа жисмнинг ҳолатига шунингдек, ҳар жисмнинг тенглиги ёки ҳаракат сабаби бошқа жисмнинг ҳаракати ёки тенглигига боғлиқ. Предмет ёки ҳодисаларнинг ўзи ҳаракат мнбаи эмас у ўз-ўзидан ҳаракат қилиш қобилятига эг эмс. Мтерия ҳракатнинг сбаби унинг ўзидан ташқарида бўлиб, ҳаракат эс сифат жиҳатидан бир хил бўлган предметларнинг маконда оддий ўрин алмшувидан ибортдир.

Механистизм материя ҳаракатининг механик шаклигин эътироф этиб, унинг бошқа шакллрини инкор этади. Натижада механистлар табиатда ўзгаришларни, тароқиётни бутунлай инкор этдилар. Шунинг учун механизмнинг билиш методи амалда метафизик методдир.

3.

Янги даврд фалсафанинг ривожланишида немис файласуфларининг ҳам ҳиссаси катта бўлган.

Немис классик фалсафасининг асосчиси И.Кант (1724-1804) бўлиб, унинг қарашларида материалистик ва кейинчалик иделистик қарашлар учрайди. Кант фалсафасининг хусусияти шундаки, у материализмни иделизм билан келиштиришдан ҳамда бир-бирига қарама-қарши бўлган фалсафий оқимларни бир системада бўлишига даъват этган. Унинг фалсафаси икки даврга: танқидий фалсафагача бўлган (XVIII асрнинг 70 йилгача) давр ва танқидий фалсафа даврига бўлиш мумкин.

Кантнинг танқидий фалсафагача бўлган даврда ёзилган катта асари “осмон умумий табиий тарихи ва назарияси” бўлиб, у асосан табиат фанларига, табиат фалсафасига бағишланган. Кант фалсафаси бу даврда материалистик дунёқарашни ҳимоя қилган. У Ньютоннинг космологик назариясини танқид қилди ва ўзининг ривожланиши принципига асосланган Қуёш системасининг келиб чиқиши ва ривож масалаларига қарашларини эътироф этди. Қуёш системаси космик фазодаги бошланғич катта туманликдан, унинг доимий айланма ҳаракати оқибатидан келиб чиққан биринчи туртки эмас, балки материядаги ички зиддият – ўзаро тортиш ва итариш зиддияти бунга сабабдир. Кант биринчи туртки тўғрисидаги масалални рад этди. Қуёш системаси ва Ер ҳам тарихий таракқиётнинг меваси бўлиб қолди. Кантнинг бу космологик назарияси: 1) Қуёш системаси в Ернинг келиб чиқиши асосан материалистик тушунилади; 2) Қуёш системаси ва Ернинг келиб чиқиши табиатнинг тарихий ривож сифатида қаралади. Кант томонидан табиатни тарихий жараён сифатида изоҳланиши метафизикага нисбатан катта зарба бўлди. Бу табиат соҳасида объектив диалектикани мавжудлигини эътироф этишдир. Бироқ Кант ўз табиий-илмий материалистик хулосалрини дин билан келиштиришга уринди. Бу иделистик йўналиш айниқса Кант фалсафасининг иккинчи даврида кучайиб кетди. Танқидий фалсафа даврида Кант табиат фалсафасидан билим назариясига

ўтади. Бу даврда Кант “Соф ақлни танқид”, “Мулоҳаза қобилиятини танқид” каби асарларини ёзди. Кант ўзининг билим назариясида объектив реалликни “нарсани ўзида” деб атайди ва уни билиш ёки мумкин эмас, деб эъломи қилади.

Кант инсон билимларини икки гуруҳга ажратади: 1. Тажриба асосида ҳосил бўладиган билимлар (апостериори); 2. Тажрибага ёки унга боғлиқ бўлмаган билимлар (априори). Фазо, вақт, сабабият каби тушунчалар априор билимлар шакли бўлиб, булар тажриба натижасида ҳосил қилинадиган билимлардан устун туради.

Кантнинг философия тараққиётидаги хизматларидан бу шу бўладики, у кейинчалик Гегель томонидан яратилган асос бўлиб хизмат қилган мантиқий антиномияларни кўрсатиб ўтди.

Кантнинг таълимотига кўра, инсон ақли табиатдан антиполиялидир, яъни мантиқий қарама-қарши тушунчалар курашидан иборатдир. Шунинг учун қарама-қарши фикрларни б-б-баравар исботлаш йўли билан сослаб бериши мумкин. Мисал, олам ҳам чексиз ва ҳам чеклангандир, Худо ҳам мавжуд ва ҳам мавжуд эмасдир ва ҳ. Бу зиддиятлар ҳар қандай ҳолда фақат зоҳирийдир.

Кант ахлоқ ва эстетика масалаларига ҳам катта эътибор берган. Унинг ахлоқий ва эстетик қарашларини махсус курсларда баён этишга ҳарат қиламиз.

Иоганн Готлиб Фихте (1762-1814) немис субъектив идеализмнинг йирик намояндаси Кантнинг “нарсани ўзида” ҳақидаги таълимотни улоқтириб ташлаб, билиш шакллрини субъектив идеалистик ибтидодан келтириб чиқаришга уринган. Бу ибтидо шундан иборатки, файласуф қандайдир мутлақ субъектни “Меллни назарда тутиб, унга бениҳоя актив фаолият беради, шундан кейин у олми яратади. Бошланғич “Мен ўзига хос “Мен” эмас, балки онгнинг ахлоқий фаолиятидир. Ана шу мистик бошланғич “Мен” алоҳида “Мен”ни келтириб чиқарди. Уни Фихте мутлақ эмас, балки чекланган инсон субъекти ёки эмпирик “Мен” деб тушунади ва бунга табиат, яъни эмпирик табиат қарама-қарши туради.

Фихтенинг фикрича, абсолют субъект “Мен” ва табиат, онг ва нарсалар бир-бири билан узвий боғланган, уларнинг ҳеч бирини айрим равишда билиб бўлмайди.

Фихте таълимотидаги диалектик фикрлар унинг ижобий томонини ҳосил қилади.

Фридрих Вильгельм Иозеф Меллнинг (1775-1854) немис классик фалсафасининг йирик намояндаси – Кант фикрларидан ва

Лейбнистнинг тирик монадалари ва табиатнинг мақсадга мувофиқ кучлари ҳақидаги таълимотдан фойдаланиб, табиат тушунчасига тараққиёт ғоясини киритади. У Фиктенинг - субъектив “Мен”га асосланган фалсафасига ўзининг объективлик бирламчи деган фикрини қарама-қарши қўяди. Меллнинг объектив идеализмнинг янги шакли – айният фалсафасини яртади. Объект билан субъектнинг айният ғояси унинг таълимотининг асосий муаммосини ташкил қилади. Олмдаги барча нарса ва ҳодисалар унингча, мутлақ рухнинг ифодасидир. Материя унингча, ондан ташқари мавжуд бўлган реаллик эмас, балки мутлақ рухнинг алоҳида ҳолатидир. Шунинг учун материя ва рухни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас.

Билим Меллингнинг фикрича, “Мен” нинг ўз-ўзини англаш деганадир. Демак, билимнинг объектини онг ташкил этади ва унинг ёрдамида “Мен” ўзлигини англайди. Рух, жон ва уларнинг тасаввурлари ўзининг фаолиятини, ўзлигини билишга қаратилгандир. Меллнинг фалсафасида идеалистик диалектика ғоялари ҳам мавжуд.

Мутлақ рух, “Мен” унинг фикрича, объективлик ва субъективлик каби қарама-қаршилиқнинг бирлигидан иборат. Уларнинг кураши табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалаар ҳаракатининг маанбаидир. Унингча, рух субъектив ва объективлик бирлигидан иборат бўлган рух (тезис), тараққиёт жараёнида табиатнинг шаклланишига олиб келади (антитезис) ва нихоят табиатдан яна объективлик ва субъективликнинг бирлиги бўлган юқори даражадаги рухнинг тараққиётига олиб келади (синтез).

Метафизикларнинг фикрига қарши чиқиб, у табиат доимо ҳаракатда, унинг манбаини қарама-қаршилиқларнинг бирлиги ва кураши ташкил қилади деган ғояни олға суради. Табиатда ҳамма нарса бир-бири билан чамбарчас боғланган, шунинг учун ҳам уларни бир-биридан ажратиб қараш нотўғри. Ҳазо ва вақт бир-бири билан боғланган.

Меллингнинг мазкур фикрлари немис классик фалсафасининг йирик номояндаси гегель томонидан янада ривожлантирилади.

Г.Ф.В.Гегель (1770-1831).

Гегель фалсафаси объектив идеализмдир. Унингча, дунё рух, ақл бирламчи бўлиб, моддий олам иккиламчи, дунёвий рухнинг гавдаланишидан иборатдир. Дунёвий рух (мутлақ ғоя), унингча, яратувчи сабаб бўлиб, моддий олам унинг махсулидир. Табиат ва

жамиятдаги ҳар бир буюм ёки ҳодиса шакл бўлиб, унинг мазмуни эса руҳ ёки ақлдир. Чунки бу предметлар руҳнинг гавдаланишидан ўзга нарса эмас, Гегель ўз фалсафий системасида ҳар вақт руҳ ва табиатнинг ёки тафаккур ва борлиқнинг айнанлигига суянади. Шунинг учун унда моддий жараёнлар ҳар доим мантиқий жараён каби ифода этилади. Гегель фикрича, дунёвий руҳ мангу, у ўтмишда бор эди. Хозир ҳам бор ва келгусида ҳам бўлади. У табиат ва жамиятдаги ҳамма воқеаларнинг манбаи ва ҳаракатлантирувчи кучидир.

Гегель таълимоти бўйича мутлақ ғоя ўз тараққиётида уч босқични: тезис, антитезис, синтезис, синтезни босиб ўтади: 1) идеянинг ўз бағрида, “соф тафаккур стихиясида” ривожланиши. Бунда идея бир-бирига боғлиқ бўлган ва бир-бирига ўтиб турадиган мантиқий категориялар тизимида ўз мазмунини очиб кўрсатади; 2) идеянинг “ўзга шакл” – кўринишида, яъни табиат шаклида ривожланиши; 3) идеянинг тафаккурида ва тарихда “руҳда” ривожланиши. Бу юсқичда мутлақ ғоя яна ўз-ўзига қайтади ва инсон онги ва фаолиятининг турли кўринишларида ўз мазмунини пайқаб олади. Тараққиётнинг бу диалектик ғояси унинг “логика фани” (1812-1816 йиллар деган асарида аниқ ифодаланган. Логика гегель тизимида марказий эгаллайди ва уч бўлимдан иборат: 1. борлиқ тўғрисидаги таълимот; 2. Моҳият тўғрисидаги таълимот; 3. Тушунча тўғрисидаги таълимот. Мазкур таълимот тизимида Гегель мутлақ ғоянинг ўз-ўзига ривожланиши ва шу билан бирга ўз-ўзини билиши диалектикасини очиб беради.

Гегельнинг дунёдаги барча ҳодисалар “мутлақ ғоянинг”, “руҳ” нинг турли кўринишларидан иборат деган фикрни дунёни Худо яратган ҳисобловчи диний таълимотнинг бошқача баён қилиниши эди.

Аммо Гегельнинг фалсафий системаси бир ёқлама чекланган консерватив бўлишига қарамасдан, унда дунёвий фанларга маънавий озиқа берувчи ғояси мавжуд эди. Бу ғоя тароқиёт ғояси эди. Бу ғоя унинг диалектикаси ва билиш назарияси аксини топдир.

У ўзининг “Логика фани” асарида идеалистик асосда бўлса ҳам диалектиканинг уч асосий Қонуни ва категориялар тизимини яратди.

Билишда Гегель мантиқ ва билиш назариясининг бирлигини асослаб берган. У диалектик мантиқ назариясига асос солган. Унинг жамиятга бўлган қарашлари ўша даврда бўлган тузум Прус монархиясини ҳимоя қилди. Хусусий мулкчилик тарафдори эди.

Людовиг Фейербах (1804-1872)

Фейербах фалсафаси антропологик характерга эга бўлган. Содда қилиб айтганда, унинг фалсафасининг марказий муаммоси инсон бўлиб ҳисобланган. У инсонни табиатни бир қисми, деб тшунади. Инсон энг олий, табиат эволюциясининг юқори босқичида турувчи мавжудоддир. Шунинг учун дунёдаги ҳамма нарса инсонга ҳизмат қилиши лозим. Фалсафанинг асосий мавзуси инсон ва унинг фаолиятидир.

Фейербах кўрсатадики, табиат фақат инсон орқали ўз-ўзини пайқайди ва ўзи тўғрисида фикрлайди. Тафаккурни борлиқдан, онгни материядан (табиатдан) ажратиб қўювчи идеалистларни у кескин танқид қилиб, тафаккурнинг борлиққа муносабати масаласи энг аввало инсон масаласи эканлигини таъкидлайди, чунки англаш ва фикр қилиш инсоннинг хусусиятидир. Унинг фикрига, инсон аниқ бир шароитга ижтимоий синфий муносабатларга боғлиқ эмас, у соф “биологик” инсондир.

Фейербах таълимотига кўра, фазо ва вақт материянинг борлиқ шакллари, атрибутидир, ҳаракат эса материянинг мавжудлик усулидир. Лекин у материя ҳаракатининг турли-туманлигини кўра олмади ва шу сабабли материянинг ҳаракати масаласида XVII-XVIII аср материалистлари тутган йўлдан борди. Фейербах материя ҳаракатининг сабаби ички қарама-қаршилиқлар кураши эканлигини англай олмади.

Фейербах Гегельнинг идеалистик фалсафаси дин билан яқин алоқада деб ҳисоблади. Умуман Фейербах Гегелни шогирди бўлса ҳам, уни таълимотини инкор этди. У ўзининг метафизик характерга эга бўлган материализмни изчиллик билан ривожлантиришга ҳаракат қилди. Фейербах атеизм позистиясидан туриб Христиан динини танқид қилди. У ўзининг “Христианликнинг моҳияти” асарида бу масалаларга батафсил тўхтаб ўтган.

Фейербах ўзининг билиш назариясида изчил материалистик сифатида сенсуализм позистиясида турган. Яъни билиш сезгиларни ролига ортиқ баҳо бериб юборган. Фейербах бўйича инсон хис этмаган нарсани ёки ҳодисани билолмайди. Бу масалада қадимги Шарқ ва Антик дунё мутафаккирлари қарашларидан фарқ қилмайди.

У ўзининг ижтимоий қарашларини ўзи яратган дин асосида баён этган. Бу динни у “севги ва мухаббат” дини деб атади. Инсоният тарихи ва жамиятни объектни ривожланиши қонунларини тушунилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, янги давр Европа фалсафаси, фалсафий фикр тараққиётида энг юқори ўзининг классик босқичига қўтарилди.

Классик фалсафа ўзининг абадий муаммоларига бўлган муносабатни анъанавий тарзда, ўтмишдаги фалсафий таълимотларни вориси ва давомчиси сифатида риволжлантирди.

4 мавзу. Марказий Осиё худудида фалсафий таълимотида таракқиётнинг асосий босқичлари.

Режа

Марказий Осиёда илк фалсафий фикрни вужудга келиши ва ривожланиши.

Абу Наср Фаробий, Беруний Ибн Сино илмий-фалсафий таълимотлари.

Тасаввур фалсафаси, унинг асосий йўнлишлари.

Адабиётлар:

Каримов И. Бунёдкорлик йўлидан. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И. Истиклол ва маънавият. –Т., “Ўзбекистон”, 1994.

Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Антология мировой философии. В 4-х томах, Том 3., М., 1974.

Мир философии в 2-х томах. Т. 2. М., 1990.

Основы философии. Т., «Ўзбекистон», 1998.

1.

Мазкур мавзунинг ўрганишдан мақсад ва унга махсус урғу бериш, Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида маънавий иммунитетни шакллантириш, “Ёшларимизнинг иймон-этиқодларини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш.

Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларининг сарб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтиришидан иборат. (Ислам Каримов “Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонман” –“Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июн).

Марказий Осиёда илк фалсафий фикрни вужудга келиши диний – мифологик қобиғида бўлса ҳам, унда ижобий қарашлар воялар мавжуд бўлган, бу фалсафий қарашлар қадимги ёзув манбаларида ўз ифодасини топган. “Авесто”, Бехистун, “Бундехишн”, “Денкард” сингари ёзма ёдгорликлар фалсафий вояларга бой бўлган.

“Авесто”да акс этган асосий фалсафий воялар, диний этиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Зардушт (Зардушт) номи билан боғлиқ. Унинг номига нисбатан дин ҳам шундай ном

билан, яъни зардуштийлик деб аталади.

Зардуштийлик динининг қонун-қоидалари “Авесто”да баён этилган. “Авесто” китоби эрамиздан бир неча асрлар илгари юзага келган.

“Авесто”да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, Марказий Осиё халқларининг тарихи, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, илми-фани ўз аксини топган.

Умуман, Зардуштийликда ахлоқий масалалар диний дунёқараш нуқтаи назардан ўз ифодасини топган.

Бу динда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон хислатлар қораланади, соф кўпчилик бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби фазилатлар тарғиб этилади. Зардуштийлик тана ва жонини бир-биридан ажратади, жон ўлмайди, у тана ўлимидан сўнг осмонга, нариги дунёга ўтиб абадийликка айланади.

“Авесто”да табиат, яъни осмон, сув, ер, уни ўраб олган жисмлар ва жаннат ҳақидаги ҳукмрон тасаввурлар, уларни билиш йўллари ва системалари тўғрисидаги тушунчалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, унда тиббиётга, ижтимоий ҳаётга, инсон муносабатларига оид турли тасаввурлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Ундаги инсоният ривожининг турли даврлари ҳақидаги фикрлар диний башорат нуқтаи назаридан ифодаланган. “Авесто”да биринчи одам Ёима даври олтин давр ва бахт-саодат даври бўлиб, ундан бошқа одамлар тарқалган. Иккинчи даврга яхшилик билан ёмонлик кураши хосдир. Учинчи давр – бу келажак бўлиб, унда яхшилик ёмонлик устидан ғалаба қилиш керак.

“Авесто”да ҳаракат, ривожланиш яхшилик худоси Акир Мазда ва ёмонлик худоси Ахриманнинг кураши ва яхшиликнинг енга бориши шаклида ифодаланади.

Ўрта Осиё қулдорлик эрамиздан олдинги биринчи аср ва эрамизнинг бошланғич асрида тараққиё этиб, у 11-111 асрларга келиб ўз ўрнини феодал муносабатларга бўшатиб бера бошлади. Бу инқироз зардуштийларга бўшатиб бера бошлади. Бу инқироз зардуштийлик ичида янги оқим Моний (216-276) таълимотини кучайишига олиб келди.

Моний таълимоти зардуштийликнинг яхшилик ва ёмонлик ғояларига асосланган бўлиб, дуалистик характерга эга. У ўзининг

бошланғич демократик рухи билан феодал муносабатлари талабларига мослашиб бораётган хукмрон зардуштийлик мафкурасидан фарқ қилар эди.

Моний таълимоти кенг халқ оммаси манфаатига мос келар, шунинг учун хукмрон мафкуранинг норозилигини кўзғатган эди. Кейинчалик монийлик аскетизм ва пессимизмни тарғиб қилиб, майда сектларга бўлиниб кетган. Моничилик маздакизм таълимотининг келиб чиқишига катта таъсир кўрсатди.

Маздакизм диний-фалсафий оқим бўлиб, зардуштийликда қарши бўлган таълимот.

Маздакизмни ижтимоий-фалсафий таълимоти яхшилик ва ёмонликнинг, ёруғлик ва зулматнинг курашуви ҳақидаги дуалистик тасаввурга асосланади. Бу таълимот бўйича табиат, сув, олов ва тупроқдан ташкил топиб, уларнинг қўшилуви ижобий ва салбий ҳодисларга олиб келган. Бу ҳодисалар кураши привардида яхшилик ёмонлик, зўравонлик устидан ғалаба қилиши керак.

Маздакийлар ўз ижтимоий дастурида жамиятда ҳамманинг барча соҳасида тенгликни адолатпарварлик ҳақидаги фикрини олға сўрадилар. Улар халқни ташқи босқинчиларга қарши мустақиллик учун курашига даъват этдилар.

Умуман Марказий Осиёда илк фалсафий фикрни вужудга келиши диний-мифологик кабиғда бўлиб, асосан ахлоқий ва ижтимоий масалаларда ўз ифодасини топган. Борлиқ ва коинотни яратилиши масаласида диний дунёқараши устувор позистияни эгаллаган, баъзи бир дунёни тушуниш материалистик талқин қилиш элементлари билан ифодаланган.

2.

Абу Наср Фаробий (870-950)

У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш лозим: а) қадимги грек философлари ва табиатшунос олимларининг (Аристотель, Платон, Евклид, Гален ва б.) илмий меросларинини шарҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган; б) ўрта аср фанининг табиий ва ижтимоий-фалсафий фикр соҳаларига, унинг турли долзарб масалаларинини ишлаб чиқишга, табиатшунослик, мусиқашунослик, филология, жамиятшуносликнинг муҳим соҳаларига бағишланган рисоалардир.

Фаробий дунёқарашининг асосини, яъни дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчасини пантеистик фикр ташкил этади. Бу масала

эманация таълимотида ўз ифодасини топган. Унинг дунёқарашидаги асосий мақсадлардан бири илмий фалсафий усулнинг мустақиллигини назарий жиҳатдан асослаб беришга, унинг инсон тафаккурига, ақлий билимига асосланганлигини исботлашга интилишдир.

Фаробий ўзининг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини, ахлоқнинг шаклланиши, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади.

Вужуд ва мавжудот тўғрисида, Фаробий фикрига, борлиқ (мавжудот олти босқичдан иборат бўлиб, бу босқичлар, айни вақтда бутун мавжудот нарсаларнинг асосидир, улар бир-бири билан сабаб ва оқибат муносабатлари тарзида узвий боғлангандир. Биринчи босқич – биринчи сабаб, иккинчи босқич – осмоний жисмлар, учинчи босқич – фаол ақл, тўртинчи босқич – жон, бешинчи босқич – шакл, олтинчи босқич – материя.

Фаробий таълимотида, барча ер ва осмон сетҳлари жисмлик, яъни моддийлик хоссасига эга. Барча нарсаларни у олти турга бўлади; осмон жисмлари, оқими, хайвонлар (одам), ақлсиз хайвонлар, ўсимликлар, минераллар ҳамда тўрт элемент – олов, хаво, тупроқ ва сув. Сўнги тўрт элемент жисмлик ва моддийликнинг, бинобарин ҳамма жисмларнинг асоси бўлиб, материянинг энг оддий (содда) турларидир, жисмларнинг қолган беш тури эса ана шу бирламчи элементларнинг қўшилиши натижасида вужудга келган.

Фаробий таъкидлашича, “ҳамма нарсалар учун умумий жисм - оламдир, оламдан ташқари ҳеч нарса йўқ” (Фаробий. Существа вопросов. Қаранг. Избранные произведения мыслителей ближнего и Среднего Востока, М. 1961, 172 бет).

Фаробий ўз даврини фанларига бўлган муносабатини келиб чиқиб, фанлар таснифини ифодалаган. Ушанга билимлар амлий ва назарий қисмга бўлинади. Илмларнинг мнбаи – бу вужуддир, унинг турли хусусият ва сифатидир. Назаарий билим доирасида фалсафа асосий ўринни эгаллайди. Фаробий фикрича, фалсаф борлиқнинг моҳияти ҳақида, бутун мавжуд нарсаларнинг мазмуни ҳақида мукамал ва тўлиқ билишнинг бошқа турларидан, хусусан, амалий билимдан фарқ қилади ва ўзининг қонун ва қоидаларига эгадир.

Фаробийнинг билиш масалаларига оид қарашлари ўша даврнинг илғор материалистик дунёқарашини акс эттирган. Унинг

билишнинг объекти бу ташқи дунё. Объект субъектга қадар мавжуд бўлган.

Фаробий таърифига, одам ўз билимларини ташқаридан, атрофдаги ҳодисалардан билиш жараёнида олади. Бу жараён ўз ичига кўп восита в усулрни: сезги, идрок, тасаввур ва энг муҳими, мантиқий фикр, ақл ва нуқтаи назарни олади. Ман шу воситалар ёрдамида у фанни ўрганади. У билишда хиссий ва мнтиқий билиш босқичларини фарқлайди. Одамни ташқи дунё билан боғлайдиган сезгининг ролига тўхталиб, Фаробий уларни сезги аъзоларига мувофиқ равишда беш турга бўлади.

Сезгини дастлабки билимнинг манбаи деб Ҳисоблаган Фаробий буюмнинг акс этиши ёки инъикоси ўша буюмнинг ўзига мувофиқ келса, сезги ҳақиқий бўлади, дейди. Фаробийнинг билишда сезгининг роли ва умуман хиссий акс эттириш тўғрисидаги қарашлари Аристотельнинг “Сезмаган одам ҳеч нарсани билмайди ҳам, тушунмайди ҳам” деган қарашларига жуда ўхшаб кетади.

Аввало, “одам ақл ва сезги воситасида билишга эга бўлиши” билан ҳайвонлардан фарқланади. “Ақлий қувват” борлиқдаги нарсаларнинг фикрий акс этишини ўзида ифодалайди. Билиш жараёнида ердаги нарсаларнинг моҳиятларини, сабабларини билиб олган ақл энди осмон жисмларини, уларнинг шаклларини билишга томон интила бошлайди ва ўзининг бу сўнгги босқичида инсонга ўз таъсирини кўрсатиб турувчи коинот ақл билан қўшилиб кетади ва мангулик хислатига эга бўлади.

Фаробий талқинига “сезгининг ўзига мувофиқ тартиби бўлганидан ақлнинг ҳам ўзига мувофиқ тартиби бор”. Биринчи усул табиий фанлар учун, иккинчи усул эса математикага хосдир, бу иккала усулдан ҳам жисмларнинг у ёки бу тмоонларини чуқурроқ билиш мақсадида фақат фанлар фойдаланади.

Фаробий Аристотельга ўхшаб яқка буюмлар-бирламчи, мавжуд тушунча ва ғоялар эса иккиламчи ва аниқ буюмларни аылда мавхумлаштириш натижасида вужудга келади деб ҳисоблайди. У “умумий тушунчалар – универсалитлар яқка субстанциялар мавжуд бўлгани учун ҳам мавжуддир” ва уларнинг мавжудлиги умуман мавхумдир деб ҳисоблайди. (Фаробий, Аристотель. “Категориялар” ига шарҳлар, 177-178 бетлар).

Фаробийнинг жамият ҳақида қарашлари идеалистик ва ҳаёлий руҳда ифодаланган бўлса ҳам, унда ижобий ғоялар ҳам ўз ўрнига эга бўлган. Унинг фикрига, жамиятда фан ва унинг вазифаси, маънавийт

ва маърифат, ахлоқий тарбия, давлатни бошқариш, дин муайян кўринишларда йўналтирилган бўлиши зарурдир. У ўзининг “Фозил шаҳар одамлари” асарида бу ҳақида батафсил ифодаланган. Ўрта аср Шарқнинг буюк олимларидан бири, ўзбек халқининг улуғ фарзанди, аллома олим Муҳаммад ибн Аҳмад Абурайхон Беруний эди (973-1048). У ўз умри давомида 152 асар яратди. Шулардан энг машхурлари “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Масъуд қонуни”, “Хиндистон”, “Геодезия”, “Минералогия”, “Сайдана” дир.

Беруний ўз даврида таажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб, бу унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим олимлардан ҳисобланади. У ўзининг “Минералогия” асарида таажрибавий услубни устуворлиги алоҳида таъкидлаган. Билишнинг энг самарадор услуби эканлиги ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтган.

Берунийнинг фалсафий дунёқараши ўша даврда ҳукмрон бўлган ва кўпчилик файласуфларга ҳос бўлган бир томон идеалистик ва иккинчи томондан материалистик (позистия) нуқтаи назар устувор бўлган.

Беруний дунёни яратилганини эътироф этиш билан бирга, иккинчи томондан, эса табиатни мустақил деб билиш, унинг табиатшунос сифатида дунёни ва табиатни тушунишда маълум даражада дейстик йўналишга мойиллигини кўрсатади.

Худо дунёни бутунлича яратади ва азалдан маълум қонунларни беради. Ана шу қонунлар туфайли табиий куч, яъни табиат ҳаракат қилади, деб таъкидлайди.

Берунийнинг ижтимоий қарашлари Фаробийникига ўхшаб кетади ва маълум маънода қўллаб қувватлаган. У ўзининг ижтимоий қарашларида географик детерманизм принципини ҳимоя қилган.

Абу Али ибн Сино (986-1037) яшаб ижод қилган. Унинг асосий фалсафий асарлари “Китоб аш шифо”, “Донишнома”, “Нажот”, “Китобал ишорат” дан иборат.

Ибн Сино фикрича, фалсафа-борлиқ тўғрисидаги фандир. Унинг вазифаси – мавжудотни, яъни барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чиқиши, тартиби, ўзаро муносабати, биридан иккинчисига ўтишини ҳар томонлама ўрганишдан иборатдир. Унинг фикрича, борлиқ яхлит ва мураккабдир. Бу борлиқни ҳар томонлама текшириш учун, у зарурият, имконият, воқелик ва сабабият принципларини асос қилиб олади. У Фаробий йўлидан бориб, уни Эманацион таълимотини қўллаб қувватлайди. Зарурий вужуд (Худо)

ва имконий вужуд (табиат) сабаб ва оқибат муносабатида бўлиб, доимий ҳаракатда. Ибн Синонинг борлиқ ҳақидаги таълимоти идеализм ва материализм қоришмасидан иборат Буни фалсафий дунёқарашнинг тарихан шаклланган принципи бўйича баҳоласак, уни биз дуалистик таълимот дейишимизга асос бўлади. Ибн Сино моддий дунёни объектив қонунларни, сабаб ва оқибат бўйича ҳаракатда, ўзгаришда бўлишини эътироф этади. Табиатда эволюцион жараёнларни эътироф этса ҳам, ҳақиқий диалектик зиддиятларни ривожланиш манбаи эканлигини тушунади.

Унинг билиш ҳақида таълимотида материалистик элементлар кучли бўлса ҳам, у оқибатда билишнинг умуман идеалистик позистияни ҳимоя қилади. Масалан: Унинг фикрича, мавжудотнинг моҳиятини билиш инсон жони, тафаккурининг дунёвий ақл билан қўшилиши асосида вужудга келади, яъни дунёвий ақл инсон ақлининг фаоллигини, билишдаги муваффақиятларини таъминлайди, деб таъкидланади (материалы по истории общественно философской мысли в Узбекистане, “Фан” 1976, 351 бет.).

Ибн Сино билишда сезгиларни ролига катта аҳамият берган, у сезгиларни ички ва ташқиларига ажратади. Тшқи сезги инсон ташқи олам билан боғлайди, улар 5 та – кўриш, эшитиш, там-жаза билиш, хид ва тери сезгиси. Булар инсоннинг маълум органлари – тери, кўз, оғиз, бурун, кулоқ билан узвий боғлиқдир.

Ички сезгилар - бу умумий, чунончи, тахмин этувчи, ифодаловчи, эслаб қолувчи (хотира), тасаввур этувчи сезгилардир. Табиатга бўлган муносабатида гилозоистик нуқтаи назарни ҳимоя қилади.

Ибн Сино фикрича, ақлий билиш, билиш жараёнини энг юқори босқичидир. Унинг мантиқ соҳасидаги таълимотида уни тасдиқини эътироф этиш мумкин бўлади. У Арасту ва Фаробийни мантиқ тўғрисидаги таълимотларини янада ривожлантирди. Унинг ижтимоий қарашлари Форобийнинг ижтимоий қарашларига ўхшаб кетади. Умуман жамиятга бўлган муносабати идеалистик бўлган.

3.

Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг унинг доирасида, Қуръон ва Ҳадис аҳкомига мос равишда пайдо бўлган тасаввур таълимотлари X-XI асрларга келиб Мовароуннаҳр (Ўрта Осиё) да ҳам кенг тарқала бошлади.

Тасаввуф мусулмон мамлакатларидаги халқларнинг ижтимоий-

фалсафий, маданий-маънавий ҳаётида кенг тарқалган, энг мураккаб ҳамда ўзаро зиддиятларга тўла ғоявий оқимлардан бири саналиб, пайдо бўлишининг биринчи асрларида (1X-X) еретик (бидъат) таълимотлар қаторига кўшилган, унинг тарғиботчиси ва ташвиқотчилари беаёв қувғин этилган, баъзилари шафқатсиз қатл қилинган эдилар. Тарки-дунёчилик, бу дунё бойликларидан ва ноз-неъматларидан воз кечиш, Худо висолига етишмоқ учун пок, ҳалол, ўз меҳнати ила яшаш, ихтиёрий равишдаги фақирлик тасаввуфнинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланган.

Ўрта Осиёда тасаввуфий таълимотларнинг пайдо бўлиши йирик мутафаккир Юсуф Ҳамадоний (1048-1140) номи билан боғлиқдир.

Марказий Осиёда илк тасаввуфий тариқатнинг асосчиси Хожа Ахмад Яссавийдир. Тасаввуф фалсафий оқим ва диний-маънавий ҳодиса сифатида ислом дини доирасида пайдо бўлди. Тасаввуф учун ваҳдоният – Оллоҳнинг бирлиги, Оллоҳ ва оламнинг порлаб туриши, фано бўлиш, ориф шхснинг тангри таоло билан руҳан бирлашиб кетиши каби мушаҳадалар муҳим аҳамият касб этади. Бу оқим номаёндалари ва тарафдорларини Суфийлар, деб атаганлар ва “Сўфизм” атамаси шундан пайдо бўлган.

Маълумки XII асрдан сўнг “Яссавия” тариқатидан кейин Ўрта осиеда икки йирик тарқат пайдо бўлади: 1. “нақшбандия”, “Иқония”, деб ном олган учинчи тариқат ҳам “Яссавия” дан тарқалган бўлса-да, унинг таъсир доираси фақат ўша даврдаги Шош (Тошкент) вилояти ҳудуди билан чегараланиб қолган.

Тасаввуфдаги барча йирик тариқотларда бўлганидек, “Яссавия” тариқатининг ҳам ўзига хос муайян қоидалари (адиби) бор. “Яссавия” тариқатининг барча ақидалари Хожа Ахмад Яссавийнинг асосий асари бўлмиш “Ҳислотда” муфассал баён этилган. Бу асарда у поклик, ҳалоллик, ўғрилиқ, меҳр-шафқат, ўз қўл кучи, пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечириш, Оллоҳ-таоло висолига етишиш йўлида инсонни ботинан ва зохирон ҳар томонлама такомиллаштириш каби илғор умуминсоний кадриятлар ифода этилган.

Умуман шундай маънода тасаввуф фалсафасининг бошқа тариқотлари, мазмуни белгиланган. Тасаввуф фалсафаси ўз моҳияти билан объектив идеализм бўлса ҳам унда инсон учун фойдали ғоялар мавжуддир. Айниқса ундаги ахлоқий масалаларни ифодаланиши ҳозирги куннинг маънавий масалаларини маълум маънода ечимини топишга ёрдам беради.

5-мавзу: Ҳозирги жаҳон замон фалсафаси ва унинг асосий оқимлари.

Режа:

XX аср фалсафаси унинг хусусиятлари, ривожланиш босқичлари ва асосий йўналишлари.

Позитивизм фалсафаси ва унинг тарихий шакллари.

Прагматизм фалсафаси ва унинг моҳияти.

Экзистенциализм фалсафаси ва унинг асосий йўналишлари.

Адабиётлар:

Каримов И. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”, 1998 й.

Каримов И. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. “Ўзбекистон”, 1999 й.

XVII-XX аср Ғарб фалсафаси. Т., ЎЗМУ, 2000 й.

Основы философии. (под.ред Ахмедовой М. и Хона В.С.) –Т. «Ўзбекистон», 1998 й.

Кенке В.А. Философия –М: “Логос”, 1999 й.

Философский Энциклопедический словарь.М. 1999 й.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. “Янги аср авлоди” 2001 й.

1.

Ҳозирги замон фалсафаси бу XX аср ва XXI аср бошларида мавжуд бўлган фалсафий таълимотлар ва уларнинг хил-хил кўринишлари билан ифодаланади.

XX аср Европа фалсафаси ўша даврнинг иқтисодий, сиёсий, социал, мафкуравий, илмий-техникавий ўзгаришларининг таъсири остида ривожланган.

Фалсафа табиий равишда социал эҳтиёжлар, манфаатлар, мақсадлар ва давлат буюртмаларини қондирилишига кўмакдош бўлган.

XX аср Европа фалсафаси хилма-хил йўналишларга эга бўюган, уларни жамиятни маънавий ҳаётига таъсир этиши ҳам ижобий, ҳам салбий, ҳам реакцион, ҳам прогрессив, антимистик ва пессимистик руҳда бўлган. XX аср биринчи ярмида Европада содир бўлган жаҳон урушлари, ижтимоий силкинишлар ва бошқа сиёсий ҳодисалар инсонларни келажакка бўлган муносабатларини ўзгартириб юборди. Маълум маънода Европа халқлари маънавий тушкунлик

холатига тушиб қолдилар.

Баъзи фалсафий таълимотлар инсонларни тушкунлик холатидан чиқаришларга ҳаракат қилдилар. Инсонларда келажакка умид учқунларини пайдо қилишга уринишлар бўлди.

XX аср Европа фалсафаси ўша даврда ҳукумрон мафкуравий ғояларни илмий асослигига ва амалда тадбиқ этилишига хизмат қилган.

Европада ҳукумрон бўлган фашизм мафкураси, коммунистик мафкура ва ирқчилик ғоялари билан суғорилган баъзи ўта реакцион диний мафкуралари фалсафа хизмат қилди, уни апологетларига айланди. Ҳозирги кундаги дунёдаги мафкуравий кураш майдонида содир бўлаётган ғоявий кураш заминига геополитик мақсадларни амалга оширишида асос тайёрлади.

Бу даврда фалсафа бир томондан ижтимоий ва давлат буюртмаларини бажариш билан бирга ўзининг фанга оид бевосита вазифаларини ҳам бажаришга ҳаракат қилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Хўш, XX асрда фалсафий фикр тараққиётининг асосий хусусиятлари нималарда намоён бўлди?

Биринчидан, фалсафий фикр муайян мафкурага хизмат қилганлигида. Фалсафани ўта идеологиялашуви ва сиёсийлашувига олиб келганлигида.

Бунинг асосий сабаби икки система социалистик лагер билан капиталистик лагер ўртасидаги совуқ уруш фикримизни далили бўла олади.

Иккинчидан, фалсафа, икки жаҳон уруши туфайли келиб чиқаан фандаги, техникадаги ва ҳарбий саноатдаги жадал суратлардаги ўзгаришларга ҳозир жавоб бўлолмаганлигида. Яъни классик фалсафа эскириб қолган Дунёни “илмий манзараси” орқали тушунтира олмади.

Учинчидан, XX аср Европа фалсафий фикрида классик ва ноклассик фалсафалар ўртасида тафовут ва кураш вужудга келган. Кураш фалсафанинг абадий муаммоларига бўлган муносабатдан уни эскича ва янгича ҳал этиш фикрлаш услуби ҳаётда борди. Классик фалсафа инсон ақлига ишонч билдирган ҳолда муносабат билдирди. Ноклассик фалсафа бўйича шубҳа билан қаради. Натижада фалсафада рационализм ва иррационализм йўналишлари келиб чиқди.

Тўртинчидан, классик фалсафа, турли ғоявий тизимларга

бўлинишига қарамай, муҳим муаммоларни ҳал этишда маълум бир умумийлик мавжуд. Ҳозирги замон фалсафасида хилма-хил мустақил оқимлар мавжуд бўлиб, улар асосан табиатшунослик ва гуманитар фанларга интеграциялашиш тенденцияси мавжуд.

Бешинчидан, ҳозирги замон фалсафий таълимотларини нисбатан икки йўналишга бўлиш, улардан биринчиси стептизм, яъни фан ёрдамида инсониятни барча муаммоларини ҳал этиш мумкин деб эътироф этувчи қарашлар. Фан ижобий ҳодисани Супентизм ғоялари тюзивизм фалсафаси, технологик теоризм, фан методологияси каби таълимотларда ўз аксини топган.

Иккинчиси антисцептизм аксинча фанни салохиятлигини эътироф этган ҳолда унга пессимистик муносабат билдирган. Буларга экзистенциализм, франфурт мактаби, пеотомизм, персонолизм фалсафалари дахлдордир.

Умуман олганда XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, идеализм ва материализм ўртасидаги кураш ва муайян фалсафани яққа ҳокимликка интилиши характерли белгиси бўлиб ҳисобланган.

2.

Илк позитивизм XIX асрнинг биринчи ярмида француз философи Огюст Конт ва инглиз файласуфлари Милл ва Спенсер доктриналари асосида пайдо бўлиб, “Фан ўзиг ўзи философия” деган шиор остида чиқадилар.

Позитивизмнинг иккинчи тарихий типи махизмдир (Э.Мах – Австрия физиги ва философи) XIX аср охири XX аср бошларида дунёнинг механик котинаси бузилаётган ва табиатшуносликнинг методология асоси кризисга учраган даврда кенг тарқалган философия ҳисобланади.

Позитивизмнинг учинчи тарихий типи бу XX асрнинг 40-50 йилларида шаклланган неопозитивизмдир (Б.Рассал, Корнен, Виктонштейн ва бошқалар). Бу таълимот философиянинг дунёқараш моҳиятини рад этиб, философияда патиясизликни тарғиб қилади.

Позитивизмнинг тўртинчи тарихий типи бу XX асрнинг 50-60 йилларида шаклланган Пост позитивизмдир (унинг асосчилари К.Почнер, Т.Кун, Лекатос ва бошқалар).

Позитивизмнинг дастлабки вакиллари (Конт, Спенсер) инсон

ақлининг чекланганлиги туфайли фалсафанинг асосий масаласига материалистик ёки идеалистик нуқтаи назардан жавоббериш мумкин эмас, деб ҳисоблаган эдилар. Мазистлар ёки позитивизмнинг иккинчи авлодлари эса, нейтрал элемент тўлимотини киритиш билан физик ва психик тажрибага нейтрал бўлиш керак деб айтган эдилар. Неопозитивистлар эса бу йўлда яна ҳам илгарилаб кетдилар. Улар фалсафанинг бош масалси ва ҳамма фундаментал масалалари маъносиз, илмий аҳамияти йўқ, шунинг учун буларни ҳаёидан, фанда бутунлай чиқариб ташлаш керак дейдилар.

Нима бирламчи: материями ёки онгми, деган масала илмий аҳамиятга эга эмас дейдилар. Дунё тўғрисидаги билимлар билан философия эмас, балки айрим фанлар шуғулланиши керак деб даъво қиладилар.

Б. Расселнинг логик анализи маҳизмни ўзига методологик асос қилиб олиб хиссий тажрибагина асос бўла олади деган фикрни олға ташлайди ва шу билан ҳозирги замон неопозитивизмига асос солади. Расселнинг шогирди Л. Витгенштейн философиянинг вазифаси кундалик ва илмий тилни анализ қилишдан иборат бўлиши керак дейди. Р. Корнан эса философия тилни анализ қилиш керак эмас,

Барча тилни мантиқий синтактик анализ қилиши керак дейди. Чунки ҳар қандай билиш гапда ва сўз бирикмаларида норозаланеди. Шунинг учун философия сўз бирикмаларининг гапда ифода этиши, логик қонунларни бир гапдан иккинчи гапга ўтишда ишлатилиши масалалри билан шуғулланишидан иборат деб кўрсатади.

Шунинг учун неопозитивизм турли мактабларга бўлинади: мантиқий позитивизм, семантик позитивизм, лингвистик философия каби ва х. Позитивистлар фикрига бир-бирига қарши бўлган икки хил билим бор: эмпирик (факт орқали) ва формал (фактсиз билим). Эмпирик билимни махсус фанлар беради. Бу билимнинг моҳияти янги информация (ахборот) беришдан иборат. Формал билим эса логика ва математика каби фанларга тегишли. У дунё тўғрисида янги билим бера олмайди, балки эмпирик билимни қайта ишлаб янги шаклга киритади, холос. Формал билим исботга мухтож эмас. У ҳар қандай фактларда ҳам, шароитда ҳам ҳақиқатдир. Унинг ҳақиқатлиги априори бўлиб, тажрибадан олдин ва тип қоидалари билан белгиланади.

Эмпирик билим эса “верификация” ёрдамида текширишни талаб қилади. Билимларнинг тўғри ҳақиқат экепини билимининг олий практик бойлиги, унинг ҳақиқатлигини аниқ билиш шарт деб

қарайдилар. Бу принципнинг моҳияти шундаки, маълум гапни тўғрилигини атрофдаги фактлар билан тажриба билан солиштирилса бас. “Верификация№ принципи муайян фанларда ижобий натижаларга олиб келиши мумкин, лекин ўтмиш ва келажак билан боғлиқ фанларда бу принцип фраксиз эканлигини ҳозир замон фан методологияси тасдиқлайди.

Шундай бўлсада, бироқ неопозитивизм ўзининг субъектив идеалистик тенденцияси билан табиатшунослар орасида анча эътиборга эга бўлган омилидир.

Пост позитивизм (кейинги позитивизм) вакили К.Поппер фальсификациялаш методни илгари суради. Бу методга кўра фандаги нотўғри илмий хулосаларни ҳақиқий эмаслигини исботлаш кераклигини эътироф этади. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг ҳақиқийлигини мантикий-лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар.

Структурализм (асосий вакиллари Леви-Строес ва Фуко) бу оқимнинг илмий билишдаги асосий ғояси дунёдаги ҳар қандай объектни система деб, тушуниш керак. Системани структуравий алоқадорлик қонуниятларини билиш, бу унинг моҳиятини билиш демакдир деб ҳисоблайдилар. Масалан, уларнинг фикрича атомнинг структурасини билиш демак, бутун коинотдаги системаларни билиш калитини беради, деб даъво қиладилар. Атом структураси ғояси – гелиопантризмни кашф этган. Герменевтика – (Қадим Юнон афоснасидаги Гермесм худоси номи билан аталади). Бу оқим фандаги тушуниш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий диққатни қаратади. БУ оқимнинг асосий вакиллари Шлейермахер ва Дилтой ҳисобланади.

Бу таълимот бўйича фалсафанинг вазифаси фандаги тушунча в назариялари маъно ва мазмуннинг таҳлил қилиш ва уларни ҳақиқатга мос келишини аниқлашдан иборат деб ҳисоблайдилар.

Умуман позитивизм фалсафаси ва унинг хилма-хил йўналишлари илмий билиши ва ундаги услубларга нисбатан бир томонлама ёндошган бўлсалар ҳам, уларнинг ҳозирги замон фанининг муаммоларини кўтариб чиқишлари ва маълум ечимини топишга ҳаракат қилганликлари ижобий аҳамиятга эгадир.

3.

Прагматизм фалсафий йўналиш сифатида XIX аср 70-йилларида

АҚШ да шаклланди ва XX аср бошларида Европга тарқалди. Прагматизм позитивизм сингари мавжуд фалсафий системаларнинг қайта кўриб чиқиш ва бутун илгариги философия хал қила олмаган муаммоларни хал қилишга ваъда беради. Фалсафий фикрлаш тарихида прагматизм оптимизм философияси сифатида кириб келди. Прагматизмни ғоялар амалий томон ҳақат қилиш назарияси америка жамоатчилигига мақул келди.

Прагматизмни бизнес философияси сифатида қабул қилди.

Прагматизм ҳам позитивизм сингари асос қилиб олган принцип субъектив идеализмдир. Унинг асосчиси америкалик Чариз Пирс бўлиб, асосий принцип қилиб қуйидаги уч ҳолатни олади:

Нарсаларни хиссий ва практик натижалар билан айнанлаштириш яъни нарсаларни хиссий қабулсиз, идроксиз маъносиз деб чиқариб ташлаш.

Тафаккурни субъектив психологик хошишга эришиш деб қараш.

Ҳақиқатни мақсадга олиб борувчи омил деб таърифлаш.

Прагматизм дунёни дастлабки асосига “соф тажрибани” қўяди. Пирс ғоясини давом эттириб Джемс табиат у моддий ҳам, идеал ҳам эмас, чунки турли объект ва субъектга нисбатан турлича шартли ҳарактерга эга, дейди. Масалан, табиат бир кимёвий бирикмада тажриба фикр сифатида гавдаланса, бошқа бирикмада у модда сифатида гавдаланади. Тажрибамизда кўринган ҳамма реаллик турлари, ҳамма объектлар ихтиёрий қоида қилиб (постулат) олишимиз натижасидир. Диққат ва иродага эътиборни кучайтиришимиз натижасидагина соф тажрибадан онг оқими орқали кераклигини ажратамиз. Бу асли ғоядир, лекин унга ишонганлигимиз учун нарса бўлиб қолади, дейди.

Шундай қилиб “Соф тажриба” – онг оқимидан бошқа нарса эмас, тажриба доирасига туш, диний жазава, алахсираш, галлюцинация, хуллас объектив воқеликдан ташқари ҳамма нарса киритилади. Шунинг учун бизнинг ғояларимиз, тушунча ва назарияларимиз объектив мазмунидан ҳам, улар мақсадга эришиш учун бир восита деб эълон қиладилар.

Онгнинг бирдан-бир вазифаси турғун ишончихосил қилишдан иборат дейди, прагматистлар ва бу билан тафаккур объектив воқеликни акс эттиришини рад этадилар. Фикрлашнинг билим функцияси шубҳалардан турғун ишончга олиб келишдан иборат дейди.

Инсон билимлари воқеликка ўхшайдими? Мос келадими? Деган масала прагматизм томонидан тамомила рад этилади.

Бизнинг ғояларимиз ва тушунчаларимизнинг бирдан-бир мазмуни биз кутган тажриба натижасидир. Шунинг учун илмий ғояларни тажрибанинг арзини муваффақияти нуқтаи назаридангина баҳолаш керак, дейдилар.

Ғояларнинг ҳақиқатлиги – фойдалигидадир.

Прагматизмнинг яна бир “янги” концепцияси – ҳақиқат масаласидир. Маълумки, ҳақиқат билимнинг объектга мос келишидир. Мос келиш, билимнинг даражаси, ўзига хослиги, турли шаклларига боғлиқ бўлиши мумкин, бироқ бари бир билиш объектга мос келиши керак. Прагматизмда ҳақиқат амалий изчиллик ҳамда билиш мақсади билан изохланади. Агар бирор индивидга қандайдир фаолият фойдали бўлса, бу тўғрисидаги ғоя ҳақиқат деб ҳисобланаверади.

Прагматизм ҳақиқат мазмуни фойда келтириш тушунчаси билан айнанлаштиради. Бироқ ҳаётда шундай фойдали нарсалар ҳам борки, лекин улар ҳақиқатни акс этмайди. Масалан, давлат ташкилотлари ва муассасаларида иш ҳақи бу меҳнат ҳақи эканлигига ишонтириш фойдалидир. Аслида эса иш ҳақи меҳнат ҳақининг бир қисмидир. Врачайрим ҳолларда инсонийлик мақсадида тузалмас, касалликни бемордан яширади. Бу кўпинча унинг яшашини давом эттириш учун фойдали бўлади. Бу ҳақиқатни яшириш, аммо фойдалидир. Аксинча, ҳамма ҳақиқий билиш ҳам фойда келтиравермайди. Ядро куролини яратилиши ҳақиқат, ҳақиқий билим, бироқ уруш чиқас буни энди фойдали омил деб бўлмайди. Шундай қилиб, прагматизм ҳақиқатни ўта бир томонлама изохлайди.

Умуман олганд прагматизм фалсафаси фойдали фаолиятга ундовчи ва бу йўлда ҳр қандай воситаларни ва фаолият турларини оқловчи таълимотдир.

Бу философия ишбилармонлар, менежерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган.

4.

Экзистенциализм (existence – яшаш) – яшаш фалсафаси маъносида, ҳозирги замон философиясининг сосий оқимларидан бири ҳисобланади. Бу философия XX асрнинг 30-40 йилларида

Германияда (Хайдегер, Ясперс), кейинчалик Францияда (Ж.Поль Сарт, Камю Г.Марсель, Симона Бауяр), Италия ва АХШ да кенг тарқалган.

Яшаш фалсафаси Бергсон, Нистце ғоялари, Гуссерел феноменологиясининг бевосита давоми сифатида майдонга келди. Бу ғояларнинг келиб чиқиш манбаи даниялик С.Кёркегорнинг асарлари ҳисобланди.

Экзистенциализм фалсафасининг марказий муаммоси бу инсон ва унинг ички маънавий дунёсидир. Бу таълимот бўйича борлиқ муаммоси инсонни мавжудлиги, унинг яшаши маъносида ифодаланади. Бу философияга кўра, шахснинг индивидуал яшаш муаммоси “мен” фалсафа предметининг асосий ва марказий масаласи ҳисобланади.

Ташқи олам “мен” орқалигина аҳамиятга эга, улар “менинг предметим, менинг нарсаларим ҳисобланади, чунки улар “мен” мавжудлигим учун мавжуддир. “Мен” уларни идрок этаман, дейдилар.

Хайдегер ўзининг “Борлиқ ва вақт” деган китобида, агар яшаш йўқ экан дунё ҳам йўқ. Ҳозирги қадар яшаш мавжудми, шунинг учун дунё давом этиб келмоқда дейди. Вақт – инсон ўзининг вақти, чекланган эканлигини хис қилишдан иборат. Хақиқий вақт туғилиш билан ўлим ўртасида давом этади. Ўзидан илгариги ва кейинги мавжудлиги тўғрисида тасаввур қилиш – асосланган нарса эмас, экстрополяциядир дейдилар.

Хайдегер ва Яспероларнинг фикрича фалсафанинг мақсади мавжудликни ифодалашдан иборатдир. Мавжудлик билан фалсафий системанинг ҳаммаси шуғулланди. Шунинг учун экзистенциализм ҳам ана шу мавжудликдан бошлайди дейди.

Бироқ мавжудлик уларга ноаниқ нарсаларнинг мавжудлиги ҳам ноаниқ, уларни билиш эса тамомила ноаниқдир. Уларга мавжудликни яққол кўринадиган томони – инсон индивидуал яшашидир. Бошқа мавжудликдан фарқли уларок “мен мавжудман” деб аташ мумкин. Яшаш ҳеч қачон объектив бўл олмайди, чунки одам ўзини ташқаридан ҳеч қачон кўра олмайди. Шунинг учун “мен”ни билишнинг бирдан бир воситаси инсон ўз кечинмалрини ёзишдан иборат, дейдилар. Экзистенциализм фикрича инсоннинг яшаши: кўрқиш, ғамгин, ташвишланган, ташландиқ, ўлим, безовта бўлиш каби тушунчаларда аниқ кўринади.

Уларнинг фикрича инсон ҳаётни мзмунини ана шу ченаравий

ҳолатларга тушганида янада ҳам чуқурроқ англай оладидейдилар.

Экзистенциализм тарафдорлари билиш назариясида бир-бирига қарама-қарши ҳар-хил фикрларни баён этадилар.

Маслан, Хайдегер ўзининг “Метафизика нима”? номли китобида, фан философиянинг ўлчови бўлолмайди, соф фалсафий фикр фан доирасидан ташқарида бўлиши керак, дейди. Фан, иррационал ва ҳеч қачон илмий тушунчаларда ифодаланмайди, у рационал фикрга қараганда интуистияга (яъни туйғуга) яқин дейди.

Экзистенциалистлар эркинлик тушунчасига ўзига хос маъно берадилар. Уларнинг фикрича эркинлик ҳар бир ўзининг кечинмаларига асосланган озодликдир, деб эгоизмни тарғиб қиладилар. Инсонни ички маънавий дунёсини мутлақ эркин деб эътироф этадилар. Инсонни ирода эркинлигига юқори баҳо берадилар. Уларнинг фикрича инсон ирода эркинлиги орқали ўзини ўзи яратувчи мавжудоддир. Инсон ўзининг тақдирига масъулиятли бўлимига чақирадилар.

Экзистенциализмда асосан икки оқим бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилинади.

Христиан экзистенциализми (Ядере, Марсель).

Дунёвий экзистенциализм (Хайдегер, Сартр).

Экзистенциализмни диний кўриниши ўз-ўзидан маълумки диний қадриятлар тизимига асосланганлиги ва шунинг асосда инсон ҳаётини маъносини ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Экзистенциализмнинг дунёвий кўриниши хилма-хил бўлиб фашизм идеологиялари ҳам, француз антифашистлари ҳам қиради. Бироқ экзистенциализмни кейинги вакилларида прогрессив ғояларни учратиш мумкин. Масалан, ижтимоий прогресс, инсонпарварлик, экологик муаммоларни улар томонидан кўтариб чиқилиши, тинчликсеварлик ғоялари, урушларга қарши кураш ва хоказолар.

Умуман бу философия инсонни яшашини истиқболсиз, маъносиз деб қарайдилар.

Экзистенциализм ўша даврнинг маънавий ҳаётидаги кризиснинг кескин ва аниқ ифодасидир.

Юқорида баён этилган фикрлардан кўриниб турибдики, ҳозирги замон XX аср философия ўз моҳияти билан фалсафанинг хилма-хил муаммоларни таҳлил қилишга ҳаракат қилган ва уларни маълум бир фалсафий дунёқараш позистиясидан туриб ҳимоя қилган.

Биз Миллий истиқлол мафқурасининг тамойилларига асосланган ҳолда ҳозирги замон фалсафасининг энг асосий тамойиллари

умуминсонийликнинг устуворлиги, унинг миллийлик билан уйғунлиги, демократик эркинликлар, инсон қадри, бирор таълимотни мутлақлаштирмасликдир. Бағрикенглик ва толерентлик ҳозирги фалсафий таълимотлар ранг-баранглигини таъминлайдидеб умидворлик билдирамиз.

6-Мавзу: Борлик фалсафаси.

Режа:

1. Борлик тушунчаси. Борликнинг асосий шакллари.
2. Материя ва унинг намоён булиши.
3. Харакат. Харакатнинг асосий шакллари.
4. Фазо ва вақт материя атрибути сифатида.

1.

Фалсафа урганадиган кайси бир масалани олмайлик, у борлик муаммоси билан боғлиқ эканлигини курамиз. Хақиқатдан ҳам, борлик, унга муносабат масаласи фалсафий қарашларда марказий уринни ташкил қилади. Бу бежиз эма, албатта. Чунки, борлик муаммоси фалсафадаги ҳар қандай дунёқараш ва методологик муаммоларнинг асоси ҳисобланади. Дарҳақиқат, турли дунёқарашлар уртасидаги бахслар борлик муаммоси атрофида юзага келаётган тортишувларга, яъни борлик азалдан мавжудми, ёки у мутлақ рух томонидан яралганми, деган масалага бориб такалади.

Кишилар узларининг кундалиқ тажрибалари асосида фикр юритиб, узлари яшаётган дунёнинг айнан ҳозир мавжудлигига, узларидан кейин ҳам мавжуд булишига, узларининг эса уткинчи, вақтинча яшаб, сунг дунёдан утиб кетишларига ишонч ҳосил қила бошлаганлар. Бу ишончлари асосида уларнинг “борлик” ва “йуклик” ҳақидаги қарашлари пайдо бўлади.

Дунёнинг мавжудлиги, яъни борлиги тугрисидаги бахс юритган файласуфлар бу масалага турлича ёндашгалар: уларнинг баъзилари, Дунё аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам мавжуд бўлади, дейишса; бошқалари, дунё аввал мавжуд бўлмаган, у худо томонидан яратилган; дунёдаги ҳамма нарсаларни, хусусан, инсонни ҳам, худо ёки рух яратган, шундан бўён улар мавжуд, дейишган. Учинчи хил мутаффиқлар эса, дунё яралишига худо фақат сабабчи бўлган, холос, у шундан бўён узи мавжуд, узи ривожланади, деган қарашни илғор суришган.

Дунёнинг абадийлиги еки уткинчилиги, унинг макон ва замонда чекланган еки чексизлиги тугрисидаги қарашлар инсоният тарихида дастлаб афсоналар ва диний қарашлард, кейинчалик фалсафа ва бошқа фанларда ифодаланиб, муҳокама қилиниб келинган. Бу муҳокамаларнинг ҳаммаси пировард оқибатида

борлиқ муаммосига бориб такалаверган. Уларнинг барчасининг мантикий хулосаси шуки, дунё доимий, абадийдир. Аммо шу абадий дунедаги барча нарсала, турлиғтуман жонсиз ва жонли организмла, инсонлар ва уларнинг фаолияти хатто, бир бутун жамият хам, шубхасиз, вақтинча, уткинчидир. Демак, борлиқ абадий, аммо ундаги барчанарсалар узгаришда ва ривожланишда; бир холатдан иккинчи холатга, бир турдан иккинчи турга утишда, чунки улар бордан йук, йукдан бор булмайди.

Борлиқ муаммосининг бутун илдизи, маъноси ва мазмуни шундаки, бир бутунлик сифатидаги борлиқнинг домий мавжудлиги ва уни ташкил этган нарсаларнинг: табиат, инсонлар, жамият ва уларнинг фаолиятларининг уткинчилиги зиддиятлибирликни ташкил килади. Бундан шу нарса маълум буладика, борлиқ муаммосини фалсафада урганиш дуне “хозир, шу ерда мавжуд”, деган карашдан бошланиб, бу карашлар бир бутун дуненинг чексиз ва доимий мавжудлиги, ундаги нарса ва ходисаларнинг, шу жумладан, инсонларнинг хам, вақтинчалиги ва уткинчилиги тугрисидаги карашларга томон ривожланиб борган. Бу борлиқ тугрисидаги фалсафий муаммонинг биринчи томонидир.

Борлиқ муаммосининг фалсафий тахлили шуни курсатадики, дуне бир бутун, абадий мавжуд, лекин уни тахлил этган нарсалар узи мавжудлиги жихатидан хар хил, уткинчидир. Бир бутунлик сифатидаги дунё ундаги мавжуд нарсалардан ажралмасдир. Бир жихатдан, бу бир бутун Дуне билан уни ташкил килган нарсалар, ходисалар ва мавжудотлар уртасидаги фарк килган булса иккинчи жихатдан, дуне узини ташкил килган нарсалар, мавжудотлар билан ажралмас бирликлагибутунликни хосил килади. Бундан борлиқ тўгрисидаги фалсафий муаммонинг дуненинг бирлиги масаласи билан боглик булган иккинчи томони келиб чиқади.

Кишилар уз кундалик амалий, ижтимоий фаолиятларида дунедаги нарса ва ходисалар билан, узларини куршаб турган табиат ва жамият билан хам муайян муносабатларда булиб, дунедаги мавжуд нарса ва ходисаларнинг баъзилари улар онгидан, хохиш-иродасидан ташкарида, уларга боглик булмаган холда мавжуд эканлигига, бошка нарса ва ходисалар эса уларга, улар онгига, хохиш ва иродаларида боглик хода мавжуд булишига ишонч хосил килиб борганлар. Улар бу жараенда табиат билан жамият, узлари билан узгалар, инсон билан табиат, инсон билан

жамият, инсон билан унинг онги, иносн билан инсон, моддий нарсалар билан маънавий нарсалар, тана билан жон (рух) уртасида умумий бирлик, алокадорликларини аниклаш билан бирга, улар ўртасида мухим фарклар борлигини ҳам билиб борганлар. Бора-бора улар инсоннинг узида ҳам тана билан рух (жон), табиийлик билан ижтимоийлик бир-бирларидан ажралмаган холда мавжудлигини, бирлигини ҳам била борганлар. Лекин кишиларнинг борлиқ муаммосининг фалсафий англаши уларнинг дуненинг бирлигини илмий тушуниши эмас, балки унинг зарурий асосларини излашдан иборат булади. Чунки дуненинг борлиги унинг бирлиги учун зарур шарт булса-да, дуненинг бирлиги унинг борлиғида эмас эди. Дунёнинг хакикий бирлиги унинг моддийлигидадир, унинг мохиятидадир.

Шуни айтиш керакки, борлик тушунчаси бунда моддийликдан ташкари маънавийликни ҳам уз ичига олади. Бу жихатдан инсон онги ҳам, барча онгли ва онгсиз фаолиятлар ва онг махсулотлари, маънавий-рухий ходисалар ҳам борлиқ тушунчаси таркибига киради. Чунки, онг хеч қачон англаган борликдан бошка нарса булиши мумкин эмас, кишиларнинг турмуши эса улар ҳаётининг реал жараенларидир. Бу борлик тўғрисидаги фалсафий муоммонинг учинчи томонини ташкил этади.

Демак, борлик кенг маънода энг умумий тушунча сифатида бир бутун дуне ва ундаги нарса ва ходисалардан тортиб, инсон ҳаёти, онги, кишиларфаолиятининг барча объектив ва субъектив шароитлари, хатто жамиятда содир буладиган бутун жараенлардан иборатхамма реаликларни уз ичига олади. Борлик тушунчаси фалсафий жихатдан жуда кенг маънода бир бутун реаллик сифатида тушунилади. Шу сабабли унга, юкорида айтилганлардан ташкари, инсон ҳали узлаштириб, билиб улгурмаган нарсалар, табиат ходисалари ҳам, табиат бойликларидан фойдаланган холда инсоният яратган барча нарса ва ходисалар, жараенлар ҳам, кишиларнинг ижтимоий ҳаётлари ҳам, уларнинг узлари, фикрлари, ғоялари, қарашлари; улар яшайдиган жойлар, улар меҳнат киладиган корхоналар, уқийдиган ва ишлайдиган ташкилотлар ҳам, жамиятдаги барча ижтимоий, иктисодий, сиёсий, мафкуравий, хуллас, маънавий муносабатлар ҳам киради. Бинобарин, ҳар бир кишининг ҳаёт фаолияти унинг узи учун ҳам, атрофдаги кишилар учун ҳам маълум реаллик ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир киши уз танаси, уз руҳига, уз утмиши, бугуни

ва келажигига ҳам, бошка кишиларга ва умуман, бутун жамиятга ҳам маълум реаллик сифатида муносабатда булади.

Кишилар, уз фаолиятларида табиий бойликлар билан бир каторда маънавий бойликларни ҳам яратадилар. Фалсафада бу моддий ва маънавий бойликлар ҳам алохидаузига хос реаллик характериға эға булган борлик сифатида каралади. Демак, моддий нарса ва ходисалар билан бир каторда, маънавий ходисалар ҳам борлик тушунчаси таркибига киради.

Умуман, борлик муоммосини тадкик этишда фалсафа кишиларнинг амалий, маънавий-ахлокий, сиёсий, ҳукукий, диний ва шулар каби фаолиятларига ва билимларга асосланади. Бунда борлик категорияси у билан узвий боглик булган «мавжудлик», «реаллик» ва бошка шулар каби бир катор фалсафий категориялар ёрдамида урганилади. Фалсафа борлик тушунчасини энг умумий тушунча сифатида узига бошлангич категория килиб кабул килади.

Фалсафада борлик категорияси дунё, табиат, инсон онги, унинг индивидуаллашган ва моддийлашаган курунишларининг шунчаки мавжудлигини эмас, балки улардаги умумий характерға эға булган реалликка хос энг умумий алокадорликни ифодалайди. Бинобарин, дунё, ундаги нарса ва ходисалар узларининг барча хусусиятлари ва хоссалари билан бирликда мавжуд булиб, улар уз реалликлари билан умумий бирликка эғадир, улар уртасидаги категориясида ифодаланади.

Борлик тушунчаси фалсафий категория сифатида билишнинг юкори боскичи - абстракт тафаккурғагина хос булиб, фикрлаш жараенида кишилар бу тушунча оркали дунедаги алохида нарсалар, уларнинг конкрет белгилари ва хоссалри хакида эмас, балки дунедаги барча нарсалар, вокеа ва ходисалар, жараенлар уртасидаги энг умумий томон – уларнинг реаллиги хакида фикр юритадилар.

Борлик узининг мавжудлик шакллариға кура хилма-хилдир.

Фалсафада, борликнинг шакллари муаммосига турлича ёндашишлар мавжуд, масалан, материализм уз эътиборини моддий борликка каратиб, уни бирламчи, белгиловчи, деб хисоблайди. Идеализм эса, одатда, борликнинг маънавий шакллариға алохида эътибор беради, у маънавий борлик шаклларини бирламчи, белгиловчи, деб эътироф этади.

Хозирги фалсафий адабиётларда файласуфлар болик шаклларини дастлаб бир-биридан фарк килувчи ва Айни вақтда

бир-бири билан узаро алокадорликда булган куйидаги турларга ажратмокдалар:

1. Инсондан, унинг онгидан ташкарида объектив реаллик сифатида мавжуд булган нарсалар, ходисалар, жараенлардан иборат моддий борлик.

2. Факат инсон, унинг онги билан боглик субъектив реаллик сифатида мавжуд булган фикрлар, гоьлар, карашлар тарзидаги маънавий борлик.

Борликнинг бу турлари уртасидаги фарк нисбийдир, чунки улар бир-бирларига утиб туришади. Шу билан бирга, уларнинг хар бири уз навбатида яна бир канча шакллар, куринишларга булинади.

Инсонни куршаб турган табиат, Табиатни ташкил килган турли наrsa ва ходисалар, барча ноорганик ва органик моддалар олами, усимликлар ва хайвонот дунеси, инсоният, кишиларнинг узи ва уларнинг узаро ижтимоий муносабатларидан ташкил топган жамият - буларнинг барчаси моддий борлик куринишларидир. Шунга кура моддий борликни куйдаги конкрет турларга ажратиш мумкин:

1. Табий борлик ёки табиат борлиги.
2. Инсоний борлиг ёки инсон борлиги.
3. Ижтимоий борлик ёки жамият моддий борлиги.

Моддий борликнинг бу турларининг хар бири уз табиатлари жихатидан яна бир неча куринишларга булинади. Уларни бундай куринишларга булишнинг узи нисбийдир, чунки уларнинг хеч бири соф холда эмас, бири иккинчиси билан, иккинчиси учинчиси билан ва хоказо аралашиб кетгандир.

Маънавий борлик инсон онги билан боглик барча маънавий ходисалар: фикрлар, гоьлар, карашлар, ижтимоий онг шакллари, инсон ва жамиятнинг бир бутун маънавий-маданий хаётидир. Шу жихатдан маънавий борликнинг куйдаги 2 куриниши фарк килинади:

1. Индивидуаллашган маънавий борлик.
2. Объективлашган маънавий борлик.

а) Табий борлик ва унинг куринишлари

Табий борлик узаро боглик, Лекин бир-биридан фарк килувчи куйдаги 2 куринишдан иборатдир:

1. Табиатдаги наrsa ва ходисаларнинг, жисм ва жараёнларнинг асл табий борлиги

2. Табиатдаги нарса ва ходисалар асосида инсон томонидан яратилган нарсаларнинг табиий борлиги

Табиий борликнинг биринчи куриниши инсонгача, инсондан ва унинг онгидан ташкарида, унга боғлиқ булмаган холда мавжуд булган нарса ва ходисалар, жараён ва холатларни уз ичига олган табиатдир. Бу баъзи адабиётларда «бирламчи табиат» деб хам аталади. «Бирламчи» табиат моддий борликнинг шакли сифатида инсонгача мавжуд булган, инсондан ва унинг онгидан ташкарида, унга боғлиқ булмаган холда мавжуд булгани учун хам, алохида реаллик куринишдаги борлик хисобланади. Табиий борликнинг бу шакли инсон фаолиятнинг дастлабки шартли сифатида инсонгача мавжуд булган табиатдаги нарсалар, ходисалар ва жараёнларга хосдир.

б) инсон борлиги.

Инсон борлиги алохида киши борлиги ва бутун инсоният борлиги куринишларида мавжуд булиши жихатидан узига хосдир. Бирок бу инсон борлигида табиат ва жамиятдаги Хамма нарсалар учун умумий булган томонлар, хусусиятлар хам мавжуддир. Бу жихатдан инсон борлиги уз табиати ва мохиятига кура энг мураккаб борлик шаклидир, у хамма борлик шакллариининг маълум томонларинг диалектик бирлигини намоён этади.

Инсон борлигида, аввало, инсоннинг табиат тараккиётининг махсули сифатида табиий борликнинг хар икки шаклига оид томонлар билан бирга, ижтимоий-тарихий тараккиёт махсули сифатида унда ижтимоий ва маънавий борликнинг хам барча шаклларига хос томонларнинг йигиндиси мужассамлангандир.

Фалсафий нуктаи назардан каранганда, инсон, даставвал, табиатнинг энг олий тирик мавжудотдир. Инсон мавжудлигининг асосини инсон танасидаги хаёт ташкил килади. Инсоннинг танаси бунда табиий жисм сифатида бошка табиий жисмлар билан бир хил, улар эга булган барча хусусиятларга эгадир, яъни у хам пайдо булиш, усиш, ривожланиш, улгайиш, бир холатдан бошка холатга ути ва шу каби хусусиятларга эга. Бу танада хам, биринчи навбатда, хаёт жараени, яъни оксил таначаларининг яшаш усули – моддалар алмашиш жараени кечиши лозим.

Инсон танаси бунда табиатдаги барча нотирик ва тирик жисмларда амал киладиган конунларга буйсинади. Лекин бу инсоннинг жонли танасининг узи хали инсон борлигини ташкил килмайди. Чунки, инсон борлиги, аввало, алохида кишининг

индивидуал борлиги ва бир бутун инсоният борлиги шаклларида мавжуд булади.

Алохида кишининг индивидуал борлиги эса дастлаб тана ва рухнинг бирлигидан иборат булиб, Узбекистон шу алохида кишининг индивидуал хаёти ва фаолияти, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, яшаши, хис-туйғу ва фикрлари, максад ва истаклари, умид ва орзулари, уз-узани англаши, дунени билиши, индивидуал онги ва тафаккури, нарсаларга, кишиларга, табиат ва жамиятга алохида муносабатларининг жамини узида камраб олади.

Бир бутун инсониятнинг борлиги эса кишилик жамиятининг бутун хаёти: унинг утмиши, хозирги ва келажагига оид моддий ва маънавий турмуши, ишлабчиқариши, ижтимоий муносабатлари, ижтимоий онг ва хоказоларидан иборатдир.

Инсон борлиги бу жихатидан ҳам табиат, ҳам жамият ва ҳам рухият конунларига буйсунади.

Инсон болиги ҳам бири узица нисбий мустакил булган инсон мавжудлигининг жихатлари куйидагилар билан характерланади:

Инсон, даставвал, хис килувчи ва фикрловчи жонлитанага эга булган алохида реал табиий индивид сифатида мавжуддир. Шу билан бирга, инсон, тирик табиатнинг *homo sapiens* турига оид, унинг эволюцияси туфайли келиб чиккан алохида, узига хос ноеб бир мавжудотдир ҳамдир. Инсоннинг бу ноеблигини унинг рухий дунеси ташкил килади. Лекин, инсон, айни вақтда, ижтимоий-тарихий тараккиётининг махсули булган ижтимоий мавжудот ҳамдир. Булар инсон мавжудлигининг улчови сифатида инсон борлигининг бошлангич характерли белгиларидир.

в) Маънавий борлик.

Маънавий борлик аслида инсон борлигининг бир куриниши булиб, у индивидуал ва ижтимоий онг жараенларини уз ичига олувчи маънавийлик, маънавий кадриятлар ва маънавий бойликлардан иборатдир.

Маънавийлик инсон ва инсониятнинг нодир фазилати булиб, у инсон рухияти билан чамбарчас богликдир. Маънавийлик – бу куп киррали онг ва онгсизлик жараенларини уз ичига олувчи инсоннинг кундалик хаёти тажрибалари, унинг табиат, атрофдаги кишилар ва жамият билан булган муносабатларда хосил килган малакалари, куникмалари, унинг шахс сифатида шаклланиши давомида эгалаган ахлокий, сиёсий, ҳукукий, диний, фалсафий карашлари, шунингдек, фанларни урганиш асосида олган билимлари, бадий, техник ва илмий

ижодларининг йигиндиси хисобланади.

Маънавийликни, яъни маънавий борликни унинг мавжудлик шаклларида келиб чикиб, икки турга булиб, урганиш мумкин. Уларнинг биринчиси – индивид онги ва рухияти билан боглик булган индивидуаллашган маънавий борлик булса, иккинчиси – индивид онги ва рухиятидан ташкари, уларга боглик булмаган объективлашган маънавий борликдир.

Индивидуаллашган маънавий борликнинг ташувчиси бу индивид онги ва рухиятидир. Улар индивид – алохида киши миясининг хоссалари булиб, инсон борлигининг ажралмас қисмларидир. Конкрет кишининг хис туйғулари, Ички рухий кечинмалари, орзу-истаклари, хотираси, таасуротлари, фикрлари, хаеллари, карашлари гоёлари, индивидуал онг ости ва онгсизлик жараёнлари индивидуаллашган маънавий борликнинг элементларидир. Индивидуаллашган маънавий борликнинг узига хос хусусияти шундаки, унда содир буладиган жараёнларнинг мавжудлигини бевосита ташкаридан туриб сезиш, кузатиш, билиш мумкин эмас. Уларни илгаш, хис қилишнинг бирдан-бир йули — индивиднинг (конкрет кишининг) уз онгида, уз рухиятида юз бераётган жараёнлар тугрисида уз-узига хисоб беришидир. Фан соҳасида хали киши миясида содир буладиган онг фаолияти ва рухий жараёнларни бутун-лай тулалигича билиш, қайта тиклаш ёки қайд қилиб қуйишга ҳозирча эришганимиз йук. Биз шу пайтгача, одатда, уларнинг субъектив таассуроти биз учун қолдирган табиий ёки ижтимоий аҳамиятга эга булган айрим қисмлари, қурицишларини ажратиб олиб, қайд қилиб келамиз, холос.

Индивидуаллашган маънавий борликни алохида борлик сифатида урганилар экан, инсон борлигидан, умуман, бир бутун олам борлигидан алохида ажратиб қарамаслик қерак. Чунки, бир бутун оламсиз инсон булмаганидек, инсонсиз онг ҳам, индивидсиз индивидуаллашган борлик ҳам булмайди, у индивиднинг индивидуал рухий-ижтимоий ҳаёти фаолиятида намоён булади.

Маънавий борликнинг иккинчи қуриниши — бу объективлашган маънавий борликдир. Бу борликда индивид онгида пайдо булган гоёлар, қарашлар, фикрлар ундан ташкарига қикиб объективлашади, реаллашади, моддийлашади. Натижада, улар индивидуал онгдан ташкарида яшай бошлайди. Объективлашган маънавий борликнинг узига хос хусусияти шундаки, у субъект онгидан — индивидуал онгдан қикиб, унга боглик булмаган ҳолда объективлашгандан сунг,

табий ва сунъий тиллар материалларида, ижтимоий онг ва унинг шаклларида, масалан, муайян санъат асарлари ва маданият обидаларида ифодаланган гоёлар, карашлар, назария ва таълимот шаклларида тарихий тараккиёт давомида ривожланиб, такомиллашиб боради ва асрлар оша инсониятга хизмат қилиб, сакланиб туради.

Объективлашган маънавий борликнинг бир қуриниши бу тил (нутк)дир. Тил (нутк)да онг фаолиятининг бир қисми реаллашади, индивидуал онгдан ташқарига чиқиб, объективлашади. Чунки, тил реаллашган онгдир. Тилда онг махсули — фикр моддийлашади: у товушлар ва сузларда, гаплар ва баён қилинган нутқларда ифодаланади. Дастлаб индивидуал онгда пайдо бўлган гоёлар ва фикрлар энди товуш ва сузлар, жумла ва гаплар, матнларда онгдан ташқаридаги реаллик сифатида мавжуд бўладилар. Шу реалликлар туфайли инсоният маданиятни яратади, шу реалликлар туфайли моддий ва маънавий маданият бойликлари вужудга келади ва авлоддан-авлодга утиб, уларга хизмат қилиб, инсонни маънавий жихатдан бойитиб боради.

Инсоният яратган барча моддий ва маънавий маданият ёдгорликлари, китоблар, формулалар, лойихалар, моделлар, ранглар, куйлар, ноталар, рақслар — ҳамма-хаммаси индивидуал маънавийликнинг объективлашган, моддийлашган қуриниши, объективлашган маънавий борликдир. Бу объективлашган маънавий борликнинг мавжуд бўлишида хотира алоҳида роль уйнайди.

Демак, объективлашган маънавий борлик, ҳам инсониятнинг маънавий-моддий ҳаётида, маданият, фан, санъат, адабиётнинг пайдо бўлиши, цивилизациянинг ривожланишида жуда катта роль уйнайди.

г) Ижтимоий борлик.

Борликнинг яна бир шакли — бу ижтимоий борликдир. Ижтимоий борлик, индивидуал, яққа шахс ва жамият борлирининг бирлигидан иборат борликдир. Ижтимоий борлик, дейилганда, индивидуал яққа шахс ва жамият ҳаётининг ҳамма томонлари эмас, балки уларнинг фақат моддий ҳаёти тушунилади. Жамият моддий ҳаёти эса кишиларнинг уз ҳаётлари жараёнида уларнинг иродаларига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш муносабатларидан, бу ишлаб чиқариш муносабатларининг жамини уз ичига олган жамиятнинг иқтисодий тизими, реал базисидан иборат бўлади. Жамиятни илмий тушунишга қура, ижтимоий борлик, яъни моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули жамият ҳаётининг социал (ижтимоий), сиёсий ва рухий жараёнларига сабабчи бўлади. Демак, ижтимоий борлик,

деганда фалсафада бир бутун жамиятнинг моддий хаётини, моддий неъматлар ишлаб чиқариши ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида кишилар қиришадиган моддий муносабатларни тушунамиз. Ижтимоий борлик, ижтимоий онг билан ҳамбарчас борлиқдир, улар бир бутун жамият ҳаётининг икки — моддий ва маънавий томонларини ташкил қилади.

2.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига сабабчи бўлди. «Материя» «моддий унсур»га нисбатан ҳам, «атомлар»га нисбатан ҳам, «праматерияга» нисбатан ҳам кенгрок, умумийрок бу-либ, борлиқнинг объектив реал шаклини ифодаловчи, энг умумий тушунчадир.

Қакиқатдан ҳам, умуман материя — бу тушунча, абстракция, фикрнинг маҳсулидир, чунки, оламда «умуман материя» учрамайди, балки материянинг конкрет қуринишлари учрайди. Умуман, ҳамма вақт материя конкрет объектлар қуринишида учрайди. Шундай қилиб, файласуфлар барча моддий объектларга ҳос ҳусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қуллайди-ган тушунча бу «материя»дир.

Материянинг фалсафий уҳта муҳим жихати бор. Булар: биринчидан, материя тушунчаси фалсафий категория эканлиги, иккинчидан, бу категория объектив реалликни, моддий воқелиқни ифода этиши, учинчидан, материяни билиш мумкинлигининг таъқидланишидир. Материянинг бу фалсафий тушунчаси материянинг муайян қуринишларини, унинг тузилиши ва ҳоссаларини урганишда методологик аҳамият қасб этади.

Материя узининг маъжудлигини беҳисоб ҳоссалари, ҳусусиятлари орқали намойиш қилади. Турли хил фан-лар бу ҳусусиятларни тадқиқ этади. Табиатшунослик ва аниқ фанлар материянинг у ёки бу конкрет ҳусусиятини, узларининг тадқиқот объектлари доирасига қирувчи ҳоссаларинигина урганади. Материянинг энг умумий ҳосса ва ҳусусиятларини фалсафа фани урганади. Материяни инсон томонидан билиш унинг муайян ҳусусиятларини урганишдан бошланади. Бунинг учун эса атрофимизни ураб турган моддий объектларнинг тузилиши ва ҳоссаларини билишимиз керак бўлади.

Хозирги замон фанларининг хулосаларига кура, атрофимиздаги хар кандай жисм молекулалардан ташкил топган, молекулалар эса атомлардан ташкил топган.

Атомлар мураккаб шаклдаги узак нейтрон, позитрон, яъни ядро ва электрон крбиклардан ташкил топган. Водород атомининг ядроси битта протондан ташкил топган. Мураккаброк атомларнинг ядроси эса бир канча протон ва нейтронлардан ташкил топади. Протон ва нейтронлар эса кварклар ва уларни туташтириб, бир-бирига боглаб турувчи глюонлардан (глюон — лотинча — qlutinis — елим сузидан олинган булиб, елимловчи маъносини англатади) ташкил топгандир. Протон ва нейтронлар нуклонлар (лотинча — ядро, узак) хисобланади, нуклонлар ва гиперонлар (юнонча — устида, юкори) дан ташкари барионлар ва адрионлар (юнонча: adros — огир)дан иборат булади. Булар огир заррачалар сифатида кучли узаро таъсирлар майдонида булиб, адронлар (юнонча: adron — кучли) группасига мансубдир.

Анорганик ва органик моддалар бир-биридан молекулаларининг тузилиши, узаро жойлашиш тартиби, тизими билан фарк килади. Жонли организмлар эса мураккаб шаклдаги органик моддалардан ташкил топган булади. Жонли организмларнинг таркиби хужайра ва хужайра системаларидан иборатдир. Ер шарини куршаб турувчи биосферани бир бутун жонли вужудли система, деб олиш мумкин. У микроорганизмлар, усимликлар, хайвонлар ва инсонлардан ташкил топган булиб, бу мавжудотлар уртасидаги узаро алокадорликлар мажмуаси биосферанинг тириклигини таъминлайди. Одам ва унинг акдий фаолияти таъсирида вужудга келган янги борлик эса ноосферани ташкил этади.

Бу системалар табиий-илмий фанлар томонидан тадқиқ этилади. Фалсафа фани бундай системаларни фалсафий жихатдан умумлаштириб, материянинг сифатий ва микдорий куриниш шаклларини, структура даражаларини бир-биридан фарклайди.

Энди материянинг куринишлари ва структура даражаларини караб чикайлик. Материя икки хил шаклий куринишда учрайди. Булар — модда ва номодда куринишларидир. Улар бир-бири билан чамбарчас боғланган булиб, узаро тукнашганда, кескин сифатий узгаришлар руй беради, яъни модда ва антимодда тукнашса, материянинг модда куриниши номодда куринишига айланади, муайян майдондаги нурланишлар эса заррача ва антизаррачаларнинг вужудга келишига сабаб булади. Физик вакуум (физик объектлардан

холи булган жой)да муайян майдон хосил булишини кузатиш мумкин. Материянинг биз юкорида курсатган куринишларидан бошка турлари булиши мумкин. Уларнинг табиати хали фанга маълум эмас. Лекин фан ва амалиётнинг ривожланиши билан улар хам аста-секин билиб борилади.

Биз теварак атрофимизга назар ташласак, умуман материяга эмас, балки муайян жисмларга, нарса ва ходисаларга кузимиз тушади. Биз одатланган улчовлар ва катталиклар макроскопик микёсдадир. Бу микёсга, масштабга нисбатан хам катта, хам кичик микеслар хам бордир. Шунингдек материянинг тузилиши сифат жихатдан хам узгариб, ривожланиб, такомиллашиб борган. Материя тузилишининг фарқдарига асосланиб, унинг тузилиши даражаларини иккига: 1) микёсли структура даражалари ва 2) ташкилий-структура даражаларига ажратиш мумкин.

Материя масштаб улчови, микёси билан фарқ килувчи учта даражага булинади. Улар: микродунё, макродунё ва мегадунёдир. Микродунё атом масштабидан кичик дунё булиб, унга атом структурасидан тортиб, элементар заррачалар, атом ядроси: кварклар, кернлар ва бошка кичик улчовли структуралар киради. Бу дунёнинг яхлитлигини ва туррунлигини иккита асосий куч: кучли ва кучсиз ядровий узаро таъсирлар сакдаб туради. Кучли узаро таъсирлар атом ядросининг структуравий бирлигини саклаб турса, кучсиз узаро таъсирлар эса атом структурасининг яхлитлигини таъминлайди. Молекулаларнинг тузилишидан тортиб, то Ер шарининг яхлитлигини таъминлашгача булган вазифалар учун хизмат килувчи куч электромагнит узаро таъсирларидир. Бу куч туфайли молекулали бирикмалар ва Ердаги барча хаётий жараёнларни узига камраб олган макродуне узининг мавжудлигини, структуравий бирлигини саклайди. Агар бу куч булмаганда эди, Куёш нурлари Ерда етиб келмаган, ёруглик хрдисалари содир булмаган, молекулалар парчаланиб кетган булар эди. Яъни Ерда хеч бир хаётий жараён содир булмаган булар эди.

Ер, Ой ва бошка сайёралар Куёш атрофида харакатланади. Бу харакатлар сайёраларни Куёшнинг тортилиш кучи ушлаб турганлиги учун хам содир булади. Куёш системасининг ва умуман, бутун Коинотнинг структуравий яхлитлиги гравитацион узаро таъсирлари туфайли сакданади. Гравитацион узаро таъсирлари бирлаштириб турган дунё мегадунё дейилади.

Бу учала дунё бир-бири билан чамбарчас боғланган булиб, улар

бир-бирларига алмашилишлари ҳам мумкин, яъни микродунё макро ва мегадунёга, мегадунё эса макро ва микродунёга айланиши мумкин.

Материя ривожланган сари унинг ташкилий тузилиши ҳам узгариб боради. Ташкилий структура даражаларига кура материяни анорганик материя, органик материя ва ижтимоий материя (жамият)га ажратамиз. Улар бир-бирларидан система элементлари уртасидаги алоқадорликларнинг хилма-хиллиги, уюшганлиги, нисбий мустақиллиги ва фаоллиги даражалари билан фарк, килади. Анорганик материя ёки жонсиз табиатда физик ва химик алоқадорликлар хукмронлик килади, шу туфайли жонсиз табиатдаги қонуниятлар шу фанлар доирасида чекланган бўлиб, бу материя нисбатан суст ва ташкилий уюшганлиги жихатдан қуйи даражада, фаоллиги қучсиз бўлади. Жонли табиатда, яъни органик дунёда эса, биологик алоқадорликлар ҳам қатнашганлиги сабабли, унинг уюшганлик даражаси юқори, фаолроқ ва тузилиши мураккаброқ бўлади. Ижтимоий даражада эса юқорида айтилган алоқадорликлардан ташқари, жамиятга хос бўлган ижтимоий алоқадорликлар ҳам қатнашади ва бундай материя тузилиши ута мураккаб бўлиб, материя бу даражада ута уюшганлигини, нисбий мустақиллигини ва олий даражадаги фаоллигини намойиш килади. Бу материянинг структура элементи бўлган ҳар бир инсон шу жамиятга хос бўлган барча алоқадор-ликларни узида акс эттиради ва у барча ижтимоий муносабатлар ва алоқадорликларда онгли равишда ҳаракат килади.

Материянинг ташкилий-структура даражалари ҳам бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлади ва уларнинг бири иккинчисидан келиб чиқади. Одатда, қам-роқ алоқадорликларга эга бўлган система унга нисбатан қуқроқ алоқадорликларга эга бўлган системага Қараганда соддароқ ва ташкилий жихатдан тарқоқроқ ва пассивроқ (сустроқ) бўлади.

Материя ташкилий-структура даражаларининг, балки, ҳали биз билмаган янада мураккаброқ турлари ҳам бордир, лекин улар ҳақида бизда ҳозирча маълумот йуқ, чунки бундай дунёлар бизнинг мавжуд тушунча-ларимиз доирасига сирмайди. Ҳуллас, материянинг ташкилий структура даражалари бир-биридан алоқадорликларининг сони ва сифати жихатидан, энергия ва аҳборот алмашиш хусусияти билан, фаоллиги ва уюшганлиги даражаси билан фарк килади.

3.

Материянинг мавжудлиги қандай намоён бўлади? Бу саволга жавоб топишда, материянинг ажралмас хусусиятларини урганишимизга тугри келади. Нарсаларнинг ажралмас хусусияти фалсафа фанида атрибут атамаси билан аталади. Атрибут (лотинча — *attributum* — узбекча: ато этмок) феълидан ясалган ҳар қандай жисмнинг айнан уша жисм эканлигини ифодаловчи хусусиятларини акс эттиради. Яъни, жисмга унинг ана шу жисм эканлигини ато этиб турган хусусиятлари унинг атрибутларидир.

Материя атрибутлари ичида унинг асосий яшаш усули, мавжудлик шакли — бу ҳаракатдир, чунки материянинг ҳар қандай қуринишининг яхлитлиги ҳаракат туфайли сакланади. Агар ҳаракат бўлмаганда эди, ҳар қандай жисмнинг таркибий қисмларини туташтириб турувчи узаро таъсир кучлар ҳам бўлмаган булар эди, натижада, ҳеч бир нарсанинг бутунлиги, яхлитлиги, тартиби сакланмасди. Биз, атрофимиздаги нарсаларни ҳаракат туфайли, яъни уларга ёрутлик нурлари урилиб, бизнинг қузимизга тушганлиги учун қурамыз. Ҳаракат туфайли ҳаво тебранишлари қулоқларимизга товуш тулкинларини ташиб келади ва биз эшитамиз. Ҳаракат туфайли атомлар ва молекулаларда узгаришлар содир бўлади, усимликларда моддалар алмашинади, энергия ва ахборот узатилади, ҳаракат туфайли ҳайвонот олами ва инсон муҳит билан алоқада бўлади, жамият ривож-ланади. Ҳаракат туфайли Қуёш нурлари Ерга етиб келади, дарёлар оқади, усимликлар усади, фасллар алмашинади. Қуёш системаси, галактикамиз ва бутун Қоинотдаги ҳаётий жараёнлар давом этади.

Ҳаракат, бир томондан, моддий жисмларнинг ташкил этувчи элементлар ва турли жисмлар уртасидаги алоқадорликларнинг натижаси сифатида, бошқа томондан эса, уларда руй берувчи узгаришлар сифатида содир бўлади.

Ҳаракатнинг бир-биридан фарқ қилувчи бир қанча шакллари мавжуддир. Ҳаракат шаклларини турқумлаш фалсафада муҳимдир. Файласуфлар ҳаракат шаклларини турқумлашда қуйидаги қоидаларга таянадилар: 1) ҳаракат шакллари бир-бири билан сифат жиҳатдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиш даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади; 2) ҳаракат шакллари бир-бири билан келиб чиқиш жиҳатидан (генетик жиҳатдан), кетма-кет боғлангандир, яъни ҳаракатнинг мураккаброк шакллари унинг нисбатан соддарок шакллари билан келиб чиққандир; 3)

харакатнинг юкори шакллари таркибида купи даражадаги харакат шакллари катнашади, яъни харакатнинг куйи шакллари унинг юкори шаклларига ҳам мансубдир, аммо харакатнинг юкори шакли узидан куйи шаклдаги харакатга мансуб эмасдир. Шу коидаларга таянган холда харакатнинг бир неча шаклини ажратиб курсатиш мумкин. Улар куйидагилардир: механик харакат, иссиклик, ёруглик, электр, магнетизм, кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат холатларнинг бир-бирига утиши ва органик хаёт. Буларга ижтимоий харакатни кушсак, куйидаги харакат шакллари хосил булади:

- 1) механик харакат (жисмларнинг фазодаги силжиши);
- 2) физик харакат (иссиклик, ёруглик, электр, магнетизм);
- 3) кимёвий харакат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат холатларнинг бир-бирига утиши);

- 4) биологик харакат (органик хаёт);

- 5) ижтимоий харакат.

Харакат фазо ва вақт билан узвий боғлангандир.

4.

Фазо ва вақт материянинг асосий яшаш шакллари булиб, объектив реалликдаги жисмлар ва уларни ташкил этувчи элементларнинг узаро жойлашиш тартиби, кулами ҳамда улар билан боғлиқ булган ходисаларнинг давомийлиги, кетма-кетлиги тартибларини акс эттиради. Харакатланувчи материя фазо ва вақтда узининг турли шаклларини намойиш қила олади.

Бу ерда фазо — материянинг тузилиш тартиби, куламини, оламдаги нарсаларнинг узаро жойлашиш вазиятини ифодаласа, вақт — жараёнларнинг давомийлигини, ҳодисаларнинг кетма-кетлиги тартибини ифодалайди. Агар бутун объектив реаллик «лаҳзалар» ва «булинмас» улчамларнинг бирлигидан иборат булса, улар шу бирликнинг кичик улуши булиши мумкин. Фазо ва вақтга куйидагича таъриф бериш мумкин: Фазо — бу вақтнинг муайян лаҳзасида оламни ташкил этувчи нукталарнинг узаро жойлашиш тартиби, кулами, вазиятлари улчамидир. Вақт — бу фазонинг муайян нуктасида руй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги, тартиби ва давомийлиги улчамидир.

Олам хақидаги илмий билимларнинг ривожланиши билан реал фазо ва вақт хақидаги тасаввурлар ҳам, концептуал моделлар ҳам ривожланиб, такомиллашиб боради.

Фазо ва вақтнинг барча ҳисоб системаларда ва материянинг барча структура даражаларида бир хилда намоён булувчи хусусиятлари энг умумий хусусиятлар дейилади. Бундай хусусиятларга фазо ва вақтнинг объективлиги, моддийлиги, чексизлиги, материянинг атрибути сифатидаги абсолютлиги, ҳаракат ва материяга нисбатан намоён булувчи нисбийлиги, яъни турли ҳисоб системаларида турлича қийматларга эгаллиги қиради.

Булардан ташқари, фазо ва вақтнинг турли ҳисоб системаларда турлича намоён буладиган, микдорий катталиклар билан, яъни муайян улчаш асбоблари, соат ёки линейкалар ёрдамида улчаш мумкин булган, ташқи алоқадорликларда қузга ташланадиган, узгарувчан ва нисбий ҳаракатдаги хусусиятлари борки, улар-ни микдорий ёки метрик хусусиятлар, деб аташади. Фазонинг гомогенлик (биржинслик), изотропик (ва анизотропик) хусусиятлари қиради. Вақтнинг метрик хусусиятлари: давомийлик, биржинслик, анизотропик. Бу хусусиятлар материянинг турли ташқилий структура ва масштаб-структура даражаларида турлича намоён булади. Улар фазо ва вақт билан боғлиқ, булган моддий алоқадорликларнинг микдорий белгиларини ифодалайди. Метрик хусусиятларнинг узғариши материя сифатининг узғаришига жиддий таъсир қилмайди.

Фазо ва вақтнинг яна шундай хусусиятлари ҳам борки, улар барча ҳисоб системаларида, материянинг барча структура даражаларида микродунёда ҳам жамиятда ҳам бир хилда сакданади. Улар фазо ва вақтнинг туб сифатий жиҳатларини ифодаловчи фундаментал хусусиятлар ҳисобланади. Бундай хусусиятларни топологик хусусиятлар дейишади. Топологик хусусиятлар моддий алоқадорликларнинг ички, туб сифатий жиҳатларини ифодалайди. Топологик хусусиятларнинг узғариши билан моддий объектларнинг тузилишида туб сифатий узғаришлар содир булади. Қуйидаги хусусиятлар фазонинг топологик хусусиятлари ҳисобланади: узлуксизлик ва узлуклилиқ, улчамлик, боғланганлик, компактлик, тартибланганлик, чегарасизлик. Вақтнинг топологик хусусиятларига эса узлуксизлик, орқага қайтмаслик, бир улчовлик, қизикди тартибланганлик ва боғланганлик қиради.

Фазо ва вақт материя структурасидаги узаро алоқадорликлар мажмуасини акс эттирар экан, бу алоқадорликларнинг турли хил шакллари, турли хил шаклдаги ҳаракат ва унга боғлиқ, булган фазо-вақт шаклларининг вужудга келишига сабабчи булади. Биз юқорида фақат физик фазо ва физик вақт ҳақида тухталдик. Тадқиқотчилар

молекуляр алокадорликлар мажмуаси билан боғланган психологик фазо ва вақт ижтимоий алокадорликлар структурасини ифода этувчи ижтимоий фазо ва вақт шакллари ҳақда ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда.

Хуллас, фазо ва вақт оламдаги алокадорликлар мажмуасини ифода этади. Улар ҳаракат, материя ва моддий узаро таъсирлар билан чамбарчас боғланган. Оламдаги барча узгаришлар, нарсаларнинг шакли ва қуринишлари фазо ва вақт структураси билан боғлангандир. Материяга ҳаёт бахш этувчи атрибут ҳаракат бўлса, фазо ва вақт унга шакл бахш этади, уни шакллантиради, ривожлантиради, раванк, топтиради.

7- Мавзу: Табиат фалсафаси

Режа:

Табиат тушунчаси, унинг фалсафий моҳияти ва мазмуни.

Табиат ва жамият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги.

Ҳозирги замон экологик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. Тошкент.1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент 2000

Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент. 2004

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Е.Юсуповнинг илмий раҳбарлигида. Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

1.

Табиат тушунчаси кенг маънодаги фалсафий тушунчалардан биридир. Табиат бениҳоят хилма-хил шакл ва кўринишлари билан инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун мавжудотдан иборатдир. Лекин, «Табиат» тушунчасини «Борлиқ» тушунчаси билан айнанлаштирмаслик лозим. Борлиқ тушунчаси мазмун жиҳатидан кенг бўлиб ижтимоий, маънавий борлиқни ҳам ўз ичига олади. «Табиат» тушунчаси анчайин тор маънода табиатшунослик фанларининг ўрганиш объекти сифатида ҳам тушунилади. Табиат фанлари табиатдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва уларда мавжуд бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Бу фанлар маълумотларини ўрганиш билан бизнинг табиат ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб боради.

Табиат тушунчаси материя тушунчасига яқин туради. Демак, табиат хилма-хил жисмлардан ташкил топган материядир. Аммо, одатда, табиат тушунчасини муайян бир чегарада, яъни инсон ва инсоният мавжудлигининг табиий шароитлари йиғиндиси сифатида ҳам ишлатилади. Худди шу маънода, «Табиат» тушунчаси инсон ва жамиятнинг табиатга нисбатан тарихий жа-раён давомида ўзгариб борадиган муносабати тизимидаги ўрни ва ролини ифодалайди. Шунинг учун бу тушунча нафақат табиий, балки инсон томонидан яратилган, унинг мавжудлиги моддий шарт-шароитлари — «иккиламчи табиати»ни кўрсатиш учун ҳам ишлатилади.

Маълумки, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларнинг доимий равишда амалга ошиши ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солиб турувчи қонун бўлиб, бусиз инсон ҳаётининг ўзи бўлмайди.

Инсоннинг табиатга муносабатининг асосини унинг фаолияти белгилайди, чунки, бундай муносабат учун материални унга табиатнинг ўзи беради. Шунга кўра, табиатга бўлган муносабатнинг ўзгариши, ўз ўрнида, инсоний фаолиятнинг характери, йўналиши ва кўларини ҳам ўзгаришига олиб келади.

Жамият ривожланиши, у билан биргаликда инсон ақл-идрокиннинг такомиллашуви, инчунин илм-фан тараққийси табиатга бўлган муносабат характерини ҳам ўзгартириб боради. Бу нарса инсоннинг табиатга нисбатан таъсири аста-секин чуқурлашиб, кенгайиб боришига олиб келди. Инсоннинг табиатга муносабати масаласи тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турлича намоён бўла бошлайди. Шунга мувофиқ табиат ҳақидаги фалсафий тушунча тарихан ўзгариб, ривожланиб борган.

Ибтидоий одам учун табиат бутунлай илоҳийлашган бўлганлиги билан характерлидир. Мифологик тафаккур ҳали табиат билан инсонни бир-бирига муносабатини тўғри белгилаш учун муайян асос бўла олмасди. Табиат ҳақидаги билимларнинг ортиб бориши, унга нисбатан муайян қарашларнинг шаклланишига олиб кела бошлайди. Бу эса фалсафани мифологиядан ажралиб чиқишини кўрсатади.

Антик тафаккурнинг пайдо бўлиши табиатга нисбатан ўзига хос муносабатни келтириб чиқарди. Бу даврда табиат тушунчаси инсонни мукамалликка эришишга интилишни ифодалай бошлайди. Инсоннинг табиатдан баҳраманд бўлиши ва у билан ҳамнафас бўлиш томон ҳаракати кучаяди.

Фалсафанинг биринчи тарихий шакли бўлган натурфилософия — табиат фалсафаси ҳам шу антик даврда пайдо бўлиб, у табиатнинг бир бутунлигини муҳокама тарзида талқин қилади. Унинг табиатшунослик фанлари ўртасидаги чегараси тарихан ўзгариб боради ва у ўз даврида сезиларли роль ўйнайди.

Ўрта асрларга келиб, диннинг маънавий ҳаётда ҳукмрон бўлиши билан инсоннинг табиатга муносабати ҳам ўзгара бошлайди. Чунки, дин инсонни қуршаб турган табиатни худо яратган, лекин инсон олий мавжудот сифатида табиатда устун, унинг хўжайини, деган тасаввурларни илгари суради. Бу билан у инсон табиатга

эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш лозим-лигига эътиборни қаратса ҳам, бироқ уни инсон томонидан ўрганиш ва унинг ривожланиш қонуниятларини излашга ундамайди.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, диндорлар орасида шундай йўналиш ҳам мавжуд эдики, унинг тарафдорлари «табиат бир китоб, ундан худонинг донишмандлигини билиб олиш мумкин», деган ғояни илгари сураб эдилар. Бундай ғоя ўз даврида табиатшунослик фанларининг ривожига муайян тарзда таъсир қилган эди.

Табиатни билиш ва тушунишда Уйғониш даври алоҳида ўринни эгаллайди. Бу даврда кишилар табиат гўзаллиги ва унинг мукамаллигини тўлароқ тушуна бошлайдилар. Улар Ўрта аср аскетизмига қарама-қарши ўлароқ табиатни билим ва завқланиш манбаи сифатида англай бошлайдилар.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида табиатга ижтимоий-тарихий қадрият сифатида қарашлар пайдо бўла бошлайди. Табиат устидан ҳукмронлик қилишнинг кучайиши муайян мақсадга қаратилган истеъмолчиликни назарда тутувчи, ижтимоий мўлжални амалга оширувчи, умумдават миқёсидаги сиёсатни келтириб чиқарди.

Айниқса, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрга келиб табиатга вахшийларча муносабатнинг кучайиши унга жуда катта зарар етказа бошлади ва у умумжаҳон миқёсида табиий мувозанатнинг бузилишига олиб келди. Натижада, жамиятнинг табиатга бўлган оқилона муносабатини таъминлаш ғояси ўртага ташлана бошланди. В. И. Вернадскийнинг табиатга бўлган янги қарашлар тизимини ўз ичига олган назарияси ноосфера яратилди. Ана шунга асосан табиатни ҳимоя қилиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари ишлаб чиқиладиган бўшланди.

Эндиликда, инсоният табиат билан жамиятнинг ўзаро таъсири ривожланишининг сифат жиҳатдан янги босқичи оstonасида турибди. Буни табиётшунос олимлар юқорида айтиб ўтган «ноосфера» билан изохламоқдалар.

Ноосфера деганда нимани тушунамиз? У биосфера билан қандай муносабатда? Бу саволларга жавоб бериш учун мазкур тушунчалар ҳақида тўхталиб ўтмоқ мақсадга мувофиқ.

Ноосфера юнонча сўздан олинган бўлиб, «ақл, заковат» деган маънони беради.

Ноосферанинг биосфера билан ўзаро муносабати нимадан иборат?

Ноосферанинг шаклланиши учун бошланғич шарт-шароит — инсонни ўраб олган табиий муҳит, моддий тузилма — биосферадир.

Биосферанинг ҳозирги ҳолати материя ҳаракатининг биологик шакли ривожланишининг етук босқичи ҳисобланади. Уни янада ривожлантириш билан материя ҳаракатининг ижтимоий шакли — жамият келиб чиққан.

Биосфера ҳақидаги таълимотнинг асосчиси В. И. Вернадский ноосферани худди биосферага ўхшаган моддий тузилма, деб ҳисоблайди. У инсоннинг ишлаб чиқариш фаолиятини табиат тарихининг алоҳида босқичи, деб талқин этади. Ана шу фаолиятни янада ривожлантириш билан тирик организмнинг бир тури бўлган «Хома Сапенс» бутун табиатни эгаллаб, бутун мавжудот ичида ҳукмрон кучга айланди. Илмий тафаккур ва инсон меҳнати билан биосфера янги ҳолатга — ноосферага ўтади. Вернадский учун ноосфера ер юзида ақлли мавжудотнинг келиб чиқиши ва инсон таъсири остида вужудга келган Куррайи Заминнинг моддий қобиғидир. Дарҳақиқат, инсон бу ёруғ оламга келиб, табиатга таъсир қилади ва «иккинчи табиат»ни яратади. Вернадскийдан кейинги олимлар ҳам таъкидлаганидек, «Ноосфера» биосфера ривожланишининг янада юқорироқ босқичи бўлиб, унга инсоният жамияти ва у яратган барча нарсалар киради. Бу тушунча «жамият-табиат»нинг яхлит тизимига инсоннинг янгича ёндашиши билан боғлиқ. Бундай ёндашиш ҳозирги замон шароитида экологик маданиятни шакллантириш зарурияти билан келиб чиққандир.

2.

Маълумки, табиат жамиятнинг вужудга келиши ва ривожланишининг табиий шарт-шароити ва моддий заминидир. Жамият табиатнинг таркибий қисми бўлса, инсон унинг эволюцион тараққиётининг чўққиси. У жуда борганда икки миллиард йил давом этган жуда катта табиий жараённинг натижасидир. Зотан, табиат-нинг бир қисми бўлган инсон меҳнат ва ўзаро муомала қилиш натижасида аста-секин ижтимоий мавжудот сифатида шаклланди. Шу тарзда табиат ва жамият муаммоси фалсафий-методологик нуқтаи назардан биоижтимоий мавжудот бўлган инсон ва уни ўраб олган табиий муҳит билан ўзаро муносабати ҳақидаги муаммо бўлиб қолди. Табиат инсон ҳаётининг асоси, унинг жисмоний ва маънавий ривожланишининг негизи бўлган. Табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсирининг асосий ривожланиш босқичларига ва унинг асосий йўналишларига назар ташлар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қиламиз.

Маълумки, тирик организмларнинг муҳим хусусияти — моддалар алмашинувидан, ассимиляция ва диссимиляциядан иборат. Шунинг

учун инсон табиат билан ажралмасдир. Унинг тириклиги, яшаш тарзининг ўз ҳаёти учун мослашуви, авлод-аждоди яшаши учун қайғуриши худди шу табиат билан боғлиқдир. Зотан, ҳар бир инсон ўз моҳиятига кўра, она-табиатга интилади ва ундан ўзининг яшаши учун зарурий тириклик манбаини қидиради ва айтиб берилади. Табиатнинг ўзидан, унинг ҳаётбахш гўзаллигидан баҳра олиб рухланади, ундан маънавий озиқ олади. Демак, табиат фақат яшаш учун манбагина эмас, балки яшашга ундовчи манба ҳамдир. Табиат инсонни яратибгина қолмасдан, балки қандай яшашликка ҳам ўргатган, ҳаётнинг мазмуни ҳақида ўйлашга ундаган.

Бироқ, инсон пайдо бўлиб, жисман ва ақлан ривожланиши билан табиат унинг учун ҳаётбахш олижаноб манба эканлигини унутиб бошлаган, ўзлигини эсдан чиқариб, табиатга озор бериб, уни турли офатларга мубтало қилган.

Дастлаб инсон курраи заминга қадам ташлаганда, у жуда гўзал бўлган. У бу дунёга шовқин-суронсиз, секин-аста, жиндак ваҳима ва эҳтиёткорлик билан кириб келган бўлиши керак. У ёввойи жонзотларга эътиборни қаратмаган. Ҳайвонларга ўхшаб, табиатга мослашиб борган, унинг инъом-эҳсони билан қаноатланган. Аста-секин у овқат излаб, тирикчилик кетидан қувиб, Ер сайёрасининг ичига кира бошлаган. Бир донишманднинг чиройли таъбири билан айтганда, бениҳоя сахий табиат кишини, худди ёш боладек, қўлидан етаклаб борган.

Инсон олдин табиатга шогирд бўлиб, ундан ўрганса, сўнгра у унинг устидан ҳукмронлик қилишга ҳаракат қила бошлайди. Дастлаб у овқатни танлаб ейишга ўрганади. Гўштли овқат унинг жисман ва ақлан тез ўсишига имконият яратади.

Оловнинг кашф этилиши билан инсоннинг табиатга таъсири кучаяди. Табиатнинг бу стихияли кучини қўлга киритгандан сўнг, бу унинг учун фақатгина ҳимоя қилиш эмас, балки ҳужум қилиш қуролига айланади.

Инсон ўрмонга ўт қўйиб, унинг ичидаги ҳайвонларни қувиб чиқарган, уларга тузоқ қўйиб ушлаган ёки яралаганларини тузатиб боққан, қўлга ўргатган. Эҳтимол, ана шу жараёндан чорвачилик бошланган бўлса ажаб эмас.

Ўрмонларни куйдириб юборгандан сўнг, балки инсонда бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар борлиги калласига келиб қолгандир. Уларнинг уруғини сақлаб қўйиб, баҳорда ерга экишни ўргангандир. Худди шундан деҳқончилик вужудга келган бўлиши, эҳтимол.

Шундай қилиб, инсон ўзининг амалий фаолиятида ҳайвонот дунёси, ўсимликлар оларини ўз иродасига бўйсундира бошлайди.

Инсон табиатга ўз таъсирини ўтказиб, уни ўзига хизмат қилдиришга ўтади. Инсоннинг табиатга фаол аралашуви минг йиллар ўтгач, ўзининг натижасини бера бошлайди. Инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги ўзининг бошига кўпгина кулфатларни келтиради. Табиий мувозанатни бузганлиги учун табиат инсондан ўч ола бошлайди.

Буларни умумназарий жиҳатдан умумлаштириб, маълум хулосага келиш мумкин. Кишилар дастлаб ҳайвонот олаmidан қандай ажралиб чиққан бўлсалар, ўзларининг тарихини яратишга шундай қадам қўйганлар: ярим ёввойи бўлиб яшаганлар, табиий кучлар олдида ожиз бўлганлар, ўз кучларига ишонмаганлар, шунинг учун ҳам ҳайвонлар сингари яшаганлар.

Айни вақтда табиатнинг жамиятга таъсири эмас, балки жамиятнинг табиатга таъсири масаласи ҳам кўтарилади.

Тарихни табиат тарихи ва одамлар тарихига бўлиш мумкин. Бироқ, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ёхуд ажратиб ташлаш мумкин эмас. Инсоният мавжуд экан, бу ёруғ оламнинг икки томони ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлаверади. Табиат тарихи ҳақида тўхталмасдан, фақат кишилик жамияти тарихи ҳақида гапирар эканмиз, назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жиддий методологик хатога йўл қўйган бўламиз.

Яшаш учун кураш меҳнат қилиш эҳтиёжини туғдирди. Меҳнат туфайли меҳнат қуроллари яратилди, унинг ёрдамида меҳнат қилиш жараёнида инсон табиатга таъсир қилади. Ана шу таъсир кишиларнинг ўзаро муносабатининг оқибатидир. Бу муносабатлар ижтимоий характерга эга бўлиб, у инсоннинг ўзини шахс сифатида шаклланиши учун имконият яратади.

Меҳнат қуролларини яратиш инсонга табиатнинг инъоми эмас, балки инсоннинг шахс сифатида шаклланиши, ақлий ва жисмоний такомиллашувининг оқибатидир. Меҳнат қуролларининг яратилиши одамлар жамиятининг тобора тезроқ суръатлар билан ривожланишига имкон яратиб берди.

Инсон табиат фарзанди сифатида вужудга келади, лекин одамларга хос фазилатларни жамиятдан олади, уларни табиат бермайди. Инсон туғилган вақтда нутқи, инсоний ҳиссиётлари, фикр юритиши, шунингдек, тикка туриб оёқ босиши, ўтириб туриши, фаҳмлаши кабиларни билмайди, уларни кейин ўрганади. Буларнинг ҳаммаси

атроф-муҳитнинг таъсири, бошқалардан инсоннинг ўрганиши натижасидир.

Шунинг учун бу ўзаро таъсир давом этиб келмоқда. Жамият тарихи табиат ривожланиши тарихининг маълум бир давридан бошланади. Жамият ҳар доим табиатнинг ажралмас қисми сифатида мавжуд бўлаверади ва унга ўз таъсирини ўтказаверади.

Табиат олдидаги ўзининг масъулиятини англаган жамият аста-секин инсон билан уни ўраб олган муҳит ўртасидаги муносабатни тартибга туширадиган диний ва давлат қонунлари асосидаги қатор ижтимоий-сиёсий тузилмалар ишлаб чиқа бошлайди. Тарихий манбалардан маълумки, қадимги қабилаларнинг айримларида табиатга зарар етказганларни қаттиқ жазолаш, ҳатто ҳайвонлар ва ўсимликларга оммавий зиён етказганларни ўлдириш одатга айланган. Осиёдаги қадимги давлатлар ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини ҳимоя қиладиган фармонларни ҳам чиқарганлар. Масалан, мўғуллар чўллардаги ўтлар ва экинларни пайҳон этмасликлари учун этикларига латта ўраб юрганлар.

Капиталистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва қарор топиши, фан ва техника тез ривожланиши билан «табиатга ҳужум қилиш» иқтисодий, сиёсий мақсадларни назарда тута бошлаган. «Географик кашфиётлар» даври табиий бойликларни талон-тарож қилиш билан боғлиқ бўлган. Шунга кўра, мустамлака мамлакатларнинг мустақиллик учун курашининг муҳим вазифаларидан бири ўз ватанларининг табиий ресурслари, ўзининг флора ва фаунаси, ер ости бойликлари ҳамда мамлакатларининг табиий гўзалликларини сақлаб қолишдан иборат эди.

Табиат билан жамиятнинг ўзаро муносабати турли тарихий босқичларда турлича бўлганлигини ва уни адолатли ҳал этиш учун кураш ҳар доим давом этиб келганлигини тарихий фактлар ва кишиларнинг ижтимоий тажрибаси исботлаб бермоқда. Шундай қилиб, табиат ва жамиятнинг ўзаро муносабати тарихи бир-бири билан ўзаро боғлиқ икки йўналишга эга. Биринчиси, узоқ ўтмишдан бошлаб, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлигининг меъёри ва даражаси тобора кенгайиб борган, ишлаб чиқариш соҳасида, меҳнат унумдорлигининг сарф қиладиган моддалар ва энергия таркиби ўса бориши суръатлари тезлашиб борган, ҳозирги замон илмий-техника тараққиёти инсоннинг глобал масштабда табиат устидан мутлақ ҳукмронлигини таъминлаш учун кенг имкониятлар очмоқда; иккинчисига кўра, юқоридаги жараён билан бир вақтда инсон билан

табиат ўртасида номувофиклик тўхтовсиз ўсиб бормоқда, унинг сифат жиҳатдан ҳар бир босқичи табиатга яқсон қилувчи таъсир кўрсатиб, инсон мавжудлигининг заминини емирмоқда, Ана шунинг оқибатида атроф-муҳит билан инсонларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги таълимот, яъни экология пайдо бўлди.

Демак, инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида табиатга таъсирнинг имкониятлари жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларининг даражаси билан белгиланади. Масалан, энергетик муаммоларни ҳал этиш атом станцияларининг қурилишини тақозо этди. Бу нарса ўз ўрнида радиоактив чиқиндиларнинг атроф-муҳитни ифлослаштириш муаммосини келтириб чиқарди.

Ҳозирги замонда жамият тараққиёти билан боғлиқ бўлган бундай умумбашарий муаммолар анчагинадир. Улар инсониятнинг бундан кейинги тақдири билан боғлиқ. Шулардан бири, экологик муаммодир. Шунга кўра, табиат инсондан ўзига нисбатан алоҳида эътибор, меҳр-муҳаббат ва хайрихоҳлик талаб этмоқда. Эндиликда, инсон табиатга, уни муҳофаза қилишга ўзининг бутун кучини, бутун маънавий бойлигини сарф қилмоғи лозим. Ҳозирги замон кишиси табиат муаммоларини «ўзи орқали», «инсонийлик» тушунчаси призмаси орқали ўтказмоғи шарт.

3.

Мазкур мавзунинг юқорида қайд этган масалаларини чуқур ўрганиш ва кенг мушоҳада қилишнинг ижтимоий-сиёсий томонидан ташқари, умумбашарий аҳамияти ҳам мавжудки, у ҳозирги замон шароитида экологик тангликнинг миқёси ва кўлами тобора кенгайиб бораётганлиги билан изоҳланади. Экологик тангликнинг олдини олиш объектив зарурият бўлиб, уни бартараф этишдан бутун инсоният — дунёдаги барча мамлакатлар ва халқлар манфаатдордир. Курраи Заминда ҳаётни сақлаш бўйича жаҳон миқёсидаги халқаро ҳамкорлик қилиш замонамизнинг бош масалаларидан бўлиб турибди.

Айниқса, кейинги юз йиллар ичида жамиятнинг табиатга ва унинг ривожланишига таъсири натижасида Курраи заминда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Табиат неъматларидан инсон ва жамият эҳтиёжи учун фойдаланиш имкониятининг орта бораётганлиги оқибатида, табиий муҳит кескин ўзгара бошлади. Табиатга одамнинг аралашishi бир томонлама характерга эга бўлиши билан табиат жиддий зарар кўрмоқда. Ер куррасининг сирти, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, иқлими, шунингдек, ер ости бойликлари ҳам

таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўлади. Ер, сув, ҳаво ифлосланмоқда, радиоактив моддалар ва турли химикатлар, автомобиль газлари шу кабилар билан заҳарланмоқда. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиатнинг заҳарланиши миқёси ва кўлами ҳақида жуда кўп далилларни келтирадиган юзлаб китоблар босиб чиқарилмоқда. Биргина Орол тақдири ҳақида тўхталиб ўтар эканмиз, экологик тангликнинг нақадар кенг кўламда кириб келаётганлигини унинг мисолида кўриш мумкин.

Чорак аср давомида у ерда яшаб турган кишиларнинг кўз ўнгида олти миллион гектар ерни ўз ичига олган денгизнинг ярми қуриб бўлди. Қуриган ерлар қум ва туздан иборат саҳрога айланыпти. Бунинг оқибатида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда иқлим ўзгараёпти, унумдор ерлар ишдан чиқаяпти, ўсимликлар қуриб битаяпти, чорвачилик ва деҳқончилик жиддий зарар кўраяпти. Энг муҳими, кишиларнинг саломатлигига таъсир қилиб, турли касалликлар кўпайиб кетаяпти. Шунинг учун ҳам Оролни ҳозирги ҳолатида сақлаб қолиш фақат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масала бўлибгина қолмасдан, маънавий масала ҳамдирки, буни бартараф этиш умумбашарий аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жамият билан табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилишини экологик танглик, деб атаймиз. Ана шу экологик тангликнинг олдини олишнинг қандай муаммолари бор ва уларни бартараф этиш йўллари нималардан иборат? Мавзунинг ана шу томонига эътибор берадиган бўлсак, унинг қатор жиҳатларини кўришимиз мумкин.

Айрим олимлар экологик тангликнинг келиб чиқиш сабабини илмий-техника тараққиётининг ижтимоий оқибатларига боғлашади. Уларнинг бу фикрларида жон бор, аммо масалани бартараф этиш учун бу асос бўла олмайди.

Бугунги жаҳон тарихининг боришига назар ташлар эканмиз, эътиборли ҳолатни кўрамиз. Географик муҳити яхши, табиий ресурсларга бой айрим мамлакатлар мавжуд, аммо улар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан унчалик ривожланмаганлар. Аксинча, жаҳонда табиий ресурслари етарли бўлмаган, аммо ривожланиши юқори даражада бўлган давлатлар ҳам бор. Масалан, «япон мўъжиза»сини олиб қарайлик. Иккинчи жаҳон уруши мағлубиятидан, Хиросима ва Нагасаки шаҳарларида атом бомбаси портлашидан сўнг ҳосил бўлган култепалар ўрнида энг ривожланган мамлакат пайдо бўлди. Ваҳоланки, бу мамлакат нефть, кўмир ва шу каби фойдали

қазилмаларни бошқа мамлакатлардан сотиб олади. Аммо, Менделеев жадвалидаги барча элементларга эга бўлган қатор давлатлар ривожланишининг даражаси билан ҳам, суръатлари билан ҳам Япониядан анча орқада турибди. Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Малайзия каби Жанубий Осиё давлатлари тараққиёти ҳам бу борада анча ибратлидир. Юқоридагилардан маълум бўладики, табиатга муносабат ва ундан фойдаланиш оқилона бўлмоғи, илмий асосланмоғи зарур. Инсон ўзининг техник ва ишлаб чиқариш қудратини ошира бориб, «оддий» арифметик масалани — «табиатдан қанча олиш керак ва қанча унга қайтармоқ лозим» деган масалани ҳал этиши айни муддаодир. Халқимизда ибратли бир гап бор: «Бир туп дарахтни кесмоқчи бўлсанг, олдин икки туп дарахт эк!»

Ҳозирги кунда табиатни қайта ўзгартиришга қодир бўладиган ҳар қандай лойиҳалар ҳар томонлама сифатий-миқдорий таҳлил этилиб, аниқ ҳисоб-китоб қилинаётганлиги ҳеч кимни шубҳага солмайди. Бунинг учун математика ўзининг жуда бой имкониятларини ишга солиши мумкин. Экологик муаммоларни ҳал этишда математик андоза (модел)ларни қўллаш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар мавжуд. Буларнинг ҳаммаси математик экология деган фаннинг янги тармоғи вужудга келаётганлигидан далолат беради.

Мазкур мавзунинг ўрганишда яна бир муҳим ҳолатни назарда тутмоқ лозим. Бу ерда гап, ҳозирги замон учун ҳаётининг зарур бўлган гуманизмнинг, инсонийлик ва умуминсоний қадриятлар деган тушунчаларнинг маъно ва мазмунига алоҳида эътибор бериш ҳақида боради. Бу нарса, жамиятни қайта қуришда, уни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга моликдир. Бунинг учун кишилар ўртасида экологик таълимни жорий этиш ва айни бир вақтда уларнинг экологик тарбияси билан шуғулланиш керак бўлади.

Ёшларнинг экологик онгини шакллантириш ижтимоий тарбиянинг муҳим томонига айланиб бормоқда. Инсонда «жамият ва табиат» тизимини ифодалаб берадиган, табиатга ақл-идрок билан муносабатда бўлишга қаратилган қарашлар, билим ва эътиқодлар йиғиндиси экологик онг дейилади.

Экологик онгнинг асосида кишиларда гўзаллик ҳисларини, табиатга меҳр-муҳаббат, хайрихоҳлик ҳисларини тарбиялаш ётмоғи зарур. Ҳозирги кунда жамият ва табиат ўртасидаги ўзаро муносабатларни инсонпарварлаштириш давр талабига айланиб бормоқда. Бунинг учун, инсон экологик дунёқарашга эга бўлса, унда экологик маданият

шаклланади. Экологик маданиятли киши табиатни англабгина қолмасдан, уни тўла ҳис қила олади, унинг олдидаги масъулиятини тушуниб етади. Табиатни бир ҳис қилиб кўринг-а! Унинг мўъжизаларини кузатишнинг ўзиёқ одамга олам-олам завқ-шавқ бағишлайди. У бир дақиқа бўлса-да дунё ташвишларидан, турмуш икир-чикирларидан халос бўлади. Асабни бузадиган, юракни эзадиган воқеа-ҳодисаларни унутади. Толиққан асаблари ором олади, танлари яйрайди. Табиат билан юзма-юз қолган ҳар қандай киши олам гўзалликларидан дили ёришади, табиатга, бутун мавжудот у борлиққа меҳри уйғонади. Ҳаётга, инсонларга чинакам муҳаббати ортади. Ўзининг янада покиза ва олижаноб бўлаётганлигини ҳис этади.

Дарҳақиқат, атроф-муҳитни муҳофаза этиш, табиий бойликларни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, инсониятнинг бундан кейинги ривожини учун шарт-шароитларни таъминловчи ресурслардан оқилона фойдаланиш — давримизнинг олийжаноб ва шу билан бирга мураккаб вазифасидир. Мамлакатимизда ана шу вазифани ҳал этиш умумхалқ иши бўлиб қолди. Зеро, атроф-муҳитни муҳофаза қилмасдан туриб, халқимизнинг моддий фаровонлигини, турмуш даражасини яхшилаш ҳақида жиддий гап бўлиши мумкин эмас.

Меҳнаткашларнинг экологик тарбияси ҳам бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидандир. Табиатга, ўсимлик ва ҳайвонот оламига меҳр — Ватанга меҳр, инсоннинг ўз истиқболига садоқат рамзи эканлигини асло унутмаслик керак.

Инсон ўзини ўраб олган дунё билан тўла уйғунликда ўсмоғи ва яшамоғи лозим. Табиатни мағлуб қилмасдан, аксинча, унда ана шу уйғунликни топмоғи, унинг қудратига қудрат кўшмоғи зарур. Табиатдаги ҳар бир ўзгариш, ҳар бир янгилик одам боласи қалбига, шуурига таъсир қилмасдан иложи йўқ. Азалдан инсон табиатнинг энг гўзал томонларини ўзлаштиришга, унинг улуғворлигидан таълим олишга интилади. У мукамаллик, уйғунлик, гўзалликнинг олий андозасини табиатдан олади. Чунки, табиат бекаму кўстдир, унинг тугаллигига, бир бутунлигига завол етмаслигини таъминлаш кишининг чинакам инсонийлигидир ва унинг тарбияланганлигидан далолат беради.

Ҳар қандай маданиятли киши борлиқ гўзалликларидан лаззатлана олиши керак. Табиатни эъзозлаш ойдин кечалардаги дарё, кўл суви жилваларини, субҳидамда эсган майин шаббодани, саҳролар сукунатини, шабнам қўнган яйловларнинг хушбўй исларини,

қийғос гуллаган мевазорлар жамолини нозик ҳис этишдан, чуқур мушоҳада қилишдан бошланади. Табиатга меҳр қўйган одам завоқ топмайди. Буни ҳар бир инсон англаб етиши лозим. Шундагина у бу ёруғ оламга энг улуғ зот бўлиб яратилганлигини тушуниб етади. Табиат ҳақидаги билимлар унинг учун оддий муҳокама қилиш учун эмас, балки ҳаёт гўзалликларидан баҳраманд бўлиб, инсонларча яшаш учун ўрганилаётганлигини фаҳмлашга ёрдам беради.

8-мавзу. Фалсафий қонунлар ва фалсафий категориялар.

РЕЖА:

Фалсафа тарихида тараққиёт ҳақида ғояларни келиб чиқиш ва шаклланиши. Диалектика ва унинг муқобиллари.
Диалектиканинг асосий қонунлари.
Диалектиканинг асосий категориялари.

Адабиётлар:

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.

Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., “Ўзбекистон”, 1997.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.

Каримов И.А. Днишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси, 2000 йил 8 июн.

Основы философии. – Т., Ўзбекистон, 1998.

Фалсафа. –Т., Шарқ, 1999.

Falsafa (ўқув қўлланма), Т., “Ўзбекистон”, 2005.

1.

Дунёни фалсафий англашда диалектика усули катта аҳамият касб этади. Диалектика атамаси дастлаб қадимги юнон файласуфлари Сукрот ва Платон томонидан қўлланилган бўлиб, маъноси баҳс ёрдамида ҳақиқатга эришиш демакдир.

Ҳозирги замон фалсафасида диалектика усули оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги, ўзгариш ва ривожланишнинг сабабларини ва моҳиятини очиқ берадиган илмий методологик қуролдир.

Фалсафа тарихида диалектиканинг 3 та тарихий шакли бўлиб, уларни Қадимги Антик дунё стихияли диалектикаси, идеалистик диалектика, материалистик диалектикалар ташкил этади.

Диалектиканинг тарихий шакллариға нисбатан ўша давр фан тараққиётининг муаммоларидан келиб чиққан ҳолда муқобиллари мавжуд бўлган.

Антик дунё стихияли диалектикасига қарама-қарши муқобил тафаккур услублари софистика, эклектика шаклан мантиқ мавжуд бўлган. Фалсафа тарихида турлича тафаккур услуби ҳақиқатни очиқ бера оладиган универсал услуб ўрнини босишга ҳаракат қилар эди. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тарихий тараққиёт жараёнида давр талабига жавоб бера олмаганлиги учун инкор этилди.

Софистик тафаккур, табиий тилнинг қатор камчиликлари, жумладан, омонимия, амфиболия сўзларни нотўғри боғлаш, икки маъноли талаффуз, фикрли ифодалашнинг грамматик шакллари ва ҳоказолардан фойдаланиб, ёлғондакам ҳақиқат ниқоби остида ҳақиқий билимларни ёлғон билан алмаштиришга уринишдир.

Муҳокама юритилаётган нарсанинг моддий асосини ҳисобга олмайдиган мавҳум тушунчалардан иборат софистик тафаккурдан фарқли улароқ, метафизик тафаккур, асосан, нарсалар билан фикр юритади. Мана шу маънода тафаккурнинг метафизик услуби Софистик тафаккурни инкор этади.

Илмий билишнинг асосий мақсади табиатдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билишдан иборат. Шунинг учун ҳам нарсаларни ўрганишда метафизик усул дастлаб табиатунослик заминида таркиб топа бошлаган. Софистик тафаккурга қарши ўлароқ вужудга келган метафизик усул фан ривожланиши тарихида ўзига яраша ижобий роль ўйнаган. Табиатунослик йиғма, тўпловчи фан сифатида кўринган даврларда буюмларни ўрганиш методи бўлган метафизика мавжуд воқеликка алоҳида олинган нарсалар ҳақидаги жуда кўп аниқ материалларни тўплашда олимларга ёрдам беради.

Метафизик тафаккур услубининг асосий камчилиги шундан иборатки, табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бир-бири билан ўзаро боғлиқликда, уларнинг узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда эканлигини кўра билмаслиги ва кўришини ҳам истамаслигидир. Метафизик бир-бирига алоқаси бўлмаган қарама-қаршилиқлар воситаси билан фикр қилади, унинг сўзи “ха-ха, йўқ-йўқ”. Унинг назарида буюм ё мавжуддир, ёки мавжуд эмасдир ва худди шунингдек, бир буюм айни замонда шу буюмнинг ўзи, яна бошқача нарса бўлолмайди.

Бундай йўл билан тушуниш, кундалик, одатдаги турмуш миқёсида маълум даражада мувофиқ келсада, ҳақиқий илмий билишда эса номувофиқ, ғайри илмийдир, чунки бизни ўраб турган воқеликда ҳар бир нарса воқеликдаги бошқа нарсалар билан ўзаро

чамбарчас боғланган. Улар узлуксиз ҳаракатда, ўзгаришда, ривожланишдадир.

Фалсафий тафаккур усулига айланган метафизика биров кенг маънода, яъни диалектикага зид усул сифатида қўлланила бошлайди.

Эклектика кенг тарқалган тафаккур услубларидан бўлиб, билиш ва илмий билишда муҳим ва муҳим бўлмаган, асосий ва иккинчи даражали боғланишлар ўртасида фарқни ҳисобга олмайдиган, нарсаларнинг турли-туман, кўпинча қарама-қарши томонларини, тамойилсиз қўшиб юборадиган методологик услубдир.

Шаклан мантиқ қонунлари асосида ҳосил қилинадиган тафаккур эклектик фикрлашга тубдан қарама-қаршидир. Эклектик тафаккурдан фарқли улароқ, мантиқий тафаккур моҳият эътибори билан субъектив нотўғри талқинни истисно этадиган, мантиқий алоқадорлик асосида бир фикрдан иккинчи фикрга ўтишда, яъни тўғри фикрлашга асосланган тафаккурга ўз диққатини қаратади. Логика (мантиқ) муҳокама (фикрлаш) жараёнида фикрларимиздаги ҳал қилувчи алоқадорлик қонунларини таҳлил қилади, уларга кўра ҳақиқатни ҳосил қилиш учун асослашимиз лозим бўлган қонун-қоидаларни шакллантиради. Тўғри фикрлаш ҳақиқат ҳосил қилишнинг зарурий шартидир. Аммо формал логика тафаккур шакллари (тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар)ни таҳлил қилар экан, уларни инсон амалий ва билиш фаолияти тараққиётидан келтириб чиқарган тарихий жараёндан мустасно ҳолда олиб қарайди. Шаклан мантиқ нарса ва ҳодисаларни ташқи барқарор алоқаларни мантиқий қоидаларга риоя қилган ҳолда табиий ва сунъий тилларда ифодалайди холос. Нарса ва ҳодисаларни ички моҳиятини ифодалашга, уларни ҳаракат ривожланишини ифодалашга ожизлик қилади. Бу масалани Диалектик тафаккур услуби ҳал этиш имкониятларига эгадир. Диалектика шаклий мантиқдан фарқли ўлароқ ҳар бир тарихий давр мазмунини ёритишни ва шу асосда унинг моҳиятли белгиларини янгидан аниқлашни талаб қилади. Шундай қилиб, диалектикада умумий тушунча ўз мазмунининг бойлиги билан намоён бўлади. Диалектик мантиқ инсон тафаккури формаларини, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ва тараққиётида олиб ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

Табиий ва ижтимоий фанларнинг энг кейинги ютуқлари объектив оламдаги ўзаро алоқалар, улар асосида ётувчи қонунлар мураккаб ва кўп қиррали эканлигидан, шунингдек бу жараёнлар тўғрисидаги билимларимиз ҳам нисбий, ўзгарувчан эканлигидан

далолат бермоқда. Моддий оламдаги бу умумий алоқа ва қонуниятларнинг мураккаб шакллари диалектиканинг қонун ва категорияларида мумкин қадар тўла ва чуқурроқ акс этилиши ҳисобга олиш лозим.

Энди, диалектика умумий алоқадорлик ва ривожланиш тўғрисидаги таълимотни моҳиятини тушуниш учун, унинг қонун, категория ва принципларига диққатимизни йўналтирамиз.

2.

Диалектиканинг умумий алоқадорлик ва ривожланиш тўғрисидаги таълимоти фан ва амалий фаолият учун катта аҳамиятга эга.

Диалектиканинг қонун ва категориялар системаси объектив дунёни бир бутунлигини ифодалайди ва у доимий ўзгариш ва ривожланишдадир.

Қонун деганда нима тушунилади? Бунга жавоб беришда шуни ҳисобга олмоқ лозимки, энг умумий шаклда қонун – моддий оламдаги турли хил нарса ва ҳодисалар, жараён ва воқеалар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро алоқалар демакдир. Лекин бундай қонун барча муносабатларни ифодалайди, деган хулосани чиқармаслик керак. Масалан, муҳим ва номуҳим, тасодиф ва зарурий, барқарор ва беқарор, умумий ва алоҳида муносабатлар бор. Қонун бу муносабатларнинг барчасини қамрай олмайди. Турли-туман алоқалар, боғланишлар йиғиндиси ичидан у энг аввало муҳим алоқаларни, яъни шундай муносабатларни ифодалайдики, булар ташқи шароитлардан эмас, балки нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятидан, унинг ички алоқаларидан келиб чиққан бўлади. Бу моментларни ҳисобга олган ҳолда, қонунга қуйидагича таъриф бериши мумкин: қонун – муайян шарт-шароитда воқеалар ривожининг характери ва йўналишини белгилайдиган, маълум бир қатъий натижани тақозо этадиган объектив дунёдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий, нисбий, барқарор муносабатларидир.

Моддий воқеликдаги қонунлар кўп қирралиги билан характерланади. Табиат ва жамият қонунлари объектив процессларни акс эттирилишига қараб бир-биридан фарқланади. Ҳаракат қилиши доирасига қараб қонунлар: энг умумий (универсал), умумий хусусиятларга бўлинади. Энг умумий қонунларга диалектика қонунлари кирадик, бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтамиз.

1. Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни диалектиканинг асосий қонунлари ичида марказий ўринни эгаллайди. Бу қонунга мувофиқ бир нарса, ҳодиса бир-бири билан узвий алоқада бўлган ва бири иккинчисини инкор этувчи қарама-қарши томонларга, кучларга эга. Бу қарама-қарши томон ва кучлар ўртасидаги кураш тараққиётини белгилаб бериб, эскининг йўқолиши ва янгининг пайдо бўлишига олиб келади.

Нарса ва ҳодисалар сифат ва миқдор аниқликларга эга бўлибгина қолмай, уларда ўхшашлик ва тафовут ҳам мавжуддир.

Ўхшашлик (айнийлик) нарсаларнинг нисбий турғунлигини белгиласа, тафовут унинг ўзгарувчанлигини белгилайди. Ҳар қандай ўсимлик ва жонли организмнинг ўзида ҳаёт процесслари давомида ўхшашлик, шу билан бирга тўхтовсиз модда алмашинуви туфайли фарқ мавжуд бўлади.

Нарса ва ҳодисалардаги тафовут қарама-қаршиликлар асосини ташкил этади. Қарама-қаршиликлар деб шунга айтиладики, табиатдаги нарса ва ҳодисаларда мавжуд бўлган томонлар, хоссалар ва тенденциялар бир-бирини инкор қилади, бир вақтнинг ўзида бир-бирини ҳам тақозо қилади. Масалан, магнитдаги шимолий ва жанубий кутублар, электрнинг манфий ва мусбат зарядлари, атомдаги тортилиш ва итарилиш кучлари ўзаро бир-бирини инкор этади, айти вақтда бири иккинчисиз мавжуд бўлолмайди.

Нарса ва ҳодисаларнинг қарама-қаршитомонлари ўртасидаги муносабат зиддият деб аталади. Тўқнашув (конфликт) тушунчаси зиддиятдан фарқли бўлиб, у предмет ва ҳодисаларнинг қарама-қарши томонлари ўртасидаги муносабат кескинлашиб, уларнинг эски чегарада биргаликда яшаши мумкин бўлмай қолган ҳолатини белгилайди. Зиддиятлар ҳамма вақт ҳам тўқнашув билан тугамай, балки алоҳида шароитдагина шундай ҳолда бўлиши мумкин.

Мана шу реал муносабатлар қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунда акс этиб, у диалектиканинг моҳияти ва мағзини ташкил этади.

2. Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни диалектикасининг асосий қонунларидан биридир. Бу қонуннинг моҳияти шундан иборатки, жисмлардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида предмет ўлчовини бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ҳодисалар бир-биридан ўз

сифати билан ажралиб туради. Сифат – нарсанинг ички муайянлиги бўлиб, бошқа нарсалардан ажралиб турадиган хосса. Белги хусусиятларнинг бирлигидир. Сифат нарса қандай бўлса уни шундайлигича аниқлаб беради, нарсаларнинг сифати, уларнинг хоссалари орқали намоён бўлади. Хосса – бу нарса сифатининг бошқа нарсалар билан ўзаро алоқадорлигидаги ташқи намоён бўлишидир. Биз нарсаларнинг сифатини маълум бир хоссаларда намоён бўлиши орқали биламиз. Ҳар бир нарса кўплаб хоссаларга, яъни асосий ва иккинчи даражали хоссаларга эга бўлади. Масалан, металл зичлик, сиқилувчанлик, иссиқлик, ўтказувчанлик ва ҳ.к. хоссаларга эга. Сифат – жисмнинг барча хоссаларини биргаликда боғловчидир. Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий барқарорлигини, бир-бирига ўхшашлигини ифодалайди.

Нарсаларнинг сифат муайянлигидан ташқари, бир-биридан миқдорий томонлари билан ҳам фарқ қилади. Миқдор предметнинг хажми, ўлчови, оғирлиги, ҳаракат тезлиги ва шу каби хоссалари тараққиёти даражаси билан характерланади.

Нарса ва ҳодисалардаги миқдорий ва сифатий томонлар доимо бир-бирини тақозо қилиб, бирликда бўлади. Ҳар қандай нарса миқдор ва сифат бирлигига эга.

Миқдор ва сифатнинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъёр - материя мавжудлигининг чегарасидир. Меъёрнинг бузилиши предмет мавжудлигини мумкин бўлмаган ҳолатга олиб келади. Меъёр ҳар бир предмет ва ҳодисадаги миқдор билан сифат ўртасидаги ўзаро муносабатни ифода этади. Бу ўринда ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос ўлчовга эга бўлади, чунки ушбу сифат хусусияти ҳар қандай миқдор билан эмас, балки муайян миқдор билан уйғунлашади.

Тараққиёт ўзаро диалектик боғланган икки моментдан – миқдор, ўзгаришлари билан сифат ўзгаришларидан иборат бўлади. Миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларини тайёрлайди, ўз навбатида сифат ўзгаришлари миқдор ўзгаришларини яқунлайди. Шунинг учун уларни бир-бирларидан ажратиш мутлақо мумкин эмас.

Бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш сакраш йўли билан амалга ошади.

Сакраш нима ва унинг моҳияти қанақа? Сакраш табиат ва жамиятда содир бўладиган сифат ўзгаришларини англатадиган

фалсафий категориядир. Сакраш бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтишнинг умумий шаклидир.

Сакраш олдинги тараққиёт томонидан зарурий тайёрланадиган объектив ва қонуний процессдир. Диалектик сакраш миқдор ўзгаришларидан сифат ўзгаришларига ўтиш узлуксизликнинг узилишини билдиради. Шунингдек, сакраш – нарса ва ҳодисалар ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилинишидир. Ниҳоят, сакраш – эски сифатнинг инкор этилиши ва янги сифатнинг қарор топишидир.

Борлиқда сакраш турлари ва шакллари хилма-хилдир, улар асосан фанда муайян мезонлар ёрдамида классификация қилинади.

Боримизда, маконда ва замонда, системаларни ўз ўзини инкор этишда, структуравий, функционал ва бошқа сакраш турлари ва шакллари мавжуддир.

Сакраш турлари ўз характерига кўра табиат ва жамиятда хилма-хил бўлиб, улар бир-бирларидан фарқ қиладилар. Жамиятда сакрашлар асосан 2 хил турга бўлиш мумкин: биринчиси – портлаш йўли билан бўладиган сакрашлар, иккинчиси – секин-аста, тадрижий йўл билан бўладиган сакрашлар. Биринчи тур сакрашларнинг ўзига хослиги шундаки, бунда нарса ва ҳодисаларнинг янги сифатга ўтиши ниҳоятда тезлик билан юз беради ва унинг оқибатлари эхтимоллик принципи билан баҳоланади. Сакрашнинг иккинчи турида эса, сифат элементларининг аста-секин йўқолиб бориши ва янги сифат элементларининг аста-секин тўпланиши натижасида янги сифат пайдо бўлади.

Ҳодисаларнинг сифат хусусиятларига ва уларнинг ривожланиш шароитига боғлиқ равишда эски. Сифатдан янги сифатга ўтиш турли шаклларда содир бўлади. Ҳар бир нарса, ҳодиса ўзининг аниқ инкор қилиш усулига, ўз навбатида аниқ сакраш шаклига эгадир.

Демак, ҳар қандай ўзгариш, ҳар қандай ривожланиш миқдор ва сифат ўзгаришларининг ўзаро бир-бирига ўтиши орқали содир бўладиган жараёнлардан иборат.

Борлиқнинг ҳамма соҳасида доимо эски, умри тугаётган нарса ва ҳодисаларнинг барҳам топиши, янги нарса ва ҳодисаларнинг вужудга келиш жараёни содир бўлиб туради. Бундаги эскининг янги билан алмашилиши инкор деб аталади.

3. Инкорни инкор қонуни – диалектиканинг асосий қонунларидан биридир. Бу қонунга мувофиқ, объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш процессида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Шу билан бирга, эскилик

бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ҳамма ижобий нарсалар сақланиб қолади. Ривожланиш спираль шаклда, маълум нисбий такрорланишлар асосида, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига қараб боради.

Инкорни инкор қонуни миқдор ўзгаришларининг туб сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни ва қарама-қаршилик бирлиги ва кураши қонуни билан ажралмас алоқададир. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, моддий оламнинг ҳамма нарса ва ҳодисалари қарама-қарши томонларга бўлингандир, улар ижобий ва салбий моментларга ҳамда прогрессив ва консерватив томонларга эгадир. Қарама-қарши тенденцияларнинг бу бирлиги ва курашида диалектик инкор тараққиётнинг асоси ва ички манбаи, бир сифатнинг бошқа сифатга ўтиши ётади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараёнида ўз-ўзини инкор этиш тамайили ниҳоятда муҳим.

Бунда ворислик – эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий такрорланиши инкор-инкор қонунининг моҳиятини билдиради.

Бу қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томондан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигига инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади, табиат ва жамиятдаги жараёнлар учун шарт-шароитларни зарурий элементи сифатида хизмат қилади.

Диалектик инкор янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Янги эскининг вориси сифатида юқорироқ босқичда уни такрорлайди. Тараққиёт тўғри чизиқли ҳаракатдан иборат бўлмай, балки янги ўзи учун йўл излайди. Бу изланишлар эгри-бугри ва хилма-хил тўсиқларни енгиш асосида содир бўлади. Шу маънода бу қонун ўз моҳият бўйича тараққиётнинг асосий йўналишини кўрсатиб берувчи қонун сифатида ифодалаш мумкин.

Инкор-инкор қонун мустақиллик ва бозор иқтисодиёти жараёнида рўй бераётган ҳодисалар моҳиятини илмий англашда методологик аҳамиятга эгадир. Янги жамиятни барпо этишга қаратилган ўзгаришлар ҳамма нарсани бутунлай йўқ қилишни билдирмайди.

Аксинча, бу – халқимиз тараққиёти жараёнида эришилган ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий ютуқларни сақлаб қолиб, уларни янада бойитиб, ривожлантиришдан иборатдир. Мазкур жараённинг асосий тамойили Ислом Каримовнинг янгисини қурмасдан, эскисини бузмаслик лозимлиги тўғрисидаги хулосасида яққол ўз асосини топган.

3.

Диалектика – табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий қонунлари ҳақидаги чуқур ва бой мазмунга эга бўлган таълимотдир. Нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланиши ва ривожланиши ўзига хос “буюмлар логикаси”ни, объектив диалектикани ташкил қилади. Бу объектив диалектика инсон тафаккури логикасида, яъни субъектив диалектикада маълум бир илмий тушунчалар, категориялар кўринишида акс этади.

“Категория” сўзи юнонча бўлиб, луғавий маъноси “гувоҳ”, “таъриф”, “ифодаловчи” демакдир. Фалсафий категориялар – объектив реалликдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий, муҳим томонларини, хусусиятлари ёки муносабатларини акс эттирувчи тушунчадир.

Диалектик категориялар объектив дунёнинг энг умумий ва муҳим томонларини ифодалабгина қолмай, билишнинг поғоналари ва таянч пункти ҳисобланади. Фалсафий категориялар инсоннинг билиш фаолияти натижасида дунёни ўзлаштиришда эришган ютуқларини характерлайди.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик. Бу категориялар ўзларининг шаклланиши ва ривожланиши изчиллигига кўра диалектика категориялари системасида муҳим аҳамиятга эга.

Яккалик – индивидуал сифат ва миқдор аниқлигига эга бўлган алоҳида кўринишдаги нарса, ҳодиса ёки процессдир.

Умумийлик деганда, объектив реалликнинг барча ёки бир қанча якка предмет ёки ҳодисалардаги объектив мавжуд бўлган томонлар, хоссалар ва белгиларнинг мажмуи, улар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг ўхшашлиги тушунилади.

Хусусийлик шундай нарса ёки ҳодисалар группасидирки, улар маълум маънода умумий бўлсада, лекин ундан ҳам умумийроқ бўлган бошқа бир группага киради ва бу группада у алоҳидалик ёки яккаликдир, бутуннинг қисмидир. Хусусийлик – нарса ёки ҳодисаларнинг шундай доирасики, бунда улар маълум бир

муносабатда умумий, бошқасида эса яккалик, алоҳидалиқдир.

Умумийлик нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий томонлари орасидаги алоқаларни ўзида акс эттириб, ўз кўринишини фақат яккаликлар орқали конкретлаштиради. Бунга қуйидаги мисоллар орқали ишонч ҳосил қилиш мумкин: **маълумки, тирик организмлар мавжудлигининг зарур шarti улардаги модда алмашувидир.** Тирик организмлар тараққиётнинг бу умумий қонуни ўсимлик ва хайвонлар ривожланишининг хусусий қонунлари орқали намоён бўлади. Табиатдаги ноорганик бирикмаларни ўзлаштира оладиган ўсимликларда хайвонларга нисбатан ассимиляция процесси жуда чуқур ва мураккабдир. Хайвонлар организми истеъмол қилинадиган овқатдаги органик бирикмаларнинг тайёр махсулотларнинггина қайта ишлайди.

Бу категорияларни билишдаги роли, ҳар бирининг ўзига хос спецификаси, шунингдек уларнинг ўзаро диалектик алоқасини билиш – воқелиқдаги ҳодисалар анализига конкрет тарихий ёндошишнинг зарурий шartiдир. Ҳар қандай ҳодисанинг моҳияти унинг бошқа нарса ва ҳодисалар билан умумий томонлари ҳисобга олинган тақдирдагина тўғри тушунилиши мумкин. Юридик практикада жамиятнинг умумий қонунларини ҳисобга олган ҳолда позитив ҳуқуқ қонунларини уйғунлашувини таъминлашни ва уларни муайян шароитларда намоён бўлишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Сабаб ва оқибат. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик орасидаги диалектик муносабатларни янада чуқурроқ билиш зарурлиги объектив оламдаги сабабий боғланишлар табиатини ўрганишни тақозо қилади. **Сабабият – объектив оламдаги ҳодисалар умумий боғланишнинг алоҳида шаклидир.**

Сабабият – ҳодисалар ўртасида шундай ички алоқадорки, ҳар доим бир ҳодиса мавжуд бўлар экан, унинг кетидан муқаррар равишда иккинчиси ҳам келади.

Сабаб – бу ўзига мувофиқ келадиган бирор натижа келтириб чиқарувчидир. Сабаб таъсирида келиб чиқадиган натижа эса – оқибатдир. Масалан, **ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлиши давлатни келиб чиқишига сабаб бўлади.** Демак, давлат – **ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчилик ва ижтимоий синфлар пайдо бўлишнинг оқибатидир.**

Сабаб бирор таъсирнинг бошланиши бўлиб, у маълум бир натижа, яъни оқибатни келтириб чиқаради.

Сабабни баҳонадан фарқ қилиш лозим. Баҳона ўзидан бошқа ҳодисадан олдин келадиган, унинг пайдо бўлишига туртки берадиган, кескин уни келтириб чиқармайдиган воқеадир. Сабаб билан баҳона ўртасида маълум алоқа ва боғланиш бўлиб, бу ташқи боғланиш ёки алоқадир.

Шунингдек, объектив ва субъектив сабаблар ҳал бир-биридан фарқ қилади.

Объектив сабаблар – иқтисодий омиллар тараққиёти натижасида келиб чиқадиган синфлар ва сиёсий партиялар хоҳишига боғлиқ бўлмаган сабаблардир.

Субъектив сабаблар эса – синфлар ва партияларнинг, шунингдек, маълум ижтимоий ҳодисаларнинг юз беришини тезлаштира ёки секинлаштира оладиган шахсларнинг амалий фаолияти, стратегияси ва тактикасидир.

Нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараёнидаги сабаб ва оқибат муносабатларинини билишда, уларнинг макон ва замондаги тарихий ва мантиқий изчиллиги муҳимдир. Бошқача қилиб айтганда, бир томондан, ҳар қандай сабаб аввалги ҳодисалар ёки уларнинг ривожланиши оқибати тарзида намоён бўлади. Иккинчи томондан эса, бу оқибат кейинги ривожланишнинг сабаби бўлиб ҳисобланади.

Сабаб фалсафий категория сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1) Сабаб ва оқибат генетик характерга эгадир. Бунинг маъноси: сабаб мавжуд ҳодисада онги ҳодисани келтириб чиқарадиган ёки бошқача ўзгартирадиган эканлигидир. Бу хил сабабли боғланишнинг бошқа хил: доимий ассоциация, вақти-вақти билан бирин-кетин ўрин алмаштириб турадиган (масалан, кеча ва кундузнинг ўрни алмашиниши, қишдан сўнг баҳорнинг келиши каби) боғланишлардан фарқли эканини кўрсатади.

2) Сабаб ва оқибат алоқадорлигининг яна бир белгиси умумийлик характерига эга эканлигидирки, хоҳ табиат, хоҳ жамиятда бўлсин ҳеч бир ҳодиса бесабаб келиб чиқмайди.

3) Сабаб ва оқибатнинг ўзаро алоқадорлиги зарурийдир. Бу сабабиятнинг асосий белгиси бўлиб, маъноси шуки, сабаб ва оқибат бири олдин – иккинчиси кетин келавермасдан, балки ички боғланишга асосланган бўлиб бир сабаб муайян шароитда аниқ бир натижага олиб келиши мумкин. Масалан, 750 мм. Атмосфера босимида сув ҳамма вақт 100⁰ да қайнайди. Ўсимликларнинг ҳар бир

аниқ тури ёки хайвоннинг аниқ зоти муайян, ўзига ўхшамаган ирсият ҳосил қилади ва ҳоказо.

4) Сабабиятнинг яна бир белгиси бу – мунтазамсизлик ёки номутассиллик характериدير. Бунинг маъноси шуки, сабабнинг таъсир натижаси ушбу таъсир йўналтирилган объектнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Шунинг учун натижа доим сабаблар таъсирининг арифметик йиғиндиси бўлавермайди ва ҳамма вақт ҳам маълум сабаб маълум натижага олиб келавермайди.

Зарурият ва тасодиф. Бундан олдинги сабаб ва оқибат категорияларини аниқлаб олганимиздек ҳар бир ҳодиса ўзининг сабабига эга бўлади, оламда бесабаб воқеалар йўқдир. Бироқ у ёки бу воқеани келтириб чиқарадиган сабаблар ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра бир маънога эга эмасдир. Сабабларнинг худди шу ҳар хиллиги зарурият ва тасодиф категорияларида ўз ифодасини топади.

Келиб чиқиши ривожланишнинг ички муҳим сабабларига асосланган воқеалар зарурий деб аталади. Ташқи, мазкур шароитга нисбатан келиб чиқиши ҳам мумкин, ҳам мумкин бўлмаган воқеалар тасодифий деб аталади.

Зарурият ва тасодиф категориялари илмий билиш ва амалий фаолият турлари учун муҳим методологик аҳамиятга эга. Ўраб олган дунёда қатъий зарурият ҳукмронлик қилса, у ҳолда инсон илмий билиш прогрессив тасодифий ҳодисалар асосида яшириниб ётган объектив қонуниятларни кашф этишга интилиши лозим. Ҳозирги кунда ҳаммага маълум бўлган “фан – тасодиф душманидир”, деган тезис ана шу асосда келиб чиққан эди. Аммо бундан фан барча тасодифларни инкор қилади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. “Фан – тасодиф душманидир” деганда, жамият ва табиат тасодифий нарса ёки ҳодисалар, уларнинг тартибсиз муносабатларидан иборат эмас, балки қатъий зарурият ва қонуниятга бўйсунадиган процесс тушунилади. Фан тасодифда тўхталиб қолмасдан, унинг ичида яшириниб ётган зарурият ва қонуниятларни топишга интилган такдирдагина ўз қимматини йўқотмайди, балки оширади.

Мазмун ва шакл. Моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқатан ҳозирда қандай эканлигини ва келажакда қандай ривожланишлигини мазмун ва шакл категорияларини билмасдан туриб ўрганиб бўлмайди.

Мазмун ва шакл категорияларида инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлган нарсаларнинг умумий характеристикаси акс этади.

Мазмун – муайян нарса ва ҳодисаларни характерловчи ички

элементлар ва ўзгаришларнинг мажмуидан иборат. Шакл-мазмунни ифодалашнинг структураси, ташкил этувчисидир. **Масалан, атомнинг мазмуни уни ташкил этган элементлар заррачалар ва уларнинг ҳаракатидан, атомнинг шакли эса бу элементар заррачаларнинг жойлашиш тартиби ва структурасидан иборат.**

Мазмун ва шакл категорияларининг ўзаро муносабатларини, уларни ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри йўлини илмий философия асослаб беради. Ҳар бир нарса ва ҳодисада мазмун билан шакл ажралмас бирликда бўлади. Мазмунга эга бўлиб, шаклга эга бўлмаган ёки уни акси бўлган предмет ва ҳодиса йўқ.

Мазмун билан шакл бирликда мазмун ҳал қилувчи асосдир. Мазмун шакл белгилайди. Олдин мазмун, сўнгра шакл ўзгаради.

Дарвинизм таълимотига, организмнинг ривожланиши уларнинг яшаш шароитлари билан ўзаро таъсир жараёнида юз беради.

Организмни ташкил қилувчи моддий элементлар ўраб турган табиий факторлардан тўхтовсиз таъсирланиши сабабли ўзгариб туради. Лекин шароит сабабли ўзгарган мазмун кетидан, бинобарин, организмнинг структураси, шакл ҳам ўзгаради.

Шакл нисбий мустақилликка эга бўлиб, мазмун ривожланишига актив таъсир этиши мумкин. Шаклнинг активлиги мазмунни ривожланишини тезлаштириш ёки секинлаштириш мумкин. Шакл мазмунга мос келганда, уни ривожланишига ёрдам беради. Аксинча бўлганда, яъни зид келган ҳолларда унга тўсиқ бўлади. Шаклнинг нисбий мустақиллиги яна шунда кўришимиз мумкин, яъни бир мазмун турли шаклларда ифодаланиши мумкин.

Мазмун ва шакл категориялари – фан ва практикада методологик аҳамиятга эга.

Моҳият ва ҳодиса. Мазмун ва шакл категориялари – билишнинг ҳодиса, моҳиятига томон бирга боришнинг босқичларидир. Моҳиятни билиш фаннинг пировард мақсади ҳисобланади, чунки у нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати ва ривожланишининг асосида ётган қонуниятларни очишга имкон беради.

Моҳият – ҳодисанинг ичида яширинган моддий оламнинг турли-туман ҳодисаларида юз берадиган чуқур, нисбий барқарор алоқаларни ифодалайдиган, воқеликнинг ички томонидир.

Ҳодиса – моҳиятнинг у ёки бу ҳолда учратилишини ифодаловчи объектив воқеликнинг ўзгарувчан, ҳаракатчан хусусиятларга, белгиларга бой бўлган томонидир.

Ҳар қандай моҳият албатта ҳодисаларда кўринади, намоён бўлади.

Ҳар қандай ҳодисада моҳият намоён бўлишини ифодалайди. Нарсалар моҳиятини ҳодисалар орқали билиш мураккаб процессдир. Нарсаларнинг моҳияти – битмас-туганмасдир. Уни дарҳол бутунлигича, абсолют билиш мумкин эмас. Обьектив реалликнинг барча нарса ва ҳодисалари каби, нарсаларнинг ички моҳиятлари ҳам янгидан-янги хусусиятларни яратиб, доимо ривожланиб боради.

Имконият ва воқелик. Бу категориялар ривожланишнинг муҳим томонларини ифодалайди: табиат ва жамият ҳодисаларининг ривожланиши уларнинг имконият ҳолатидан воқеликка айланишидан иборат.

Имконият - ҳали амалга ошмаган, лекин юзага чиқиши мумкин бўлиб, воқеликка айлана оладиган ҳодисадир.

Воқелик – бу мавжуд дунё, мавжуд нарсалардир. Воқелик ҳар доим имкониятдан келиб чиқади ва ўз навбатида ривожланиш давомида воқеликка айланиб борадиган янгидан-янги имкониятлар айланиб борадиган янгидан-янги имкониятларни туғдиради, бу жараён чексиз.

Диалектиканинг асосий қонун ва категориялари тараққиёт ҳақидаги ғоянинг назарий асосларини ташкил этади. Тараққиёт ҳақида бир бутун тасаввурни диалектиканинг асосий қонунлари ва категорияни билиш асосида ҳосил қиламиз.

Фалсафа фан сифатида муҳим хусусияти шундан иборатки, у дунёқараш характеридаги фандир. Бошқа фанлар объектив оламнинг айрим қонуниятлари ўргангани учун ҳам олам ҳақида бир бутун дунёқараш бўла олмайди. Олам ҳақида бир бутун тасаввурга воқелик қонуниятларининг мантиқий ўхшашлигини англатувчи диалектиканинг асосий қонун ва категориялари ёрдамида эришилади.

Диалектиканинг асосий қонун ва категориялари талабларини билиш – кишиларнинг мақсадга мувофиқ фаолиятларининг асосидир.

9-Мавзу: Онг фалсафаси (онг ва руҳият)

Режа:

1. Инъикос – моддий оламнинг умумий хоссаси. Инъикос турлари.
2. Онг категорияси.
3. Онгнинг ижтимоий – тарихий характери. Тафаккур ва тил.

Адабиётлар:

1. Ж.Туленов, З.Ғофуров, Фалсафа. Дарслик.Т.: “Ўқитувчи”.1997.
2. Рахимов И. Фалсафа. Т. «Университет”.1998.
3. Фалсафа (ўқув қўлланма). Э.Ю.Юсуповнинг умумий таҳрири остида.Т.: 1999.
4. Алексеев П.В., Панин А.В., Философия учебник.М.1999.
5. Фалсафа. Маъруза матнлари.Т.2000.
6. Основы философии.Под.ред.Ахмедовой М.и Хона В.С.-Т., 1998, 2004г.г.
7. Фалсафа. Қомусий луғат.Т.2004.

-1-

Онг муаммоси дунёқарашнинг, ҳар қандай фалсафий қарашнинг методологик асосини ташкил этади. Инсоннинг воқеликка, бошқа одамларга бўлган муносабатни тартибга солишнинг ўзига хос шакли бўлган онг инсон борлигининг моҳияти ҳисобланади. Онг ўз табиати

ва моҳиятига кўра жуда мураккаб бўлиб, уни қатор фанлар ўрганади. Социология, физиология, психология, тилшунослик, педагогика каби фанлар онгинг алоҳида, маълум бир томонини ўз предмети доирасида ўрганса, фалсафа онгни бир бутун ҳолда, ҳар томонлама олиб ўрганиш асосида унинг умумий моҳияти, келиб чиқиши ва ривожланишини, онг босқичлари ва тузилишини, маънавий тараққиётнинг ички қонунлари ва йўналиши каби масалаларни таҳлил қилади. Илмий фалсафадаги онг масаласига доир қарашлар инъикос назариясига асосланади.

Инъикос борлиқнинг ҳамма кўринишларига хос бўлган умумий хусусиятдир. Инъикос борлиқдаги нарса ва ҳодисанинг ўзаро таъсирида намоён бўладиган акс этиш жараёнидир. Инъикос бир моддий ёки маънавий нарсанинг бошқа моддий ёки маънавий нарсада ўз таъсирини қолдириш, уни сақлаш ёки бу таъсирга муайян тарзда акс таъсир билан жавоб бериш каби хусусиятлардир. Инъикоснинг характери, акс этилувчи ва акс эттирувчи объектнинг хусусиятларига унинг ўзаро таъсир қилиш ва бу таъсирни акс эттириш усулларига боғлиқдир. Шунга кўра борлиқнинг турли хил кўринишларига турли хил инъикос шакллари хосдир. Инъикоснинг энг пассив шакллари ноорганик табиатда учратамиз. Масалан, полда ёки ерда оёқ кийим изи қолади (механик инъикос), жисмлар иссиқда кенгаяди (физик инъикос), темп буюмлар захда занглайди оксидланади (кимёвий инъикос). Норганик табиат кўринишларига хос бундай инъикос шакллари ўз характери жиҳатидан органик табиатдаги инъикосдан тубдан фарқ қилади. Инъикос шакллари ривожланиб бориши қуйидаги мантиқий схема билан ифодалаш мумкин.

Н.Т.И-таъсирланувчанлик-сезгилар-психик инъикос-тафаккур.

Материя ҳаракатининг юқориқ- биологик шаклининг келиб чиққанлиги акс эттиришнинг сифат жиҳатдан янги шакли – таъсирланувчанликка ўтиш учун зарур шарт бўлади. Таъсирланувчанлик ҳаёт билан бирга пайдо бўлган ва тирик материянинг энг муҳим хоссаларидан бири ҳисобланади. Барча мавжудотлар ташқи таъсирга жавобан таъсирланади. Масалан, ўсимликлардаги таъсирчанликнинг энг тарқалган шакли тропизм хоссасидир (фототропизм).

Ҳайвонлар дунёсида таъсирланувчанлик хоссаси тараққиётнинг муайян босқичида сезгилар келиб чиқишига олиб келди. Сезгилар ҳайвонот дунёси тараққиётининг илк босқичларида келиб чиқиши

билан бирга одамда кўпроқ тараққий топди. Сизги объектив оламининг субъектив образидир. Борлиқ бизнинг сезги аъзоларимизга таъсир этиб, сезги ҳосил қилади. Ҳайвонларни сезгилари ҳам, одамнинг сезгилари ҳам табиатда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисаларнинг инъикосидир.

Ҳайвонлар руҳиятининг муҳим хусусияти инстинктлардир. Инстинктлар ҳайвонларни муайян турининг эволюция жараёнида тўплаган “тажрибасидир”. Улар ҳаёт шароитига қараб ўзгаради, Янги инстинктлар билан алмашинади. Инстинктлар организмнинг ташқи таъсирларига (кўрасатадиган психик реакцияларидир) жавобан туғма хис туйғу, сезгидан иборат. Масалан, қушлар доимий ҳаво йўлларидадан учиб ўтади, балиқлар ўзи бир вақт тухумдан чиққан жойга тухум ташлайди. Демак, инстинктлар мураккаб шартли боғланишлар сифатида юзага чиқади, ҳайвонларнинг юриш туриши ана шу боғланишлар асосида вужудга келади.

Аммо юқори даражадаги ҳайвонларнинг руҳияти шу ҳодисалар билангина чекланмайди. Уларда идрок элементлари, онг бошланғичлари, англаб билиб акс эттиришнинг дастлабки энг оддий шакллари бордир. Масалан, тулки ўз кетига тушганлардан яшириниши учун ўзига таниш жойдан яхшигина фойдалана билади. Юқори даражадаги ҳайвонлар одамга боғланиш, одам таниш, одамга тақлид қилиш ҳолатларини намоён қилади. Бу ва шунга ўхшаш бошқа далиллар ҳайвонларда онг бошланғичлари борлигини кўрсатади. Аммо шунинг унитмаслик керакки, ҳайвонлар руҳияти билан одам тафаккури ўртасида сифат жиҳатидан жуда катта тафовут бор.

Инъикоснинг юксак шакли инсон инъикоси. Инсон инъикоси билиш фаолиятининг англатади. Инсоннинг билиш фаолияти унинг оонги билан белгиланади. Ҳозирги замон одамни фанда «Homo sapience» деб атаймиз – онгли одам.

-2-

Фалсафада (илмий фалсафада) онг-юксак даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон миясининг маҳсули бўлиб, унинг хусусияти воқеаликни инъикос эттиришдир. Онг- инсон миясининг функциясидир, бу функциянинг моҳияти эса ташқи реал дунёни инъикос эттиришдан иборатдир, деб таърифланади.

Онгнинг моҳиятини тўғри очиб бериш учун унга ҳар томонлама

ёндoshiш лозим: онтологик, гносеологик ва ижтимоий жиҳатдан:

1) Онга онтологик жиҳатдан ёндoshiш-онг-бу табиат узок тарихий тараққиётининг маҳсули, материя эволюцияси жараёнида вужудга келган руҳий ҳодисалар хоссаси деб таърифлашдир. Бу хосса материянинг оддийдан мураккабликка, қуйидан юқорига қараб ривожланиш жараёнида пайдо бўлган. Материя тараққиёти натижасида фикр қилувчи инсон мияси шаклланади, ривожланади. Онг фақат инсон миясига хос бўлган инъикос жараёнидир.

Инсон мияси мураккаб биология маҳсули бўлиб, унинг ўртача вазни 1000-1400 гр келади. Одам миясининг мутлоқ вазни деярли барча ҳайвонларнинг мияси вазнидан катта. Мия вазнининг гавда вазнига нисбати жиҳатидан эса инсон умуман барча ҳайвонлардан анча юқори туради. Инсон миясида 14 млрд.дан ортиқ нерв ҳужайраси бўлиб, унинг катталиги 5-200 микрон келади. Инсон мияси кимё, физик қонунияти билан бир қаторда биологик қонуниятларга, шунингдек ижтимоий қонуниятларга бўйсунди.

2) Онга гносеологик жиҳатдан ёндoshiш унинг фаолиятини, оламни билиш воситаси эканлигини эътироф этишдир. Онг тушуниб етилган билимдир. Онгнинг маъноси предмет-ҳодисаларни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. Онг-воқеаликнинг ҳам ақлий, ҳам хиссий инъикосидир. У инсон хиссиётлари, иродасини ҳам ўз ичига олади. Онг таркиби:

а) Барча руҳий жараёнлар сингари хиссий-эмоционал ҳолатлар ҳам мия фаолиятининг натижасидир. Хиссий ҳолатларнинг пайдо бўлишига ташқи оламда юз берадиган ўзгаришлар ҳам сабаб бўлади. Бу соҳага инсоннинг субъектив –руҳий кечинмалари, ўй хаёлларини, киритиш мумкин: эмоционал жараёнлар-бу қандайдир хиссиётнинг бевосита кечирилишидир. Эмоциялар одамни у ёки бу ҳаракатларга мулоҳазалар айтишга ундовчи кучга айланади. Инсоннинг ҳақиқатни излашлари ҳеч вақт инсоний хиссиётларсиз бўлмаган. Шу билан бирга, ортиқча эмоционаллик баъзи ҳолларда объектларни нотўғри акс эттиришга, хулоса чиқариш ва баҳолашда мантиксиз ҳолатларга олиб келади.

б) Ирода – инсоннинг ўз хатта-ҳаракатларини онгли равишда тартибга солиш ва кўзланган мақсадни амалга оширишда учрайдиган тўсиқларни енгишга бўлган қобилиятидир. Бу тўсиқлар: кўрқинч, журъатсизлик, шубҳа бўлиши мумкин. Ироданинг онгдаги фаолияти ҳаракат мақсадини белгилашда, бу мақсадга эришиш воситалари ва

йўл йўриқларини олдиндан аниқлаб маълум қарорга келишда намоён бўлади. Ўзини тута билиш, дадиллик, қатъийлик, чидам, мустақиллик ва шу кабилар ироданинг муҳим белгиларидир.

в) Хотира- индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиш, бу сақлаб қолиш мазкур натижаларни кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиш ва ундан фойдаланиш, қайта ишлаб, системаларга бирлаштириш имкониятини беради: буни қисқача айтганда – воқеаликнинг муайян индивид томондан тузилган психик моделларининг мажмуи. Хотира тафаккур ва нутқ билан боғлиқдир.

г) Тафаккур- мия ва сезги аъзоларининг такомиллашиб бориши одамнинг абстракциялаш, умумлаштириш ва зехн ишлатиш қобилияти тараққий этишига олиб келади. Одам объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларни идрок этганда, уларни абстракциялаб, умумлаштириб ифодалайдиган бўлади. Натижада одамда абстракт тафаккур қарор топади. Абстракт тафаккур объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг одам миясидаги мавхумлашган, умумлашган ва айни вақтда конкретлашган тушунча ҳукм ва хулоса шаклларидаги фикрий инъикоси.

Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида пайдо бўлади ва воқеаликнинг қонуниятли алоқаларини очиб беришни таъминлайди. Абстракция, анализ, синтез, муайян вазифаларни ўртага ташлаш ва уларни ҳал этиш йўлларини топиш, гипотезаларини, ғояларини, илгари суриши каби жараёнлар тафаккурга хос хусусиятлардир. Тафаккур тил билан узвий боғланган, у тил орқали нутқда товушлар, сўзлар ва гапларда реаллашади.

д) Тил – кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш ва фикр олишуви қуроли сифатида тафаккурнинг юзага чиқиш шаклидир, у реаллашган онгдир. Инсон нутқи бўлмаса, тил воситалари бўлмаса фикрлаш ҳам бўлмайди. Тил ва тафаккурнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Тафаккур объектив реалликнинг тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш каби фикр шаклларида инъикос этишдир. Тил эса тафаккурнинг моддийлашган шакли сифатида кишилар ўртасидаги фикр алмашиш воситаси, уларнинг ўзаро алоқа қилиш қуролидир.

Жамият тараққиёти билан тафаккур сингари тил ҳам тараққий қилиб боради. Тил ҳам онг каби қадимийдир. Тил- амалий онгдир, тил бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли,

муомала қилиш зарурлиги туфайли пайдо бўлади. Кишилар фикр алмашмаса, умуман зарур моддий бойликларни ишлаб чиқара олмаган, кишилиқ тараққиёти ҳозирги даражага етмаган бўларди. Фикр алмашиш эса фақат тил воситасида юзага чиқади. Демак, тил-белгилар системаси, бу система инсон фаолияти процессида билувчанлик ва коммуникатив функцияларини бажаради. Тиллар табиий ва сунъий тилларга бўлинади. Биз юқорида таҳлил қилганимиз табиий тилдир. Табиий тил фикрларни ифодалаш ва кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлиб хизмат қиладиган кундалиқ ҳаётдаги тилдир. Сунъий тил кишилар томонидан бирор тор эҳтиёжлар учун яратилган тилдир (математик символика тиллари, физика назариялари тиллари, морзе тили, компьютер тиллари ва ҳ.к.).

-3-

Онг таркибида ижтимоий ва алоҳида онгни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Ижтимоий онг- объектив воқеликни акс эттирувчи ғоялар, қарашлар, ижтимоий туйғулар, одатлар ва ахлоқнинг йиғиндисидан иборат:

Алоҳида онг – муайян бир синфга, ижтимоий гуруҳга халқ, миллатга ва эллатга мансуб бўлган алоҳида бир кишилар онгидир. У алоҳида бир кишининг миёсида объектив воқеликнинг акс эттиши жараёнида юзага келадиган фикрлари, туйғулари ва бошқа руҳий сифатлари йиғиндисидир. Алоҳида онг билан ижтимоий онг ўртасидаги ўзаро муносабатларда ижтимоий онг асосий томон ҳисобланади.

Онгга ижтимоий жиҳатдан ёндошиш унинг ижтимоий хусусиятларини моҳиятини очиб беришни тақозо этади.

Одам боласи дунёга келган вақтдан бошлаб атрофидаги кишиларни, предмет, ходисаларни сезиш, идрок этиш, уларни бир биридан фарқлаш, кишиларнинг ўзига бўлган муносабатларига ўзига хос шаклда жавоб қайтариш қобилиятига эга бўлади. Вақт ўтиши билан улар ҳақида ўзига хос сезилар, идроклар, тасаввурлардан иборат хиссий образлар ҳосил қила бошлайди. Айни вақтда боланинг бу хиссий образларини ўз миёсида қайта ишлаш асосида дастлабки ашъвий тафаккур ҳам ҳосил бўлади. Бу жараён ижтимоий муҳит таъсирида ривожланиб бориб, бола секин аста предметларни англайдиган, бир биридан фарқ қиладиган, ўзига

бўлган муносабатларни тушунадиган ва муносабатларга маълум шаклда жавоб қайтарадиган бўлади. Бу жараённинг ривожланиб бориши билан унда ашъвий тафаккур ўрнини нарса ва ҳодисаларнинг фикрий образларидан иборат абстракт тафаккур эгаллаб боради. Болада онгни пайдо қилувчи асосий омил болани қуршаб турган, унга таъсир кўрсатиб турувчи ижтимоий муҳит, яъни унинг маълум муносабатда бўладиган кишилар ва уларнинг муносабатидир. Бу муносабатлар таъсирида болада маънавий ақлий жиҳатлар ривожланиб боради. Демак, инсон онги- ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Ижтимоий муҳитсиз, жамиятдаги кишилар ижтимоий муносабатларсиз, жамиятнинг таълими, тарбиясиз инсон онги вужудга келмайди.

Инсоннинг онги, унинг барча руҳий ва ақлий қобилиятлари, унинг жамиятдаги ҳаёти фаолияти давомида таркиб топади ва маълум ижтимоий шарт-шароитлар билан тақазо қилинади.

Ижтимоий тараққиёт давомида ривожланиб борган онг инсонда тафаккур қонунлари, ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари, диний, илмий, эстетик қарашларнинг шаклланишига асос бўлади. Онг ўзининг пайдо бўлган пайтидан бошлаб, инсоннинг хатти-ҳаракатларининг ақл идрокени фикрини шакллантиради, кишини муайян ҳаёт тарзининг, маданият ва маънавиятнинг эгаси (субъекти) қилиб етиштиради. Демак, онг одамни ҳайвонот дунёсидан ажралган ижтимоий тараққий ҳодисасидир.

Инсон онгининг муҳим томони унинг ижодий фаоллигидир. Онгнинг ижодий фаоллиги-масалан кишининг Бирон ишга киришганида, ҳаракат режасининг миясида олдиндан тузиб олишида намоён бўлади. Бу режа унинг тасаввурида маълум фикр шаклида юзага келади, сўнг меҳнат жараёнида моддийлашади.

Онгнинг ижодий фаоллиги инсоннинг ташқи дунёга, табиат ва жамиятга, ўзига, бошқа кишиларнинг ижтимоий фаолиятига маълум муносабатда бўлиши билан характерланади. Инсон ўз олдида қўйган мақсадини амалга оширишда унинг идеал модели бўлган режа муҳим аҳамиятга эга. Бу режа унинг фаолиятини тартибга солиб, тўғри йўналиш бериб туради.

Онгнинг фаоллиги туфайли инсон табиатнинг янги қонунларини кашф этиб, уларни билиб олиш асосида, табиий ҳолда мавжуд бўлмаган янги-янги нарса ва ҳодисаларни яратади, кашфиётлар қилади.

Инсон ўз онгли фаолияти билан жамиятни ҳам ўзгартиради.

Бу ўзгаришлар ғояси дастлаб илғор кишилар онгида пайдо бўлиб, жамиятга бўлган қарашларида Янги ўзгаришларга олиб келади. Инсон табиатни ва жамиятни ўзгартирар экан, бу жараёнда унинг ўзи ҳам ўзгариб боради. Бу ўзгариш унинг онгидан бошланади. Инсон дунёни шунчаки англаб олиши билан чекланиб қолмайди. Балки билимларини дунёни ўзгартиришга сарфлайди.

Одам ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиб, унинг онги пайдо бўлишидаги Яна бир муҳим омил – бу ўз ўзини англашдир. Ўз-ўзини англаш инсон онги фаолиятининг муҳим томонидир. Сабаби, ижтимоий ҳаёт инсондан фақат объектив борлиқни билишгина эмас, балки ўз-ўзини англашни ҳам талаб қилади. Ўз-ўзини англаш инсонда ўз-ўзидан юзага келмайди, балки у онг билан бирга, инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятлари асосида, унинг ижтимоий турмуш тарзи таъсирида шакллана боради.

Фалсафада ўз-ўзини англаш деб инсон субъект сифатида ажратиб ўз билишини ўзига қаратиши, ўз талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш юритиши, фаолият ва ишларини назорат қила олиши ҳамда бошқариши, ўз-ўзига фаолиятининг бориши ва натижаси ҳақида ҳисоб бериши, ўзи билишининг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлган жараёнга айтилади.

Ўз-ўзини англашнинг биринчи дастлабки шакли- бу ўз-ўзини ҳис қилиш бўлиб, у кишининг ўзини, ўз жисмини қуршаб турган предметлар, ходисалардан фарқни билишидир.

Ўз-ўзини англашнинг иккинчи шакли-одамнинг жамиятдаги ўз-ўзини, инсон эканлигини, жамиятнинг конкрет бирон босқичига, муайян маданиятга, ижтимоий гуруҳларга мансублигини, аниқ бир фаолият эгаси эканлигини тушунишидир.

Учинчи шакли- кишининг жамиятда фуқаро сифатида фаолият кўрсатадиган, ўз ишлари ва фаолиятлари учун масъулликни ҳис қилувчи, фаолияти устидан ўз назоратини ўрнатувчи, жамиятда ўз ўрнини белгиловчи, ўз фаолиятларининг ўзи баҳолай оладиган, ўз-ўзига ҳисоб бера олувчи шахс эканлигини тушунишдир.

Ўз-ўзини англашни бошқа қирралари ҳам бор. Ўз-ўзини англаш фақат конкрет киши, шахсгагина хос бўлиб қолмасдан, маълум жамоага, синфга, ижтимоий гуруҳга, халққа, миллатга ҳам хос бўлиши мумкин. Ўз-ўзини англашни энг муҳим кўриниши бу маълум гуруҳ, жамоа, миллатни ўз-ўзини англашидир.

Маълум миллатни ўз-ўзини англаш – миллий ўз-ўзини англаш дейилади.

Миллий манфаатлар миллий ўз-ўзини англашни асосий манбаидир. Миллий маданий қадриятларни ўзлаштириш ва эгаллаш, уларни қайта идрок қилиш ва яратиш миллий ўз-ўзини англашни ривожланишини асосий шарт-шароитидир.

Ўзбекистон мустақиллигини ҳозирги босқичида миллий ўз-ўзини англаш мамлакатимиз ижтимоий ва маънавий тараққиётини муҳим омилидир.

Юқорида айтилганларга асосланиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Онг – юксак даражада ташкил топган материя – инсон миясининг маҳсули бўлиб, уни хусусияти воқеликни инъикос эттиришдир.
2. Онг таркиби: хиссиётлар, ирода, хотира, тил ва тафаккурдан иборат бўлиб, онг моҳиятини белгиловчи компонентлар тил ва тафаккурдир.
3. Онг одамни ҳайвонот дунёсидан ажратган ижтимоий тарихий ходисадир.

10-Мавзу: Билиш фалсафаси.

РЕЖА:

Билиш-воқеликнинг инъикосидир.

Билишнинг объекти ва субъекти.

Билишнинг асосий босқичлари.

Фалсафада ҳақиқат муаммоси.

АДАБИЁТЛАР:

Ш.Туленов, З.Ғофуров. Фалсафа (дарслик). Т.: “Ўқитувчи” 1997 й.

Фалсафа (дарслик). МГУ 1996 й.

Фалсафа (ўқув қўлланма). И.Раҳимов, Т.: Университет. 1998 й.

Фалсафа (дарслик). Э.Юсупов умумий таҳрири асосида. Т.: 1999 й.

1.

Инсоннинг ўзини қуршаган дунёга бўлган муносабатларидан бири-билишдир. Инсон ўз ҳаёти давомида фақат ташқи дунёни, яъни табиат ва жамиятнинггина билиб қолмасдан, балки ўзини-ўзининг руҳий-маънавий дунёсини ҳам билиб олади.

Фалсафа пайдо бўлган пайтдан бошлаб, инсон билишнинг табиати ва моҳиятини нима ташкил этади? Унинг энг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари нимадан иборат? деган саволларга жавоб бериб келди. Шу туфайли фалсафа инсон билишининг фалсафий муаммолари билан шуғулланмаган бирорта ҳам фалсафий оқим, бирорта ҳам файласуф йўқдир.

Бир гуруҳ файласуфлар инсондан, унинг онгидан ташқари дунё мавжуд эмас, дунё фақат бизнинг онгимизда, бизнинг сезги ва идрокларимизда йиғинди (комплекс ёки комбинациялари) дан иборат, бинобарин биз ўз сезги ва идрокларимизгина билиб оламиз, деган фикрларни билдиришгани маълумдир.

Бошқа бир гуруҳ файласуфлар эса инсонни дунёнинг, ўзини билишига шубҳа билан қарайдилар, инсон дунёни тўлиқ билолмайди, дейишиб, инсон билишини чеклайдилар ва дунёни билишни бутунлай инкор қиладилар. Скептицизм таълимоти вакиллари инсон билишининг нисбийлиги, унинг турли шароитлар ва вазиятлар билан боғлиқ эканлигини айтишиб, ҳамма эътироф этувчи, исбот талаб қилинмайдиган инсон билимларининг бўлиши мумкинлигига шубҳаланадилар.

Дунёни билишни қисман ёки бутунлай инкор қилувчи фалсафий

таълимот бўлган агностицизм вакиллари инсон дунёни билишга қодир эмас, деган ғояни илгари суради. Масалан: инглиз файласуфи Д.Юм таълимотига кўра, билиш объекти, билимларимизнинг манбаи объектив борлиқ эмас, балки субъектив сезги ва идрокларимиздир, биз сезги ва идрокларимиз чегарасидан ташқарида нима борлигини била олмаймиз.

Немис файласуфи И.Кант эса инсондан ва унинг онгидан ташқари объектив борлиқнинг мавжудлигини эътироф қилган ҳолда, ундаги предмет ва ҳодисаларни “нарсалар биз учун” ва “нарсалар ўзида” га бўлади. Унинг қарашича, “нарсалар биз учун” ни инсон била олади, “нарсалар ўзида”ни эса инсон била олмайди. Кантнинг “Нарсалар биз учун”и-бу инсонни қуршаб турган предмет ва ҳодисалар, шу жумладан, табиат ҳам. “Нарсалар ўзида” эса: эркинлик, ўлмаслик, худо ва шу кабилардир. Уларни инсон ҳеч қачон тўлиқ била олмайди. Кант ўзининг билиш назариясида, эътиқодга ўрин қолдириш, уни мустаҳкамлаш учун ақлни танқид қилади ва чеклайди.

Илм ва фан ютуқларига асосланган файласуфлар эса инсоннинг дунёни ва ўзини билишни доим эътироф этганлар. Қадимги юнон файласуфлари инсон дунёни ва ўзини билиши, ҳақиқатга эришиши мумкин, дейишган.

Тасаввуф фалсафаси вакиллари эса ўз қарашларида инсоннинг ҳиссий билиши ташқи билишнинг, ақлий билиши эса, ички билишни ташкил қилишини айтишиб, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳам айтганлар. Шу билан бирга улар дунёни ва ўзини билиши учун маънавий камолотга эришмоғи лозим, лекин бу камолотга эришиш қуруқ интилиш билан эмас, балки ўзини ўрганиш, билимлар ва хунарларни эгаллаш орқали юзага келади, дейишади.

XVII-XVIII аср Оврўпо файласуфлари ҳам инсоннинг дунёни ва ўзини билиши ҳақида, масалан: инглиз файласуфи Ф.Бекон инсон билиши сезгилардан бошланади, билишнинг манбаи тажрибадир, сезгилар орқали олинган далилларни инсон тафаккур ёрдамида қайта ишлаб чиқади, дейди.

Билишнинг ялпи фалсафий назариясига кўра, инсоннинг дунёни ва ўзини билиш имконияти ва даражаси, аввало ижтимоий шароитга, ишлаб чиқарувчи кучлар ва уларнинг эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш муносабатларининг даражасига боғлиқдир. Турли ижтимоий-иқтисодий даврлардаги кишиларнинг билиш даражаси фан тараққиёти, техника ривожининг даражаси ва кўлами жамият ишлаб чиқариш усули қўйган вазифалари билан белгиланади.

Инсоннинг билиш қобилияти, билиш имкониятлари чекланмаган. Унинг билиш имкониятлари фанларнинг ва амалиётнинг ривожланиши билан янада ортиб боради.

2.

Билишнинг фалсафий назариясига кўра билиш моддий ва маънавий борлиқнинг инсон миясидаги муайян мақсадга қаратилган фаол акс эттиришидир. Инсон билишининг манбаи эса айти шу моддий ва маънавий борлиқ, уларни ташкил қилган предметлар, ҳодисалар ва жараёнлардир.

Умумий маънода айтганда, инсон билишнинг субъекти (соҳиби) ни, инсонни қуршаб турган борлиқ эса билишнинг объектини ташкил этади.

Билишнинг субъекти, объекти ва предмети ўзгармас, қотиб қолган нарсалар эмас, балки билиш жараёнида улар доимо ўзгариб боради. Шу билан бирга, айти бир вақтдаги ва айти бир макондаги субъект ва объект бошқа бир вақт ва бошқа бир маконда субъект ва объект муносабатида бўлмаслиги мумкин. Инсоннинг билиши жараёнида субъект билиши зарур бўлган объектини билиб олгач, бу объект субъектнинг билиш доирасидан чиқарилади ва у энди билишнинг объекти бўлмай қолади. Инсоннинг билиши ана шу “субъект-объект-предмет” муносабатлари асосида юзага келувчи ижтимоий-тарихий жараёндир. Инсон билишининг табиатини айти шулар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш асосида тўғри тушуниш мумкин. Бунда доимо субъектнинг фаоллиги муҳим роль ўйнайди.

Инсон билишини шартли равишда бир неча турларига бўлиши мумкин. Дастлаб инсон билишини унда борлиқ қандай ҳолда инъикос этганлигига қараб, оддий ва илмий билишларга ажратиш мумкин.

Оддий (кундалик) билиш кишиларнинг одатдаги кундалик ҳаётларида борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни бевосита ўз сезги аъзолари ва тафаккурлари орқали билишдир. У кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибалари, малакалари ва амалий ишлари орқали ҳосил бўлиб, одатда “соғлом фикрлар” да ўз ифодасини топган.

Илмий билиш эса, оддий билишдан фарқланиб, у борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг қонуниятларини, уларнинг моҳиятини билишдир.

Ҳиссий билиш дейилганда, одатда инсоннинг ҳис қилиши, сезги аъзолари орқали предмет ва ҳодисаларни, уларнинг ташқи томонларини, ташқи белги ва хусусиятларини бевосита билиш тушунилади.

Мантикий билиш инсоннинг предмет ва ҳодисаларни тафаккур орқали умулаштириб, мавҳумлаштириб ва конкретлаштириб, уларни фикрда билишидир.

Интуитив билиш одатда киши бирор нарса ёки ҳодиса ҳақида муайян тасаввурлар ва билимларга эга бўлган, унинг фикри маълум муаммо ва масалани ечишга йўналтирилган, шу асосда фикрини ривожлантираётган бир пайтда рўй беради. Интуитив билиш ҳам инсон билиш жараёнининг муҳим жиҳатини ташкил қилади ва унинг борлиқни билишида муҳим роль ўйнайди.

Интуитив билиш, аслида инсон билиш жараёнининг бир жиҳати сифатида фақат ижодий жараёнга хос бўлмасдан, балки у инсоннинг оддий кундалик амалий фаолиятига ҳам хосдир.

Инсон билишини турларга бўлишда интуитив билишдан фарқли равишда қадимдан билиш ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Ғойибона билиш инсон билишининг шундай турики, бунда киши узоқ масофадан туриб содир бўлган ёки содир бўладиган ҳодиса ва воқеани билиши, ҳис қилиши, бу ҳодиса ва воқеанинг қандай содир бўлиши унга аён бўлади. Кишилар бирон ишни қилмоқчи бўлса, бу ишнинг натижаси ҳақида олдиндан: “шундай бўлиши керак”, “шундай бўлади, деб ўйлайман” ёки “олдиндан юрагим сезганди”, “оёғим тортмаганди”, “негадир кўнглим ғаш”, деган фикр-мулоҳазаларни айтишади.

Лекин шуни айтиш керакки, ғойибона билишнинг ҳозирча механизми фанга маълум эмас. Шу сабабли кўпинча ғойибона билишни кишилар илоҳийлаштириб, бундай билиш фақат азиз авлиёларга, алоҳида ғайритабиий хусуситларга эга кишиларга хос, деб қараб келишмоқда. Инсон билишини яна унинг ижтимоий ҳодисалар билан боғланишига кўра, унинг мифологик, диний, фалсафий бадиий эстетик билишларга ажратиш ҳам мумкин. Билишнинг бу турлари инсоннинг билиш соҳаларининг турли томонини ташкил қилади.

3.

Моддий ва маънавий борлиқ ўз табиатига кўра бир-бири билан узвий боғлиқ диалектик жараён бўлганлигидан уларнинг инъикоси бўлган инсон билишини ҳам диалектик жараён деб тушуниш лозим, яъни инсон билиши билмасликдан билишга, аниқ бўлмаган билишлардан аниқроқ билишларга, тўлиқ бўлмаган билишлардан тўлиқроқ билишларга, оддий билишлардан мураккаб билишларга томон боришдан иборатдир.

Ҳиссий билиш-инсон билишининг дастлабки биринчи босқичи бўлиб, инсон билиши жараёни айна шу билишдан бошланади. Натижада мияда предмет ва ҳодисаларнинг белгилари, сигналлари ва ҳиссий образлари ҳосил бўлади.

Ҳиссий билиш босқичи ҳис қилиш, сезги, идрок ва тасаввур каби шаклларда содир бўлади. Ҳис қилиш-инсон билишининг шундай шаклики, унда киши ўз-ўзига, атрофдаги нарса-ҳодисаларга, киши ёки кишиларга бўлган муносабатида ўзининг муайян ҳолатга кириши, муайян ҳолда бўлишидир.

Сезги ҳиссий билишнинг дастлабки шаклларида бўлиб, у инсоннинг борлиқни билишининг ўзига хос кўринишидир. Сезги ва сезгилар инсоннинг сезги аъзоларига борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг бевосита ёки билвосита таъсири натижасида юзага келадиган ҳиссий образлардир. Сезгиларни ҳосил қилувчи бундай сезг аъзолари инсонда ташқи ва ички ҳолатларда жойлашган бўлиб, улар: таъм билиш, кўриш, сезги аъзоси ҳисобланади. Бу сезги аъзолари инсоннинг борлиқни билишида ўзига хос бир восита бўлиб, улар орқали предмет ва ҳодисалар ҳақидаги дастлабки маълумотлар инсон миясига қабул қилинади. Инсон бу сезги аъзолари орқали борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг ташқи белги ва хусусиятларини билиб олади.

Бироқ ҳис қилиш ва сезгилар инсоннинг борлиқни билиши учун ҳали етарли эмас. Бунинг учун инсон ўзининг ҳиссий билишида ҳис қилиш ва сезгилар шаклларида ҳосил қилган маълумотларини тўплаб, умумлаштириб, уларни бир бутун ҳолда инъикос эттириши ҳосил бўлади. Ҳиссий билишнинг бундай янги шакли идрокдир.

Идрок борлиқдаги предмет ва ҳодисаларни яхлит ҳолда, бир бутун кўринишда, уларнинг ҳамма асосий ташқи белги ва хусусиятларни умумлаштирган ҳолда инъикос эттирувчи ҳиссий билишнинг нисбатан юқорироқ шаклидир. Идрок предмет ва ҳодисаларнинг бир бутун яхлит ҳиссий образидир. У ўзида ҳис қилиш ва сезгилар шаклларидаги образларни жамлаб ифодаловчи хусусиятга эга. Бироқ инсоннинг ҳиссий билиши идроклар шаклларида юзага келган ҳиссий маълумотлар инсон миясида қайта ишланиб, юксак шаклини ҳосил қилади. Бу тасаввурдир.

Тасаввур-илгари идрок этилган, аммо айна вақтда бевосита идрок этилаётган предмет ва ҳодисаларнинг инсон миясидаги қайта ишланиб, тикланган ҳиссий образидир. Тасаввурнинг ўзига хос хусусияти, у борлиқдаги предмет ва ҳодисалар билан айна вақтда

бевосита боғланишда бўлмаган ҳолда уларнинг илгариги пайдо бўлган образлари асосида қайта тикланишидир.

Инсон борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг ички томонларини, уларнинг ўзгариш ва ривожланиш қонунларини, бир сўз билан айтганда уларнинг моҳиятини фақат мантиқий билиш орқалигина билиб олади.

Ақлий билишнинг дастлабки шакли ҳукмлардир. Ҳукм-мантиқий билишнинг шундай фикрий шаклики, унда борлиқдаги муайян предмет ва ҳодисалар, улар ўртасидаги боғланиш ва алоқадорликлар ҳақида тасдиқ ёки инкор фикр ифодаланади. Инсон ўз тафаккурида бир ёки бир неча ҳукмларни мантиқий ўзаро боғлиқ. Мантиқий билишнинг навбатдаги шакли тушунчадир.

Тушунча, предмет ва ҳодисалар, уларнинг муҳим ва зарурий белги ва хусусиятларининг умумлаштирилган фикри образидир. Масалан: “инсон тушунчасини олайлик. Бу тушунча ҳамма кишилиқ жамиятига хос бўлган, меҳнат қилувчи, меҳнат қуроллари ва меҳнат воситаларини яратувчи ва улар асосида моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқарувчи, онг-тафаккур, тил ва нутқ каби муҳим ва зарур белгиларга эга бўлган биорухий ижтимоий мавжудотнинг фикрий ифодасидир”.

Хулоса чиқариш эса мантиқий билишнинг шундай шаклики, унда бир ёки бир неча ҳукмлар асосида янги ҳукм-янги фикр ҳосил бўлади.

Хулосалаш инсон мантиқий билиш босқичининг юқори шаклидир. Одатда хулоса чиқаришнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни “Мантик” фани ўрганади.

4.

Ҳақиқат масаласини илмий асосда ҳал қилишнинг ягона йўли-бу инсон билимлари билан объектив борлиқдаги реал предмет ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатларни илмий асосда ёритиб беришдир.

Ҳақиқат-бу инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет ва ҳодисалар қандай бўлса, уларни инсон ўз миясида худди шундай инъикос эттирган билимлардир. Ҳақиқат бу борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ёки уларнинг белги ва хусусиятларининг ўзи эмас, балки улар ҳақидаги инсон билимларининг ўша предмет ва ҳодисаларга, уларнинг белги ва хусусиятларига мос келишидир.

Ҳақиқатни билиш-мураккаб жараёндир. Бизнинг борлиқ ҳақидаги билимларимиз бирданига, тайёр ҳолда юзага келмайди. Биз предмет

ва ҳодисаларнинг аввал ташқи томонларини, сўнгра ички томонларини билиб борамиз.

Нисбий ҳақиқат-бу бизнинг борлиқдаги предмет ва ҳодисалар тўғрисидаги таҳминан тўғри, лекин тўлиқ бўлмаган, билиш жараёнида тузатилиб, тўлдирилиб бориши лозим бўлган билимлар.

Мутлақ ҳақиқат эса-бу борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ҳақидаги тўлиқ, аниқ мукамал билимлардир. Бундай билимлар инсон тафаккурининг объектга чексиз яқинлашиб бориши асосида, чексиз нисбий ҳақиқатларнинг жами сифатида қарор топади. Шу асосда инсон билиши нисбий ҳақиқатлардан мутлоқ ҳақиқатга томон боради. Инсон унга чексиз яқинлашиб боради. Билимлар тараққиётида мутлоқ ҳақиқат яхшилашиб боради. Илм-фан тараққиётида ҳар бир янги босқич нисбий ҳақиқатлар сифатида мутлоқ ҳақиқатнинг мазмунига янги-янги зарралар қўшиб боради. Борлиқ бепоён ва чексиз бўлгани каби инсоннинг уни билиши ҳам чексиз давом этади. Нисбий ҳақиқатларнинг мутлоқ ҳақиқатга чексиз яқинлашиб борувчи чегаралари тарихан шартли бўлса ҳам лекин бу мутлоқ ҳақиқатнинг мавжудлиги шубҳасиздир.

Догматизм инсоннинг борлиқни билишида билимларнинг мутлоқ томонларини бўрттириб, уларнинг нисбий томонларини инкор этишдир. У фақат мутлоқ ҳақиқатни эътироф эътиб, билимларга ўзгармас, қотиб қолган ҳолда қарайди.

Релятивизм эса инсон билишида ҳосил бўлган билимларнинг нисбий томонларини мутлоқлаштириб, инсон билимлари фақат нисбий ҳақиқатлардан иборат, деб қарашдир. У мутлоқ ҳақиқатни бутунлай инкор қилади.

Инсон қадимдан бошлаб ўз билимларининг ҳақиқатлигини, уларнинг хатолардан ажратувчи мезонни топишга ҳаракат қилиб келган.

XX аср неопозитивизм оқими вакиллари баъзилари ўз билиш назариясида ҳақиқатнинг мезони, деб когоренция принципини оладилар. Бу принципга кўра ҳақиқатнинг мезони билишнинг ўз-ўзига мос келишидир. Неопозитивизмнинг бошқа бир гуруҳи вакиллари эса билимларнинг ҳақиқатлик мезони сифатида верификация принципини илгари сурадилар. Бу принципга кўра, билимларни ҳиссий тажриба, эксперимент йўллари билан текшириш мумкиндир.

Прогматизм оқими вакиллари эса, ҳар қандай билимнинг ҳақиқатлик мезони унинг инсонга келтирадиган фойдали бўлиши керак, дейишади. Ҳақиқатда эса, фойдали бўлиш, фойда келтириш ҳали

инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони бўлмайди.

Экзистенционализм фалсафаси вакилларининг баъзилари бўлса, инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони ҳар бир кишининг ўз эҳтиёжи, мақсад ва манфаатларига боғлиқдир, дейишади. Уларнинг қарашича ҳеч қачон икки кишининг эҳтиёжи, интилишлари бир-бирига тўла мос келмайди. Шу сабабли ҳақиқатнинг барчага баробар бўлган мезони бўлиши мумкин эмас.

Аслида эса, билимларнинг ҳақиқатлиги мезони амалий фаолиятдир. Билимларнинг ҳақиқатлиги ёки хатолиги кишиларнинг Амалий фаолиятида маълум бўлади. Ҳақиқат бўлмаган билимлар инсон фаолиятини муваффақиятсизликка олиб келади. Шунинг учун ҳар қандай янги билимнинг ҳақиқат эканлиги амалиётда текшириб кўрилади. Амалиёт инсоннинг билиш жараёнида ҳосил бўлган ҳар бир билимнинг ҳақиқатлигини тасдиқлаш билан бирга, бу билимнинг чекланганлигини, хато ёки ғайриилмийлигини ҳам аниқлаб беради. Амалиёт ҳам инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони сифатида мутлоқ эмас. Сабаби: инсон билимларининг ҳақиқатлиги ёки хатолиги амалиётда тасдиқланиши тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун барча даврларда инсон билимларининг соҳаларида ҳали ҳақиқатлиги тўлиқ тасдиқланмаган ёки хатолиги тўла аниқланмаган кўпгина гипотезалар мавжуд бўлади, улар келгуси авлодлар томонидан тузатилиб, тўлдирилиб, тасдиқланиб ёки рад қилиниб борилади. Шу боисдан маълум шароитларда инсон эришган билимларининг ҳақиқатлиги амалиётда тасдиқланиши ёки хатолиги исботланиши мумкин. Бу муддат бир неча ўн йил, бир неча юз, хатто минглаб йилларни ўз ичига олиши ҳам мумкин.

Лекин шунга қарамасдан амалиёт ҳақиқат мезони сифатида инсоннинг тўғри билимларини хато билимларидан фарқ қилишда катта аҳамиятга эга. Бу мезон, биринчидан инсон билимлари борлиқнинг тўғри ёки нотўғри инъикоси эканлигини тасдиқласа, иккинчидан у борлиқни нотўғри акс эттирувчи қарашларнинг хатолигини ҳам очиб беради.

Ҳақиқат мавҳум ҳам эмас, балки аниқ билимлардир. Ўзгармас, қотиб қолган билимлар йўқ, инсон билимлари доимо ўзгариб боради. Айни бир вақтда, айни бир нисбатда ҳақиқат бўлган билим бошқа бир вақт ва бошқа бир нисбатда ҳақиқат бўлмаслиги мумкин. Бу шунини кўрсатадики, билимларимизнинг ҳақиқатлиги улар ифодалаган мазмуннинг ўзгариши билан ўзгариб боради. Ҳар бир билимнинг ҳақиқатлиги маълум жойга, ўринга, вақт ва вазиятга киши

билишининг имкониятига ва даражасига боғлиқ бўлади. Билимнинг ҳақиқатлигини аниқлашда унга маълум алоқадорлик ва боғланишлардан келиб чиқиб, аниқ шароит, жой, вақт ва маълум вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёндошмоқ керак. Ҳамма замонлар, маконлар ҳамма давр ва ҳар қандай шароитда ҳам тўғри бўладиган, ўзгармайдиган ҳақиқатлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳақиқатнинг аниқлигини ҳисобга олиш инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларида жуда катта аҳамиятга эга. Билиш жараёнида нисбий ва мутлоқ ҳақиқатлар диалектикасини тўғри тушунмаслик, ҳақиқатнинг аниқлигини ҳисобга олмаслик билиш назарияси соҳасида иккита янглиш қарашга, догматизм ва релятивизмга олиб келади.

Инсон қадимдан бошлаб ўз билимларининг ҳақиқатлигини, уларнинг хатолардан фарқини ажратувчи мезонни топишга ҳаракат қилиб келган. Шу сабабли фалсафада билимларнинг ҳақиқатлик мезони муаммосига доир турлича қарашлар пайдо бўлган. Бундай қарашларнинг бири бу ҳақиқатнинг формал мантиқ мезонидир. Бу мезонга кўра, билим ҳақиқат бўлиши учун бу билимни ифодаловчи фикр, иккинчи бирор фикрга мувофиқ келиши ёки бу билим бошқа билимдан заруран мантиқий келиб чиқиши лозимдир.

XX аср неопозитивизм оқими вакилларининг баъзилари ўз билиш назарияларида ҳақиқатнинг мезони деб, когеренция принципини оладилар. Бу принципга кўра, ҳақиқатнинг мезони билимнинг ўз-ўзига мос келишидир. Неопозитивизмнинг бошқа бир гуруҳи вакиллари эса билимларнинг ҳақиқат мезони сифатида верификация принципини илгари сурадилар. Бу принципга кўра, билимларни ҳиссий тажриба, кузатиш, эксперимент йўллари билан текшириш мумкин. Бироқ бизга маълумки, фанларда пайдо бўлган баъзи ғоялар ва қарашларнинг ҳақиқатлигини бундай ҳиссий тажрибалар асосида текшириб бўлмайди.

Прагматизм оқими вакиллари эса, ҳар қандай билимнинг ҳақиқатлик мезони унинг инсонга келтирадиган фойдаси бўлиши керак дейишади. Ҳақиқатда эса, фойдали бўлиш, фойда келтириш ҳали инсон билимларининг ҳақиқатлилиги мезони бўлмайди.

Экзистенциализм фалсафаси вакилларининг фикрига кўра, инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони ҳар бир кишининг ўз эҳтиёжи, мақсад ва манфаатларига боғлиқдир. Ҳақиқатнинг барчага баробар мезони бўлиши мумкин эмас.

Аслида эса билимларнинг ҳақиқатлиги мезони амалий

фаолиятдир. Билимларнинг ҳақиқатлиги ёки хатолиги кишиларнинг амалий фаолиятида маълум бўлади. Ҳақиқат бўлмаган билимлар инсон фаолиятини муваффақиятсизликка олиб келади. Шунинг учун амалиёт инсоннинг билиш жараёнида ҳосил бўлган ҳар бир билимнинг ҳақиқатлигини тасдиқлаш билан бирга бу билимнинг хато ёки ғайриилмийлигини ҳам аниқлаб беради.

Амалиёт ҳам инсон билимларининг ҳақиқатлиги мезони сифатида мутлақ эмас. Сабаби: инсон билимларининг ҳақиқатлиги ёки хатолиги амалиётда тасдиқланиши тўлиқ бўлмайди. Шунинг учун барча даврларда инсон билимларининг соҳоларида ҳали ҳақиқатлиги тўла тасдиқланмаган ёки хатолиги тўла аниқланмаган кўпгина билимлар мавжуд бўлади, улар келгуси авлодлар томонидан тузатилиб, тўлдирилиб, тасдиқланиб ёки рад қилиниб борилади.

11- Мавзу: Жамият фалсафаси.

Режа:

1. „Жамият" тушунчаси. Жамиятни диний-натуралистик ва фалсафий тушуниш.
2. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти, уларнинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлиги.
3. Жамият ҳаётининг асосий соҳалари ва уларни бошқариш.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири остида. Тошкент.1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент 2000

Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент. 2004

Фалсафа. Ўқувқўлланма.Е.Юсуповнинг илмий раҳбарлигида. Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

1.

„Жамият" тушунчаси арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маънолари ўзбек тилида: „умумийлик", „бирлик", „мажмуа", жамланган" деганидир. Бу тушунча кишиларнинг умумий ижтимоий фаолиятлари ва муносабатларининг бирлиги, уларнинг муайян мақсад асосида уюшган усули ва шаклини ифодалайди. Бу тушунчанинг кундалик онгдаги ва илмий, фалсафий адабиётларда қўлланиладиган тор ва кенг маънолари мавжуд. „Жамият" тушунчаси, тор маънода, маълум кишиларнинг бирор мақсад ёки фаолият асосида уюшган бирлигини ёки инсоният ҳаёти ва тараққиётининг муайян аниқ босқичини ифодалайди. Масалан, „Ўзбекистон хотин-қизлар жамияти", „феодализм жамияти" каби. „Жамият" тушунчаси, кенг маънода, фалсафий жиҳатдан, инсонларнинг онгли фаолияти жараёнида ўзаро ижтимоий муносабатлар орқали уюшган бирлигини, унинг ўзига хос уюшиш усули ва мавжудлик шаклини ифодалайди. Бу тушунча илмий ва фалсафий адабиётларда „кишилик жамияти" ёки жамият шаклида қўлланилади. У энг умумий ва мавҳум тушунчалардан биридир.

Жамият ҳақидаги қарашлар бирданига пайдо бўлган эмас. Кишиларда дастлаб жамият тўғрисида хаёлий-мифологик қарашлар, ундан кейин

аста-секин диний қарашлар пайдо бўлган. Диний қарашларга кўра, жамият Худо томонидан яратилган бўлиб, у Худонинг инсонларга берган инъомидир. Бу таълимотга кўра, жамиятнинг моҳиятини, унинг мавжудлиги ва тараққиётини илоҳий куч танҳо Худонинг ўзи белгилайди, жамиятдаги ҳар қандай ҳодиса ва воқеа Худонинг иродаси билан содир бўлади.

Жамиятнинг ривожланиб бориши, илм-фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан жамият ҳақидаги қарашлар ҳам ўзгариб ва ривожланиб борган. Кишиликнинг буюк ақл эгалари, бошқа соҳаларда бўлганидек, жамият ҳақида унинг моҳияти, пайдо бўлиши ва ривожланиши қонуниятларини билишга, шу асосда ўз истиқботларини белгилашга ҳаракат қилишиб, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни такомиллаштириб борганлар.

Умуман, энг қадимги даврлардан бошлаб, жамият ҳақида мифологик, диний, табиий-илмий ва ниҳоят, фалсафий қарашлар пайдо бўла бошлаган. Буни биз бизгача етиб келган қадимий ёзма ёдгорликлардан, хусусан, муқаддас диний китоблардан билиб оламиз. Чунончи, Ўрта Осиё халқлари муқаддас китоби „Авесто“ да жамият, унинг моҳияти, мазмуни, жамият ҳодисалари ҳақида қимматли қарашлар баён қилинган. Булардан ташқари, қадимги Ҳиндистон, Хитой ва Юнонистон тарихига оид манбаларда ҳам адолатли жамиятни куриш, бошқариш жамиятнинг моҳияти ва ривожланиши ҳақида қарашлар ўз ифодасини топган. Хусусан, қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арастулар такомил топган, мўътадил жамиятни барпо қилиш ғояларини илгари суришган. Бу мутафаккирларнинг жамият ҳақидаги қарашларини ўрта асрларда яшаган буюк ватандошларимиз Форобий, Беруний, Ибн Сино ва бошқалар янада ривожлантирганлар. Масалан, Форобий ўзининг „Фозил одамлар шаҳри“ асарида кишилар ўзларининг инсонийликлари асосида бирикиб, жамиятни ташкил қилиши ва шу инсонийликларидан келиб чиқиб, тинч-тотув яшашлари лозимлигини кўрсатган эди.

Беруний жамият кишилар томонидан ўз эҳтиёжларини тушуниб, ўзларига ўхшаш кишилар билан ўзаро „шартнома“ асосида бирга яшашдан иборатлигини, улар биргаликда фаолият кўрсатишлари, меҳнат қилишлари зарурлигини айтган.

Ибн Сино жамият — кишиларнинг ўзаро келишувлари, бир-бирларига ёрдамлашиш асосида ташкил топиши, унинг аъзолари эса адолатли қонунлар асосида яшашлари лозимлигини ёзган эди.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида жамият ҳақида турли хил қарашлар, илмий билимлар ҳам ривожланиб, бойиб борди. Натижада, шу нарса маълум бўлдики, жамият ниҳоятда мураккаб ва зиддиятли ижтимоий организм бўлиб, унинг моҳиятини тарихий ҳодисалар ва жараёнлар ташкил қилади. Жамият табиатнинг ажралмас бир қисми, жамият табиат тараққиёти асосида келиб чиққан, у табиат тараққиётининг олий маҳсули, шу туфайли жамиятда ҳам табиат қонунлари амал қилади, деган қараш қарор топди. Бу қарашни Европада XVIII аср француз мутафаккирлари илгари суришди. Улар ўз асарларида табиат қонунлари билан ижтимоий, яъни жамият қонунларини айнанлаштириб, улар ўртасидаги муҳим фарқни тушуниб етмадилар. Жамиятни бундай тушуниш ўз моҳияти билан уни натуралистик изоҳлаш эди.

Ниҳоят, жамиятни бир бутун ҳолда олиб ўрганиш, унинг моҳиятини тушунтиришга қаратилган турли хил фалсафий назариялар вужудга кела бошлайди. Бу назарияларнинг бири немис мумтоз фалсафасининг буюк вакили Ф.В. Хегел назариясидир. Хегел жамият моҳиятини ва унинг тараққий этишини ўзининг „мутлақ ғоя“ си билан боғлаб, „Мутлақ ғоя“ ўз-ўзидан ривожланиб, аввал у табиатга айланади, сўнг табиат қиёфасида ривожланиб бориб, жамият пайдо бўлади. Жамиятда „мутлақ ғоя“, “мутлақ руҳ” қиёфасини олади. „Мутлақ руҳ“ жамиятни ҳаракатга келтирувчи ва уни бошқарувчи кучдир, дейди. Хегелнинг фикрича, мутлақ ғоя” инсондан олдин мавжуд бўлиб, жамиятдаги барча ҳодиса ва воқеалар, жараёнлар шу „мутлақ ғоя“ нинг бегоналашувидан бошқа нарса эмасдир.

Немис мумтоз фалсафасининг сўнгги вакили Л. Фейербах эса жамият моҳиятини дин билан боғлаб, жамиятнинг тараққиётини диннинг тараққиётидан келтириб чиқариб изоҳлади. Унинг қарашича, жамиятни ривожлантириш учун динни такомиллаштириш, янги дин яратиш лозимдир.

XIX асрнинг ўрталарига келганда, жамият тўғрисидаги барча мавжуд назарияларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида К. Маркс ва Ф. Энгельслар ўзларининг жамиятни диалектик-материалистик тушуниш ҳақидаги назария — тарихий материализмни яратдилар.

Бу назарияга кўра, жамият ўз-ўзидан ривожланувчи ижтимоий тартибот, жонли организм бўлиб, уни кишиларнинг ижтимоий-тарихий фаолиятлари яратади. Шу билан бирга кишиларнинг ўзлари ҳам жамиятнинг маҳсуллари дир. Кишилар бир-бирлари билан ўзаро муайян ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий, маданий ва

маънавий муносабатларда бўлишиб, моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқарадилар. Улар ўзларининг бу ижтимоий ишлаб чиқариш фаолиятлари туфайли биологик тур — одамлар (тўдаси)дан инсонларга айланган ва кишилик жамияти келиб чиққан.

Жамият тўғрисидаги бу назарияга кўра, жамият ҳар доим маълум ижтимоий-иқтисодий формация шаклида мавжуд бўлади. „Моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосидир“, „ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўзаро муайян ижтимоий алоқа ва муносабатларда бўладилар“..., „ишлаб чиқариш муносабатларининг жами ижтимоий муносабатлардир“, „ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни белгилайди, унинг аксича бўлмайди...“, „ижтимоий борлиқ — бирламчи, ижтимоий онг иккиламчи ҳосиландир...“, „ишлаб чиқарувчи кучлар ишлаб чиқариш муносабатларини белгилайди“. „Иқтисодий базис сиёсий устқурмани белгилайди...“.

Бу фикрлар К. Маркс ва Ф. Энгелснинг жамият моҳиятини диалектик-материалистик таълимот асосида тушунишлари эди. Улар ўз назариялари билан фалсафа олдига жамиятни билиш, изоҳлаш ва тушунтиришни эмас, балки уни ўзгартириш вазифасини қўйишади. Шу сабабли улар ўз назарияларида „антагонистик формациялар ривожланишининг манбайи — синфий курашдир“..., „синфий кураш социалистик революцияга олиб боради“..., „социалистик революция синфий курашнинг олий шаклидир“... деган фикрни илгари сурадилар ва шулар асосида жамиятни ўзгартириш йўллари ва усуллари тўғрисидаги сиёсий мақсадлар учун хизмат қилувчи қарашларни ҳам ўртага ташлайдилар.

К. Маркс ва Ф. Энгелс ўз назарияларининг пролетарлар синфи учун хизмат қилишини айтиб, „бу назария пролетариатда ўзининг моддий қуролини топди, пролетариат эса бу назарияда ўзининг маънавий қуролини топди“, дейишди. Уларнинг бу назарияси ўз даврида ва айниқса, XX асрнинг бошларида айрим кишилар томонидан қўллаб - қувватланиб, уни жамиятни тушунишда ва ўзгартиришда „бирдан-бир революцион таълимот“ деб баҳоланиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этишга киришадилар. Бу таълимот билан қуролланган рус болшевиклари вазиятдан фойдаланган ҳолда, октябр тўнтаришидан кейин Россия ва унинг мустамлакаларида ҳокимиятни ўз қўлига олиб, 70 -йилдан ортиқроқ муддатда ўз ҳукмронлигини ўрнатдилар.

Очиғини айтганда, „революцион таълимот“ деб эътироф этилган жамият тўғрисидаги бу назария, моҳият эътибори билан моддийўнча, бир томонлама таълимот эди. Унинг жамиятни инқилобий асосда

зўрлик билан тубдан ўзгартириш ҳақидаги қарашлари инсоният бошига жуда катта фожеаларни солди. Хусусан, собиқ Совет жамияти тажрибасида бу назариянинг кўпчилик жиҳатлари тасдиқланмади. Айниқса, XX асрнинг сўнгида бу назария жамият тараққиётининг янги талабларига жавоб бера олмай қолди. Натижада, 90- йилларга келиб социалистик лагер парчаланиб, Совет Иттифоқи емирилди. Унинг ўрнида эса, мустақил давлатлар пайдо бўлиб, жамият тўғрисидаги ўзини окламаган бир томонлама ва чекланган бу назария ҳам улоқтириб ташланди. Оқибатда, мустақиллик талабларига мос янгича фалсафий қарашларни ишлаб чиқиш ва жамият ривожининг янги истиқболларини белгилаб бериш зарурияти туғилди. Президентимиз И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган „Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли“ ва унинг беш тамойили айти шу заруриятни англаб унга берилган жавоб бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишида бу беш тамойил жамиятимиз ривожланишининг янги истиқболларини белгиловчи асосий омиллар сифатида хизмат қилмоқда.

Жамиятни фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш учун, аввало, унинг моддий ва маънавий ҳаёти нима эканлигини билиш зарур. Бинобарин, бир бутун жамият ҳаёти моддий ва маънавий жараёнларнинг бирлигидан ташкил топган бўлади. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди.

Хўш, жамиятнинг моддий ҳаёти нима?

Жамиятнинг моддий ҳаёти дейилганда: кишиларнинг яшаш-лари, шахс сифатида камол топишлари ва инсон сифатида фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилғи, коммуникация воситалари, моддий неъматлар, моддий шарт-шароитларнинг жами тушунилади. Жамиятнинг моддий ҳаёти иқтисодий ишлаб чиқариш асосида юзага келади. Моддий ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида, уларнинг меҳнат предметлари, меҳнат қуроллари, ишлаб чиқариш воситалари билан обектив равишда рўй берадиган муносабатлари ҳам жамиятнинг моддий ҳаётига киради.

Моддий ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг муҳим ва ҳал қилувчи шартидир. Моддий неъматлар ишлаб чиқарилмаса жамият ҳаёти издан чиқади, яшаши мумкин бўлмай қолади. Жамият моддий ва маънавий ҳаёти бирлиги фалсафада „ижтимоий борлик“ деб аталади.

Жамиятнинг моддий ҳаётини ҳам ифодаловчи ижтимоий борлик, бир бутун борлиқнинг ўзига хос шакли, туридир. Шу жиҳатдан ижтимоий борлиқда амал қиладиган қонунлар обектив характерга эга бўлиб, кишиларнинг онги ва иродасидан ташқарида, уларга тобе бўлмаган ҳолда амал қилади.

Лекин, юқорида айтиб ўтилганидек, жамиятнинг моддий ҳаёти унинг маънавий ҳаётисиз мавжуд бўла олмайди. Бунинг учун биз жамиятнинг маънавий ҳаёти нима эканлигини ҳам билишимиз зарур.

Хўш, жамиятнинг маънавий ҳаёти нима?

Жамиятнинг маънавий ҳаёти дейилганда, одатда, жамиятни ташкил этувчи кишиларнинг онги, тафаккури, дунёқарашлари, хотираси, ақли ва фаросатлари, маънавий-руҳий дунёларидан тортиб илм-фан, таълим-тарбия, санъат ва адабиёт, ахлоқ, дин, сиёсат ва ҳуқуқ, илмий ва диний ташкилотлар, муассасалар, мактаблар, листейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари, академиялар, музейлар, театрлар, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва таҳририятларда хизмат қиладиган ходимларнинг ақлий-ижодий интеллектуал бойликларининг жами тушунилади. Жамиятнинг маънавий ҳаёти, бир жиҳатдан, жамият моддий ҳаётининг инъикоси бўлса, бошқа жиҳатдан, у ўзига хос қонуниятларга, хусусиятларга, моҳиятга эга бўлган нисбий мустақил ҳодисадир. Жамиятнинг маънавий ҳаёти моддий ҳаётсиз, моддий ҳаёти эса маънавий ҳаётсиз мавжуд бўла олмайди. Маънавий ҳаётнинг равнақ топиши ёки инқирозга юз тутиши моддий ҳаётнинг равнақ топиши ёки инқирозга юз тутишига олиб келади ва аксинча.

Жамиятнинг маънавий ҳаёти маънавий ишлаб чиқариш орқали юзага келади. Бошқача айтганда, у маънавий ишлаб чиқаришнинг маҳсулидир. Маънавий ишлаб чиқариш орқали жамият маънавий ҳаётини ташкил этувчи илм-фан, диний, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий, бадий-эстетик кадриятлар, маънавий неъматлар яратилади. Кенг маънода олинганда, жамиятнинг маънавий ҳаёти — маънавият ва маърифатни ташкил қилади. Жамият маънавий ҳаётининг маълум қисми жамият моддий ҳаётининг инъикоси сифатида, уларда жамият аъзолари: кишилар, этник ва ижтимоий гуруҳлар, синфлар ва ижтимоий қатламларнинг тасаввурлари, тушунчалари, қарашлари, ғоялари, манфаат ва мақсадлари ифодаланади. Шу жиҳатдан фалсафий адабиётларда жамиятнинг маънавий ҳаётини „ижтимоий онг“ тушунчаси билан аташ қабул қилинган бўлса ҳам, аслида, жамиятнинг маънавий ҳаёти билан жамиятнинг ижтимоий онги бир

нарса, яъни эквивалент ҳодисалар эмас. Улар бир нисбатдагина шундай бўлиши мумкин. Ҳақиқатда, жамиятнинг реал ҳаётига оид ҳар қандай ижтимоий ҳодиса ёки воқеа моддийлик ва маънавийликнинг бирлигидан иборат бўлади, уларда моддийлик ва маънавийликни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Зеро, жамиятнинг реал ижтимоий ҳаётида моддий ҳаёт ҳам, маънавий ҳаёт ҳам ўз ўрнида белгиловчи ва асосий рол ўйнайди.

Бир бутун жамият ҳаётининг негизи — моддий ва маънавий ишлаб чиқаришининг бирлиги асосида, жамият моддий ва маънавий ҳаёти вужудга келади ва ривожланади. Бунда ишлаб чиқариш жараёни, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари, меҳнатни ташкил этиш, ижодий ва оқилона иш юритиш, фан-техника ва технологияни амалиётга жорий этиш маънавият ва маърифатсиз юзага келмайди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, жамиятнинг моддий ҳаёти маънавий ҳаётисиз, маънавий ҳаёти эса, моддий ҳаётисиз мавжуд бўлмайди, улар жамият ривожланишида бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилишиб, ниҳоятда мураккаб жараёнларда кечади.

Шунинг учун жамиятнинг моддий ҳаётига „асосий“ ва „белгиловчи“ деб қараш бир томонлама қараш бўлиб, маънавий ҳаётнинг жамият ҳаёти ва тараққиётидаги ўрни ва роли камситилишга ва маълум даражада унга эътиборсиз муносабатда бўлишга олиб келди. Бунга мисол қилиб собиқ иттифоқ даври сиёсатини кўрсатиш мумкин.

Республикамиз тарихининг яқин кечмишида жамият маънавий ҳаёти соҳаларида, бу қарашдан келиб чиққан ҳолда қатор камчиликларга йўл қўйилди: халқимизнинг ҳақиқий тарихи ўрганил-мади; дин, миллий ахлоқ ва маънавият бутунлай инкор қилинди; миллий анъана ва қадриятлар поймол этилди. Шукурлар бўлсинки, мустақилликка эришишимизнинг биринчи қадамидан бошлаб бундай хатоликларни тuzатишга, яъни диннинг умуминсоний қадрият, маънавият ва маданиятнинг муҳим таркибий қисми эканлиги эътироф этилиб, миллий анъана ва қадриятларни тиклашга киришдик. Президентимиз И.А. Каримов ўзларининг биринчи рисоаларидаёқ жамиятимизни янгилаш ва ривожлантиришнинг маънавий негизларини кўрсатиб бериб: Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жой да ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди". „Тараққиёт тақдирини маънавий етук одамлар ҳал қилади“, „агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт — жамиятнинг танаси бўлса, маънавият унинг руҳи, ақли ва жонидир“, деб жамият маънавий ҳаётини

ривожлантиришга алоҳида аҳамият бердилар.

2.

Юқорида айтиб ўтилганидек, жамият — инсонларнинг ўзаро ижтимоий алоқалари, боғланишлари, муносабатлари натижасида юз берадиган ижтимоий фаолиятлари мажмуидир. Ижтимоий фаолият эса жамият моддий ва маънавий ҳаёти барча жиҳатларининг қарор топиши, мавжудлиги ва ривожланишининг асосидир. Ижтимоий фаолият дейилганда, жамиятни ташкил қилувчи кишиларнинг моддий ва маънавий неъматларни, уларнинг ўзларини юзага келтириш, жамият аъзоларини тарбиялаш, ўқитиш, жисмонан ва руҳан камолотга етказиш, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини такрор ҳосил қилиш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган назарий ва амалий хатти-ҳаракатлари тушунилади. Ижтимоий фаолиятларсиз жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаёти, улардаги ранг-баранг томонлар ва жиҳатларни тасаввур қилиб бўлмайди.

Жамиятдаги ижтимоий фаолиятлар таркибини иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, илмий, бадиий ва ҳоказо йўналишлар ташкил қилади. Ижтимоий фаолиятлар жамият аъзоларининг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, улар манфаатларига хизмат қилиш мақсадида амалга оширилади.

Эҳтиёжлар ва манфаатлар бунда ижтимоий фаолиятларни ҳаракатга келтирувчи куч, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётининг таянчи бўлиб хизмат қилади. Уларда жамият аъзоларининг қизиқишлари, мақсадлари, рағбатлари, хоҳиш ва иродалари ўз ифодасини топади. Бу эҳтиёжлар ва манфаатлар, ўз табиатларига кўра, моддий ёки маънавий бўлиб, доимо жамият аъзоларининг ниятларида акс этиб, улар англаниб олингач, кишилар ижтимоий фаолиятларининг қонуниятлари сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлар жамият аъзоларининг меҳнат жараёнида, ижтимоий ишлаб чиқаришларга қатнашишларида, уларнинг ўзаро бир-бирлари билан муносабатларида, жамият ишларига фаол аралашувида пайдо бўлади, жамиятнинг ривожланиб бориши билан ўзгариб, ривожланиб боради. Ижтимоий эҳтиёжлар ва манфаатлар қондирилиб бориши керак, акс ҳолда, жамиятда носоғлом, зиддиятли вазиятлар вужудга келиши мумкин. Жамият эҳтиёжлари ва манфаатлари ишлаб чиқариш олдига доимо муайян вазифаларни қўяди, уларни амалга ошириш учун маълум шарт-шароит туғдириб беради. Ижтимоий эҳтиёжларсиз ва манфаатларсиз жамият ишлаб чиқариши амалга ошмайди.

Жамиятда кишилар ўз эҳтиёжлари ва манфаатлари учун меҳнат қилишлари, меҳнат қуролларинини яшашлари, моддий ва маънавий неъматларни яратишлари керак. Айти шу жараёнда ўз қобилиятларинини ишга солиш, эҳтиёжларинини қондириш ва манфаатларинини ҳимоя қилиш асосида инсоннинг моҳияти ижтимоий мазмун касб этади. Уларнинг бу жараёнда юзага келадиган меҳнат малакалари, билимлари, фикрлари, қарашлари, ирода ва руҳий ҳолатлари жамиятда юз берадиган ижтимоий муносабатлар натижасида пайдо бўлади. Худди шу ижтимоий муносабатлар бизга жамиятнинг моҳиятини тўғри тушуниш имконини беради. Бу ижтимоий муносабатлар жамият аъзоларининг ўзаро бир-бирлари билан бўладиган муносабатлардан бошқа нарса эмас. Жамият эса, аслида, жамият аъзоларининг ўзаро ижтимоий онгли муносабатларда бўлишидир.

Жамият ижтимоий муносабатлардан ташқари боимаганидек, ижтимоий муносабатлар ҳам жамиятдан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Ижтимоий муносабатлардан ташқари, алоҳида олинган жамият ўзининг моҳиятини йўқотади, бундай жамият ҳеч бир реаллиги бўлмаган, қуруқ абстраксиядан иборат оддий сўз бўлиб қолади. Бинобарин, жамиятнинг нима эканлигини, унинг моҳиятини тўғри тушуниб олиш учун ижтимоий муносабатлар нима эканлигини, уларнинг қандай турлари ва шакллари борлигини, улар ўртасидаги боғланиш ва алоқаларни ўрганиш лозим.

Ижтимоий муносабатларни, дастлаб, моддий ва маънавий-мафкуравий муносабатларга бўлиш мумкин.

Моддий ижтимоий муносабатлар хилма-хил бўлиб, уларнинг энг асосийси — моддий ишлаб чиқариш муносабатларидир. Моддий ишлаб чиқариш муносабатларининг характери ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси билан белгиланади. Моддий ишлаб чиқариш муносабатларининг негизини иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, бадиий, илмий, мафкуравий муносабатлар моддий ижтимоий муносабатлар асосида юзага келадиган маънавий-ғоявий муносабатлардир. Моддий ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлар мажмуаси жамиятнинг базисини ташкил қилади. Сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, мафкуравий муносабатлар эса жамиятнинг устқурмаси ҳисобланади. Умуман, ижтимоий муносабатларнинг турлари ва шакллари жуда кўп ва хилма-хилдир. Уларни бир-биридан нисбатан мустақил тарзда турли

ижтимоий фанлар ўрганади. Шундай ижтимоий муносабатлардан бири шахсий муносабатлардир. Шахсий муносабатлар жамиятдаги маълум конкрет шахслар ўртасида бўладиган ўзаро муносабатлардир. Шахсий муносабатларнинг ўзлари ҳам турли-туман ва хилма-хилдир. Ижтимоий муносабатларни, уларнинг табиати ва характерларига кўра ҳам, бир қанча турларга ажратиш мумкин. Масалан: антагонистик ва ноантагонистик, ҳукмронлик ва тобелик, ўзаро тенглик, ҳамкорлик, ҳамжихатлик, ўзаро ёрдам ва бошқалар. Бу муносабатлар жамият ижтимоий ҳаётида ва ривожланишида ўзига хос ўринга эга.

Шуни айтиш керакки, жамият ривожланишининг ҳар бир босқи-чида эски жамият ижтимоий муносабатларининг қолдиқлари ва янги, келгуси жамият ижтимоий муносабатларининг куртақлари бўлади. Бу шуни кўрсатадики, ҳеч бир даврда фақат шу жамиятнинг ўзига хос „соф“ жамият ҳам, унга хос „соф“ ижтимоий муносабатлар ҳам бўлмайди. Жамият ривожланиши жараёнида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши билан ижтимоий муносабатларнинг ҳам эскирганлари аста-секин „ўлиб“ (йўқолиб), янгилари пайдо бўлиб, ўзгариб, ривожланиб бораверади. Демак, хулоса қилиб, ижтимоий муносабатларга шундай таъриф бериш мумкин: Жамият аъзолари томонидан ўзаро биргаликда онгли равишда амалга ошириладиган ижтимоий фаолиятлари ижтимоий муносабатлар шаклларида содир бўлади.

Ижтимоий муносабатлар деб жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, илмий, эстетик, маънавий-маърифий ва мафкуравий фаолиятлари жараёнида ижтимоий гуруҳлар, этник ва ижтимоий қатламлар, синфлар, миллатлар, халқлар, давлатлар, мамлакатлар ўртасида вужудга келган хилма-хил алоқалар ва муносабатларга айтилади. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий фаолиятлар билан узвий ва чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий муносабатлар орқали жамиятда ижтимоий гуруҳлар, синфлар, давлатлар, партиялар — барча ижтимоий-сиёсий кучлар ўзларининг ҳамма ва ҳар қандай фаолиятларини амалга оширади. Ижтимоий муносабатлар жамиятда реал ижтимоий кучлар фаолиятлари натижасида пайдо бўлгач, катта фаолликка ва барқарорликка эга бўлиб, жамиятга сифат муайянлигини беради.

Бунда шу нарсага ҳам эътибор бериш лозимки, жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши билан баъзи ижтимоий муносабатлар эскириши, жамият ривожланишига хизмат қилмай, аксинча, тўсқинлик қила бошлаши мумкин. Бундай ҳолларда эскирган ижтимоий муноса-

батлардан воз кечиб уларни жамият тараққиётига хизмат қиладиган янги ижтимоий муносабатлар билан алмаштириш лозим бўлади. Худди шундай вазият бизда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қоиға киритиши билан рўй берди. Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини белгилаб олиб, келгусида буюк ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб белгилади. Бу мақсадга эришишда кучли ривожланган давлатлар тажрибаларида синалган бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш воситасидан фойдаланиш ва уни амалга ошириш зарурияти туғилди. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиши моделини ва унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиб, жуда катта иш қилдилар. Бугунги кунда жамиятимиз бозор иқтисодиёти муносабатларига босқичма-босқич ўтиб жаҳон ҳамжамиятига кириб бормоқда.

3.

Бир бутун жамият ҳаёти, ундаги ижтимоий фаолиятларнинг амалга ошишига кўра, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий соҳаларга бўлинади.

Жамиятнинг иқтисодиёт соҳаси, кенг маънода, жамиятнинг моддий ишлаб чиқариши билан боғлиқ барча фаолият турлари, уларга оид ишлаб чиқариш, тақсимот, истеъмол ва мулкий муносабатларнинг жамини ўз ичига олади. Образли қилиб айтганда, иқтисодиёт жамият ҳаётининг „анатомияси“ни ташкил қилади. Унинг асосини инсоннинг буюмлашган меҳнати ташкил этади. Иқтисодиёт жамиятнинг иқтисодий тизими сифатида: ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-иқтисодий, бошқарув-иқтисодий муносабатлардан иборат бўлади. Иқтисодий муносабатларнинг асосини эса мулкий муносабатлар ташкил қилади.

Мулкий муносабатларнинг турли-туманлиги жамиятда мулкнинг турли шаклларини вужудга келтирган. Жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида ўрни ва вақтига кўра турли хил мулк шакллари мавжуд бўлган.

Жамиятнинг иқтисодий соҳаси инсоннинг фақат жисмоний меҳнати билангина эмас, балки унинг онги, тафаккури маҳсули — илм-фан, техника ва технология билан ҳам боғлиқдир. Моддий ишлаб чиқаришнинг асосини ҳамisha инсон интеллекти — фан-техника тараққиёти, илғор технология ташкил этади.

Ҳозирги даврга келиб, жамиятнинг иқтисодий соҳасида фан ва техника — ишлаб чиқарувчи кучлар сифатида, технология эса

инсоннинг меҳнат предметларига фан ва техника имкониятлари, талаблари асосида таъсир этиш усули тарзида намоён бўлмоқда.

Бугунги кун — XXI асрда фан-техника тараққиёти туфайли бутун жамият ҳаёти, жумладан, унинг иқтисодий соҳаси тобора интеллектуаллашиб бормоқда, жамият тараққиётида иқтисодиётнинг ўрни ва роли муҳим аҳамият кашф этмоқда. Лекин бундан иқтисодиёт жамият тараққиётининг асосий ҳал қилувчи ягона соҳаси деган хулоса чиқариш муаммога бир томонлама ёндашувга олиб келади. Сабаби: жамият ҳаётининг бошқа соҳалари, хусусан, ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий соҳалари ўз ўрнида жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, улар бири иккинчисисиз мавжуд бўлолмайди. Буни қуйидаги ижтимоий-сиёсий соҳа мисолида кўришимиз мумкин.

Жамият ҳаётининг сиёсий соҳасини жамиятнинг сиёсий тизими, уни ташкил қилган структуравий элементларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади. Жамиятнинг сиёсий тизими дейилганда эса унинг сиёсий ҳокимияти, ташкилотлари ва муассасалари, уларга хос сиёсий муносабатлар ва фаолиятлар; сиёсат, давлат, давлат ҳокимият органлари, синфлар, партияларнинг фаолиятлари ва улар ўртасидаги муносабатларнинг жами тушунилади. Сиёсий ҳокимият бўлиши учун уни амалга оширувчи сиёсий кучлар, гуруҳлар, партиялар бўлиши, ҳукмронлик ва тобелик, бўйсиндирувчи ва бўйсунувчилик, мажбурийлик, уларни мустаҳкамловчи қонунлар, ҳуқуқий нормалар бўлиши ва жамият ҳаётида жорий этилиши керак. Сиёсий ҳокимият ўз фаолиятини жамиятда турли воситалар, усуллар орқали амалга оширади. Сиёсий ҳокимиятнинг асосий шакли — давлат ҳокимиятидир. Давлат сиёсий ҳокимиятнинг шакли сифатида жамиятда ўз фаолиятини маълум сиёсат ва мафкура асосида олиб боради.

Сиёсат — муайян давлатнинг бошқа давлатлар, халқлар, миллатлар, сиёсий гуруҳлар, партиялар билан олиб бориладиган сиёсий муносабатлари мажмуидир. Унинг негизини давлат ҳокимияти ва ундан фойдаланиш ташкил қилади. Сиёсат жамиятнинг барча соҳаларига фаол таъсир қилади. Жамиятнинг ижтимоий ҳаётида сиёсат иқтисоддан устувор бўлмаслиги керак. Агар сиёсат иқтисодиётдан устувор бўлса, у жамиятнинг иқтисодий соҳасини таназзулга олиб келади.

Бунга собиқ Иттифоқ иқтисодиёти мисолида яққол гувоҳ бўлганмиз. Шунинг учун мустақилликка эришганимиздан кейин Ўзбекистоннинг

ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг беш тамойил-ларининг биринчиси: „иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги“, деб белгиланди. Бугунги кунда жамиятимиз моддий ва маънавий ҳаёти талаб ва эҳтиёжларини ўзида тўғри ва тўлиқ ифодалаган Ўзбекистон сиёсати иқтисодий ва сиёсий ислохотларни самарали амалга оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Жамиятнинг сиёсий соҳасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилганда сиёсатнинг объекти ва субъектини фарқлаш, давлатнинг моҳияти ва функцияларини билиш муҳим аҳамиятга эга.

Сиёсатнинг объекти бутун жамият соҳаси ҳисобланади. Жамиятда сиёсат ўз ифодасини топмаган бирорта ҳам ижтимоий ҳодиса ёки воқеа йўқ. Жамият ҳаёти соҳалари ичида иқтисодиёт ва сиёсат, улар ўртасида алоқадорлик ва муносабатлар ғоят муҳим ҳисобланади.

Сиёсатнинг субъекти эса, сиёсий ҳокимият, яъни давлат ташкилотлари ва органлари, сиёсий партиялар, гуруҳлар ёки алоҳида шахслар бўлиб, улар фаолияти марказида сиёсий ҳокимиятга интилиш ётади.

Давлат — жамият ҳаётини ҳуқуқ ва қонунларга асосланган ҳолда ташкил этишнинг сиёсий шаклидир. Давлат жамият ҳаёти, сиёсий соҳасининг муҳим элемент сифатида ўз фуқароларининг ҳақ ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларнинг мулкларини кўриқлайди, мамлакат аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлайди. Шу билан бирга, бошқа давлатларнинг мамлакатни босиб олишларидан сақлайди. У бошқа давлатлар, халқлар билан ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий алоқалар, ҳамкорликлар каби муносабатларни амалга оширади.

Давлатнинг асосий функцияси — жамият ҳаёти соҳалари ўрта-сидаги муносабатларни тартибга солиш ва уларни бошқаришдан иборатдир.

Давлат ва давлатчилик шакллари ривожланиши билан сиёсий бошқарувнинг мураккаб тизими майдонга келади. Давлат ҳокимиятининг тузилиши, шакллари хилма-хилдир. Унинг демократия, диктатура, монархия, аристократия, республика ва бошқа шакллари мавжуд бўлган.

Демократия — халқ ҳокимиятининг манбаи эканлиги билан боғлиқ давлат тузилишининг сиёсий шаклидир. Демократик давлат ҳокимияти тузилишининг давлатнинг бошқа шаклларида туб фарқлари: демократик давлатларда қонун устуворлиги, фуқароларнинг тенглиги, давлат ташкилотлари раҳбарларининг

пастдан юқоригача сайлаб кўйилиши, ниҳоят, сайлов ва референдумлар орқали муқобиллик (алтернатив) асосда кўпчилиكنинг хоҳиш иродасини ҳисобга олишдир.

Шуни таъкидлаш керакки, жамият ҳаётининг иқтисодий ва сиёсий соҳалари, уни демократлаштириш маданий-маънавий соҳасиз мавжуд бўлмайди.

Жамият ҳаётининг маданий-маънавий соҳасини жамиятнинг маданияти, маънавияти ва маърифати, ижтимоий онги, унинг даражалари ва шакллари; илм-фан, маънавий ишлаб чиқариш, интеллектуал меҳнат ва маънавий кадриятлар ташкил қилади.

Маънавий ишлаб чиқариш асосида жамият ҳаётининг маданий-маънавий соҳаси юзага келади. Жамиятда маънавий ишлаб чиқариш натижасида ижтимоий онг даражалари ва шакллари, уларга оид тасаввурлар ва тушунчалар, турли хил қарашлар ва фикрлар, ғоялар ва назариялар, хуллас, жамият маънавияти яратилади. Улар ёрдамида жамият аъзолари ўртасида маънавий муносабатлар ўрнатилади ҳамда кадрият мақомига эга бўлади.

Маънавий кадриятлар жамият аъзоларининг камол топишларида муҳим рол ўйнайди. Юксак маънавиятлилик жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир. Маънавият жамият аъзолари ақлий меҳнатларининг самарасидир, унда ўтмиш аجدодлар маънавий меросидан фойдаланиш, уни ҳозирги замон талаблари асосида қайта ишлаш, янги маънавий кадриятлар билан бойитиш муҳим ўрин тутаяди.

Президентимиз жамият маънавиятини ривожлантиришни мамлакатимизда изчил ўтказилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши деб эълон қилар эканлар, эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак", — деб кўрсатган эдилар.

Маънавиятнинг ривожланишида инсоннинг интеллектуал меҳнати муҳим рол ўйнайди. Интеллектуал меҳнат маънавий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим элементи сифатида ижод билан бевосита боғлиқдир.

Маънавиятнинг асосий негизини ахлоқ ташкил этади. У жамиятнинг

барча аъзолари томонидан эркин қабул қилиниб, ихтиёрий амалга оширилади. Жамият ҳаётининг маънавий соҳасида ижтимоий онг, унинг даражалари ва шакллари ҳам муҳим ўрин тутди. Жамият маънавий соҳасининг ривожланишида илм-фан, маърифат, таълим-тарбия алоҳида мавқега эга бўлган тармоқлардир. Улар асосида бир бутун жамият маънавияти шаклланади.

Жамият ҳаёти таркибида маънавий муносабатлар муҳим ўрин тутди. Улар жамият аъзолари ўртасидаги бошқа ижтимоий муносабатлар билан биргаликда кишиларнинг руҳий-маънавий фаолиятларида, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб нормаларини амалга оширишларида намоён бўлади. Хуллас, жамият ҳаётининг биз кўриб чиққан ҳамма соҳалари ўзаро чамбарчас боғлиқ ва алоқадор бўлиб, улар бид иккинчисисиз мавжуд бўлмайди. Уларнинг умумий бирлиги бир бутун жамият ҳаётини ташкил этади. Бу нарса уларни бошқа-ришда яққол ўз ифодасини топади.

Энди жамият ҳаётини бошқариш масаласи билан танишиб чиқсак.

Бошқариш ёки бошқарув фалсафий тушунча сифатида жуда кенг мазмунга эга. Кенг маънода бошқарув табиатга ҳам, жамиятга ҳам мос жараёндир. Жамият ҳаётига нисбатан бошқарув жамиятнинг сифат муайянлигини таъминловчи, жамият ҳаёти соҳаларининг ўзаро алоқаларини маълум маромда ушлаб, янада такомиллаштирувчи, уларга муайян йўналиш берувчи омилдир.

Гарчи жамият ўз-ўзидан ривожланувчи, такомиллашиб боровчи тизим бўлса ҳам, бинобарин, бошқарув жамият ҳаёти ва тараққиётида муҳим шартдир. Бошқарув жамиятнинг энг оддий ячейкаси — оиладан бошлаб, ҳамма: иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларга, хуллас, бир бутун жамият ҳаётига хос жараёндир.

Жамият ҳаёти ва фаолиятини бошқариш ижтимоий ҳокимият орқали амалга оширилади. Ижтимоий ҳокимият жамият ҳаётининг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларини ҳам камраб олади ва бошқаради.

Жамиятни бошқариш жамият ҳаёти соҳаларига кўра, учга бўлинади: иқтисодий соҳани бошқариш, сиёсий соҳани бошқариш, маданий-маънавий соҳани бошқариш.

Жамиятнинг тараққий этиб бориши билан уни бошқариш ҳам мукамаллашиб, ривожланиб боради. Жамият ишлаб чиқариш жараёни ортиб, меҳнат тақсимоти ривожланиб бориши билан жамиятда зарурий равишда фаолиятнинг алоҳида тури — бошқарув

пайдо бўлади. Ана шу бошқарув органи ижтимоий ҳокимиятдир.

Ҳокимиятнинг жамиятни бошқариши учун унга ижтимоий информациялар зарур бўлади. Ижтимоий информациялар жамият ҳаёти ва тараққиёти қонунлари, жамият ҳаёти соҳаларига оид билимлар, далиллар, маълумотлар бўлиб, ижтимоий жараёнларни бошқариш учун хизмат қилади. Ижтимоий информациялар етарли бўлмаса, жамият ҳаётини тўғри бошқариб бўлмайди. Информациялар етарли ҳамда обектив бўлгандагина, бошқариш тўғри ва муваффақиятли бўлади.

Бу ўринда биз бошқаришнинг субъекти ва обекти масаласини ҳам тўғри тушунишимиз лозим.

Жамиятни бошқариш субъекти ёки субъектлари: ижтимоий ҳокимиятга оид муассасалар, ташкилотлар, ишлаб чиқариш жамоалари, ижтимоий мулк эгалари, алоҳида шахслар бўлиши мумкин.

Жамиятни бошқариш объекти эса, жамият ҳаёти соҳалари, уларга хос корхона, ташкилот, муассасалар ва ниҳоят, бир бутун жамият, унинг ячейкалари, жамият ҳаётининг турли тармоқлари бўлиши мумкин. Жамиятни бошқаришнинг субъекти ва обекти ўзаро боғлиқ, улар бир-бирларига таъсир ва акс таъсир қилиб туришади. Лекин, жамиятни бошқариш кўп жиҳатдан субъектга боғлиқдир. Бошқариш субъекти бошқариш соҳасига оид чуқур билим, тажриба, малакага эга, ишбилармон, тадбиркор, истеъдодли бўлса, самарали ва пухта ишланган қарорлар қабул қилиб, уларнинг ижросини сифатли амалга ошира олса, бошқариш самарали бўлиб, жамият раванқ топади.

Жамият тараққиётида сиёсий муносабатлар ва сиёсий ҳокимиятнинг пайдо бўлиши билан жамиятни бошқариш янги сифат касб этади. Бунда давлат, давлат ташкилотлари, муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар бошқарув субъектлари сифатида фаолият олиб борадиган бўлади.

Давлатчилик бошқарувининг ривожланиб бориши билан бошқаришнинг мураккаб тизимлари шаклланиб боради. Бунда сиёсат жамиятни бошқаришнинг асосий элементига айланади. Жамиятни оқилона бошқариш узоқни кўзлаб, пухта ўйлаб, илмий жиҳатдан асосланган сиёсатни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бунинг учун жамият моддий ва маънавий ҳаёт эҳтиёжларинини ўзида тўғри ифодалашини, жамиятдаги реал шароитдан келиб чиқишни талаб қилади. Шундай сиёсатгина жамиятни бошқаришда муваффақият қозониши мумкин.

Жамият ҳаётини бошқариш субъектларига жамиятдаги сиёсий партиялар, гуруҳлар, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, ижтимоий ва жамоат ташкилотларини ҳам киритиш мумкин. Улар ҳам жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларини бошқаришда муҳим ўрин тутадилар. Улар жамиятдаги кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда, жамиятдаги маданий-маънавий масалаларни ҳал этишда, таълим-тарбия соҳаларидаги ишларни амалга оширишда изчил фаолият олиб борадилар.

Лекин, буларга қарамасдан, давлат жамиятни бошқаришнинг асосий элементи — асосий субъекти бўлиб қолади. Давлат иқтисо-диётни, сиёсий соҳани, маънавиятни бошқариш, уларни такомил-лаштириш ва ривожлантиришга бошчилик қилади.

12- Мавзу. Инсон фалсафаси

Режа:

1. Инсон борлиғи ва унинг моҳияти.
2. Инсон антропосоциогенез жараёнининг маҳсули.
3. Инсонда табиийлик ва ижтимоийлик.
4. Инсон ҳаётининг мазмуни ва маъноси.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий тахрири остида. Тошкент.1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент 2000

Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент. 2004

Фалсафа. Ўқувқўлланма.Е.Юсуповнинг илмий раҳбарлигида. Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

Борлиқнинг энг такомиллашган, энг етук ва мураккаб шакли инсондир. Инсоннинг моҳияти нималардан ташкил топади, деган саволга жавоб топмай туриб, жамият нима, маънавият нима, ижтимоий тараққиёт қандай амалга ошади, сингари саволларга ҳам жавоб топиб бўлмайди. Шу сабабли ҳам қадимги юнон файласуфлари „инсон барча нарсаларнинг ўлчовидир“, деган фикрни ўртага қўйган ва барча даврлардаги фалсафий таълимотларда инсон, унинг моҳияти ва манфаатлари масаласи марказий ўрин олиб келган. Бу инсонпарварлик қадриятларига таяниш шарқ фалсафасида, айниқса, очиқ кўзга ташланади. Шарқ фалсафаси асосчиларидан бири Конфуций билиш — инсонни билишдир, деган эди. Инсонни билиш — унинг моҳиятини, манфаати ва мақсадларига, фаолиятига асос бўлган ижтимоий-маънавий қадриятларни билишдир. Билимлар, аввал, инсон моҳиятини билишдан бошланиб, сўнгра уни ўраб олган ижтимоий, табиий муҳит сирларини очиш сари боради. Буюк ватандошимиз Азизиддин Насафийнинг “аввал ўзингни англа”, деган сўзларида шу фалсафий ҳикмат ётади.

Шарқ фалсафасида инсон буюк қадрият, камолотнинг юксак чўққиси деб қаралиши Умар Хайёмнинг қуйидаги фалсафий мисраларида ўзининг яққол ифодасини топган:

„Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз, Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам

биз. Тўғарак жаҳонни узук деб билсак, Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз "

Қуръони Каримда, ҳадисларда инсон Оллоҳ яратган буюк, етук мавжудот, унинг оқилона манфаатларини ҳимоя қилиш эса — энг савобли иш сифатида таърифланган.

Энди инсон муаммосининг фалсафий таҳлилига ўтамиз.

1.

Борлиқнинг таркибий қисми, ўзига хос шакли бўлган инсон ҳамма замонларда ҳам ўзини билишга интилиб келди. Шу сабабли турли фанларда, фалсафада ҳам инсон муаммосига бағишланган турли назариялар, концепциялар, гипотезалар яратилади. Лекин, замонлар ўтиши билан, инсон деб номланувчи мавжудотнинг руҳияти ва моҳиятида ҳали билинмаган, ечилиши зарур бўлган муаммолар, жумбоқлар кўпайиб бораверади.

Антик фалсафа намояндалари, хусусан қадимги Ҳинд ва Хитой файласуфлари, инсон икки йирик кудрат — тана билан жоннинг бирлигидан иборат, жон танани тарк этади, руҳ эса ўлмайди, деб тушунтиришган бўлсалар, қадимги Эрон ва Турон файласуфлари бу муаммони инсон борлиғида олам борлиғи ўз ифодасини топади, олам борлиғи эса тўрт асосий унсурдан — тупроқ, сув, олов, ҳаводан ташкил топган, олам борлигининг энг мураккаб шаклларида бири бўлган битим инсон табиати ҳам, шубҳасиз, ўша тўрт унсур билан боғлиқ бўлади, деб тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

Қадимги Юнон фалсафаси таъсирида вужудга келган Эрон ва Турон фалсафасининг намояндалари инсон космоснинг бир бўлаги, аллақандай ўзига хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган тирик микрокосмосдир деб тушунтиришган эди. Қадимги Юнон файласуфлари инсон билан оламдаги бошқа тирик мавжудотлар ўртасида жиддий фарқ борлигига шубҳа қилмасдилар. Улар инсон — „ақлли ижтимоий махлуқ" эканлигини ҳар томонлама исботлашга уриндилар. Шундай қилиб, антик замон файласуфлари инсоннинг оламдаги тирик мавжудотлар тожи, чўққиси эканлигини таъкидлаб, унинг моҳиятини ўрганиш масаласини биринчи ўринга қўйдилар.

Ўрта аср файласуфлари инсоннинг энг муҳим хусусияти — унинг „Худога ўхшашлигидир", деб тушунтирдилар, Худони эса коинотдан ташқарида деб билдилар, Худо бутун коинотнинг, жумладан, инсоннинг Яратувчисидир, деган фикрни ўртага қўйдилар. Мусулмон файласуфлари ҳам, христиан файласуфлари ҳам, ўрта аср шароитида Худода мавжуд бўлган жамики яхши фазилатларни,

ҳислатларни, хосиятларни, кароматларни ўрганишга интилдилар, Худога хос баркамолликни инсондан изладилар. Оллоҳ васлига етишни орзу қилган, руҳий-маънавий баркамол инсон қиёфасини тасвирлашга уриндилар. Ислом динидаги Оллоҳнинг номи сифатида кўрсатилган атамалар илоҳийлаштирилган инсоний фазилатлар экани ҳам буни исботлайди.

Янги замон файласуфлари ўрта аср мутафаккирларидан фарқли ўлароқ, инсонни ижтимоий мавжудот сифатида тасвирладилар. XVIII— XIX асрларда Европада шаклланган немис мумтоз фалсафаси намояндаларининг бир гуруҳи инсон камолотида онглилик, ақллилик (рационализм) ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, дейишса, бошқа бировлари инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ҳис-туйғу, онгсизлик (иррационализм) асосий рол ўйнайди, деб тушунтирдилар. Яна бошқа бир гуруҳ файласуфлар (масалан, марксистлар) инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида ижтимоий муҳит, айниқса меҳнат, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади, деган фикр-мулоҳазаларни баён қилдилар.

Инсон моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотлар тараққиёти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни эслатиб ўтишдан муддао бу - барча замонларда ҳам, заминларда ҳам инсон муаммоси фалсафа фаннинг асосий мавзуси бўлганини эътироф этишдир.

Лекин, инсон муаммоси фақат фалсафанинг тадқиқот объекти бўлиб қолгани йўқ, балки у бошқа фанларнинг ҳам диққат марказида бўлди. Бошқа фанлар инсоннинг айрим сифатлари, хусусиятларини ўрганган бўлса, фалсафа инсон, унинг табиати ва моҳиятини бир бутун, яхлит тарзда ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳозирги замон фанлари ва фалсафасида ҳам инсон, унинг моҳияти, пайдо бўлиши, ривожланиши, инсониятнинг истиқболи масалаларини ўрганиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги замон ижтимоий тараққиёти, айниқса фан ва техника равнақи инсоннинг жисмоний ва маънавий қиёфасига, руҳияти ва касбий малакасига таъсири ҳам уни бир бутун, яхлит ўрганишни талаб қилмоқда. Афсуски, ҳозирги замон фани тўплаган инсон тўғрисидаги маълумотлар жаҳон цивилизациясининг бугунги талабларига жавоб бермайди. Инсоншунос олимларнинг гувоҳлик беришича, бугунгача тўпланган барча билимларнинг 95—98 фоизи нотирик табиат муаммоларига бағишланган. Инсон табиатини ифодаловчи маълумотлар тўпланган жами илмларнинг икки фоизидан ҳам камроғини ташкил этади. Бундай кескин фарқнинг

вужудга келишига жаҳон динлари ҳам сабаб бўлди. Чунки, айрим жаҳон динлари узоқ вақт нафақат инсоннинг руҳияти ва маънавиятини мустақил, илмий асосда ўрганишга, ҳатто унинг ташқи қиёфасини, суратини чизишга ҳам қаршилиқ кўрсатди.

Боз устига, тоталитар тузум мафкурасининг асоси ҳисобланган марксча-ленинча фалсафанинг энг асосий камчиликларидан бири ҳам инсоннинг руҳий-маънавий оларини ўрганишга етарли эътибор бермаганлигидир.

Ҳозирги замон фанлари маълумотларига қараганда, одам деб аталувчи тирик махлуқотни инсонга айланиши узоқ давом этувчи эволюцион жараён дир. Ушбу жараён, мутахассисларнинг фикрига кўра, уч-уч ярим миллион йил давом этган. Бошқача айтганимизда, одамни дастлабки аجدодлари ҳисобланган тирик махлуқот (гуманоид) ни инсонга айланиши узоқ давом этган эволюцион жараённинг натижасидир. Инсоннинг дастлабки аجدодлари Ўрта Осиё-нинг энг баланд Ҳиндикуш, Помир тоғлари атрофларида вужудга келган. Замонлар ўтиши билан улар Ҳиндистон, Эрон ва Европанинг турли ҳудудларига кўчиб ўтишган.

Инсоннинг фаолияти, турмуш тарзи, яшаш шароитлари замонлар ўтиши билан аста-секин ўзгариб келган. Худди шу ўзгаришлар, шароитлар турли-туманлиги нафақат конкрет одамларда, балки уларнинг аجدод ва авлодларида умумий ва бир-биридан фарқ қилувчи сифатларни, хусусиятларни келтириб чиқарган. Инсон руҳияти ва фаолиятидаги шу турли-туманлиқнинг вужудга келиши масаласи ҳам файласуфларнинг мунозараларига сабаб бўлди ва бўлаётир. Чунончи, ягона биологик турга мансуб бўлган инсоннинг онги ва фаолияти нега турлича бўлади, инсоннинг кундалиқ фаолияти, ирсий-генетик хусусиятлари табиий ижтимоий муҳит таъсирига боғлиқми ёки йўқми, инсонни оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилувчи энг муҳим хусусиятлари нималардан иборат, деган саволларга донишмандлар ҳамisha жавоб изладилар ва ҳозир ҳам излаётирлар. Бу саволларга жавоб бермоқ учун инсонни оламда мавжуд бўлган турли биологик мавжудотлардан ажратиб турувчи энг муҳим хусусиятларини билиш зарур.

Хўш, булар нималардан иборат?

Таъкидлаш зарурки, энг аввало, инсон оламда мавжуд бўлган бошқа тирик махлуқотлардан ўзининг фаолияти, тафаккури, тили, маънавият соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Ишлаб-чиқариш қуроолларини яратиш, такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган

ижтимоий меҳнат инсонни табиатга бутунлай қарамликдан халос этди, тил эса унинг аجدодлари ва авлодлари орасидаги алоқадорлик, ворислик вазифасини бажарди. Инсон зотига хос барча генетик хусусиятлар, ахлоқий нормалар, унинг фаолиятини бошқарувчи барча дастурлар, йўл-йўриқлар, кўргазмалар худди шу тил орқали аждодлардан авлодларга узатилади.

Ҳозирги замоннинг турли ижтимоий, антропологик ва этнографик назарияларининг тушунтиришига кўра, оламдаги бошқа тирик махлуқотлардан инсоннинг туб сифатий фарқини ифодаловчи хусусиятлардан яна бири, у ўз амалий фаолиятини тартибга, яъни маълум бир меъёрга сола билишидир. Бошқача айтганимизда, инсон ўз фаолиятини амалга ошириш маданиятига эга эканлиги билан ҳам бошқа тирик махлуқотлардан фарқ қилади. Худди шу ҳолат инсоннинг инсонийлигини белгиловчи энг муҳим хусусияти — маънавият соҳиби эканлигини исботлайди. Маънавият инсонларни маълум бир жамиятга бирлаштириб турувчи, кундалик амалий фаолиятини муайян мақсад томон йўналтирувчи руҳий қудрат эканлигидан ҳам далолат беради.

Инсон ўз амалий фаолиятида" маълум маданий-маънавий мезон талабларига риоя қилиши ва уни амалга ошириши, кишиларни жамият, жамоа атрофида бирлашишларида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Булар кишилик жамияти билан ҳайвонлар галаси орасидаги туб сифатий фарқнинг моҳиятини очиб беради. Кишиларнинг маънавий замирлар асосида бирлашиши — инсонлар жамоаси тирик махлуқотларнинг оддий галаси эмас, балки ундан устунроқ турувчи, онглилик асосида шаклланган ижтимоий бирлик эканлигини исботлайди.

Инсонни ҳайвондан фарқ қиладиган энг муҳим хусусиятларидан яна бири — у ўзининг яшаши, турмуши учун зарур бўлган моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариш малакасига эга эканлигидир. Тарихнинг гувоҳлик беришича, ҳозиргача биронта ҳайвон оддий ишлаб чиқариш қуролини ҳам яратгани йўқ.

Моддий, маънавий ишлаб чиқариш фақат инсонга хос хусусият бўлиб, ундаги барча қобилият ва малакаларни намоён қилувчи ижодиётдир. Моддий, маънавий ишлаб чиқариш жараёнида инсонда мавжуд бўлган барча жисмоний ва маънавий қобилиятлар ёрқин намоён бўлади. Худди шу ҳолатни ҳозирги замон фалсафаси инсоннинг кундалик „амалий фаолияти" тушунчасида мужассамлаштирди.

2.

Файласуфлар инсон муаммосини асрлар давомида ўрганиб, инсон — ақлли мавжудот", инсон — ўзини-ўзи англовчи мавжудот", инсон — маънавий ва эркин мавжудот" деган хулосаларга келдилар. Лекин, шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, инсонга хос ақл-фаросат, ўзини-ўзи англаш, маънавий эркинлик бирданига шаклланган эмас. Одамнинг пайдо бўлиши узоқ йиллар давом этган тадрижий жараёндир. Одамзоднинг пайдо бўлиши (антропогенез) ва маълум бир жамиятга бирлашиш (социогенез) жараёни, олимларни гувоҳлик беришича, тахминан 3—3,5 миллион йил давом этган. Шунинг учун ҳам антропогенез ва социогенез ягона бир жараённинг ажралмас икки томонидир.

Антропогенез жараёнида меҳнат асосий рол ўйнайди. Меҳнат туфайли инсон ўзи яшаётган табиий муҳитни ўзгартиради, моддий ва маънавий бойликлар яратади, ҳатто ўзини ҳам ўзгартиради. Инсон организмдаги соф физиологик функциялар — қўл ва оёқларнинг, бош ва бармоқлар, тоғайлар, пайлар, суяк ва мускулларнинг тараққий этиши ҳам бевосита меҳнат билан боғлиқ бўлган. Бундан ташқари, меҳнат инсонни нафақат жисмоний, балки маънавий, маданий тараққиёти учун ҳам асосий шарт-шароит вазифасини бажарди. Меҳнат туфайли инсон табиатга фаол таъсир этди, меҳнат қуроллари яшаш ва уларни такомиллаштириш мунтазам давом этди.

Оилавий муносабатларнинг ривожланиб бориши билан қавм-қариндошлик, уруғ-аймоқчилик муносабатлари, Ватан тушунчаси ҳам шаклланиб, ривожланиб бораверади. Зеро, ҳар бир инсон учун, деб таъкидлаган эди ЛА. Каримов, Ватан тушунчаси, аввало оиладан бошланади. Шу боис, оила ва мафкура тушунчалари чамбарчас боғлиқдир. Оиланинг жамиятдаги ўрни, тарбиявий-ахлоқий аҳамияти, кадр-қимматини англаб етмасдан, оилага миллат манфаати нуқтаи-назаридан ёндашмасдан туриб, халқчил мафкура ярата олмаймиз".

Оилавий муносабатларни бошқаришда бува-буби, ота-оналар-нинг роли, ака-укалар ўртасидаги муносабатларнинг аҳамияти ҳам аста-секин ошиб боради. Худди шу муносабатларни бошқариш одамни инсон даражасига кўтаришда энг муҳим шарт-шароит вазифасини бажаради. Оилавий муносабатларни бошқариш механизмини такомиллаштириш, ўз навбатида, ахлоқ-одоб меъёрлари вужудга келишига сабаб бўлди. Бошқача айтганимизда, инсоннинг баъзи ҳайвоний қилиқлари, одатлари, ахлоқий-ижтимоий меъёрлар ёрдамида аста-секин тартибга солинади. Шунинг учун ҳам

антропосоциогенез жараёни тараққиётидаги энг муҳим омиллардан яна бири, ахлоқий-ижтимоий меъёрлар ва ўлчовларнинг вужудга келганлигидир. Худди шу меъёрлар, ўлчовлар инсонни ҳайвондан фарқ қилувчи энг муҳим хусусиятлардан бирини ташкил этади.

Дастлабки ахлоқий меъёрлар, турган гапки, ҳали такомил-лашмаган, ўта оддий эди. Шунга қарамасдан, бундай меъёрлар инсонийликнинг энг оддий кўринишлари пайдо бўлаётганлигидан далолат беради. Оддий ахлоқий меъёрлар ёрдамида, ибтидоий жамоа ўз аъзоларини барчага мақбул бўлган тартиб ва интизомларни бажаришга мажбур қилган. Худди шу ҳолат инсоннинг ҳайвондан узил-кесил ажралиб чиққанлиги ва энди тараққиётда орқага қайтиб бўлмаслигидан далолат беради. Ушбу жараён ижтимоий ҳолатнинг биологик ҳолат устидан қилган буюк ғалабаси эди. Бошқача айтганимизда, одам меҳнат қилиши, меҳнат қуроллари яшашни (полеантроплар) ўрганганлиги, маълум ахлоқий меъёр ва шартларга риоя қила бошлаганлиги улкан „Неолитик инқилоб“ эди. Неолитик инқилоб туфайли одам аста-секин ижтимоийлашиб борди.

Одам боласининг дастлабки аждоди (полеантроп) ов қилиб, териб-термочлаб яшашга асосланган фаолиятдан ишлаб чиқаришга, яратувчанликка асосланган (деҳқончилик, чорвачилик, косибчилик ва бошқалар) турмуш тарзига ўта бошлади. Худди шу ҳолат одамни ижтимоий мавжудот бўлиб шаклланаётганлигидан, одам ўзида инсонга хос маънавий фазилатларни такомиллаштираётганлигидан далолат беради.

Хуллас, инсон деб аталувчи тирик мавжудот бу тараққиёт жараёнида моддий ва маънавий бойликлар яратиш учун зарур бўлган меҳнат қуролларини ишлаб чиқаради, яхши ва ёмон, адолат ва адолатсизлик, увол ва савобнинг фарқига борадиган ахлоқий меъёрларга эга бўлади, тарихий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи ҳиссий ва ақлий қобилиятларга, моддий ва маънавий эҳтиёжларга эга бўлади, жамиятдан ташқарида мавжуд бўла олмайди, шаклланмайди, ривожланмайди, ундаги индивидуал фазилатлар, хислатлар мавжуд ижтимоий муносабатларнинг ҳосиласи бўлиб, ўша ижтимоий муносабатларнинг тарихий хилига киради, унинг кундалик амалий фаолияти муайян мақсадга қаратилади, маълум бир дастур асосида амалга оширилади, онгли-эркин характерга эга бўлади.

Ушбу хусусиятлар инсонни оламда мавжуд бўлган бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилдирувчи юксак сифатлар — инсоний фазилатлар ҳисобланади. Ўз навбатида, худди шу ҳолатлар инсон ҳам

табiiй, ҳам ижтимоий мавжудот эканлигидан далолат беради.

3.

Инсон табiiй ва ижтимоий мавжудот эканлигини ҳозирги замон фанлари ҳам тасдиқламоқда. Шунинг учун ҳам инсондаги табiiйлик билан ижтимоийлик орасидаги алоқадорлик механизмини билиш фалсафадаги энг муҳим аҳамиятга молик муаммолардан биридир. Бу борадаги алоқадорликни билиш инсон моҳиятини чуқурроқ ўрганиш учун реал имконият яратади.

Инсондаги табiiйлик билан ижтимоийлик орасида бўлган диалектик алоқадорликни тўла тасаввур қилмоқ учун, энг аввало ягона биологик турга мансуб бўлган инсонни, бошқа биологик махлуқотлардан сифатий фарқини характерловчи энг умумий ва ўзига хос хусусиятлари ва хоссаларини билиб олиш зарур. Чунки, инсондаги биологик ўзига хос хусусиятлар ва хоссалар унинг ижтимоий фазилатлари, индивидуал хислатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Инсоннинг ягона биологик тур сифатидаги энг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ёшидир (умри). Ҳозирги замон фани маълумотларига қараганда, инсон боласи турли-туман касалликлар ва ижтимоий ларзаларга гирифтор бўлмаса, унинг ўртача ёши, яъни умр кўриши, 80—90 йил атрофида бўлади. Афсуски, инсоннинг биологик ўзига хослиги ижтимоий муҳит таъсирида ўзгариб туради. Тарихнинг гувоҳлик беришича, одам боласи қадим замонларда 20—22 йил умр кўрган. XVIII асрга келиб инсоннинг ўртача умр кўриши 30 ёшга етди. XX аср бошларида Ғарбий Европа мамлакатларида ўртача 56 йил умр кўрган инсон, XX аср охирига келиб ривожланган мамлакатларда ўртача 75—80 йил умр кўра бошлади. Иқтисодий-маданий жиҳатдан қолақ мамлакатларда эса ўртача умр 35—45 ёшни ташкил этади. Демак, инсоннинг умри у яшаётган конкрет ижтимоий, сиёсий, иқтисодий вазиятлар, маданий-маънавий муҳит билан боғлиқдир.

Инсоннинг бошқа биологик мавжудотлардан туб фарқини кўрсатувчи хусусиятларидан яна бири, у ўз умрининг ҳар бир босқичини аввалдан режалаштира олишидир. Инсон умри босқичларининг (болалик, ўсмирлик, ёшлик, етуқлик, кексалик) ўзига хос биологик, ижтимоий хусусиятларга эгаллиги аллақачонлар аниқланган. Масалан, аёлларнинг бола туғиш даври ўртача 15—49 ёшга тўғри келади. Худди, шунингдек, инсон қайси ёшда гапиришни бошлаши, қайси ёшда уйланиши ёки турмушга чиқиши, қайси ёшда жинсий алоқа қилиши ҳам олдиндан англанилган, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий

режалаштирилган.

Инсондаги биологик хусусиятлар ўзгармаслиги ёки ўзгариб туриши, бошқача айтганимизда, барқарор ва беқарор бўлиши мумкин. Инсондаги ирқий мансублик ўзгармас биологик хусусиятларга кирса, физиологик хусусиятлар ўзгариб туради. Масалан, инсоннинг ирқий хусусиятлари узок вақтлардан буён ўзгармасдан барқарорлигича турган бўлса, унинг гавдасининг тузилиши замонлар алмашиши билан, у яшаётган муҳитнинг ўзгариши билан ўзгариб турган.

Инсоннинг биологик хусусиятлари ҳақида гапирганда, унинг ҳар бир вақилини, яъни ҳар бир кишининг ўзига хос такрорланмас, ота ёки онаси туфайли вужудга келган генетик хусусиятларга эга бўлишини ҳам унутмаслик даркор. Ушбу нодир бетакрорлик, табиий ва ижтимоий омиллар ёрдамида кучайтирилиши ёки сўндирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Инсон зотида ҳали фойдаланилмаган чексиз имкониятлар, қобилиятлар ва истеъдодлар мавжуд эканлигини тан олиш ундаги табиийлик билан ижтимоийлик орасидаги диалектик алоқадорликни ўрганиш жараёнининг энг муҳим шартларидан биридир.

Инсондаги табиийлик билан ижтимоийлик орасидаги ўзаро диалектик алоқадорлик механизмини ўрганиш жараёнида ҳар бир кишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлигини ҳам тан олмаслик, амалиётда қобилиятли, истеъдодли, иқтидорли кишиларни камситишга олиб келади, уларни жамиятнинг оддий ижрочи „мурватча“ларига айлантириб қўяди. Қобилиятли, истеъдодли кишиларни қобилиятсиз, лоқайд кишилар билан тенглаштириш ижтимоий адолатнинг меъёти ва шартларига зиддир.

Инсон бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам органик оламга тааллуқли эканлиги унинг моҳиятини тушуниб олишда ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Ушбу муаммолар орасида қуйидаги икки масала устида тўхталиб ўтмоқ зарур.

Фалсафа тарихидан бизга маълумки, Арасту инсоннинг моҳиятида икки: ҳайвоний (биологик) ва сиёсий (ижтимоий) бошланғич асос борлигини инобатга олиб, уни „сиёсий ҳайвон“ деган эди. Мунозара, баҳсларга сабаб бўлган масала — шу икки бошланғич асоснинг қай бири инсон фаолияти, ҳис-туйғуларини белгилашда асосий рол ўйнашидир. Юқорида биз инсон боласининг ҳар бири ўзига хос такрорланмас хусусиятларга эга эканлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Қизиғи шундаки, биз баъзи кишиларни биологик белгиларига қараб (масалан, ёши, жинси) маълум гуруҳларга бирлаштирамиз,

бошқа бировларни эса ижтимоий белгиларига (масалан, касби, мутахассислиги, иш стажи ва бошқалар) қараб, яна аллакимларни инсондаги табиийлик (биологик) ва ижтимоийлик орасидаги алоқадорликка қараб маълум табақаларга бирлаштирамиз.

Шундай экан, ўша белгиларга қараб, табақалаштирилган кишиларнинг айрим гуруҳларини (масалан, хотин-қизлар) биологик ўзига хослигини билишнинг жамият учун аҳамияти борми?

Ушбу муаммолар атрофида файласуфлар ва бошқа инсоншунос олимлар орасида узоқ вақтлардан буён мунозаралар давом этмоқда. Муаммолар ечимига бағишланган турли концепсиялар, илмий йўналишлар ҳам вужудга келмоқда. Чунончи, баъзилар кишиларнинг ирқий белгиларига қараб инсоний фазилатларини баҳолашни тақлиф этаётирлар. Айрим ирқларнинг инсоний фазилатлари юқори, айримлариники эса паст, чунончи „олий“ ва „паст“ табақали ирқлар бўлади, деган фикр-мулоҳазаларни баён этмоқдалар.

Ҳақиқат кўзига тик боқадиган бўлсак, сайёрамизда яшаётган турли ирқларга мансуб инсонларнинг онги ва фаолиятида, ҳақиқатан ҳам айрим фарқлар борлигини пайқаш мумкин. Лекин, иккинчи ҳақиқат шундаки, инсон онги ва фаолиятида турли тафовутлар мавжудлиги фақат унинг ирқи билан боғлиқ эмас. Немис биолог олими Э. Геккел (Ч. Даврин таълимотининг машҳур тарғиботчиси) 1904-йилдаёқ таъкидлаб айтганидек, турли ироқа мансуб одамларнинг ақлий қобилиятлари, маданий савиялари орасида айрим фарқлар бўлишига асосланиб, уларнинг ҳаётдаги кадр-қимматлари нотўғри талқин қилинмоқда. Бу эса инсон кадр-қимматини ерга уришдир.

Шунингдек, эркаклар билан хотин-қизлар орасидаги биологик фарқнинг ижтимоий муносабатларга таъсири ҳам турлича изоҳланади. Чунончи, эркаклар жамият ҳаётида, аксарият ҳолларда, улуғланди, хотин-қизларни камситиш ҳолатлари авж олиб бораверди. Бошқача айтганимизда, икки жинсни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйилиши вужудга келди. Икки жинс орасидаги фарқ ижтимоий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Натижада, эркаклар „олий“, „юқори“ табақа, хотин-қизларга эса „қуйи“ табақа вакили деб қараш асрлар оша давом этаверади. Эркакларни кучли, аёлларни заиф жинс деб қараш ҳам шунга асосланган. Турган гапки, бундай тенгсизлик хотин-қизларнинг эркаклар билан ижтимоий тенгликка эришиш учун курашиши авж олишига сабаб бўлди. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги учун кураши 100—150 йил олдин бошланди, холос. Илм-фан ривожланиб бораётган ҳозирги

шароитда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштироки йилдан-йилга ошиб бораётган боиса-да, ҳали бу борада ечимини кутиб ётган долзарб муаммолар кўп. Худди шунинг учун ҳам жаҳон хотин-қизларининг ўз инсоний ҳуқуқлари учун кураши борган сари авж олиб бораётир. Жаҳон жамоатчилиги онгида ўтмишдан ортирилган жинслар орасидаги социал нотенглик тушунчасини уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан эмас, балки улар орасидаги алоқадорлик, бир-бирига кўмақлашиш, ҳамкорликни кучайтириш орқали таъсир этмоқ керак.

Инсоннинг моҳиятини биологиялаштирувчи концепсиялар жумласига ирқчилик, социал дарвинизм оқимларинини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу оқимлар инсон моҳиятини тўғри тушунишга имкон бермайди.

Маълумки, бир вақтлар англиялик машҳур иқтисодчи Т. Малтус (1766—1834-йиллар) ижтимоий ҳаёт яқка киши яшаши учун кураш майдони вазифасини бажаради, бундай мураккаб курашга мослаша билган кишигина ютуқларни қўлга кирита олади, деган фикрни олға сурган эди. Малтус айтган яшаш учун кураш ғоясини Ч.Дарвин (1809—1882-йиллар) ўзининг табиий танлаш ва эволюцион тараққиёт ҳақидаги таълимоти учун асос қилиб олди. Ч. Дарвин таълимотидаги яшаш учун кураш ғояси социал дарвинизм тарафдорлари томонидан жамиятга татбиқ этилди. Бу ғояга кўра, жамиятдаги турли синфлар орасидаги курашда олий синф вакиллари юқори позистияни эгаллаб туришлари лозим, чунки уларнинг ақлий қобилиятлари бошқаларникидан устундир. Бошқача айтганимизда, социал дарвинизм тарафдорлари яшаш учун кураш фақат табиатга тааллуқли эмас, балки жамият ҳаётида ҳам бу қонунга бўйсунуш лозим, деган хулосага келадилар.

Инсоннинг моҳиятини биологиялаштирувчи қарашларга қарши чиққан инсоншунос олимлар инсон камолотида ҳал қилувчи омил ижтимоий муҳитдир, деган ғояни илгари сурдилар. Айниқса, бизнинг асримизда ҳаммани тенглаштиришга қаратилган ижтимоий ғояга асосланган, янги идеал жамият моделини яратишга қаратилган, ҳаракатлар бошланди.

Баъзи файласуфлар, руҳшунослар инсоннинг моҳиятини руҳий ҳолатлар, истақлар, интилишлар ва майллар белгилайди, деган ғояларни илгари сурадилар. Бундай қарашларни Фрейдизм таълимотида яққол кўришимиз мумкин. Фрейдизм таълимотининг асосчиси австриялик врач — психолог Зигмунд Фрейддир (1835—1939-

йиллар). У инсон руҳий-маънавий оларнини чуқур таҳлил қилди. Инсон маънавий оларининг шаклланишида онглилик билан онгсизлик орасидаги ўзаро алоқадорлик механизмини ҳар томонлама ўрганди. У инсон маънавиятини чуқур ўрганиб, онгсизлик инсон руҳиятининг асосини ташкил этади, деган хулосага келади. Унинг тушунтиришича, инсонда онглиликка қараганда онгсизлик томон интилиш кучлироқ бўлади. Онгсизликни белгиловчи ва ҳал қилувчи муҳим омил — жинсий майлдир. Инсон руҳияти худди шу жинсий майлни қондирилиши билан бевосита боғлиқ. Инсон руҳиятининг бузилиши ҳам ана шу жинсий майлнинг қондирил-маганлигининг натижаси эканлигини исботлаб берди. Лекин, қадим замонлардан буён, деб таъкидлайди З. Фрейд, инсоният яратган маданият инсоннинг ана шундай ҳис-туйғуларнини таъқиқлаган. Оқибатда, бу ҳолат инсон руҳиятининг энг чуқур ва қоронғи жойида сақланиб қолаверган.

Фрейднинг руҳий таҳлил таълимотида „психологик энергия“ тушунчаси талқини алоҳида аҳамиятга эга. Худди шу энергия асосида инсон ўз ҳаётини давом эттиради, турли-туман фаолият кўрсатади, шу руҳий энергия инсонни яшашга, фаолият кўрсатишга ундайди, деб тушунтиради.

Зигмунд Фрейднинг эътирофи этишича, инсоннинг онги ва фаолияти, онглилик билан онгсизлик орасидаги диалектик алоқадорликка боғлиқ. Онглиликни оширмақ учун онгсизликнинг ҳам фаоллигини оширмақ зарур. Онгсизлик ўзгармас, туғма инстинктгина эмас, балки у онглилик сингари узлуксиз ўзгариб туради, деб кўрсатади. Шунинг учун билиш жараёни инсоннинг фақат онгли ҳолатини ўз ичига олмай, балки онгсиз, нораціонал фаолиятини ҳам ўз ичига мужассамлаштиришини исботлаб берди.

Зигмунд Фрейд қарашларини унинг тарафдорлари Э. Фромм, В. Райх, Г. Маркузе ва бошқалар давом эттирдилар. Айниқса, Э.Фромм Фрейднинг руҳий таҳлил ҳақидаги таълимотини ижтимоий ҳаётга татбиқ этди.

Лекин, Э. Фромм ижтимоий муҳитни" таҳлил этганда, одам-ларнинг манфаатлари турлича эканлиги, инсон ижтимоий моҳиятини мавҳум руҳий таҳлил ёрдамида тушунтириб бўлмаслигини фаҳмлай олмади. Инсон шаклланишида табиий (биологик) ва ижтимоий (социологик) омиллар диалектикасининг туб моҳиятини очиб беришда ижтимоийлик ролини бўрттириб кўрсатган, яъни ушбу жараённи социологиялаштирган фалсафий таълимотлардан бири —

марксизмдир. Марксизм асосчиларининг тушунтиришича, инсон табиатини белгилашда ҳал қилувчи ролни ижтимоий муҳит ўйнайди. Худди ана шундай бир ёқлама ёндашув инсон муаммосини ўрганувчи табиий фанларга ҳам салбий таъсирини ўтказди. Оқибатда инсон биологияси ҳақида баён этилган энг илғор фикр-мулоҳазалар ҳақида лом-мим дейилмади. Инсоннинг турли ижтимоий фазилатлари ҳақида зўр бериб гапирилди, амалда эса инсон биологияси вулгарлаштирилди. Натижада, инсон ҳис-туйғулари камситилди, оёқости қилинди, жисми эса социологиялаштирилган ўзига хос ижтимоий шаклга айлантирилди. Жамият ҳаётида, кундалик турмушда инсоний маънавий эҳтиёжлар моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига нисбатан кейинги ўринга суриб қўйилди. Инсоннинг маънавий эҳтиёжларига нуқтаи назаридан ёндашиш авж олиб кетди. Моддий соҳада иштирок этаётган кишилар ҳаддан ортиқ улуғланди, „хазрати ишчи“ „хазрати деҳқон“ деган уйдирмалар ўйлаб топилди. Маънавий ишлаб чиқаришда ҳалол ва фидойилик қилаётган, ўн йиллаб заҳмат тортган олим, ёзувчи, шоир меҳнатини иккинчи даражали деб қараш урф бўлди. Инсон тани (биологияси) билан маънавияти орасидаги алоқадорлик механизми чуқур таҳлил этилмади. Моддий ишлаб чиқаришни узлуксиз кенгайтириш, табиий ресурсларнинг камайиб кетишига, табиат экологик мувозанатининг бузилишига сабаб бўлди. Боз устига фан-техника ютуқларини халқ хўжалигига татбиқ этиш, чунончи турли заҳарли химикатларни қишлоқ хўжалигида қўллашнинг ортиб бориши одамлар саломатлигини емирди. Одамлар, айниқса, оналар саломатлигининг заифлашиши билан жисмонан мажруҳ туғилган болаларнинг сони кўпаяверди. Табиийки, жисми заиф кишининг маънавияти ҳам мажруҳ бўлади.

Шундай қилиб, инсон учта буюк қудрат: тана — руҳ ва маънавиятнинг йиғиндисидир. Инсоннинг биологик ҳолати деганда, унинг танасида, яъни жисмида содир бўладиган морфофизиологик, генетик, асаб-миясида рўй берган ва бераётган электрокимёвий ўзгаришлар, ёши, ирқи, жинсини характерловчи аломатлар тушунилади. Инсоннинг руҳий ҳолати ҳақида фикр-мулоҳаза юритганда, унинг ҳис-туйғулари, кайфияти, характери, иродаси, темпераменти тушунилади.

Инсоннинг маънавияти, жамиятда мавжуд бўлган обектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар, айниқса, барча ижтимоий институтлар амалга оширган тарбиявий-мафкуравий таъсир

натижасида шаклланган фазилатлар, хислатлар, қобилиятлар, малакаларнинг йиғиндисидир. Маънавият инсоннинг ижтимоий қиёфасини вужудга келтирувчи генератор вазифасини бажаради. Маънавиятнинг шаклланишида инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, диққати, иродаси иштирок этади, бисотида мавжуд бўлган бутун билими, тажрибаси, истеъдоди намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам инсон ижтимоий қиёфасини характерловчи энг муҳим кўрсаткич — маънавиятдир.

4.

Инсон деб номланувчи биосоциал мавжудот ўз ҳаётининг чекланганлигини тушуниб олиши билан оламдаги бошқа тирик мавжудотлардан тубдан фарқ қилади. Бошқача айтганимизда, оламдаги тирик мавжудотлар ичида фақат инсон ўз умрининг чегараси, муддати борлигини тушуниб этади. Инсон бугунми, эртами ўзининг ўлишини, яъни ўлимнинг муқаррарлигини тушуниб етгани учун ҳам унинг олдини олиш, ўз ҳаётини узайтириш, мазмунлироқ бўлишига интилади. У ҳамиша янги-янги орзу-истақлар уммонида яшайди ва ўзининг барча орзу-умидларини тўлиқ ушалмаслигини ҳам тушуниб этади.

Хўш, оламдаги тирик мавжудотлар ичида ўз умрининг қисқалигини тушуниб етган ўша одам боласида нега яхшилик билан ёмонлик, тўғрилиқ билан ёлғончилик, адолатпешалиқ билан адолатсизлик каби хусусиятлар бўлади?

Инсон ўзининг маънавий қиёфасидаги ушбу зиддиятларни бартараф этиш учун асрлар оша курашди. Бундай муаммолар ечимини баъзан диндан, баъзан фандан қидирди, яъни инсон ҳаётга ва ўлимга ҳамиша ўзининг муносабатини билдиради.

Жаҳон маданияти тарихининг гувоҳлик беришича, инсон ўз умрини чўзиш, ҳаётини янада сермазмун қилиш, уни ҳар томонлама бойитиш учун узлуксиз интилиб келди. Мабодо, жисмонан абадий яшаш учун имконият бўлмаса, руҳан яшаш, ахлоқий жихатдан ўлимни енгиш йўлларини, услубларини қидирди. Аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, инсон ҳамиша ҳаётдан қониқмаслик туйғуси билан яшади. Бу ҳолат ҳозир ҳам давом этаётир.

Ҳаётдан қониқмаслик, барча инсоний орзу-умидларнинг тўла ушалмаслигини билиш, бир томондан, яшаши учун, ижодий фаолият кўфсатиши учун қудратли кўзғатгич вазифасини ҳам бажарса, иккинчи томондан, бу ҳолат инсоннинг турли қобилият, малакаларини, истеъдодларини ҳар томонлама ривожлантиришга ёрдам

беради. Ҳар бир киши ҳаётининг мазмунини худди шу ҳолат ташкил этади.

Инсон ўзининг барча орзу-умидларини жамият орқали рўёбга чиқармоқчи бўлади. Лекин, жамият замонлар ўтиши билан ўзгариб турди. Бошқача айтганимизда, жамият ҳаёти турли тарихий шароитларга қараб турлича бўлади. Тарихий шароит ўзгариб туришидан қатъий назар, инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи жамият билан узвий боғлиқ бўлади. Ушбу алоқадорлик механизмида шахсийлик билан ижтимоийлик, яъни яқка шахс манфаати билан жамият манфаати уйғунлиги, бир-бирига, мос бўлиши катта аҳамиятга эга. Инсон манфаати жамият манфаатига мос тушмаса, шахс билан жамият орасидаги зиддият кескинлашиб бораверади. Бундай зиддиятларнинг кескинлашиб бориши инсоннинг жамиятдан бегоналашиб боришига сабаб бўлади. Бошқача айтганимизда, жамият билан шахс орасидаги зиддиятнинг кескинлашиши инсонда бегоналашувнинг бошланишидан далолат беради. Худди шунинг учун ҳам инсонлар жамиятда ижтимоий адолат меъёрлари қарор топишини, демократик принциплар ҳукмронлик қилишини, шахс билан жамият орасидаги зиддиятлар бартараф этилиши зарурлигини асрлар оша орзу қилди.

Инсон ҳаётининг мазмуни, фақат бир ўзининг орзу-умидлари, истакларини рўёбга чиқариш, эҳтиёжларини қондириш у фақат ўзи учун, ўзининг манфаати учун яшаши керак, деган маънони билдирмайди. Чинакам инсон даражасига кўтарилган биосоциал мавжудот ҳамиша эл-юрт, миллат манфаати ҳақида ҳам бош қотиради. Эл-юрт, миллат манфаати ҳақида ўйламайдиган, эрта-ю кеч ўз манфаати ҳақида ўйлайдиган кимсаларни машҳур рус ёзувчиси Лев Толстой "шахснинг ҳайвонлашуви" деб атаган эди.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги шароитда маънавий омилларга эътибор берилмаса, фақат ўз қорнини ўйлайдиган, диёнат, ақл-фаросат, иймон, инсоф нидосига қулоқ солмайдиган "ҳайвонлашган шахслар" сони кўпайиб кетиши мумкин. Бундай кимсалар ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай пасткашликларни амалга оширишдан қайтмаслиги, ўз манфаатлари учун оғир жиноятлар йўлига кириб бориши турган гап. Шунинг учун ҳам инсонпарвар, демократик жамият қуриш учун оммавий ҳаракат авж олиб кетган бир пайтда, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши, айниқса, уюшган жиноятчиликка қарши ҳаракатларнинг юзага келиши, инсон табиатида ноинсоний хусусиятлар қолдиғига қарши

кураш кучаяётганининг аломатидир.

Инсон ҳаётининг мазмуни ва маъноси, айниқса, унинг ўлиши ёки ўлмаслиги муаммоси ҳамиша фалсафий оқимлар диққат марказида бўлди. Илм-техника ютуқлари инсон турмуш тарзининг барча жабҳаларига жадаллик билан кириб бораётган ҳозирги замонда геронтология фани муаммоларига таяниб, аниқ айтиш мумкинки, бугун инсон ҳаётини сермазмун қилиш, унинг умрини узайтириш борасида радикал ўзгаришлар содир бўлаётир, одамлар онги ҳар куни, ҳар соатда янги-янги маълумотлар билан бойиб бормоқда. Инсоннинг фазилатлари ва хислатлари, у яшаётган жамият аъзоларининг, бутун инсониятнинг орзу-умидлари, ҳис-туйғулари бир-бири билан бевосита боғлиқ бўлади. Ижтимоий муҳит ўзгариши билан инсон орзу-умидлари, истақлари ҳам ўзгаради. Зеро, шу ўзгариш инсон ҳаёти мазмунининг асосини ташкил этади.

Шундай экан, инсон қанча яшаши керак, қандай яшаши лозим, нима учун яшаши даркор? Ушбу саволларга ҳам, инсоният ҳамиша жавоб қидиради.

Тарихий тараққиёт тажрибаси инсон қанча яшаши, нима учун яшаши унинг табиатида инсонпарварлик ғоялари мавжудлиги, миллий ва умуммиллий (умуминсоний) қадриятларга амал қилиш қобилиятлари, малакалари шаклланганлиги билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. Инсон табиатига хос ушбу фазилатлар, у яшаётган ижтимоий муҳит, айниқса, унинг маънавий қиёфаси биологик, физиологик ҳолатлари билан ҳам боғлиқ.

Бошқача айтганимизда, инсоннинг маънавий қиёфаси, унинг жисмоний ҳолати билан ҳам тақозоланади. Шунинг учун ҳам инсон ҳаёти мазмуни ундаги оптимистик, реалистик кайфият билан боғлиқдир.

Инсон ўлими масаласи ҳам ҳозирги замон файласуфлари орасида турли тортишувларга, мунозараларга сабаб бўлаётган муаммолардан биридир. Айниқса, “инсон ўлиш ҳуқуқига эгами?”, деган муаммо илмий жамоатчилик орасида турли баҳслашувларга сабаб бўлаётир. Инсонни ўз ихтиёри билан ҳаётдан кетиши („ўзини ўзи ўлдириш“) масаласида ҳам турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Чунончи, диний дунёқараш инсонни ўз ихтиёри асосида ҳаёт билан хайрлашувини қаттиқ қоралайди. Ислом дини қоидаларига мувофиқ ўз-ўзини ўлдирган кишига, ҳатто жаноза ўқитилмайди. Христиан дини талабларига кўра бундай кишиларнинг жасадини мазорга кўмиш тақиқланади.

Фан-техника жадаллик билан ривожланаётган ҳозирги шароитда инсон ўлими тиббий томондан қаттиқ назорат остига олиниши ушбу муаммонинг долзарблигини янада ошириб юборди. Чунки, ҳозирги эвтаназия (юнонча сўз — оғриқсиз ўлим маъносини билдиради), яъни оғриқсиз ўлим масаласида ҳам турли баҳслашувлар, мунозаралар кўпайиб бормоқда.

Эвтаназия тарафдорлари — антипатерналистлар деб юритилади. Антипатерналистларнинг фикр-мулоҳазаларига мувофиқ, инсон ўлиш ҳуқуқига эга бўлмоғи, унинг бундай ҳуқуқи махсус қонун ёрдамида расмийлашиши керак, бу қонунга мувофиқ ўлимни ўзига раво кўрган кишининг ҳаёт билан хайрлашуви бошқаларга зарар келтирмаслиги лозим. Инсоннинг ўз ихтиёри билан ўлиши бошқаларга зарар келтирса, бундай ҳолат ахлоқ меъёрларига зид бўлади. Патернализм тарафдорлари эса, инсоннинг ўзини ўзи ўлдириши умуминсоний ахлоқ меъёрларига зид деб тушунтирадилар. Инсон ҳаёти муқаддасдир деб қарайдилар.

Юқоридаги мунозаралардан инсонда ўлимни англаш маданияти бўлиши ҳам тарихий зарурият эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу “маданият “нинг асосида оптимизм - умидворлик ёки пессимизм - умидсизлик ётиши мумкин. Бошқача айтадиган бўлсак, инсон ҳаёти, унинг ақл-заковати, маънавий қиёфасидаги инсонпарварлик, реализм билан бевосита боғлиқ.

Оламда абадий яшаб қоладиган инсон йўқ. Ўлим — муқаррардир. Абадийлик эса инсонларнинг одамларга қилган яхшилигидир, яхши ном қолдиришидир. Жомий айтганидек,

«Ҳаёт саҳифалар — инсон умрин дафтари,
Шундайин сўзни айтмиш, ўйга тўлган бир доно:
“Ким бу ёруғ оламда хайрли ишлар қилиб,
элнинг кўнглини олса — ўшанинг умри аъло “.»

13- Мавзу: Маданият ва цивилизация

Режа

Маданият тушунчаси. Моддий ва маънавий маданият

Маданият ва цивилизация.

Маданият ва жамият.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий тахрири остида.
Тошкент.1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент 2000

Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент. 2004

Фалсафа. Ўқувқўлланма.Е.Юсуповнинг илмий рахбарлигида.
Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

1.

Маданият мураккаб ва серқирра ходисадир. Уни археология ва этнография, тарих ва социология каби турли фанлар ҳам ўрганади. Бу фанларнинг ҳар бири маданият деб аталмиш улкан ижтимоий ҳодисани ўзига хос тарзда, ўз вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда турли томонларини тадқиқ этади.

Фалсафа маданиятни алоҳида, якка-якка кўринишларида эмас, балки яхлит, бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Масаланинг бу тартибда қўйилиши фалсафага „Хусусий ҳолатлардан холи бўлган ҳолда маданиятнинг ўзи нима?“, деган саволга жавоб беришга имконият яратади.

Ижтимоий фалсафада, моҳият эътибори билан, маданиятни айнан маънавий фаолият соҳаси сифатида тушуниш устувор бўлиб келди. Фақат XIX аср ўрталарига келиб, „ маданият "тушунчаси кенгрок маънода инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсаларга нисбатан ишлатила бошланди. Бундай ҳолатда маданият инсон томонидан яратилган, бокира табиат устига қурилган иккинчи табиат" маъносини касб этади. Лекин маданиятни инсон фаолияти натижасида юзага келган барча нарсалар", деб тушуниш ҳам етарли ва тўлиқ эмас. Чунки, биринчидан, бундай ёндашув маданиятни инсондан ташқарида мавжуд бўлган қандайдир ҳодиса сифатида тушунишга олиб келади. Иккинчидан, маданият ва жамият

тушунчаларининг нисбати ойдинлашмайди. „Маданият" ва Жамият" тушунчаларининг фарқи маданиятни „ инсон томонидан яратилган қадриятлар мажмуаси деб тушунилганда очиқ кўринади. Ҳақиқатан ҳам, маданият инсоний мазмун ва маъно билан суғорилган моддий ва маънавий қадриятлар дунёсидир. Албатта, маданиятни фақат қадриятлар мажмуаси сифатида тушуниш ҳам тўғри ва тўлиқ эмас. биринчидан, бунда юқоридагж каби маданият тайёр натижалар тизими сифатида қаралади, унинг яратиш жараёни, динамикаси эътибордан четда қолади. Иккинчидан, инсон томонидан яратилган ҳамма нормалар ҳам фойдали эмас, демакки. унинг тараққиётига хизмат қилмайди. Учинчидан у ёки бу ҳодиса ижобий ёки салбий деб қабул қилиш тарихан белгиланган — даврнинг, жамиятнинг, ижтимоий гуруҳларнинг қадрият мулжалларига боғлиқ бўлади.

Демак, маданиятга таъриф бераётганда маданият инсоннинг ижтимоий мавжудот сифатидаги камолотининг, инсонда инсонийлик хусусиятлари ривожланишининг меъёрини тавсифловчи ҳодиса эканлигидан ҳам келиб чиқмоқ лозим.

Маданиятнинг юқоридаги сифатий хусусиятлари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда унга куйидагича таъриф бериш мумкин. Маданият инсоннинг фаолияти жараёни, унинг оқибатида яратилган моддий ва маънавий қадриятлар боииб, инсон камолотида муҳим омил бўлган ижтимоий ҳодисадир.

„Маданият" тушунчаси инсон фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан бир қаторда, бу фаолият тарихий тараққиётнинг маълум босқичларида миллий ва этник ривожланишдаги сифатий ўзига хослик ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, биз „қадимги давр маданияти", ўзбек маданияти каби тушунчаларни юқоридаги маъноларда ишлатамиз. Айти пайтда, биз „меҳнат маданияти", „муомала маданияти", „нутқ маданияти", „сиёсий маданият" каби ибораларни ҳам қўллаймизки, бундай ҳолларда маданият кишиларнинг онги, хулқи ва фаолиятининг маълум соҳаларидаги хусусиятини ифодалаб келади. Булардан ташқари, „маданият" тушунчаси алоҳида кишининг, ижтимоий гуруҳнинг ҳаётининг фаолиятининг ўзига хослигини ҳам ифодалаши мумкин. Бунга шахс маданияти", „миллий маданият "каби тушунчалар мисол бўла олади.

Илмий адабиётларда маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш расм бўлган. Маданиятни моддий ва маънавий маданиятга бўлиш инсон фаолиятининг икки асосий соҳаси — моддий ва маънавий ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқдир.

Моддий маданият моддий фаолиятнинг барча соҳаларини ва натижаларини ўз ичига олади. Моддий маданиятнинг муҳим элементлари: ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа воситаларидир. Моддий маданиятга уй-жой, кийим-бош, уй-рўзғор буюмлари, истеъмол воситалари деб аталадиган ҳодисалар ҳам киради. Буларсиз маълум бир халқ маданияти, унинг тарихий тараққиётининг турли босқичларида ўзига хослик ҳақида тўғри фикр юритиш мумкин эмас.

Маънавий маданият эса — маънавий ишлаб чиқариш, ижтимоий онг шаклларини яратиш билан боғлиқ бўлган фаолиятнинг барча соҳаларини қамраб олади. Маънавий маданият намоён бўлишининг турли шакллари ҳар хил тасаввурлар ва ғоялар, назариялар ва таълимотлар, илмий билимлар ва санъат асарлари, ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар, фалсафий, сиёсий қарашлар, мифология, дин ва ҳоказолардан иборат. Буларнинг барчаси ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки, тарихий тараққиётнинг маълум босқичида турган ва ўзаро муайян муносабатларга киришган кишилар томонидан яратилади. Бундан кўриниб турибдики, маънавий маданият маънавий фаолият натижаси сифатида келиб чиқаётган ҳодисаларнигина эмас, балки уларни яратиш жараёнида кишилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади.

Моддий маънавий маданият бир-бири билан узвий боғлиқ, уларнинг ўртасидаги фарқлар нисбийдир. Биринчидан, ҳар иккаласи ҳам маданият эканлигини унутмаслик керак. Иккинчидан, инсон фаолиятининг маҳсули бўлган кўпгина нарсалар ҳам ақлий, маънавий, ҳам жисмоний меҳнатнинг натижаси сифатида пайдо бўлади. Бошқача айтганда, моддий маданият инсоннинг муайян ғоялари, билимлари, мақсадларининг намоён бўлишидир. Айни пайтда, ҳар қандай маънавий маданият маҳсули ҳам объективлашуви, ўзининг моддий (ёзув, нутқ, расм, ҳайкал ва ҳ.к. шаклларда) ифодасини топмоғи лозим.

Ҳар бир авлод маданий ривожланишини бўш жойдан эмас, балки, ўзидан олдинги аждодлар яратган қадриятларни ўзлаштиришдан бошлайди. Бошқа томондан, бу ўзлаштириш ўзига хос бир „хом ашё“, янги қадриятлар яратиш, маданиятни янги босқичга кўтаришдаги таянч вазифасини ўтайди. Агар мана шу икки жараён бўлмас экан, маданият ривожланиши ҳақида гапириш мумкин эмас. Икки жараён — эскилик билан янгилик ўртасидаги объектив зарурий боғланиш ворислик деб аталади.

Маданият ривожланишидаги ворислик олдин эришилган

натижаларни сақлаб қолиш ва ижодий риёжлантиншнинг диалектик бирлиги сифатида намоён бўлади. Ана шу жараён натижаси ўлароқ, маданиятнинг барқарор элементлари юзага келадики, одатда, уларни ифодалаш учун “анъана” тушунчаси ишлатилади. Тарихий жараёнда маданий анъаналарнинг роли беқиёсдир. Маданий анъаналар туфайли кишиларнинг тажрибаси тўпланиб, аждодлардан — авлодларга ўтиб боради. Маданий анъаналар кишилар бирлигининг муайянлигим, ўзлигини сақлаб қолсин имконини беради. Анъаналарсиз маданият бўлиши мумкин эмас.

Маданий анъаналар авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, тарихан қарор топган ва ижтимоий онгнинг таркибий қисмига айланган ғоялар ва билимлар, қадриятлар, қарашлар ва тасаввурлар, хулқ ва дид нормалари ва ҳ.к. каби жараёнларни ҳам ўз ичига олади.

Маданиятнинг ҳар бир соҳасида анъана ўзига хос кўринишга эга бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, фан, санъат соҳаларидаги анъаналар бир-биридан ўзининг такрорланмас хусусиятлари билан ажралиб туради.

Агар маданиятда фақат ўтмиш натижаларини ўзлаштириш ва такрорлашдан нарига ўтилмаганда эди, инсониятнинг маданий ривожланиши ҳақида гап ҳам бориши мумкин эмас эди. Ҳар бир авлод ўзидан олдинги натижаларга таяниб, уларни ижодий ривожлантиради, бойитади, янги, юқорироқ босқичга кўтаради.

Жаҳон тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, маданий меросга муносабат доимо зиддиятли бўлганлигини кўришимиз мумкин. Аввало, шуни таъкидламоқ лозимки, синфлар пайдо бўлиши билан маданий меросга нисбатан синфий муносабат шаклланди. Бунинг натижаси ўлароқ, маданий мерос маълум бир синф манфаатлари, қизиқишларидан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлди. Бундай баҳоланишнинг оқибатида кўплаб тарихий обидалар, ёдгорликлар, бадий ва санъат асарлари; илмий манбалар аксарият ҳолларда синф манфаатига зид ҳодисалар сифатида вайрон қилинди, ёки юборилди ёки аҳамиятсиз нарсалар сифатида эътиборсиз қолдирилиб, аста-секин йуқ бўлиб кетди. Тарих маданий меросга диний муносабат шаклини ҳам яратди.

Динларнинг юзага келиши, ривожланиши нуқтаи назаридан маданият тарихини шартли равишда, жаҳон динлари — буддизм, христианлик, ислом юзага келгунгача ё ундан кейинги даврларга бўлиш мумкин. Биринчи даврда инсоният эришган ютуқлар деярли йуқолиб кетган. Негаки, юқоридаги уч жаҳон дини ўз ҳукм-ронлигини ўрнатиш

йўлида халқларнинг тарихий ва маданий ёдгор-ликларини маъжусий ҳодисалар сифатида қувғин қилдилар. Зеро, маданий анъаналари сақланиб қолган халқни бўйсундириш, эътиқодини ўзгартириш анча қийин кечарди.

Шунингдек, бу уч жаҳон динлари узоқ вақт ўзаро кураш олиб бопди. Бу динларнинг тарқалган ҳудудий барқарорлиги юзага келгунча бир неча юз йил ўтди ва, натижада, кўплаб маданият дурдоналари изсиз йуқолиб кетди, ҳамда маданиятдаги ворислик жараёнида маълум узилиш содир бўлди. Совет тузуми даврида ҳам маданиятга синфий ёндашув туфайли маданий меросни холисона ўрганиш имконидан маҳрум бўлиб қолдик.

Республикамизда мустақиллик туфайли бу соҳада йул қўйилган камчиликлар, хатоларга тор маънода барҳам берилмоқда, асрларга тенгдош миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз тикланмоқда, бой маданий меросимиз ўзининг руҳи салобати билан халқимиз маънавий дунёсининг таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда маданиятга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан баҳо бериш, ҳар бир маданиятга, маданий ҳодисага, унинг диний, синфий, миллий, минтақавий ва ҳ.к. мансублигидан қатъий назар, инсон руҳий, манавий изланишининг меваси инсоннинг ўз-ўзини англаши, камолотга интилишининг бир босқичи, кўриниши сифатида қараш устувор бўлиб бормоқда.

2.

„Цивилизация“ сўзи лотинча бўлиб, гражданлик, гражданликка оид, давлатга оид, деган маъноларни англатади. „Цивилизация тушунчасини шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723—1816-йиллар) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун ишлатган бўлса, "француз маърифатпарварлари ақл-идрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар. Айрим олимлар уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар-да, немис файласуфи О.Шпенглер аксинча, уни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни, босқичини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса, ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатди. Шунини таъкидлаш керакки, „Цивилизация“ тушунчасининг мазмуни ё ҳажмини белгилашда турфа, хилма-хиллик ҳанузгача мавжуд эканлигини қайд этмоқ лозим. Бу тушунчани: 1) ижтимоий ривожланиш ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман, кишилик жамияти

ривожланишининг маълум бир босқичини (масалан, неолит капиталистик, ёки ҳозирги замон цивилизацияси); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни (масалан, қулдорлик ёки капиталистик цивилизациялар; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (Осиё ёки Яқин Шарқ цивилизацияси); 5) диний мансублиги билан фарқланувчи маданий бирликларни (христиан ёки ислом цивилизацияси); 6) келиб чиқиши ё планетар мансублигига "кўра ажратилувчи бирликларни (масалан, ер цивилизацияси ва ердан ташқари цивилизациялар); 7) этник мансублигига кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (масалан, араб ёки ҳинд цивилизацияси); 8) макон ва замонда чекланган жамиятларни (масалан, Қадимги Миср ёки Вавилон цивилизацияси) ё шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келинаётганлигига ҳам кўп марта дуч келганмиз.

Цивилизация мазмунини белгилашдаги бундай ёндашувларнинг барчасига битта умумийлик хос — улар тарихий жараёндаги маълум ўзига хосликларни ифодалаб келмоқда.

Ҳар қандай илмий тушунча, мазмунни ифодалаган ҳолда, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёни тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки методологик аҳамиятга эга бўлмоғи лозим. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқадиган бўлсак, цивилизация тушунчасини юқоридаги маъноларда ишлатишнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмаслигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Цивилизация тушунчасини ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини ифодалаш учун ишлатиш ўринли. Чунки, бундай маънода ишлатилганда, „Цивилизация“ тушунчаси кишилик жамияти ривожланишининг ибтидоий ҳолатидан кейинги даврдаги бутун ҳолатини тўлалигича қамраб олади. Варварликдан цивилизацияга ўтиш ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, товар ишлаб чиқаришнинг юзага келиши, савдо сотиқнинг пайдо бўлиши ва уни касб қилиб олган савдогарлар қатларининг шаклланиши, металл пулнинг муомалага киритилиши, ёзувнинг пайдо бўлиши, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг бир-биридан ажралиши, сиёсий ҳокимиятнинг қарор топиши каби хусусиятлар билан характерланади. Бундай ёндашувда „Цивилизация“ тушунчаси ижтимоий-иқтисодий „формация“ тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмун касб этади.

„Цивилизация тушунчаси тарихнинг, жамиятнинг жиҳатдан ўзига хослигини, у ёки бу мамлакат доирасида амал қиладиган ишлаб

чиқариш кучлари (технология), инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларнинг спецификасини ифодалайди.

Ҳар қандай цивилизация: 1) муайян ижтимоий ишлаб чиқариш технологиясига* 2) такрорланмас маданияти, қадрияти, фалсафий қарашлан, одоб-ахлоқ нормаларига; 3) ўз наётий тамойилларига эга бўлади. Буларнинг барчаси цивилизацияни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имкон яратади. Бу сифатий хусусиятларнинг йўқолиши цивилизациянинг ҳалок бўлишига олиб келади.

Юқоридаги мулоҳазалардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, „цивилизация“ тушунчаси муайян халқ, мамлакат (жамият)га, ёки унинг ривожланиши жиҳатдан фарқланувчи айрим босқичларга нисбатан ишлатилгандагина у аниқ илмий мазмунга, бинобарин метадологик аҳамиятга эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар цивилизациянинг“ ўзига хослиги, асосий характеристикаларини ўзида яққол намоён қилади.

Цивилизациянинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш кучлари цивилизациянинг моддий асосини ташкил қилса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. унинг қиёфаси, ўзига хос рангини белгилаб беради, ҳатто ишлаб чиқариш кучларига ҳам ўзига хос характерли аҳамият беради. Бу билан маданият ижтимоий ҳаётнинг ташкиллашувини, яъни цивилизациянинг шаклланиши, мавжуд бўлиши ва ривожланишини белгилаб берувчи ўзига хос негиз вазифасини ўтайди.

Цивилизацияни маданиятсиз, маданиятни цивилизациясиз, ундан ташқарида мавжуд бўлиши мумкин эмас.

3.

Маданият ривожланиши ҳар бир тарихий босқичда ҳал қилиниши лозим бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник муаммолар таъсирсиз содир бўлиши мумкин эмас.

Аввало, жамият иқтисодиёти, халқ моддий фаровонлиги ва турмуш даражасининг маданият ривожланишида роли катта эканлигини таъкидлаш жоиз.

Жамият иқтисодиётидаги ўзгаришлар ҳамма вақт маданият тараққиёти учун кенг имкониятлар яратадики, буни қуйидагиларда кўриш мумкин. Биринчидан, бундай юксалиш ишлаб чиқаришни

ривожлантириш учун туртки беради. Иккинчидан, иқтисодий юксалишлар маданият, унинг ривожланишига ғамхўрлик қилишнинг моддий-молиявий асосларини кенгайтишига олиб келади. Иқтисодий инқирозлар эса маданиятнинг ривожланишига салбий таъсир қилади: маданий дастурларнинг қисқаришига, илм-фан, адабиёт ва санъатнинг аҳволининг оғирлашишига олиб келади.

Маданият ривожланишига сиёсатнинг таъсири каттадир ва у, айниқса, ҳозирги даврда жиддий аҳамият касб этмоқда. Сиёсатнинг маданиятга таъсири ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Масалан, „Миллатларнинг яқин келажакда қўшилиб кетиши“ тўғрисидаги ғояларга асосланган сиёсатнинг юритилиши, собиқ Иттифокда кўпгина халқларнинг маданий ўзлигини ё қотиш даражасига келтириб қўйди. Жамият билан маданиятнинг ўзаро муносабати ҳақида гап кетганда, маданиятнинг жамият ривожланишига таъсири масаласига кенгроқ тўхталмоқ лозим. Бу жараёни маданиятнинг ижтимоий вазифалари (функциялари)ни ёритиш орқали тушуниб олиш мумкин. Биринчи навбатда, маданиятнинг билиш функциясини алоҳида кўрсатиб ўтиш айтиш муддао бўлур эди. Одатда, маълум бир давр маданиятини шу даврда оламни англаш, билиш даражасидан келиб чиққан ҳолда баҳолаймиз.

Маданият нафақат теварак оламни, балки инсонни ўраб турган ижтимоий воқеликни билишга интилиш натижаси ҳамдир. Шу жиҳатдан олганда, маданият — шахс, миллат, жамиятнинг ўз-ўзини англаши ҳам демакдир. Чунки, маданиятда ижтимоий бирликларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари, ўзига хосликлари, жаҳон тарихида тутган ўрни, турли ижтимоий системаларга бўлган муносабати ўз ифодасини топади.

Маданиятнинг билиш функцияси билан ахборот (информатив) функцияси узвий боғлиқдир. Маданият — ахборот функциясининг мазмуни, тўпианган ижтимоий тажриба, билим, малакани узатишда кўннади. Бу — тажриба, билим, маълум ривоятлар, фан, адабиёт, санъат асарлари орқали янги авлод томонидан қабул қилиб олинади, ўзлаштирилади. Бундай узатиш „вертикал“, яъни ўтмиш авлодлардан янги авлодларга ва горизонтал“ яъни айтиш бир тарихий даврда кишилардан кишиларга, бир халқдан иккинчи халққа узатиш кўринишида ҳам бўлиши мумкм.

Маданиятнинг ахборот функцияси мазмуни тўпланган тажрибани „горизонтал“ шаклида узатишнинг моҳияти тушуниб қлинганда янада ёркин очилади. Маданиятнинг ахборот функцияси кишилар

ўртасида муомала, мулоқот, ўзаро таъсир бўлгандагина юзага чиқади. Шунинг учун маданиятнинг ахборот функцияси унинг алоқа (коммуникатив) функцияси билан узвий боғлиқ.

Маданият мулоқот орқали мавжуддир. Айни пайтда, маданият инсон мулоқоти соҳасининг кенгайишига хизмат қилади; кишилар ўртасидаги тўғридан-тўғри, бевосита мулоқот ўтмиш аجدодларга мансуб кишилар, шунингдек, бизга таниш ҳам, қариндош ҳам бўлмаган замонаошларимиз оилани бевосита мулоқот учун имкон яратади.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний. Ибн Сино фалсафий рисолаларини, Лутфий ва Алишер Навоий ғазалларини, А.Қодирий ва А.Чўлпоннинг роман ва, айниқса, шеърларини, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовнинг гўзал шеър ва дostonларини ўқиб, уларнинг дунёқараши фикрлари тарзи билан ошно бўламиз, фикран сўзлашамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, бевосита мулоқот ҳам, билвосита мулоқот ҳам, шахс ривожланишига ҳамма вақт ҳам бирдай таъсир кўрсатавермайди. Айрим ҳолда мулоқот шахс ривожланишига салбий таъсир қилиб, унда зарарли одатлар, хусусиятларни келтириб чиқарса, бошқа ҳолларда шахснинг маънавий камолоти учун хизмат қилиши мумкин. Айни пайтда, мулоқот шахс ривожланишида ҳеч қандай из қолдирмаслиги ҳам мумкин.

Ҳозирги илмий-техника инқилоби асрида оммавий ахборот воситалари — матбуот, радио, телевидение таъсирида билвосита мулоқотнинг доираси ниҳоятда кенгайиб бормоқда. Демак, шахс ривожланишида билвосита мулоқотнинг роли ҳам ўсмоқда.

Кишилар ўртасидаги мулоқот турли воситалар ёрдамида амалга оширилади. Ҳар бир миллатнинг ўз тил бор. Айни пайтда, ҳар бир миллат мулоқотнинг ранг-баранглигини, мазмундорлигини таъминлайдиган, ўзига хос имо-ишоралар, рақс, мусиқа, хулқ-одоб нормалари ва ҳ.к. „тилига“ ҳам эга.

Миллий маънавиятни акс эттирувчи миллий тил билан бир қаторда кўпчилик учун баробар ва тушунарли бўлган миллатлараро мулоқотда ва илм-фан ютуқларининг тез тарқалишида муҳим рол ўйнайдиган байналминал тил — фан тили, унинг тушунчалар ва формулалар тили ҳам борлигини унутмаслик керак. Айни пайтда, XX— XX1 асрда қўлланилиш доираси тор бўлса-да, электрон ҳисоблаш машиналарининг „алгол“, бейсик“, „фортран“ каби „тиллар“и яратилди. Улар ҳам мулоқот воситасидир.

Маданият кишиларнинг фаолиятини ва улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга ҳам хизмат қилади. Бунда маданиятнинг тартибга солиш (регулятив) функцияси намоён бўлади. Маданиятнинг регулятив функцияси кишиларнинг жамиятдаги шароитларга муваффақият қониқиши учун хизмат қиладиган тури нормаларда ифодаланади. Сиёсий, ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий, доимий нормалар ана шулар жумласидандир. Маданиятнинг тартибга солиш вазифаси маросимлар, урф-одатларда ҳам ёрқин кўрмади. Албатта, ҳар қандай маданият нормаси кишининг ички эътиқодига айланган пайтдагина, унинг фаолиятини тартибга солувчи омил бўла олади. Шунинг учун ҳам биз кишиларнинг маданият нормаларини қай даражада ўзлаштирганликларини, уларнинг турли шароитларда ўзларини қандай тутишларига қараб билиб оламиз.

Демак, инсон фаолиятини тартибга солиш, ҳаёт тарзини шакллантириш маданиятнинг муҳим функцияларидан биридир. Бу функцияси туфайли маданият кишиларнинг мулоқотини, ишлаб чиқариш ва турмушдаги муносабатларни маълум нормаларга бўйсундиради.

Ва, ниҳоят, маданиятга баҳолаш (аксиологик) функцияси ҳам хос. Ҳар бир янги маданий қадриятга ижобий ёки салбий, чиройли ёки хунук, адолатли ёки адолатсиз деб баҳо берамиз. Кундалик ҳаётда ҳар биримиз кўпгина бизга манзур ёки номанзур бўлган жараён, воқеаларга дуч келамиз. адабиёт, санъат, кино асарларини яхши ёки ёмон ҳодисалар сифатида баҳолаймиз. Бундай баҳолаш пайтида, албатта, ҳар бир шахснинг ўз қарашлари, қадриятлар тизими муҳим рол ўйнайди. Лекин, аксарият ҳолларда, бундай пайтда, айниқса, баҳоланаётган ҳодиса ўзга маданиятга тегишли бўлса, ўзимиз мансуб бўлган маданият руҳимизга сингдирган қадриятлар тизими устувор бўлади ва бутун буй-басд билан ўзини намоён қилади.

Маданиятнинг фалсафий таҳлили маданият ва жамият муносабатининг яна бир томони — жаҳон маданиятининг хилма-хиллиги, ундаги миллий, этник фарқлар, ўзига хосликларининг мавжудлиги масаласини четлаб ўтолмайди.

Бу каби ўзига хосликларнинг манбаини маданиятлар шаклланишининг тарихий шарт-шароитларидан, босиб ўтган йўлидан қидирмоқ керак. Бу ўзига хосликларда, маълум маънода маданиятлар шаклланган ҳудуддаги жуғрофий муҳитнинг таъсири катта бўлишини ҳам назардан қочирмаслик керак.

Айни пайтда, турли уруғ, қабилалар, элатлар, халқлар, миллатлар

маданияти ҳеч қачон бир-биридан мутлақ ажралган ҳолда мавжуд бўлмаганлигини ҳам унутиб бўлмайди. Маданиятлар ўртасидаги зеро таъсир жараёнида ҳар бир миллий маданиятга ўзга маданият элементлари ҳам бино келади. Одатда, маданиятларнинг бундай ўзаро бойиши, улардаги умумий томонларнинг юзага келиш иараёнига байналмилаллашув (интернационаллашув) деб аталади. Бундай ўзаро таъсир ва ўзаро бойиш, жамият ривожланиши тезла-шиши билан унга мос равишда ўсиб боради. Айниқса, XX асрда саноат, транспорт ва алоқа воситаларида рўй берган "буюк инқилобий ўзгаришлар бу жараённинг янада тезлашувига олиб келди ва маданиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди. Аммо бу жараёнларнинг зиддиятли эканлиги нисбатан кучли тараққий қилган маданиятлар бошқа миллий маданиятларни сиқиб чиқарганида кўринди. Бундай зиддият нафақат айрим миллий маданиятлар ўртасида, балки жаҳоннинг икки маданий қутбига мансуб бўлган Шарқ ва Ғарб маданияти ўртасида ҳам келиб чиқди.

Миллий маданиятдаги ўзига хосликлар объектив реалликдир. Бу ўзига хосликлар миллий мазмуннинг бойиши демакдир. Шу билан бирга, маданиятларнинг байналминаллашуви ҳам шунчалик объектив, зарурий, қонуний ва табиийдир.

14- Мавзу: Қадриятлар фалсафаси. Қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни

Режа.

Қадриятлар тушунчаси ва уларнинг моҳияти.

Қадриятлар турлари.

Қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Ю.Осуповнинг умумий таҳрири остида. Тошкент.1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент2000

Фалсафа. Қомусий луғат. Тошкент.2004

Фалсафа. Ўқув қўлланма.Э.Ю.Осуповнинг илмий раҳбарлигида Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

1.

Ўтмишдаги барча фалсафрй таълимотларда қадриятларнинг моҳияти ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни масаласига катта эътибор берилиб, улар ижтимоий-тарихий тараққиётнинг маҳсули, жамият маънавий камолотининг муҳим омили эканлиги кўрсатиб ўтилади.

Файласуфлар қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни масаласига онтологик, гносеологик, эвристиква дунёқарашлик нуқтаи назаридан ёндашиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти ўз даври талаблари ва имкониятлари доирасида очиқ беришга уринганлар.

Қадриятлар жамият тараққиётининг моддий ва маънавий бойликлари ривожининг якуни инсон камолотининг келажак учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ижобий маҳсулидир.

Инсоннинг обектив оламга нисбатан бўлган актив фаолияти, моддий ва маънавий муҳит, яшаш шарт-шароитларнинг буткул янгиланишлар асосида содир бўлиб, янги-янги қадриятларнинг шаклланишига, ўтмишдан мерос бўлиб қолганлари эса давр руҳи янги ижтимоий эҳтиёж талаблари асосида ривожланишига олиб келади. Бунинг натижасида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий тараққиётнинг имкониятлари ҳам кенгайди. Жамият тараққиёти жараёнида шаклланган ҳар қандай ҳодиса ўтмишда ижобий аҳамият

касб этгани учунгина эмас, балки келажак истиқболи учун янги имкониятлар яратиб беришга қодир бўлганлиги сабабли ҳам қадрият деб аталади.

Қадриятлар оламни билиш ва уни амалий ўзгартириш учун муҳим омилдир. Ҳар бир қадриятнинг моҳияти ва аҳамияти табиат, жамият ва руҳий плам ҳодисаларини билиш, илмий умумлаштириш, ижтимоий ва маънавий тараққиётга таъсир этиш имкониятлари асосида белгиланади. Қадриятларнинг кўплиги, мазмуни, уларни аниқлаш ва эътиқод қилиш — инсоннинг билиш қобилияти ва амалий имкониятлари такомиллашиб, чуқурлашиб, кенгайиб бораётганини ифодалайди. Янги қадриятлар юзага келиши — инсоннинг ҳам, маънавият борасида билимлари ворислик асосида давом этаётганининг ифодасидир.

Қадриятлар инсон маънавий камолотининг муҳим омили ҳамдир. Ҳар бир миллат ривожланишидаги тарихий воқеалар, унга ижобий ҳисса қўшган шахслар ҳам миллий ғурур ва қадриятлар жумласига киради. Қадриятларда улар юзага келган даврнинг руҳи, имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари ўзининг яққол иродасини топади. Ҳар бир қадрият маълум конкрет давр, шароит ва эҳтиёжларнинг маҳсулигина эмас. Балки унинг кўзгуси ҳамдир. Тарихий тараққиёт жараёнида даврлар ўтиши, шароит ва имкониятлар ўзгариб туриши ҳам қадриятларнинг мазмунида, уларга мунқабатда ўз ифодасини топади.

Қадриятларга баҳо беришдан олдин улар юзага келган конкрет тарихий шароитлар, ўша даврларга хос бўлган имкониятлар ва эҳтиёжларни ҳам билмоқ керак. Кечаги воқеаларни бугунги талаб билан ўлчаш мумкин бўлмаганидек, ҳар бир қадриятнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолашга муайян тарихий шароитларни ҳисобга олиб ёндашмоқ керак.

Моддий ишлаб чиқариш, маънавий тараққиёт эҳтиёжлари қадриятлар шаклланишининг асосий омилларидир. Ҳар бир қадрият қайси эҳтиёж асосида юзага келмасин, юқоридаги омиллар билан бевосита, ёки билвосита алоқада бўлади. Қадриятлар тараққиётидаги ворислик шу тариқа узлуксиз давом этаверади.

Қадриятларнинг шаклланиши, уларга амал қилиш имкониятлари кишилар яшаган муҳит табиий шароитлар, ишлаб чиқариш усули, касб малакалари, меҳнат фаолиятнинг асосий йуналишлари. ёши, жинсий жиҳатлари, турмуш тарзи билан ҳам боғлиқдир.

Умуман олганда, қадриятлар жамият тарихий тараққиёти жараёнида шаклланган ва ривожланган ўтмишда, ҳозирги кунда ва келажакда

ҳам ижтимоий тараққиётга ижобий таъсир этадиган, кишилар онгига сингиб, ижтимоий аҳамият касб этган моддий ва маънавий бойликлардир.

Қадриятларнинг обектив ва субъектив томонлари мавжуд.

Қадриятлар кишиларнинг моддий турмуш даражаси, шароити, имкониятлари асосида шаклланади ва ривожланади. Бу — қадриятларнинг обектив заминидир. Қадриятлар ижтимоий моддий, маънавий ҳодиса бўлса ҳам уларнинг аҳамияти ва моҳияти кишиларнинг уларга нисбатан бўлган муносабати асосида белгиланади. Қадрият деган тушунчанинг ўзи ҳам кадр-қиммат деган маънони билдиради. Ҳар бир ижтимоий ҳодисага кишилар ўз дунёқараши, тараққиёт ва истиқбол муаммоларини ҳисобга олиб ёндашадилар ва баҳо берадилар.

Қадриятларни белгилаш турли хилдаги манфаатлар билан ҳам боғлиқдир. Муайян қадриятларга амал қилишга, уларни баҳолашга шахсий гуруҳий, миллий, умуминсоний манфаатлар ҳам бевосита таъсир этиши шубҳасиздир. Булар — қадриятларга баҳо беришнинг субъектив омили ҳисобланади. Қадриятларга баҳо беришда жамият аъзоларининг умумий маънавий камолоти, ижтимоий, миллий онгнинг етуқлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Маънавий жиҳатдан етук шахс жамият, миллий, умуминсоний қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини тўғри баҳолаш имконига эгадир.

Қадриятларнинг ижтимоий аҳамиятини англаш, кишиларнинг истиқбол вазифаларини тўғри тасаввур қила билиш имконияти билан ҳам боғлиқ. Жамият аъзоларида етук ижтимоий миллий онг бўлиши, маънавий камолотнинг юксак — қадриятларнинг ривожланиш имкониятларини кучайтирувчи, ижтимоий ва тафбиявий самара-дорлигини оширувчи омилидир.

„Қадрият“ ва „мерос“ тушунчалари ўзаро яқин бўлса ҳам улар бир хил маънони билдирмайди. Бошқача айтганда, қадрият ва мерос бир-бирига узвий боғлиқ бўлишига қарамай, ҳар қандай мерос қадрият бўла олмайди. Мерос тушунчасининг моҳияти қадриятга нисбатан кенгдир. Бундан ташқари, қадрият фақат ўтмишдан қолган меросгина эмас. Ҳозирги кун талаблари, янги шароит ва имкониятлар асосида шаклланаётган ижтимоий, маънавий, сиёсий ҳодисалар ҳам қадрият ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкурасини ривожлантириш учун катта ишлар олиб борилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги вазифалари ва миллат манфаатларига мос келувчи мафкура

яратилмоқда. Бу мафкурани яратишда ўтмиш меросидан унумли фойдаланилса ҳам у янги даврда шаклланган қадрият сифатида юзага келмоқда.

Мерос — ўтган авлодлар томонидан яратилган, бизгача етиб келган ижтимоий-маънавий, моддий ҳодисалар, маданий бойликлар, урф-у одатлар. маросимлар, ахлоқ меъёрларидир. Мерос — тараққиёт учун зарур омил бўлгандагина, қадрият даражасига кўтарила олади.

Мерос билан қадриятларни баҳолаш мезонлари бир-биридан фарқ қилади. Моддий ва маънавий меросни баҳолашда, унинг тарихий шаклланиши шароитлари ва имкониятларини ўрганишга катта эътибор берилади.

Мероснинг ҳозирги кун учун аҳамиятини билиш уни қадриятлар жумласига киритишдир.

Ижтимоий тараққиёт доим янгилашиб, такомиллашиб турадиган узлуксиз жараён экан бунинг негизда қадриятлар ҳам, уларни баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради.

2.

Қадриятлар моҳияти жиҳатидан моддий ва маънавий қадриятларга бўлинади. Шунинг учун маданият тушунчасига яқин, лекин бир маънода эмас. Инсон кучи, ақли-заковати билан яратилган табиат гўзалликлари, меъморлик, санъат ва маданият асарлари — барчаси моддий қадриятлар жумласига киради. Ахлоқ, одоб, билим, урф, малака, иймон, инсоф, ва бошқалар маънавий қадриятлар ҳисобланади. Моддий ва маънавий қадриятлар бир-бири билан боғлиқдир. Улар, ўз навбатида, қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

Инсон яшаб турган моддий муҳит билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Қадриятларнинг бу турига иқлим шароити, табиат гўзалликлари, миллий. давлат аҳамиятига молик бўлган қўриқхоналар, табиатнинг инсон яшаши, меҳнат қилиши учун зарур бўлган шароит ва имкониятлари киради. Табиий муҳит шароити ва имкониятлари, инсон эҳтиёжлари. яшаш имкониятлари билан тақозоланган тақдирдагина қадрият деб баёлангани. Шу маънода олиб қараганда, табиат сарқитларини қадрият деб қараш, унга маълум мақсад ва манфаат асосида ёндашаётган инсон томонидан берилган баҳодир. Табиатнинг инсон манфаати асосида ўзгартирилган, ўзлаштирилган қисми ҳам қадриятдир.

Анъаналар, урф-одатлар ва маросимларда намоён бўладиган қадриятлар.

Бу қадриятлар, асосан, обектив тараққиёт ва субъектив руҳиятнинг

ифодаси бўлиб, кишиларнинг ўзаро муносабатларида, турмуш тарзи ва фаолиятида, юриш-туришида, ахлоқи ва одобда кўзга ташланади. Ахлоқ инсоннинг ички руҳий эътиқоди, одоб эса унинг амалда намоён бўлишидир. Турли урф-одатлар, маросимлар кишиларнинг кундалик турмуш тарзида, ахлоқий қадриятлар эса, уларнинг юриш-туриши, ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Маънавий камолотни ўзида мужассамлаштирган инсон ҳам олий қадрият ҳисобланади.

Инсоннинг ақл-идроқи ва амалий фаолияти заминида шаклланган меҳнат малакалари ва кўникмалари, билим ва тажрибалари, қобихят ва истеъдодларида намоён бўладиган қадриятлар.

Бу қадриятлар инсоннинг меҳнат малакалари, ижтимоий қизиқишлари, меҳнат маҳсули турларини яратиш соҳасидаги амалий имкониятлари, билими, истеъдоди ва қобилиятларидир. Рассом қолида қалам ушлагани учун эмас, балки тажрибада шаклланган билим ва истеъдод эгаси бўлгани учун ҳам буюк санъат асарларини ярата олади.

Одамлар ўртасидаги жамоатчилик, ҳамкорлик, хайрихоҳлик, ҳамжихатлилиқка асосланган муносабатларда намоён бўлаётган қадриятлар.

Инсон тирик мавиудот сифатида табиатнинг маҳсулидир. Лекин, инсон сифатида у фақат жамиятда, одамлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий маънавий муносабатлар таъсирида шаклланади. Жамоадан ажралиб қолиш кишиларда худбинлик, жамиятдаги ҳуқуқий, ахлоқий муносабатларни менсимаслик сингари хислатларни кучайтиради. Бинобарин одамлар жамоаси ўртасидаги инсонпарварликка асосланган муносабатларнинг камол топиши ҳам жамият ва шахс камолотининг энг муҳим омилларидандир. Ўзбеклардаги маҳалла-қуйчилик, кўни - қўшничилик, қариндош-уруғчилик, дўст-биродарлик одатларида одамлар ўртасидаги муносабатларни юксак инсонпарварлик мезонлари асосида ташкн этишга имкон берадиган жиҳатлар кўпдир. Бундай муносабатларда намоён бўладиган қадриятлар дунёдаги барча халқларда ҳам бор. Лекин, улар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса ҳам, шакл борасида турлитумандир.

Кишиларнинг ёши, касби, жинси ва ирқий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қадриятлар.

Инсон ҳаётининг турли даврлари, фаолият соҳаларига назар ташлар эканмиз, бу соҳаларда ҳам эътиборга сазовор бўлган қадриятлар ва уларнинг мезонлари борлигини кўрамиз.

Чорвадор бепоён далаларни, деҳқон эса суғориш мумкин бўлган ерларни кўпроқ қадрлайди. Кишилар бирор ижтимоий, табиий нарса я ҳодисага, кўпинча, ўз касб-хунарлари, манфаатландан келиб чиқиб баҳо берадилар. Қадрланган нарсагина қадрият бўлганидек, қадрлашнинг ўзи ҳам қатор ижтимоий, иқтисодий, табиий омиллар билан белгиланади. Ўзбек аёллари асрлар давомида атлас кўйлакни қадрлаганидек, эркаклар кўк, қора, беқасам ва сатиндан тикилган чопонларни қадрлаб келганлар. Ёшларнинг модаларга, мусиқа ва ашуланинг шўх турларига ҳавас қилишлари ҳам қадриятларга нисбатан бўлган мезонларнинг ёш. кайфият билан боғлиқ бўлган ўткинчи жиҳатларидир. Кекса кишилар, кўпинча, насиҳат билан боғланган, чуқур фалсафий ғояларни билдирадиган куй ва ашулаларни ёқтирадилар, ёшларни эса кўпроқ ўйин-кулгу билан боғлиқ бўлган ашулалар ўзига жалб этади.

Юқорида баён этилган қадриятлар ўз навбатида, умуминсоний, минтақавий, миллий, диний қадриятларга бўлинади.

Умуминсоний қадриятлар жаҳон цивилизациясининг яхлитлиги, унинг барча босқичлари бир-бири билан узвий боғланганлининг ифодасидир. Кишиларнинг турмуш шароитларида, касб-хунарларида, миллий, диний мансублигида, фаолиятида, ёшида фарқ бўлса ҳам улдрнинг ҳаммасида бир-бири билан боғлиқ бўлган туб моҳиятли жиҳатлар ҳам бор. Ҳар бир инсон яхши яшашга, оила қуришга, фарзанд кўришга, бошқалар билан яқин дўст, қадрдон бўлишга интилади, фаровон турмуш қуришга, маданият, фан, техника ютуқларини эгаллашга, бахтли бўлишга ҳаракат қилади. умуминсоний қадриятларнинг илдизлари барча даврлар, жамиятлар, мамлакатларда мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий мунпсабатлар, кишиларнинг меҳнати, турмуш шароити ва унинг даражаси, ният ва интилишлари, мақсад ё манфаатларидаги бирликдир. Умуминсоний қадриятлар деб барча инсонларнинг тарихи, мероси, истикболи, истикбол ва манфаатларида мавжуд бўлган туташ, умумий заминлар ва манфаатлар асосида ташкил топган, тараққиётнинг янги босқичида ҳам барчанинг манфаатига мос келадиган ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳодисалар ва бойликларга айтилади.

Умуминсоний қадриятлар қандайдир ўзгармас, ақидавий тушунчалар эмас. Даврлар ўтиши, шароит, талаб ва эҳтиёжларнинг ўзгариши билан уларнинг мазмуни, баҳолаш мезонлари ҳам ўзгариб боради. Лекин, бу ўзгаришлардан қатъий назар умуминсоний қадриятлар

одамларни жипслаштирувчи, маълум мақсадлар, ижтимоий, маънавий камолотнинг муайян мақсадлари учун биргалашиб курашишга, ҳаракат қилишга чорловчи ижтимоий ҳодисалардир.

Умуминсоний қадриятлар миллий ё минтақавий қадриятларнинг умумлашган ифодасидир. Умуминсоний қадриятлар бутун инсониятга хос қадриятлар асосида ташкил топади ва ривожланади, улар, айтилиши вақтда, барча миллий қадриятларнинг бир-бирига яқинлашиши ва ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Инсонпарварлик ғояларига садоқат, демократия, ижтимоий адолат ҳамма ерда барқарор бўлишига интилиш, инсон ҳуқуқлари поймол этилишига йул қўймаслик, ҳамма халқларнинг миллий мустақиллик учун бўлган курашларни ҳимоя қилиш, кишиларни дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамдардликка чорлаш, ҳамма ерда тинчлик, осойишталик қарор топишига ҳаракат қилиш, атроф муҳитни тоза сақлаш умуминсоний қадриятларнинг ҳозирги кунда катта аҳамият касб этаётган жиҳатларидир.

Минтақавий қадриятлар ҳам умуминсоний қадриятлар билан чамбарчас боғланган.

Қадриятларнинг бу туркуми бир-бирига яқин бўлган шароитларда яшаган ва меҳнат қилган, тарихи туташ бўлган мамлакатлар ва халқларда учрайди. Бу қадриятлар ҳозирги кунда ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Ўрта Осиё халқлари минг йиллар давомида бир-бири билан яқиндан иқтисодий ва сиёсий алоқалар ўрнатганлар. Уларнинг турмуш шароитлари, тили, маданияти, дини, урф-одатлари бир-бирига яқин бўлиши кўплаб умумминтақавий қадриятлар шаклланишига олиб келган. Бу қадриятлар турли жойларда бир-биридан бироз фарқ қилсада, моҳият жиҳатидан яқиндир.

Ота-онага бўлган ҳурмат дунёқағи барча халқларда учрайди. Лекин, бизнинг минтақамизда бу қадриятни эъзозлаш бошқа ҳамма жойлардагига нисбатан устунроқ туради. Ҳашар йўли билан уй-жой куришда, уй-жойларни таъмирлашда бир-бирига ёрдам кўрсатиш, етим-есирларнинг, бева-бечораларнинг пешонасини силаш, уларни қариндош-уруғлар ўз ҳимоясига олиб, хор-у зор бўлиб қолишига йул қўймаслиги ҳам минтақамиз халқларининг барчасига хос қадриятдир. Катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган минтақавий қадриятлардан яна бири — жамотчилик фикридир. Жамоатчилик фикри одамлар ўртасидаги бир-бирига яқинлик, ўзаро ҳурматнинг ифодаси бўлиб, кенг фойдаланиш мумкин бўлган қадриятдир.

Қадриятнинг энг муҳим турландан яна бири — миллий қадриятлардир.

Миллий қадриятлар умуминсоний ва минтақавий қадриятлар билан бирликда мавжуд бўлади. Умуминсоний минтақавий қадриятлар миллий қадриятларнинг кўп томонларини ўз ичига олади. Миллий қадриятлар умуминсоний минтақавий қадриятлар тасирида кенг ривожланиш, такомиллашиш имконига эга бўлади. Улар ўртасидаги мунтазам давом этиб борадиган диалектик муносабат жаҳон цивилизацияси ривожланишининг муҳим омилларидан биридир.

Миллий қадриятларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос тарихи, тили, маданияти, ахлоқий ва психологик фазилатдан, яшаш шароити, турмуш тарзи, ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлангандир. Миллий қадриятларнинг ҳар бир кўринишини узоқ тарихий тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганиш орқалигина тўғри тушуниб олиш мумкин.

Миллат мавжуд экан миллий қадриятларнинг аҳамияти асло камаймайди. Миллатларнинг маънавийат жиҳатидан "бир-бирига яқинлашиб бориши ҳам миллий қадриятларнинг ривожланиши ва амал қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Ҳар бир миллат ўз қадриятларини ривожлантириши ва уларга амал қилишида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусининг аҳамияти каттадир. Миллий руҳият ва маънавийатдан маҳрум бўлган кишиларгина ўз тили, тарихи, анъаналарига нигихцик муносабатда бўлиши мумкин. Агар шунадй аҳвол маълум сиёсат таъсирида кенгайиб борса, миллат бирлиги ва камолоти учун ниҳоятда хатарли ҳоли юзага келади. Албатта, ҳар бир халқ ўз миллий қадриятлар қобиғида ўралиб қолмаслиги керак. Бундай йулдан борилганида миллатнинг тараққиёти суръатлари пасаяди. Миллат учун маҳдудлик ва миллий калиндимомғлик ҳеч вақт маънавий, ижтимоий камолот омили бўлган эмас. Бошқа миллатларнинг қадриятларини ўрганиш, ҳамма вақт ҳам тараққиётнинг омилларидан бири бўлиб келган.

Қадриятлар қанчалик бир-бирига яқинлашиб, таъсир кўрсатмасин, ҳар бир миллат учун маънавий камолотнинг асосий йўли ва меъзони миллий қадриятлар бўлиб қолади. Бирон миллатнинг, яхши урф-одатлари, маросимлари қачонки бошқа миллат руҳига, миллий-маънавий эҳтиёжи ва талабларига мос келгандагина шу миллат ҳаётида чуқур томир отиш имконига эга бўлади.

Сўнгги бир асрга яқин дайр давомида ўзбек рақсларида. куйларида, ашулаларида жуда катта ўзгаришлар бўлганини инкор этиб бўлмайди. Бу ўринда Европа, Ҳиндистон, Яқин Шарқ мамла-катлари маданиятининг таъсири ҳам катта бўлди. Ҳозирги ўзбек рақслари, куйлари, кўшиқларининг айримлари мумтоз маданий меросининг айнан ўзи эмас. Рақсларда Европа, Осиё рақс мада-ниятларининг кўп жиҳатлари сезилиб туради. Бу жиҳатдан ўзбек халқининг рақс маданияти борасидаги қадриятлари анчагина бойиди. Лекин, мохият жиҳатидан рақсларимиз, асосан, миллийлик руҳини сақлаб қолди.

Миллатнинг руҳияти, тарихий анъаналари, маънавий эҳтиёжига мос келмайдиган бегона қадриятларни унга зўрлаб сиғдириш мумкин эмас. Айниқса, бой тарихий меросга эга бўлган халқлар маънавий ҳаёт борасидаги зўравонликни руҳан қабул қилмайдилар.

Ҳар бир халқ қадриятларига нарса ёки ҳодиса, биринчи навбатда, унинг миллий маънавияти билан боғлиқ бўлади.

Миллий қадриятлар ҳам қандайдир ўзгармас ҳодиса эмас. Миллат тараққиёти билан боғлиқ бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳаётнинг такомиллашиб бориши, яшаш ва меҳнат қилиш шароитлари озгариши билан миллий қадриятлар ҳам ривожланиб боришига имкон яратилади.

Умуммсоний, минтақавий, миллий қадриятлар билан бир қатор-да, диний қадриятлар ҳам мавжудқир.

Диний қадриятлар ҳам жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитлардаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади. Диний қадриятлар умуминсоний, минтақавий қадриятларнинг қандайдир алоҳида, бошқалардан кескин ажралиб турувчи сонаси эмас. зеро, ҳар қандай дин ҳаёт талаблари, турмуш шароити ё эҳтиёжларидан ажралган ҳолда пайдо бўлмаган. Барча динларнинг келиб чиқишига маълум тарихий даврлардаги ижтимоий, сиёсий, ғоявий шароитлар, улар билан боғланган эҳтиёжлар сабаб бўлган. Динларнинг келиб чиқишига асос бўлган сабабларни ижтимоий ҳаётнинг ўзидан изламоқ керак. Реал ҳаёт воқеалари, эҳтиёжлари илоҳийлаштирилганида, мохияти, содир бўлиши сабаблари илоҳий кучларнинг иродаси билан боғлангандагина диний тус олади.

Ислон дим шаклланаётган даврда Муҳаммад саллаллоху алайҳи васалам араб қабилалари орасида кенг тарқалган кўплаб урф-одатлар, маросимлар ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга илоҳий тус бериб, уларни янги диннинг ажралмас қисмига айлантирди. Арабларнинг юриш-туриши, одоби ва ахлоқи, оилавий ва қабилавий муносабатлар

борасидаги кўплаб қадриятлари ислом динининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Умуминсоний, миллий, диний қадриятларнинг кўплари Қуръони Каримда, Ҳадисларда ҳам катта ўрин олган. Ҳадисларда баён қилинган ахлоқий меъёрлар инсон камолотига катта ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Собиқ Иттифоқ даврида диний қадриятларнинг барча томонларини тўла инкор этиш йулига ўтиб олиб, жамият маънавий камолотини таъминлашнинг кўпгина имкониятларидан маҳрум бўлиб қолдик. Диний қадриятларнинг мазмунида миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг кўпгина жиҳатлари беприлигини билмаслик, маънавий жоҳиллик ботқоққа ботиш — жамиятимиз оошидан кечирган купчилик йуқотишларга сабаб бўлди.

Қадриятларга баҳо беришнинг бош мезони — тарих сабоқлари, тажриба, ҳозирги давр ва истиқлолнинг талаблари эҳтиёжларидир. Шунинг учун қадриятларга ақждапарацлик, қироатхонлик, кўр-кўрона сиғиниш йули билан эмас, балки соғлом ақл, фан ютуқлари, ижтимоий-манавий тараққиёт талаблари ва имкониятларига асосланиб ёндашмоқ керак.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши, тоталитар буйруқбозлик тузумининг мафкуравий ҳукмронлигига барҳам берилиши — диний қадриятларга нисбатан янгича ёндашишга имкони яратди. Кўпгина диний маросимлар тикланди, фуқаролар ўзларининг диний эътиқодлари билан боғлиқ бўлган маросимлар урф-у одатларни тўсиқларсиз амалга ошира бошладилар. Шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги масжитлар қурилди: эскилари таъмирланди. “Рамазон ҳайит”, „Қурбон ҳайит“ сингари маросимлар ҳамма ерда амалга ошириладиган оммавий байрамларга айланди.

3.

Қадриятлар катта тарбиявий аҳамиятга эгадир, қадриятларнинг моҳияти билиш уларга эътиқод, ихлос қўйиш — ёшларда миллий ғурур, ватанпарварлик, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантиришда, инсонпарварлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик фазилатларини камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йулига ўтган ҳозирги шароитда ватанпарварлик тарбияси катта аҳамият касб этмоқда. Ватанпарварлик ўз ватанини виждонан севиш, унинг мустақил тараққиётини ва истиқлолининг моҳиятини англаб олиш ва ўз эътиқодига айлантириш, миллий манфаатларини ҳамма соҳаларда

сидқидилдан ҳимоя қилишда фидойилик намуналарини кўрсатишдир.

Бу борада ўлкамиз тарихидан намуна оладиган, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўплаб қадриятлар бор. Ота-боболаримиз Ватанимизни ажнабий босқинчилардан ҳимоя қилиш учун асрлар мобайнида мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар.

Ватанпарварлик фақат қўлига қурол олиб ватан учун курашиш эмас. Фан, маданият, амалий меҳнат малакаларини чуқур эгаллаб, Она юрт довуғини оламга ёйиш ҳам ватанпарварликдир. Кўплаб буюк ватандошларимиз фан, маданият, юксак амалий санъат маҳакаларини эгалиаб, ривожлантириб ўз Ватанларининг обрў-сини оламга ёйганлар.

Миллий ифтихор ҳам миллий қадриятларни тола англаш, улар билан фахрламшдир. Ватанпарварлик ва миллий ифтихор бир-бири билан боғланган қадриятлардир. Юксак миллий ифтихор заминидagina ватанпарварлик бўлиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистон учун ҳақиқий ватанпарвар, фидойи ёшлар керак. Шундай ёшларни тарбиялашга замин бўладиган миллий қадриятларимиз ниҳоятда кўп. Улардан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик билан боғлиқ бўлган ватанпарварлик фақат тарихий ўтмишни чуқур англашдан иборат эмас. Бу ўринда Ватанимиз олдида турган ҳозирги вазифалар ва уларни бажариш имкониятларини билишда жонбозлик, фидойилик намуналарини кўрсатиш ҳам керак. Бозор иқтисодиёти муносабатларига қўтиш кишиларда шахсий интилиш, ташаббускорлик, манфаатдорлик хислатларини ҳам кучайтирди. „Ўзинг учун ўл етим“, деган ғоя асосида фаолият кўрсатиш ҳоллари кучайиб бормоқда. Лекин, ҳозиргидек масъулиятли, тарихий бурилиш палласида шахсий манфаатдодик кайфияти қанча кучаймасин, Ватан, Истиқлол масалаларини сояда қолдириб бўлмайди. Она-Ватан озод ривожланиб, жаҳон тараққиётининг юксак босқичларига кўтарилган тақдирдагина инсон ўз манфаати билан боғлиқ бўлган ишлари ҳам тез амалга ошириши мумкин.

Ахлоқий тарбия борасида ҳам миллий қадриятларимиз ниҳоятда катта аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбекларда оилада, жамоатчилик ўртасида бола тарбиясини амалга оширишда катта тажриба бор. Бу тажриба асрлар давомида синовдан ўтиб, миллий қадриятга айланиб кетди. Бу қадриятлар болаларда меҳнатсевариик, исонпарварлик, ҳалоллик, ота-онани, катталарни

хурмат қилиш, кичикларни иззат қилиш, камтарлик каби хислатларни тарбиялашга ёрдам беради. Миллий педагогиканинг бу борадаги мероси ҳам буюк қадриятдир. Шу сабабли ҳам ўзбек ўзининг тарбияси, меҳнатсеварлиги катталарга хурмат-эътибори, камтарлиги, андишаллиги, ҳалоллиги билан ажралиб турадилар.

Экологик маданиятни шакллантиришда миллий тарбия анъаналарига оид қадриятларнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Ўзбек оилаларида болалар ёшлигиданоқ кўча супуриш, ҳовли тозалаш, сув сепиш, дарахт экиш, парвариш қилишга ўргатилар эди. Сувни ифлос қилмаслик, аҳлатни ҳамма жойга ташламаслик ҳам улкан миллий қадриятга айланиб кетган. Ўлкамиздаги экологик вазият анча оғирлашиб қолган ҳозирги шароитда бу қадриятлар ҳам катта тарбиявий омил бўлиши мумкин.

Ўзбек қизларини меҳнатсеварлик, камтарлик руҳида тарбиялаш борасида ҳам катта тарихий анъаналаримиз бор. Номус, иймон, қизлик иффатини юксак тутиш одати ҳам улкан миллий қадриятдир. Қадриятларга холисона ёндашиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш — ҳозирги кундаги кўплаб долзарб муаммоларни ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Мавзу-15. "Фан фалсафаси" (2 соат)

РЕЖА:

1. Фан тушунчаси. Жамият ҳаётида фаннинг роли ва аҳамияти.
2. Ҳозирги замон фанларининг ривожланиш хусусиятлари. Фанда дифференция ва интеграция жараёнлари.
3. Илмий-техник инқилоб ва жамият ҳаётида фан аҳамиятининг ортиб бориши.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т., "Ўзбекистон", 1997.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т., "Ўзбекистон", 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. –Т., "Ўзбекистон", 1999.
4. Основы философии. –Т., "Ўзбекистон", 1998.
5. Фалсафа. –Т., Шарқ, 1999.
6. Falsafa. –Т., "Ўқитувчи", 2005.

15- Мавзу. Фан тушунчаси. Жамият ҳаётида фаннинг роли ва аҳамияти.

Режа:

1. Фан тушунчаси. Жамият аётида фаннинг ўрни ва аҳамияти.
2. Ҳозирги замон фанининг ривожланиш хусусиятлари.
3. Илмий-техник юксалиш, унинг асосий йўналишлари. Илмий инқилоблар.

Фан – инсон фаолиятининг соҳаси бўлиб, унинг мақсади – предметларни ҳамда табиат, жамият ва тафаккур процессларини, уларнинг хоссалари, муносабатлари ва қонуниятлари ўрганишдир; ижтимоий онг шаклларида бири. “Фан” сўзининг айнан маъноси – билим демакдир. Бироқ ҳамма билимлар ҳам илмий деб қарала бермайди.

Кундалик ёки турмуш тажрибаси деб аталган нарса, яъни оддий кузатиш ва амалий фаолият асосида олинган, фактлар ва процессларни оддийгина тавсифлашдан, уларнинг соф ташқи томонларини аниқлашдан нарига ўтмайдиган билим фанга тааллуқли эмасдир. Том маънодаги илмий билим фақат фактларнинг мажмуи замирида қонуният – улар ўртасидаги умумий ва зарурий алоқа борлиги англаган чоқдагина бошланади, бу эса нима учун айни ҳодиса бошқача эмас, худди шундай юз берилишини изохлаш, унинг янада қандай ривожланиши олдиндан айтиш имкониятини беради. Фан фактлар ва қонунлар ҳақидаги билимларнинг оддий мажмуидан иборат эмас, балки системага солинган билимлар мажмуидан иборатдирки, бу системада мазкур факт ва қонунлар муайян муносабатлар билан ўзаро боғланган бўладди ва бир-бирини тақозо қилиб туради. Фаннинг ривожига фактларни оддий тўплашдан, улар орқали айрим қонуниятларни ўрганишдан, улар орқали айрим қонуниятларни ўрганиш ва ичиб беришдан яхлит боғланган, мантиқий жиҳатдан мунтазам бўлган, аллақачондан маълум эски фактларни изохлаб, янгиларини олдиндан айтиб берадиган илмий назарияга қараб боради.

Илмий билимнинг тўғрилиги фақат унинг мантиқий жиҳатдан зиддиятли бўлмаслиги билан, исбот қилинишлиги билан эмас, балки аввало албатта уни практикада – кузатиш ва илмий экспериментда текшириб кўриш билан белгиланади. Ана шу билан илмий кўр-кўрона эътиқоддан, яъни бирон-бир қонидани қандай бўлмасин бирор

йўсинда мантикий асосламасдан ва амалий синовдан ўтказмасдан туриб, уни ҳақиқат деб сўсиз эътироф этишдан тубдан фарқ қилади. Шу сабабли кўр-кўрона эътиқодга асосланган ва воқеликни хаёлий суратда бузиб тасвирлаб кўрсатадиган динга қарама-қарши ўлароқ фан инсонга оламнинг чин манзарасини кўрсатади ва бу манзара фан тараққий қилган сари тобора тўлароқ ва аниқроқ бўла боради.

Фан ҳодисаларнинг объектив қонунларини очиб бераркан, уларни воқеликка қатъий суратда мувофиқ келадиган абстракт тушунчалар ва схемаларда ифодалайди. Фаннинг санъатдаги билишдан фарқи ана шундадир. Санъат фантазия, тўқима образларни мумкинлигига йўл қўядиган конкрет бадиий образларда билинган нарсани ифодалайди. Фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши пировард ҳисобда моддий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, жамият тараққиёти эҳтиёжлари тақозосига боғлиқдир. Бироқ фан ҳам ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ривожига муҳим таъсир кўрсатиб, табиатнинг илгари маълум бўлмаган янги хоссаларини, янги материалларини, ударни ишлашнинг янги методларини, янги энергетик манбалари очиб бермоқда ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолнинг илгари мутлақо хаёлга келтириб бўлмайдиган соҳаларининг юзага келиши учун имконият яратиб бермоқда. Ишлаб чиқаришда ва жамият ҳаётида фаннинг роли тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Илмий билимлар ҳосил қилиш усулларига қараб, фанлар экспериментал ва фундаментал фанларга ажратишди. Шунингдек, улар ўрганиш объектига қараб, табиий, ижтимоий-гуманитар ва техник фанларга бўлинади. Тадқиқот предметини чуқурроқ ўрганиш жараёнида фаннинг янги соҳа ва тармоқлари вужудга келади.

Илмий билишнинг ўсиши ва информациянинг узлуксиз тўпланиб бориши олимларга ҳар-хил соҳалардаги фанларнинг ўзаро алоқадорлигини чуқур ўрганишни вазифа қилиб қўймоқда. Кун сайин кашф этилаётган янги илмий йўналишлар ва янги фанларнинг узлуксиз пайдо бўлиб ва ривожланиб бориш жараёни идеаллашмоқда. Булар ўз навбатида моддий оламини билишда ва ҳар бир фан ичида дифференциациялаш (янги-янги тармоқларга ва мустақил фанларга айланиш) ни янада тезлаштириб юборади. Натижада ҳозирги кунда инсон билими мингдан ортиқ фанларда ўз ифодасини топди. Ушбу жараён янада авж олмоқда.

2. Ҳозирги замон фанларининг ривожланиш хусусиятлари. Фанда дифференция ва интеграция жараёнлари.

XIX асрда бир бутун, яхлит ҳисобланган классик фанлар эканликда бир қанча фанлар системасидан иборат бўлиб қолди. Масалан, яхлит ва ягона ҳисобланган классик физика эндиликда микро, макро ва мегаолам қонунларини ўзида мужассамлаштирувчи бир қатор фан системасидан иборат бўлиб қолди. Химия ҳам ҳозирда ўнларча амалий ва назарий фанлар бўлиниб кетдики, хатто уларнинг ўз ичида ҳам дифференциялашиш яна давом этмоқда. Шунга ўхшаш ҳолатни биология ва бошқа фанларда ҳам кўрамиз. Информация оқимининг узлуксиз ортиб бориши илмий билимларнинг дифференцияланиши жадал суръатлар билан ҳал этишни талаб қилади. Бу эса ўз навбатида яна бир қатор социал ва илмий проблемаларни илгари сурмоқда. Масалан, дифференциялашиш билимлар миқёсидаги ортиб ва чуқурлашиб боришига сабаб бўлими билан бирга, фанларнинг жуда кўп соҳаларга бўлиниб кетишига, мутахассислашувининг торайишига ва уларнинг ўзаро боғланиш имкониятларини чеклашга ҳамда, бир бутун яхлит билимларни айрим фан мутахассислари қўлида тўпланишига қийинчилик туғдирмоқда. Айтайлик, информация миқёсининг ғоятда кенгайиб кетиши сабабли хатто бир бутун физика, химия ёки биология соҳасида билимдон мутахассис олим бўлиши қийин бўлиб қолди. Эндиликда универсал физик ёки универсал биология йўқ. Эндиликда олимлар маълум тор соҳалардагина мутахассис бўлишлари мумкин.

Лекин ижтимоий практика, ҳозирги замоннинг индустриялашган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари, фанларнинг интеграциясини илмий проблемаларни комплекс ҳал этишни ҳам талаб этмоқда. Бундай ҳолда юқорида қайд қилинган мураккаб проблемаларни умумлаштира оладиган ва умумий қонуниятларни ўзида мужассамлаштирадиган назария зарурдир. Бундай назария фақатгина философия соҳасига мансуб билимлар бўла олади. Шунинг учун ҳам барча табиий ва ижтимоий билимларни интеграциялаш ва синтезлаштириш эҳтиёжи олимларни, айниқса табиётшуносларни философияга муқаррар яқинлаштирмоқда. Фанларни умумлаштиришга интилиш фақат ҳозирги давргагина хо хусусият эмас, дифференциялашув ва интеграция асрлар давомида содир бўлиб келган, лекин бизнинг давримизда келиб ушбу жараён ғоятда тезлашиб кетди.

Табиётшунослик тарихидан маълумки, билимларнинг ягона системасини яратишга турли давр олимлари (масалан, натурфилософия) жуда кўп уриниб кўрган эдилар. Лекин табиатнинг турли соҳалари ҳақидаги билимларнинг ҳали етарли эмаслиги, уларнинг ушбу ҳаракатларини муваффақиятсизликка учраган эди. Масалан, XVII-XVIII асрларда табиётшунсоликда ҳукм сурган олам манзараси ҳақидаги механик таълимотга ўша даврларда ривожланган классик физика (механика) назариясининг барча моддий олам ходисаларига татбиқ, этилиши сабаб бўлган эди. Шунга қарамай, билимларни умумлаштириш ва яхлитлаштиришга интилиш ҳамма даврлардаги билиш жараёнига хос хусусият бўлди.

Таниқли физик олим М.Планкнинг таъкидлашича “Фан ўз моҳияти билан ички бир бутунликка эгадир, унинг айрим тармоқларга бўлиниши, унинг ўз табиатидан келиб чиқмай, балки инсоннинг билиш имконияти билан шартлангандир. Ҳақиқатда эса физикадан химияга, ундан биология ва антопология орқали ижтимоий фанлар сари бориши, агар ўзбошимчалик билан узилмаса, бу ҳеч еридан узилмайдиган занжирдан иборатдир.”¹

Билимларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва ғоят чуқурлашуви ҳозирги даврда уларни умумлаштириш ва синтезлаш учун максимал имкониятларни яратиб беради. Натижада инсоният, тарихда мисли кўрилмаган ишлаб чиқариш қудрати барпо бўлди. БУ эса ижтимоий ҳаёт тараққиётини келажаги ва тақдирини олдиндан назарий аниқлаш имкониятини вужудга келтирди. Билимларни умумлаштириш ва синтезлашнинг ҳозирги даврдаги формалари ҳам ҳар хил, баъзилари ҳар хил илмий методларни умумлаштиради, бошқалари назарияларини, учинчилари эса, назария билан практика бирлигини умумлаштиради.

Синтезлашнинг етакчи формаларидан бири – бу бир неча фанлар оралиғидаги тўлдирувчи ёки туташ фанларнинг вужудга келишидир. Масалан, механика билан физика ўртасида туташ ва янги фан квант механикаси ҳисобланади, химия билан биология ўртасида – биохимия, химия билан геология ўртасида – геохимия ҳисобланади. Шунингдек, тирик ва ўлик табиат алоқаларини синтезлаштирувчи туташ фанларнинг турлича вариантлари ҳам бор, булар: геофизика, биогеохимия, молекуляр биология ва ҳоказолар бўлиб, булар янги фан сифатида яқинда вужудга келди.

Туташ фанларнинг вужудга келиши оламни билиш кўламини

¹ М.Планк. Единство физической картины мира. М., 1966 г.

янада кучайтиради ва тирик табиат билан ўлик табиат ҳамда табиат билан жамият ўртасидаги боғланишни янада чуқурроқ ўрганиш учун кенг имкониятлар яратди. Масалан, физика, химия ва математика методларини қўлланиш натижасида биология фанлари тирик системаларнинг микроструктурасига, ички дунёсига янада чуқурроқ кириб бормоқда. Лекин туташ фанларнинг синтезлаш роли ва аҳамияти қанчалик катта бўлмасин, уларнинг интеграллаш имконияти ҳар ҳолда чеклангандир. Чунки, улар синтезлашни маълум чекланган соҳада бир неча фанлар ёки уларнинг методлари ўртасидагина олиб борадилар. Қатор назарияларни кенг миқёсда синтезлаш туташ фанлар чегарасида чиқиб кетади. Бу ерда ҳам янада кенгроқ, таъсир доирасига эга бўлган назария – яъни философия зарурдир. Билимлар интеграцияси эндиликда ғоят юқори абстракция босқичига кўтарилган назарияларни келтириб чиқардики, оддий назарияларан фарқлаш учун олимлар уларни метафанлар ёки интеграллаштирувчи фанлар деб атамоқдалар. Мазмуни ва функцияларига қараб метафанлар ўзига хос билимлар системасидан иборат бўлиб, уларнинг қонунлари табиат ёки жамиятда содир бўладиган жуда кўп моддий процесслар учун ҳақиқий асос бўлади. Шуниси ҳам борки, бундай синтезлаш фақатгина бир ёки бир неча параметрларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади, уларга хос барча белги ва хусусиятлар комплекс олинмайди. Масалан, тебраниш назарияси, автоматик мослаш назарияси, кибернетика ёки бионика фанлари худди шулар жумласига киради. Кибернетика бу – динамик системаларидаги бошқариш жараёнларининг қонуниятлари ҳақидаги фан бўлиб, у бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳар хил формаларидан абстрактлашган ҳолда фақатгина уларнинг ҳаммасига хос бўлган умумий белгиларинигина очиб беради. Табиётшунослар ва баъзи философлар метафанларнинг синтезлаш ва умумлаштириш кўламининг кенглигига қарабгина ушбу фанлар философия функциясини эгаллаши мумкин деган хато фикрни айтмоқдалар. Мана шундай фанлардан бири деб умумлашган методга эга бўлган кибернетикани кўрсатмоқдалар. Лекин, абстракциялаш ва умумлаштириш даражасининг юқори бўлишига қарамай метафанлар, жумладан кибернетика ҳам интеграллаш, умумлаштириш вазифасини математик аппаратни кенг қўлланиш асосида, махсус илмий методлар ёрдамида бажаради. Шунинг учун кўпинча реал жараёнлар билан метафанлар хулосаларини таққослаганда бошқа янада умумийроқ, назарияларни қўлланиш зарурияти туғилади. Мана

шундай методологик синтезлаш эҳтиёжи философияга бориб тақалади. Ҳозирги даврда назария, техника ва ишлаб чиқаришни синтезлашга олиб боровчи назарий фанлар билан истиқболлидир. Чунки, у ҳозирги замон ишлаб чиқариши тараққиётининг эҳтиёжлари билан шароитлангандир. Маълумки, ҳозирги замон техникаси асосида турган ва ҳал этилаётган вазифалар жуда мураккаб комплекс характерга эгадир. У бир томондан моддий ва маънавий ишлаб чиқариш талабларини қондиришга қаратилган бўлса, иккинчи томондан эса табиий фанларнинг ўзидаги энг янги ўлчов асбоблари, тажриба қурилмалари, кузатиш воситалари билан қуролланган экспериментал база билан таъминлашга қаратилгандир. Ушбу икки томон шу қадар ўзаро боғлиқки, уларни татбиқий ва назарий аҳамиятини бир-биридан ажратиб олиш қийиндир. Масалан, космик кема ва йўлдошларни яратиш комплекс характердаги жуда кўп илмий ва техникавий вазифаларни, чунончи, янги материаллар технологиясини ишлаб чиқиш ва амалий ўзлаштириш, узоқ масофалар билан алоқа ўрнатиш ва бошқариш, комик медицина проблемаларини ҳал қилиш каби заруриятларни туғдирди. Шунга ўхшаш бошқа соҳаларда ҳам, халқсимон тезлатгичлар ярим ўтказгичлар ва олдиндан хусусиятлари белгилаб қўйилган химиявий моддаларни ишлаб чиқариш каби проблемаларни ҳал қилиш ҳам ғоят кенг ва мураккаб назарий масалаларни олға ташлайди. Буларнинг ҳаммаси илмий ижод характерини муҳим ўзгартиришга олиб келди. Чунки, илмий-тадқиқот ишида аввало, соф илмий ва соф татбиқий характердаги проблемаларни ўзаро қарама-қарши қўйиш одати бекор бўлаётир, сўнгра эса илмий фаолиятда коллектив ижодият каби янги усулни вужудга келтирди; учинчидан эса, табиётшуносликнинг экспериментал базаси характери ўзгарди ва улар тар лабораториялардан кенг ишлаб чиқариш доирасига кўчди. Натижада, табиётшунослик ўзига хос индустриллашиб кетди.

Ҳозирги замон фанларининг характерли хусусиятларидан яна бири математикалашув жараёнидир, кўпгина фанларга математика методнинг тобора чуқурроқ кириб боршидир. Эндиликда биз К.Маркснинг математика методларининг зғаллаган фангина ўз такомिला етади, деган фикрининг нақадар тўғрилигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Фанларнинг математикалашув процесси ўтган асрларда бошланган эди, ҳозирги даврда у янада жадаллашиб кетди. Замонавий назарий

физикасини, квант химиясини биология ва кибернетикани, шунингдек бир қатор ижтимоий фанларни ҳам математик методсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Фанларнинг математикалашувининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, фанларнинг математика билан ўзаро алоқадорлиги ва таъсирини кучайиши туфайли, илгариги маълум методлар кифоя қилмай қолди. Математиканинг янги модел ва методларини яратиши бошқа фанларнинг тадқиқ қилиш ва оламни билиш методларини бойитиб юборди. Шунингдек, математик фанининг ўз янги соҳалари ҳам ишлаб чиқилмоқда. Агар, математика XIX асрнинг охиригача маълум илмий масалаларни олға суришда табиатшуносликдан кўпинча олдинда бориб жуда кўп ҳодисаларнинг физик мазмуни очилгунга қадар математик модели яратилгандек кўринган бўлса, XX асрда манзара ўзгарди. Эндиликда табиёт фанлари математика олдига борган сари кўпроқ талабларни қўймоқда.

Масалан, функционал анализ, эҳтимоллик назарияси ишлаб чиқиш физика эҳтиёжларидан келиб чиққан эди. Биологик процессларни моделлаштириш эҳтиёжи, тирик системалар хусусиятларини ҳисобга олувчи эҳтимоллик наварисининг янги томнларини яратилишига олиб келди. Ҳозирги даврда олимлар математик билимларнинг махсус соҳаси бўлмиш биологик математикани яратиш зарурилиги ҳақида фикр юритмоқдалар. Математиканинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси ва таъсири математикалашган янги фанлар: математик логика, математик лингвистика бибиометрия, кибернетика кабиларни келтириб чиқарди.

Билимларнинг бундай математикалашуви илмий-техника прогрессини янада тезлаштириш билан бирга философия муқаррар равишда боғлиқ бўлган анчагина проблемаларни ҳам келтириб чиқармоқда. Масалан, кибернетик иаклли машиналар билан инсон мияси ўртасидаги муносабат проблемаси, тирик мавжудотларни бошқарув системаси билан кибернетик бошқарув системаси ўртасидаги масалалар соф фалсафий проблемалардир. Шунингдек математик модель билан ўрганилаётган объект хусусиятлари ўртасидаги ўхшашликни топиш тадқиқотнинг миқдорий ва сифатий методларининг ўзаро нисбати каби проблемалар ҳам ғоят мураккаб бўлиб, буни умумфалсафий навариясиз ҳал қилиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, кўпгина математик олимлар А.Я.Хинчин, А.Н.Колмогоров, Г.Вейль, Бурбаки кабиларнинг асарларида математик проблемаларни ҳал қилишда фалсафий маъносини ҳам қўшиб қараётганликлари тасодифий эмас.

Сўнгги йилларда илмий техника революциясини жадал суръатлар билан ривожланиши туфайли жамиятни табиатга актив таъсири ғоятда кучайиб бораётгани маълум. Тирик мавжудотлар, шунингдек инсон ҳаёти учун зарур бўлган табиий муҳит жуда тез ўзгариб бормоқда. Жамият моддий ҳаёт шароитларининг ўсиши, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини яхшироқ, кондириш, кўпгина кулайликларнинг вужудга келтириш билан бир қаторда, ҳаво ва сувнинг ифлосланиши, тупроқ структурасини ўзгариши ва табиатдаги мувозанатини бузилиши каби бир қатор салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Инсониятнинг келажаги учун солинаётган бундай хавф-хатарлар қатор экологик - экология грекча сўзидан олинган бўлиб уй, турар жой, ватан демакдир. Экология биологиянинг бир тармоғи - тирик организмлар билан атроф муҳитнинг ўзаро алоқа ва муносабатларини ўрганувчи фандир², проблемаларнинг ҳал қилиниши зарур бўлган энг муҳим масалалардан бири қилиб қўймоқда. Демак, илмий тадқиқот ишларида ижобий натижаларга эришиш ва табиат кучларини иложи борича кўпроқ инсон ҳукмига бўйсундириш вазифаларини ҳал қилиш билан бир қаторда, табиий муҳитнинг зарарли ўзгариб кетиши ҳам мумкинлиги қандай оқибатларга олиб келиши масалаларини ҳам чуқур ўрганиш ва аниқлашнинг тақозо этади.

Шунинг учун ҳам замонавий олимнинг ўз кашфиётлари учун инсоният олдидаги бурчи ва масъулияти масалалари илмий проблемалар комплексига заруран киритилмоқда. Илмий прогресснинг ижтимоий оқибатларини чуқур англаш, унинг маънавий қийматини баҳолаш фақатгина (диалектик материализм) илмий фалсафий методология асосида умумлаштириш билан амалга ошади.

Шундай қилиб ҳозирги замон табиётшунослиги ижтимоий ҳаётнинг моддий ва маънавий сохаларида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлиш билан бирга инсоният тақдирига ҳам бевосита ва экиндан таъсир этаётир. Шунинг учун фан философиядан

² Экология – латинча сўзидан олинган бўлиб, уй, турар жой, ватан маъносини англатади. Экология – тирик организмлар билан муҳит ўртасидаги алоқаларни ўрганувчи фандир.

узоқлашмай, балки аксинча, уйга янада яқинлашиб, чуқурроқ боғланиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси инсон тафаккурининг икки муҳим соҳаси философия ва махсус фанларнинг ўзаро алоқасини янада мустаҳкамлаш ва юқорида қайд қилинган муҳим проблемаларни биргаликда ўрганиш ва ҳал этишни тақозо қилади.

3. Илмий-техник инқилоб ва жамият ҳаётида фан аҳамиятининг ортиб бориши.

Замонавий илмий-техника революцияси ўз миқёси ва мазмуни жиҳатидан беқиёсдир. Унинг моҳиятини битта, ҳатто бир неча таърифлар билан ҳам қамраб олиш ва чуқур баён этиш жуда мураккаб иш бўлиб, бунга атрофлича ва комплекс тарзда ёндашишга зарурияти келиб чиқади. Фан-техникада содир бўлаётган ривожланишнинг асосий белгиси ва хусусиятларини батафсил аниқлаши билангина унинг моҳиятини очиш мумкин:

Биринчидан, ҳозирги замон илмий-техника революциясининг энг характерли хусусияти даставвал шундаки, фан ва техниканинг узоқ йиллар ҳукм суриб келган кўпгина қонун ва қоидаларида, назария ва принципларида жуда улкан сифатий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бу янги қонун ва қоидалар моддий олам ходисаларини янада чуқурроқ ва янада мукамалроқ ўрганиш ва бошқаришга имкон бермоқда. Албатта, бу янги қонун ва қоидалар, назария ва принциплар фан ва техниканинг илгари мавжуд бўлган қонун ва қоидаларини рад этиш ва улардан бутунлай воз кечиш эвазига эмас, балки табиат ходисаларига янада чуқурроқ ва янада юқоририок босқичда ёндошиш натижасида содир бўлмоқда. Фан ва техникадаги мана шу янги қонун ва қоидалар, назария ва принциплар кашф этилмаганда эди, ҳозирги замон илмий-техника революцияси ҳақида гап юритиш мумкин бўла олмайди.

Иккинчидан, фан билан техника ўртасида бир-бирига сингиб бориш ва бир-бирини тўлдириш процесси содир бўлиб, бу процесс тобора янгидан-янги муваффақиятларга эришишга олиб келмоқда.

Ўтган асрларда революция ё фан, ё техника соҳасида алоҳида-алоҳида рўй берар эди ва бўларнинг ҳар иккаласи бир-бирига ҳозиргидан чуқур боғлиқ эмас эди.

Учинчидан, илгари ишлаб чиқариш, фан ва техника ўртасидаги нисбатлар схемаси, тахминан, ишлаб чиқаришнинг техникадан тезроқ, техниканинг эса фан тезроқ ривожланиши терзида намоён бўлар эди. XVII, XVIII ва XIX асрларда фан асосан техника ва

ишлаб чиқариш ютуқларини тўплаб ва тарғиб этиб, қайд қилувчилик ролини бажарар эди. Ўтган асрнинг ўрталаридан эътиборан фан энди ўз ютуқларини умумлаштириш ва системалаштиришга киришади.

Энди фан XX асрда ҳаммасидан олдинга ўтиб кетди: ишлаб чиқаришни ҳам, техникани ҳам ривожлантирувчи омилига айланди.

Ҳозирги замон илмий-техника прогрессида илмий-техника инқилобий ўзгаришлар янада ҳам жадаллашиб борилмоқда. Фан бевосита ишлаб чиқариш кучи сифатида ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришда, цўналтиришда ва башорат қилишда бевосита ўзининг вазифасини бажармоқда.

Эндиликда жаҳон ижтимоий тарақиёти фан, маориф ва илмий бошқаришдан иборат учта асосий негизга таяниб бормоқда. Бу бутун дунёда эътироф этилган ҳақиқат бўлиб қолди. Давлат фан ва маорифга канча кўп маблағ сарфланса, иқтисодий ва маънавий ривожланиш натижалари шунча салмоқлироқ бўлишига кўп мамлакатлар тажрибада ишонч ҳосил қилдилар.

Ўзбекистонда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ва вазифаларни ҳал этишда фаннинг асосий вазифалари Президент И.А.Каримовнинг асарларида батафсил тавсифлаб берилди. Фаннинг сиёсат, маданият билан боғлиқлиги, демократик жамиятда унинг таянч қадрият эканлиги ҳар томонлама асосланди.

16- Мавзу: Глобал муаммолар фалсафаси.

Режа:

Глобал муаммоларнинг мохияти ва хиллари.
«Инсон-жамият» тизимидаги глобал муаммолар.
«Жамият-табиат» тизимидаги глобал муаммолар.

Адабиётлар

Фалсафа. Ўқув қўлланма. Э.Юсуповнинг умумий таҳрири
остида. Тошкент. 1999.

Фалсафа. Маъруза матнлари. Тошкент 2000

Фалсафа. Қомусий луғат Тошкент. 2004

Фалсафа. Ўқувқўлланма. Е.Юсуповнинг илмий раҳбарлигида.
Тошкент 2005

Основы философии. Тошкент 2004

1.

Инсоният жамиятининг тараққиёти ҳеч қачон ва ҳеч қаерда осон, бетўсиқ кечмаган. Ҳар доим ва ҳамма даврларда жамият олдида муайян муаммолар кундаланг бўлиб турган. Булар, бир томондан, табиат офатларининг натижаси ўлароқ намойиш бўладиган ер силкинишлари, сув тошқинлари, қурғоқчилик, қуёш радиацияси ўзганши билан боғлиқ турли эпидемик касалликлар ва ҳоказқлар бўлса, иккинчи томондан, инсон фаолияти натижасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаётга оид бўлган антропоген муаммолардир.

Жаҳон миқёсида юз берган жараёнлар таҳлили шуни кўрса-тадики ҳозирги вақтда, инсоният учун ўтқир, долзарб бўлиб турган глобал муаммолар қуйидагилардан иборат:

а) Ер юзида тинчликни таъминлаш ва ялпи қирғин урушларининг олдини олиш (уруш ва тинчлик муаммоси);

б) атроф - муҳитни самарали муҳофаза қилиш (экологик муаммо);

в) аҳоли сонининг орта бориши билан ишлаб чиқариш ривожланиши мутаносиблигига эншиш (демографик муаммо);

г) Ер юзи аҳолисини зарур озиқ-овқат ва энергия манбалари билан ишончли таъминлаш;

д) озиқ, қашшоқлик ва қолоқликни тугатиш учун юксак ривожланган ва улардан кейинда қолган мамлакатлар ўртасидаги кескин фарқни бартараф этиш;

е) хавфли касалликларни тугатиш;

ж) инсон маънавий-ахлоқий муҳити софлигини таъминлаш (этикология муаммоси) ва бошқалар.

Бу муаммоларнинг ҳар бири у йпки бу даражада ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий нуқтаи назардан илмий таҳлил этилган. Айни вақтда, давримизнинг умумбашарий муаммоларининг фацафий талқини ҳам илмий адабиётларда ўз ифодасини топмоқда.

Глобал муаммоларни фалсафа нуқтаи назаридан ўрганишда, даставвал уларнинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш йулларини, умумметодологик жиҳатларим тадқиқ этишга эътибор берилмоқда. Бунинг учун бу муаммолами танҳл қилишда фалсафанинг тарихийлик, мантиқийлик, тизимийлик каби тамойилларига суянижимоқаа. Глобал муаммолар инсоният ривожланишининг натижаси ҳисобланса-да ҳозирги замон шароитида юзага келган ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ҳам оқибатидир.

Келиб чиқиши чуқурлашиб бориши, кўлами ва ҳал этилишининг мураккаблиги жиҳатларига кўра, уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: Биринчиси, мавжуд ижтимоий тузумнинг табиати, турли минтақа давлатларининг хилма-хил манфаатлари билан тақозо этилган муаммолар.

Иккинчи гуруҳи, „инсон-жамият“ тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар.

Учинчиси, „Жамият-табиат“ тизими доирасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган муаммолар.

Глобал муаммоларнинг турлари ўзаро қанчалик фарқланса-да, бу соҳалардаги умумийлик, даставвал, бутун инсониятнинг ҳаёти шарт-шароитлари имкониятлари ва истиқболи масалаларидир. Иккинчи томондан, улар у ёки бу даражада ҳозирги даврнинг бош омили — фан-техника инқилоби билан алоқадордир, яъни унинг оқибатидир. Бизнинг давримизда фаннинг ривожланиш суръатлари ғоят каттадир. Фанда эришилган кашфиётлар тезда янги техника воситалари яратишни таъминласа, ўз навбатида: техника ривожланиши ҳам фанда янги ўзгаришлар содир этишга жиддий туртки бермоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, эришилган кашфиётлар муайян мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу эса глобал муаммоларнинг янада ўткир, долзарб бўлиб туришига олиб келмоқда.

2.

Ривожланаётган мамлакатлардаги иқтисодий қолоқлик билан бўлган яна бир глобал муаммо — аҳолининг ҳозирги ўсишидир. Агар

иктисодий аҳвол жамият ривожланиши ички қонуниятлари билан тақозоланган бўлса, демографиявий портлаш инсоннинг хоҳиш-иродаси, мавжуд анъаналарга содиқлиги, маданий даражаси, турмуш мезонлари ва нқказолар билан белгиланадиган жараён дир.

Ер сатҳида илк палеолит даври бошида 100—200 минг, сўнг палеолит бошида — 1 млн, неолит бошида — 10 млн, охирида 50 мм, эра миз бошларида — 230 млн одам яшаган. Сайёра миздаги аҳолининг сони ҳозирги вақтда 6,5 млрд дан ортди. Бу рақамларда аҳолининг сони ўсиб борганлиги қайд қилинган кўринади. Аслида эса, бу рақамлар одамларни тегишли моддий воситалар (озик-овқат, кийим-кечак, турар жой ва ҳ.к.) билан таъминлаш, зарур маълумот даражаси, тиббий ва ҳуқуқий хизмат, тегишли ижтимоий муҳофаза, ёш авлод тарбияси масаласини ҳам кун тартибига қўяди.

Олимлар аҳолининг ўсиши билан боғлиқ масалаларга XVIII асрдаёқ эътибор беришган. Хусусан, инглиз иқтисодчиси Р.Т.Малтус бундан 200 йил аввал шундай ёзган эди: “Агар паст табақа синфлар нодонлиги ва бузуқлигига қарамасдан кўпайиб бораверса, у ҳолда маърифатли синфлар ўзларининг яқинларига бўлган насронийларга муҳаббати билан ҳеч нима қила олмайдилар”. Ота-онаси фарзандининг яшашини таъминлаш учун зарур капиталга эга бўлмаса, бу фарзанднинг яшашга қандай ҳаққи бор? Бундай фарзанд фақат хайр-эҳсонга кўз тикиши мумкин. Бошқа кишилар томонидан эгалланган дунёга келган одам бу дунёда мутлақо ортиқча дир .

Малтуснинг бу қарашлари билан ҳозирги даврда илгари сурилган нуқтаи назарлар билан умумийдай кўринади. Масалан, Рим клубининг таниқли вакили, математик Ж.Форрейстер модели бўйича ва Массачусетс технология институти (АҚШ профессори Денис Медоуз ва унинг ходимлари томонидан тайёрланган „Ўсиш чегаралари“ китобида инсоният ривожланишининг бешта параметрларидан бино бўлган демографик портлаш ” ҳақида гап боради. Унинг фикрича, агар аҳолининг ўсиши ҳозирги суръатлар билан борса, 2000-йилга келиб, тез орада ҳамма унумдор ерлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши дқирасига тортилиб бўлади. Ноунумдор, сахро ерларни ўзлаштириш, денгиз сувини чучуклаштириш, сунъий озиқ-овқат яратиш ва ҳоказолар эса жуда катта харажатни талаб этади. 2100-йилга келиб эса, бу ресурслар тугайди, ишлаб чиқариш қисқаради, ўлим кўпаяди ва ҳ.к. Натижада, фалокат рўй беради. Шунинг учун муаллифлар аҳолининг кўпайиши масаласида мамлакатлар ўртасидаги мавжуд муносабатларни

ўзгартириш керак, деб таъкидлайдилар.

Аҳоли ўсиши минтақавий хусусиятга эга. Мутлақ ўсишда Осиё қитъаси биринчи ўринда турса, Африка йиллик ўсиш суръатларида олдиндадир. Ижтимоий-иқтисодий таҳлилларга кўра, ривожланган мамлакатларда аҳоли йиллик ўсиши жуда паст бўлса-да, аҳоли узоқ умр кўриши энг юқоридир. Бу ҳолат ҳам демографик ўсиш глобал муаммоларнинг янги жиҳатларини ўртага кўймоқда. Масалан, одамларнинг кўпайиши билан шаҳарлардаги вазият оғирлашмоқда, ишсизлик, қашшоқлик, шаҳар четларида энг оддий талабларга ҳам жавоб бермайдиган “йулдош шаҳарча”ларнинг тез пайдо болиб бориши шулар жумласидандир.

Умуман, “демографик портлаш” ни изоҳлашда аҳолининг қайси жойни манзил қилганига ҳам аҳамият бериш лозим. Негаки, ривожланаётган мамлакатларда асосий аҳоли қишлоқларда, ривожланган минтақаларда эса шаҳарларда яшайди. Кейинги 20 йилда „учинчи дунё“ қишлоқ аҳолиси 16 % ўсди (2,47 млрд киши). Маълумки, қишлоқ шаҳарга қараганда қолоқ ишлаб чиқариш, ўтмиш анъаналари сақланиб қолган, илгаридан қашшоқлик ва очлик ҳукм суриб келган жойдир. Аҳолининг кўпайиши асосида зарур жамғармалар ва капитал маблағларнинг етишмаслигидан ривожланаётган мамлакатларда ялпи қашшоқлик южудга келмоқда.

Дунё бўйича шаҳарлар ва уларда яшовчи аҳоли тобора кўпайиб бормоқда. Бу соҳадаги ўсиш 1974-йилдан 1994-йилгача 47 % бўлди. Аср охирига бориб, бу рақам 48 % га (3 млрд кишига) етди. Табиийки, тартибсиз кечаётган бу жараёнда ечилиши зарур бўлган муаммолар ҳам кўпаяди.

Аҳолининг кўпайиши билан бирга, унинг таркибида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Масалан, ривожланган мамлакатларда нафақахўрларнинг сони аҳолининг кўпчилиги ташкил этади ва уларнинг миқдори 60% га етиб қолди.

Демографик ўсиш мавжуд ресурсларни тақсимлашга ҳам таъсир этади. Чунки, инсоннинг муҳим эҳтиёжларини қондириш учун зарур ҳажмдаги табиий ресурслар бўлиши талаб қилинади. Бундан ташқари, аҳоли зич жойлашган минтақаларда (инсоният олдини ола олмаётган, аксинча, эҳтимоллигини кучайтираётган) оддий фалокатлар анча кўп қурбонлар келтиради.

„Инсон ва жамият“ тизимига бориб тақаладиган жиддий глобал муаммолардан яна бири, хавфли касалликларни тугатиш вазифасидир. Бу касалликлар, биринчи навбатда, аҳоли кўпайишини

бошқариш ва ташкил этиш йулга қўйилмаган мамлакатлардаги очлик, озиқ-овқатлар таркибида оксилларнинг камлигидан ҳам келиб чиқмоқда.

Маълумки, жаҳон миқёсида очлик хавфи мавжудлиги биринчи марта БМТ томонидан 1950-йилда тан олинган. Ўшанда инсониятнинг қарийб ярми етарли миқдорда калорияли оксил истеъмол қила олмаётгани айтилган эди. Халқаро ташкилотнинг маълумотларига кўра, ривожланаётган мамлакатларда 60-йилларда 60 % аҳоли у ёки бу даражада очликдан азоб кўрган бўлса, 20 % аҳоли мунтазам очликдан қийналган. 70—80-йилларда бу соҳада халқаро миқёсда анча иш қийинганига қарамай, муайян даражада очликка дучор бўлган аҳолининг мутлақ миқдори 0,8 млрд ни ташкил этган.

Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга (етарли миқдордаги маблағнинг ажратилмаслиги, малакали мутахассислар этишмаслиги ва ҳ.к.) кўра, жаҳон аҳолисининг 40 % водопровод суви, канализация ва санитария хизматидан фойдаланмайди. Бундай аҳвол ривожланаётган мамлакатларда кўплаб учрамоқда. Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг ҳаммаси эпидемиялар тарқалишига олиб келади.

Ривожланаётган мамлакатларда сил, безгак каби касалликлар кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда, буларнинг қаторига ОИТС ҳам қўпаймоқда. Шунингдек, юрак, рухий-асаб касалликлари, рак ва шу кабиларнинг кўпаяётганлиги ҳам ташвишлидир.

Жамият ички зиддиятлари туғдирган глобал муаммолар

Инсоният ўзининг бир ҳаёт тарзидан иккинчисига, масалан, кўчманчи чорвачиликдан деҳқончиликка ўтиши жараёнида тайёр маҳсулотларни истеъмол қилишдан, уларни қайта тайёрлаш ё экин экиб, этиштиришга ўтиши билан ижтимоий муносабатлар ривожланиб кетди. Хусусий мулкчилик муносабатларининг қарор топиши билан кишилик жамиятида ҳукм сурган содда кўринишдаги ижтимоий тенглик барҳам топиб, унинг қўрнига маҳсулот олиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар юзага келади. Кишилар ижтимоий ҳаётининг ташкил этилганлиги жамият ллгарнама ҳаракатида нотекислик ва мавжуд муаммолами ҳал этишда урушлардан восита сифатида фойдаланиш заруриятини келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда энг катта глобал муаммо бўлган уруш ё тинчлик муаммосини ана шу тарзда жамият ички ривожланиши жараёнлари майдонга келтирган.

Маълумки, уруш ва тинчлик муаммоси мамлакат ичида ёки унинг

ташқарисида, мамлакатлар ўртасидаги мунозарали масалалани ҳал этишда сиёсий зўравонлик ишлатиш, ёхуд уни истило этишни билдиради. Тинчлик — халқларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умиди бўлса, уруш эса, аксинча, ҳукмрон кучларнинг сиёсати оқибатидир. Ёзма ёдгорликининг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг йил давомида, ер юзида 15 мингдан зиёд урушлар содир бўлган. Шу давр ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган.

Америкалик олим Р. Кларкнинг "Уруш илми ва тинчлик" китобида келтирилган маълумотларга кўра, турли қаврларда юз берган урушлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1820—1859-йилларда ер юзида 1 млрд аҳоли яшаган 92 урушда 800 минг киши ҳалққ бўлган, 1860—1899-йилларда 106 урушда 1,3 млн., 1900-1949-йилларда эса 117 та урушда 142,5млн одам қирилиб кетган.

Бизнинг давримизда ҳам мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар соҳаларида зўравонликка интилиш, бунинг учун ялпи қирғин қуролларини кўплаб ишлаб чиқиш билан ҳарбий устунликка эришиш у ёки бу давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолмоқда. Шундай бир вазиятда, термо ядро урушига йул қўйилгудек бўлса, жаҳон миқёсида шундай ҳалокат юз берадики, унинг натижасини ҳисоб-китоб қиладиган мавжудотнинг ўзи бўлмай қолади. 1945-йил 6- ва 9-августидан иккита кам қувватли атом бомбасининг америкаликлар томонидан Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарлари устида портлатилганлиги оқибатлари ҳам буни яққол кўрсатган эди.

Инсониятга 50 йилдан кўпроқ вақтдан бери хавф солиб турган атом даҳшати оқибатларини математиканинг ҳозирги ютуқлари асосида моделлаштириш шуни кўрсатадики, бизнинг давримизда тўпланган 50 мингдан ортиқ ядро зарядларини 100—150 мегатонна (Хиросимага ташланганидан 10—15 марта катта) қувватга эга бўлган қисми (битта атом сув оци кемасидаги портловчи модда 200 мегатонна) портлатилса, Америка, Европа ва Осиёдаги асосий шаҳарлар ёнғин остида қолиб кетиши, бир ойдан сўнг ер устидаги атмосфера ҳарорати 15—20°C, айрим минтақаларда эса 40—45°C пасайиб, унинг айланиши (циркуляцияси) мутлақо ўзгариши, Шимолий ярим шардан, жануб қараб тарқалган нур ўтказмайдиган қора қатлари бутун сайёрани қоплаб олиши юз беради. Чучук сувнинг барча манбалари музлайди, барча экологик алоқалар узилади, ҳосил нобуд бўлади. Ер устидаги ҳаёт тугайди.

Глобал муаммо сифатида тинчликни таъминлаш ҳарбий

харажатларни кескин камайтиришни ҳам тақозо этади. Негаки, 1900-йилдан буён ҳарбий ишга ажратилган маблағлар 30 мартадан кўпроқ ошиб. 90-йиллар бошида 500 млрд доллардан ҳам юқори бўлди. Ҳарбий ёки у билан боғлиқ ишлаб чиқариш соҳаларида 60 млн киши фаолият кўрсатган. Жумладан, мунтазам кўшинларда 25 млн дан ортиқ шахсий таркиб, 10 млн ярим ҳарбий кўшилма, ҳарбий муассасаларда ишловчи 5 млн фуқаровий касб эгаси бор.

Ҳозирги вақтда оддий қурол-яроғларнинг вайронлик келтирувчи кучи ҳам ядро қуроли даражасига яқинлашиб қолмоқда.

Глобал муаммолардан яна бири — очлик, қашшоқлик ва саводсизликнинг олдини қлиш учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олишдан иборат.

Ривожланаётган мамлакатлар турлича тарзда ва турлича муддатларда кечган курашлардан сўнг сиёсий мустақилликка эришгач, янгидан яратилган сиёсий тизимлар асосида ўз иқтисодиётини, давлат тизимини барпо этишга киришдилар. Уларнинг ичидаги бир қанча мамлакатлар собиқ социалистик тузум давлатлари билан ғоявий, савдо-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий соҳаларда кенг ҳамкорлик қилган эди. Лекин, буларда ҳам, бошқаларида ҳам иқтисодиётда, унинг билан тақозо этилган ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қолоқлик давом этаверди. Бунинг энг асосий сабаблари ва умумий жиҳатлари ташқи ва ички омилларга бориб тақалади.

Ташқи омил — илгари мустамлака ёки қарам бўлган халқларнинг ўтмиши билан боғлиқдир. Ўтмишда уларнинг хўиалик ҳаёти зўрлик билан ўзгартирилган, кўпинча турғун ҳолда бўлган қожоқ сиёсий муносабатлар сақлаб қолинган эди. Миллий мустақиллик қўлга киритилгандан кейин ҳам собиқ мустамлакаларда метрополиялар йирик марказларининг иқтисодий таъсири сақлаб ққлинди. Ижтимоий-иқтисодий қолоқликнинг давом этиши, уларнинг хўжалик тараққиёти йўналиши устувор даражада собиқ метрополия билан мавжуд алоқаларни давом эттиришга қаратилди. Натижада, халқаро монополистик гуруҳларнинг қолоқ мамлакатлар устидан хўжайинлик ҳоҳиши давом этаверди. Ривожланаётган мамлакатлардан олинаятган фойда заём ва қарзларни фоизини қайтариш ҳамда келтирилган маҳсулотларга белгиланган монополь баҳодан фойдаланиш туфайли, уларнинг иқтисодиётига сарф этилган капитал маблағлардан бир неча марта кўп бўлмоқда. Масалан, Ер юзида энг кам ривожланган минтақа бўлган Африкада (Жанубий Африка Республикасини қўшмаганда) ўлим, умрнинг қисқалиги, саводсизлик, қашшоқлик

дунё бўйича биринчи ўриндалигига қарамай, бу ердан фақатгина АҚШ олган даромад 1950-йилдан 1975-йилгача 5436 млн доллар бўлди (фойда 200 % дан ортиқ"). Кейинги 15 йилда ҳам бу кўрсаткич сақлаб қолинди.

Аксарият ривожланган давлатлар “учинчи дунё” мамла-катларига хомашё манбайи, сармоя бозорига капитал чиқариш учун қулай соҳа сифатида қарайдилар. Пировардида, ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий ривожланиши ташқи омилларга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ички омил — собиқ мустамлака мамлакатлари иқтисодиётининг кўп укладлилиги, унинг ичида белгиловчи мавқеи — майда товар ишлаб чиқаришга асосланганлигидир. Маълумки, бу уклад ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга хизмат қилса ҳам рақобатга бардоши нуқтаи назаридан ночор ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг кўп укладлилигидан жиддий ижтимоий оқибатлар келиб чиқади. Жумладан, ривожланаётган мамлакатларда шундай ижтимоий-маданий муҳит мавжудки, унда турли-туман ижтимоий гуруҳлар, қатламлар ва ҳоказолар ўзаро жуда мураккаб муносабатда бўлиб, уларни бошқариш қийин. Ривожланаётган мамлакатлар ўз илгариланма ҳаракатида кейинда қолишнинг ижтимоий сабабларидан яна бири — бу собиқ метрополияда тайёрланган мутахассисларнинг ўз мамлакатларидан кетишидир. Бунинг сабаби муайян даражада ишсизлик билан боғлиқ бўлса-да. лекин, асосан, метропоҳя маданияти ва ҳоказолар туфайлидир. Юксак ривожланган мамлакатлар собиқ мустамлакалардан кела-ётган, мутахассислар ҳисобига салмоқли фойда олмоқда. Масалан, АҚШ да булардан фойдаланиш натижасида янгидан мутахассислар тайёрлашда анча маблағ тежалмоқда.

Ривожланаётган мамлакатлар ижтимоий қоқоқлигининг кўлами кенг, унинг омиллари шундай табиатга эгаки. "бу қоқоқлик ҳеч қачон ўз-ўзидан бартараф этилмайди, аксмча, чуқурлашиб бориш майлига эга. Аҳолининг кўпчилик қисми қашшоқлиги ортиб бораётганлиги ижтимоий офатга айланиб қолмоқда. Мамлакат миқёсидаги иқтисодий қийинчиликлар у ёки бу тарздаги умумдавлат дастурни амалга ошириш имконини бермаётир.

Шундай катта хавфнинг мавжудлиги тараққийпарвар кучларни ўйлантириб қўймаслиги мумкин эмас. Уларнинг ташаббуси билан ривожланаётган мамлакатларнинг муаммолари БМТ даражасида бир неча марта муҳокама объекти бўлди. Бу муаммолар ҳозир ҳам бу

ташкилот диққат марказидадир.

Ҳозирги вақтда инсоният маънавияти софлигини сақлаб, уни маънавий таназзулдан асраш ҳам умумбашарий муаммога айланиб бормоқда. Гап шундаки, зўравонлик ва нафрат кишилар ўртасидаги муносабатларда чуқур илдиз отиб, маънавий муҳитни тобора захарламоқда. Буни тўхтатиб ққлиш я кескин камайтиншга эришиш вазифалари инсониятнинг дунё миқёсида куч-ғайратларини бирлаштиришни тақозо этмоқда. Албатта, “этикохавф, этикофалокат” номи билан қайд этилаётган ҳодисалар, у ёки бу даражада, инсоният ривожланишининг ўтмишида ҳам учраган ва цивилизациянинг йулдоши бўлиб келган. Бир томондан, маданият ривожланиб бўлиб, тобора умуминсоний тус олиб борса, иккинчи томондан, турли-туман манфурлик ва оғу тимсоли бўлган жинойтчилик, бангилик, фаҳш, террорчилик, ичкиликбозлик каби иллатлар ҳам кучайиб борди.

Яқин вақтларгача маънавий муҳитни глобал даражада бузувчи юқоридаги иллатларнинг табиатини изоҳлашда марксистик ва „буржуача“ деб аталган қарашлар мавжуд эди. Чунончи, биринчи нуқтаи назарга кўра, буларни фақат антагонистик жамиятлар туғдиради. Бу жамиятлар ўрнига специализмни барпо этиш билан уларнинг ижтимоий илдизлари йукотилади, деб ҳисобланиларди. Лекин ижтимоий амалиёт бундай қарашларнинг ҳаёлий эканлигини кўрсатди. Дунёнинг барча қисмида, шу жумладан, собиқ социалистик тизим мамлакатларида, этикохавфнинг, моҳиятига кўра, умумий эканлиги маълум бўлди. Бундаги асосий фарқ эса, хавлли иллатларнинг намоён бўлиши, турлари ё тарқалганлиги даражасини ифодалайди, холос. Чунончи, АҚШ бўйича шундай маълумотлар маълум: мамлакатда (1970—1980-йилларда) жинойтчилик 3 марта, унинг ўсиш суръатлари эса 10 баравар ортди. Бундан ўн йилча олдин АҚШ Президенти Р.Рейган шундай деган эди: Мамлакатда ҳар 30 сонияда қасддан одам ўлдириш, ҳар 10 сонияда — номусга тегиш, ҳар 10 сонияда — ҳаётга хавф соладиган хужум, ҳар 30 сонияда — 1 автомобил ўғирлаш ва хоказолар содир бормоқда” .

Бунга ўхшаган аҳволни бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам кўриш мумкин. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда иқтисодий жинойтчилик сони ошиб бормоқда.

Этикологик муаммолар тизимида коррупция — амалдор шахсларни сотиб олиш орқасида юз бераётган жинойтлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Бундай жинойтнинг субъекти ишлаб чиқарувчилар билан сиёсатчилар, ҳарбийлар, парламент аъзолари, маъмурий ва бошқа

бошқарув бўғинларидаги кўпгина амалдорлардир.

Жиноятнинг бу кўриниши жамият ривожланишининг ўтиш даври, деб аталган босқичларида, айниқса, ялпи тус олади. Чунончи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатлар ҳозирги шароитда бу ҳодиса билан тўқнаш келиб турибди .

Маънавий муҳитни булғашда кейинги вақтларда, айниқса, ичкиликбозлик ва бангиликнинг ўрни катта бўлмоқда. Кўпгина мамлакатларда (масалан, Эрон Ислом Республикасида: Ўзбекистон, Францияда, АҚШ ва бошқа мамлакатларда) наркотик моддаларни тарқатганлик учун оғир жазо чоралари белгиланган. БМТ даражасида ҳам зарур ташкилотлар тузилиб, бу ижтимоий иллатга қарши курашилмоқда. Лекин, бангивор моддалар тайёрлаш ва сотишдан ғоят катта фойда олаётган шахслар бундан ўлаётганлар сони йилдан йилга ошиб бораётганлигига қарамай, барча имкониятлардан фойдаланмоқдалар.

Этикологиявий муаммо таркибида террорчиликнинг ўрни алоҳидадир. Террорчилик ижтимоий антогонизм билан бир вақтда, унинг шаклларида бири сифатида келиб чиққан. Унинг хиллари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда сиёсий террорчиликдан ташқари, иқтисодиёт билан боғлиқ террорчилик ҳам кучайиб бормоқда. Чунончи, ҳаво қароқчилиги йўли билан тайёраларни олиб қочиш, одамларни гаровга олиш ва эвазига пул қилишга уринишлар тез-тез рўй беришини ахборот воситалари тарқатиб турибди. Террорчилик ўзининг бир қатор белгиларига кўра уюшган тус олмоқда. Порнография, сўнгра бангивор моддаларни тарқатиш мақсадида давлат тизимидаги амалдорларни сотиб олишга эришиб, ўз фаолиятини давом эттираётган мафия бунинг яққол тимсолидир.

Юқоридагилардан кўринадикки, Ердаги ҳаётни сақлаб қолиш-нинг асосий шarti — ялпи қирғин урушларининг олдини олиш ҳамда сайёрамизнинг бир қанча минтақалари халқлари қолоқлигини тугатиб, инсоният жамияти мутаносиб ривожланишига эришиш ва маънавий муҳитни соғломлаштириш учун инсоният куч-ғайратларини бирлаштириш лозим бўлади.

3.

Кишилиқ жамиятининг табиат билан муносабатлари ва уларнинг ифодаси бўлган фаолият турлари ғоят хилма-хилдир. Улар ичида белгиловчиси моддий ишлаб чиқариш фаолияти ҳисобланади. Бу фаолият туфайли сайёра қиёфаси шундай ўзгардики, оқибатда бир

қатор жиддий муаммолар келиб чиқди. Улар — экологик муаммолар деб аталмоқда.

Экологик муаммоларнинг биринчиси — биосфера табиий жараёнлари учун хосдир. Масалан, вулқонлар отилишидан ҳосил бўладиган ўзгаришлар натижасида глобал миқёсда зарарлар келиб туради. Экотизимда мувозанат тезроқ тикланса-да, лекин уларнинг оқибатлари ҳийла вақт билиниб туриши мумкин. Экологик фалокатларнинг иккинчи шакли — табиий ҳодисалар бўлиб, у инсон фаолияти таъсирида юз беради.

XX аср бошларидан, айниқса, унинг иккинчи ярми давомида экологик фалокатлар сони кўпайиб бормоқда. Агар 60-йилларда инсон ва атроф муҳит учун хавfli оқибатлар келтирган 45 та йирик экологик фалокат юз берган бўлса, 80-йилларда буларнинг сони 80 га етди. Экологик муаммолар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бирдай учрайди. Айни вақтда Африка, Осиё ва Лотин Америкаси минтақаларида биринчи тузумдаги экологик муаммолар учраса, саноати ривожланган Европа, Шимолий Америка каби минтақаларда иккинчи туркумдаги, яъни технологик фалокатлар оқибатлари учрайди. Ривожланаётган мамлакатларда ҳам бу туркум муаммолар аста-секин пайдо бўлиб бормоқда. Чунки, техникавий равақ бу мамлакатлар ҳаётига қанчалик тез кириб борса, ундан оқилона фойдаланиш талаби шунчалик ўткир бўлиб бормоқда.

Инсон ишлаб чиқариш фаолиятининг умумбашарий характери билан боғлиқ қуйидаги экологик ўзгаришлар содир бўлмоқда:

Ер юзидаги ўрмонлар ҳажми ҳар йили 11 млн гектарга қисқариб бормоқда. Осиё ва Лотин Америкаси тропик минтақаларидаги ўрмонларда эса, янгилаиб турадиган ўсимлик ресурсларининг асосий захиралари тўпланган. Бундан ташқари, сайёрамизнинг бойлигини ташкил этган бу ўрмонлар биосфера, анъанавий „Планета ўпкаси“ функцияларини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга. Ўрмон захиралари фақат хомашё манбаи эмас, балки улар табиий сув айланишини ҳам таъминлайдики, ўрмонлардаги сув буғланиши ҳисобига ёғингарчиликнинг 1/2 қисмидан кўпроғи тўғри келади. Бу эса, тупроқ юзасига мўътадил таъсир кўрсатади, озика бўладиган минерал моддаларнинг тикланиб туриши таъминланади. Ривожланган мамлакатлардаги 31 млн гектарга яқин ерлар „кислотали ёмғирлардан зарарланган ва буғланган. Бу „ёмғирлар“ биосферада тез тарқалиб, ўрмонларга салбий таъсир этади, барглари сарғайиб тушиб кетган дарахт оқибатда ҳалок бўлади. Зарарланган дарахтларнинг

физиологик кучсизланганлиги натижасида ўсимликхўр ҳашаротлар кўпайиши учун қулай шароит яратилади. Кислотали ёғингарчилик ҳаво ва суйни заҳарлаши туфайли кишиларда юрак, ўпка, ошқозон-ичак касалликлари авж олади ва аллергияга мойиллик кучаяди.

Тупроқ эрозияси туфайли ишланадиган ер майдонининг 26 млн гектарида ҳар йили ҳосилдорлик пасайиб бормоқда. Сув ва ҳаво эрозиясидан АҚШда ҳар йили 3,1 млрд тоннагача унумдор тупроқ ишдан чиқмоқда. Бу — етиштирилган бир тонна буғдой ҳисобига ўн тонна тупроқ йуқотилишини билдиради. Шунинг учун АҚШда деҳқончилик ихтиёрий қисқартирилиб, ер захираларини сақлайдиган фермерларга ҳар йили ҳар бир акр (0,4 га) ер учун 48 доллар тўланиши тўғрисида қонун қабул қилинган.

XX асрнинг иккинчи ярмида „катта қурғоқчилик“ларнинг тез-тез бўлиб туриши натижасида чўллар майдони йилига 6 млн гектарга кенгайди. Натижада, ўсимлик ва ҳайвонот оламида салбий ўзгаришлар юз бермоқда. Илгари чўллар ҳосил бўлиши фақат табиий йул билан юз берган бўлса, эндиликда инсоннинг ўрмонзорларга ўтказаетган таъсири, ўрмон ва қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар нисбатининг бузилиши, аҳолининг тинимсиз кўпайиши натижасида сунъий тарзда содир боимоқда.

Саноатлашган мамлакатлардаги минглаб кўллар биологиявий ўлик ҳолга келиб қолмоқда. Ҳар йили жаҳон сув ҳавзаларига 32 куб км тозаланмаган саноат оқава сувлари келиб тушмоқда. Турли мақсадлар учун сувга бўлган эҳтиёж тобора ошиб бориши натижасида, сув сарфи ҳам шунга яраша кўпайиб бормоқда. Африка. Шимолий Америка ва бошқа қатор минтақаларда ер ости суви манбалари камайиб, сифати кескин ёмонлашиб бормоқда.

Атроф муҳитга антропоген таъсир этиш, уни техноген булғаш оқибатида ҳайвонот ва ўсимлик олами учун ииддий хавф юзага келди. Ҳар йили кўплаб найвон ва ўсимлик тури йўқолиши оқибатида 20 йилдан сўнг мавжуд турларнинг бешдан бир қисми батамом барҳам топиши мумкин. Бу эса, ҳайвонот ва ўсимлик олами генофондининг қисқаришигагина олиб келмай, Ер биосферасида оқибати жиддий бўлган ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Ер юзидаги экологик ўзгаришлар оқибатида 2050-йилга бориб атмосферадаги ўртача харорат 1,5—4,5 даражагача кўтарилиши кутилаётир. Атмосфера юқори қисмларида озон "қатлами сийрақланиб, Антарктида ва Арктика устидаги „туйнуклар“ кенгайиб бормоқда. Озон қатламининг емирилиши натижасида, барча жонли

мавжудотларга ҳалокатли таъсир этадиган қуёш радиацияси нурлари учун йул очилиб, экологик фалокатлар (ўсимликларда фотосинтез жараёнининг қисқариши, консероген моддалар таъсирида келиб чиқадиган касалликларнинг кўпайиши ва ҳ.к.) рўй бериши мумкин.

Табиатда инсон соғлиги учун хавфли бўлган металллар ва улар бирикмаларининг йиғилиб қолиши туфайли замондошларимиз танасида, ибтидоий одамлардагига караганда, кадмий (юрак касалликларининг сабабчиси) 70 марта, кўрғошин (атеросклероз ва буйрак касалликларининг сабабчиси) — 10, симоб (асаб касалликларининг чақирувчиси ва гепатик ўзгаришлар сабабчиси) — 19 марта кўп тўпланган. Ҳавони булғовчи моддаларнинг сони 100 дан ортади, уларнинг кўпи захарли, баъзилари эса, консероген хусусиятларга эгадир.

Атроф муҳитнинг булғаниши билан бирга, инсоният учун зарур бўлган табиий захиралар, биринчи навбатда, озик-овқат манбалари муаммоси оғирлашиб бормоқда. Ижтимоий ривожланиш давомида озик-овқат ишлаб чиқариш тўхтовсиз ўсиб борган бўлсада ҳозирги вақтда уни экстенсив кўпайтириш имконияти қарийб тугаб бормоқда. Глобал муаммолар тизимида жаҳоннинг барча мамлакатларида энергиянинг янги манбаларинини топиш зарурияти ҳам тобора биринчи ўринга чиқмоқда.

Маълумки, энергия захиралари икки хил — қайта тикланмайдиган (нефт, газ, кўмир) ва тикланадиган. (сув, шамол қуввати ва ҳ.к.) бўлади; Шунингдек, қувват манбаларинини ташқи (Қуёш) ва ички захиралари (масалан, атом ядроси) тарзида ҳам таъриф этиш мумкин. Ҳозир атом реакторларидан олинган энергия электр қуввати ишлаб чиқаришнинг 15 % га тўғри келмоқда. Кейинги пайтларда атом қувватидан фойдаланиш хусусида хилма-хил ва қарама-қарши фикрлар олдинга сурилмоқда. Чернобил фожиаси бу борадаги ташвишлар ўринли эканини кўрсатмоқда.

Жаҳон океани захираларинини ўзлаштириш масаласи ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инсоният олдида турибди. Уму-ман олганда, цивилизациянинг бутун тарихи давомида океан захиралари ва имкониятларидан оқилона фойдаланиш масаласи инсоният учун катта аҳамиятга эга бўлган. Океан кислород етказиб беради, ғоят катта миқдордаги маъдан хомашёси захираларига эга; оксил хом ашёси олиш учун зарур бўлган биомоддаларни салмоқ ҳажмда ҳосил этади, иқлимни тартибга солиб туради ва муҳим транспорт йули ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги вақтда жаҳон океани

жамият мавжудлиги ва ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардандир.

Жаҳон океани бойликларини ўзлаштириш жамият ва табиат алоқадорлигининг муҳим кўринишларидан биридир. Ҳозирги вақтга келиб, инсоният қуруқлик бойликларини, асосан, ўзлаштириб бўлди. Океан сувларидан илгари балиқ овланган, туз, магний, бром ёд, фосфор, натрий, калий плинган бўлса, эндиликда унинг тагидан нефт, газ, кўмир, темир, олтин, платина ва бошқа нодир металллар қазиб олинмоқда. Денгиз акваториялари остидаги нефт ва газ захиралари 1990-йилда қилинган ҳисоб-китобларга кўра 450 млрд тонна (нефтга айиантирилганда), металллар — қуруқликдаги захиралари ҳажмига тенг эканлиги маълум бўлди. Жаҳон океани ҳудудида кўмирнинг умумий захираси қуруқликдагига қараганда 250 мартадан кўпроқ, ҳозир қазиб олинаётган ҳажмдан эса 20 мартадан ортиқдир. 30 га яқин унсурдан иборат темир, маринес қоришмалари чуқур сув ости майдонининг қарийб 35 млн км² ни ташкил этади.

Океандан фойдаланишнинг анъанавий объектлари балиқчилик, сувўтларидан фойдаланиш ва ҳоказолар ҳозирги вақтда муҳим бўлиб қолмоқда. Масалан, 1975-йилда дунё бўйича 70 млн тонна балиқ овланган эди. Ҳозир эса анча ошиб кетди. Денгиз маҳсулотларининг сони ҳам кўпайиб бормоқда. 2000-йилда уларнинг ҳажми 130—133 млн тоннага етказилиши кутилган эди.

Дунё океани захираларидан фойдаланиш каби коинотни ўзлаштириш масалалари ҳам инсоният олдидаги глобал муаммолардан ҳисобланади. Бу биринчидан, коинотий тадқиқотларнинг қимматлашуви бўлса, иккинчидан, коинот бутун инсониятнинг мулки деб тан олинганидир. Кишиларнинг коинотга кириб бориши уни ўрганиши ҳам XX асрдаги фан ва техника тараққиёти асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Коинотни ўзлаштириш муаммолари глобал бўлгани учун барча мамлакатларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб, ундан бутун инсоният манфаатлари йўлида фойдаланилиши лозим. Коинотий назариялар соҳасида ҳам дунё олимлари ортасида бир-бирини истишо қиладиган турли қарашлар мавжуд. Улар ўртага қўйган фикрларга кўра, коинотни ўзлаштириш учун сарфланадиган маблағлардан океан ва қуруқликдаги оғир экологик вазиятни бартараф этиш, юрак-томир ва рақ касалликларини даволаш каби масалаларни ҳал этишда фойдаланиш лозим. Бу нуқтаи назар тарафдорлари коинотни тадқиқ этиш харажатларининг юқорилигига эътибор берадилар. Шунингдек

коинотдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш хавфи ҳам бу қарашларда ҳисобга олинган.

Иккинчи хил қарашларга кўра, коинотни ўзлаштириш зарур, чунки унинг ёрдамида тарихий тараққиётнинг бориши билан юзага келган вазифа ва муаммоларни ечиш мумкин. Бу қарашлар сиртдан қараганда, соф илмий мунозаралардек бўлиб кўринади. Лекин уларнинг замирида коинотни ўзлаштиришда етакчилик қилаётган давлатларнинг сиёсий, иқтисодий манфаатлари ётади. Ҳозирги асосий вазифа — коинотни ўзлаштиришни "бутун инсониятнинг манфаатлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари билан узвий боғлашдадир. Бошқа барча глобал муаммоларни ўрганишда ҳам шу мақсадлардан келиб чиқмоқ керак.